





ЎЗБЕК ХАЛҚ ФАНТАСТИКАСИ



СЕҲРЛИ ЭРТАКЛАР

IV китоб

Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти  
1986

РЕДКОЛЛЕГИЯ:

Матёқуб Қўшжонов, Ҳақим Назир, Нормурод Нарзуллаев, Тўра  
Мирзаев, Юсуф Султонов, Улмас Умарбеков, Малик Муродов,  
Ҳожиакбар Шайхов, Абдумажид Шомирзаев.

Ёзиб олувчи: Малик Муродов.

Тўплаб, нашрга тайёрловчилар:

Малик Муродов,  
Ҳожиакбар Шайхов.

С  $\frac{4702020000}{356}$  51 41—86 (04)—86

© Издательство «Ёш гвардия», 1986,

## ГУЛБОЙ

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир бўлган экан, бир бўлмаган экан, қадим-қадим замонда Зомин деган томонда бир подшоҳ ўтган экан, у ёшини яшаб, ошини ошаган экан. Подшонинг уч ўғли бўлиб, каттасининг исми Шодивой, ўртанчасининг оти Ҳодивой, ниҳоят, кенжасининг номи Гулбой экан. Подшоҳ, ўғиллари бирма-бир мактаб ёшига етганда, отаси уларни мактабга бериб, ўқитибди. Катта ўғиллари зехни сустигидан ўқишолмай, мактабни ташлаб кетишибди. Қунларини ўйин-кулги, шўхлик, шумлик билан ўтказишаверибди.

Одамлар, «ҳой, ўқинглар», дейишса, «бизлар подшоваччамиз, бизга ўқиш нима керак», дея қўрс жавоб берар эканлар. Устолар: «Ҳунар ўрганинглар», дейишса, «биз подшоваччамиз, бизларга ҳунарнинг нима кераги бор», дейишар экан. Қунлари шундай ўтаверибди. Кичик ўғли Гулбой тиришиб ўқибди, ҳунарларни қунт билан ўрганибди. Оқни оқ, қорани қора дейдиган, танийдиган бўлиб ўсибди.

Қунлардан бир куни подшонинг хаёлига бир гап келибди. «Белимдан қувват, оёғимдан мадор кетди. Қаридим. Улим хабар бериб, эшик қоқиб турибди. Тириклигимда ўғилларимни бир синаб кўрайчи, бисотимдаги бор нарсамни уларга тенг бўлиб берай, дебди ўзига-ўзи кўнглида. Кейин бир уй қурдирибди. Таги-усти, деворларини текис-тоза, луп-луччак қилиб, ичига битта ипчани ташлаб қўйибди. Бир куни учала ўғлини чақириб, уларга шундай дебди:

— Уй ичига кириб айланинглар-да, нима кўрсаларинг менга айтинглар,— дебди.

Аввал тўнғич ўғли Шодивой, сўнг ўртанча ўғли Ҳодивой кириб чиқибди.

— Ота, ҳеч нима кўрмадик,— дейишибди. Навбат

кенжа ўғли Гулбойга келибди. У кириб уйни бир айланибди-да, ердаги ипчанинг устига ўлтириб олибди. Шоҳнинг димоғи чоғ бўлибди.

— Ҳа, бўлди. Масала аён. Юринглар, кетдик,— дебди шоҳ. Эртасига ўғилларини ёнига чақириб, Шодига тожу тахтини, Ҳодига хазинасидаги молу дунёсини, Гулбойга бўлса, киссасидан чиқариб исми-аъзам ёзилган сеҳрли чопқичасини топширибди. Ҳаммаларини: «Барака топинглар»,— деб дуо қилибди. Гулбойни қўлидан ушлаб ўзига тортиб, пешонасидан бир ўпиб, кифтига оқистагина уриб: «Балли, ўғлим, балли»,— деб қўйибди.

Орадан кўп ўтмай шоҳ бир дардга чалинибди. Уч кун қаттиқ ётиб, тўртинчи куни азонда оламдан кўз юмибди. Шоди тожу тахтли, Ҳоди молу дунёли бўлишибди. Гулбой чопқичасидан бўлак ҳеч вақоси йўқлигидан уларга хизматкор бўлиб, ака-янгаларининг хизматини қилиб юраверибди. Гулбой отасидан қолган чопқичасини эҳтиётлаб, ҳамма ишларни жон-жаҳди билан қилар экан. Лекин акалари ҳам, янгалари ҳам, «уни қилмабсан, буни қилмабсан», деб турткилашгани— турткилашган экан. Акалари ва янгаларининг турткилари унинг жонига тегибди. Бир куни Ҳодивойнинг хотини: «Отангдан сенга ҳеч нарса қолгани йўқ, бу ердан йўқ бўл»,— деб Гулбойни ҳайдабди.

Бечора Гулбой йиғлаб-йиғлаб уйдан чиқиб кетибди. У кўчама-кўча, эшикма-эшик, қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар, ҳовлима-ҳовли юриб-юриб бошқа мамлакатга ўтиб кетибди. У ерда тиламчилик қилиб, кунини гоҳ оч, гоҳ тўқ, гоҳ нимтўқ ўтказиб юраверибди.

Мусофирликда тиламчилик қилиб юриши ўзига жуда таъсир қилибди. Кунлардан бир куни ўз-ўзига:

— Эй Гулбой, сен энди йигит бўлиб қолдинг-ку, шундай тиламчилик қилиб юраверасанми. Бирон бир жойда ишлаб, меҳнат қилиб нон есанг, еган нонинг ширин бўлмайдами?— дебди. Кейин бу фикридан ўздан-ўзи хурсанд бўлиб:— Эй, қалла, топдинг, меҳнат қилиб ишлаб, ҳалол ишлаб топиб е!— Гулбой ўзига-ўзи шундай дебди-да, эртаси тонгдаёқ туриб, ўша шаҳарда иш қидириб айланиб юрса, бир нонвойхонага болалар сув ташиб, майда-чуйда ишлар қилишаётган эмиш. Гулбой ҳам у ерга бориб нонвойхона остонасида:

— Ассалому алайкум, нонвой бобо, мени ҳам хизматингизга олмайсизми,— дея илтимос қилибди.

— Нима иш қиласан?— сўрабди нонвой.

— Нима иш буюрсангиз қилавераман, ўргатганингизни ўрганаман, ишдан қайтмайман,— дебди Гулбой.

— Майли, майли, ўғлим. Бизга сендек қобил, ишни яхши кўрадиган дастёр шогирд керак-да,— деб ичкарига киргизибди. Яримта нон бериб:— Ол, ўғлим, сувга ботириб еб ол. Сўнг ишга киришасан,— дебди нонвой. Гулбой суюниб, яримта иссиқ нонни совуқ сувга ботириб маза қилиб еб, қорнини тўйгазиб олибди. Нон ивирилган сувни косаси билан кўтариб шимириб ичиди.

Сўнгра нонвойга қараб:

— Ота, иш буюринг,— дебди ўрнидан ирғиб, туриб. Нонвой унинг қўлига иккита пақир бериб:

— Сув келтир,— дебди. Дарров икки пақирни кўтариб олиб, сув ташиб, ҳамма идишларни сувга тўлгазиб ташлабди. Сўнг ўтирмай, супургини олиб нонвойхонанинг ичи ва ташқариларини гулдай қилиб ялтилатиб супуриб чиқибди. Хамирдан бўшаган ҳамма тоғораларни тозалаб, эртага хамир қилинадиган унни элабди. Утинларни тайёрлаб тандирга тиқиб қўйибди. Эртага етадиган ўтинларни тандир ёнига тахлабди. Қўл-оёқ, юз-бўйинларини тозалаб ювиб артибди-да, нон сотишга қарашибди. Қолган нонларни рахт уриб тахтлабди. Нонвой Гулбойнинг чаққонлигидан, ҳар ишни фаҳму фаросат билан тартибли қилаверганидан димоғи жуда чоғ бўлиб: «Бу шогирдчам дуруст чиқади-ёв», деб ичида суюнибди. Кечқурун бошқа шогирдлари тўртта-тўртта нонни олиб, қиладиган ишларини ўлда-жўлда қолдириб, уй-уйларига жўнаб кетишибди. Гапни нонвойнинг аҳволдан эшитинг. Бечора нонвой нонвойлик қилиб кун кечириб, мол-дунё орттириш билан иши йўқ экан. Фарзандга зор экан. Кишиларнинг боласини кўрса юраги орзиқиб кетар экан. Шундан ўйлаб-ўйлаб бир олиб борайми, бир олиб бормайми, деб Гулбойни уйига олиб бормоқчи бўлибди-ю, лекин хотинидан хавотир қилиб, у нима деркин, деб уйга юр, демабди. Гулбойни, нонвойхонада ётасан, деб қолдириб кетибди.

Уйига бориб:

— Хотин, хотин, бугун худо бир етказди,— дебди.

— Нимани?— сўрабди хотини шошиб.

— Бир яхши ўғил берди,— дебди нонвой.

— Қани, олиб келмадингизми?— дебди хотини.

— Йўқ, аввал сенга айтмоқчи бўлдим. У шунақаям чаққонки, айтган нарсангни бирпасда битираверади.

Ҳечам тинч утирмайди,— дебди нонвой.— Жуда чаққон, қобил, фаҳмли, фаросатли бола.

Шунда юраги шув этган хотини:

— Э, отаси, нимага олиб келмадингиз, эртага албатта ўзингиз билан бирга олиб келинг, уни фарзанд қилиб оламиз, ўлик-тиригимизда шундай ўғил керак-да,— дебди.

Нонвой эрта азонда туриб нонвойхонага борса, Гулбой ўн қоп унни нон қилиб пиширибдики, нон ҳам катта, ҳам хушбўй, ҳам мазали, ҳам оппоқ бўлган эмиш. Харидорлар:

— Менга ўнта, менга йигирмата, аввал менга бер,— дейишиб, бир-бирларини итар-сур қилиб, талашиб олишаётган эмиш. Гулбой ҳадегунча ўн қоп уннинг нонини сотиб бўлибди. Ҳар куни шундай бўлаверибди. Нонвой ана-мана дегунча бойиб қолибди. Нонвойнинг хотини ҳар куни қистайвергач, бир кеча Гулбойни уйига олиб борибди. Гулбойнинг қобиллиги, ҳушёрлиги, озодалиги, чаққонлиги нонвойнинг хотинига ҳам жуда маъқул тushiбди. Гулбой уй шаронтига жуда тез кириб кетибди. Гулбой нонвой хотинининг қўлини тиндириб, кўнглини тўлдириб қўйибди. Нонвойни сайисхонасида бир Қорабайир оти бор экан. У отини етти йилдан бери ертўлада кун кўрсатмай боқиб ётган экан.

— Кел, ўғлим, буни кўр, ўзинг қарайсан, ўзинг минасан,— деб Гулбойга уни ҳам кўрсатибди нонвой.

— Бу отни минасизми?— сўрабди Гулбой.

— Йўқ, чиқара олмайман, жуда ҳам асов, ўйнайди, тепиб ё тишлаб мени майиб қилиб қўяди, деб қўрқаман,— дебди нонвой.

— Отажон, оқ йўл тилаб бир фотиҳа берсангиз, отни ман чиқараман,— дебди камтарона оҳангда Гулбой.

— Майли, ўғлим, оқ йўл, қўлингдан келса чиқара қол,— дебди нонвой ичида анча суюниб.

— Ота, эртага нон пиширгани мен бораман. Сиз қолинг-да, бир уста олиб келиб, ҳовлининг ҳов мана шу ерига жийда дарахтининг танасидан бир яхши отқозиқ ясатинг, жийда топилмаса дўлана бўлса ҳам майли. Чунки бу чўпларнинг хосияти жуда яхши бўлар эмиш. Буёғига қирқ киши сиғадиган каравот ясатинг, бошқасига иш тутмай, ўзимга қўйиб берасиз, хўпми, отажон,— дебди Гулбой.

— Хўп, майли,— дебди нонвой. Эртасига саҳар туриб Гулбой нонвойхонага қараб кетибди. Нонвой бобо



бир яхши уста олиб келиб, шогирд тайинлаган отқо-  
зиқни, шоҳона қилиб кáравотни ясатибди. Кечқурун  
Гулбой яна ўн қоп урни ёпиб, уни сотиб, чўнтагини пул-  
га тўлдириб, нонвойлик ишини саришталаб уйга қай-  
тибди. Нўхтаюган уриб, ўйнатиб-ўйнатиб, отни сайисхо-  
надан етаклаб чиқарибди-да, уста ясаган жийда қозиқ-  
қа калта қилиб боғлабди. От ўйноқлаб-ўйноқлаб, аста-  
аста бир оз босилибди. Гулбой отни қашовлаб, совун-  
лаб, ювибди. Сўнг намакоблаб майин латта билан ба-  
данини артибди, силаб-сийпабди. Отга булар жуда  
ёқибди. От десангиз шунчалик семириб, ялтиллаб ва  
дилсираб кетган эканки, уни қирқ кун майда-майда қо-  
зиқда айлантириб, оз-оз юритиб, жуда эҳтиёткорлик би-  
лан тозаям совутибди. Ҳар куни нонвойхонадан қайт-  
гач, шу мақом кузатиб, совутиб, отнинг яқинидаги ўша  
каравотга ётар экан. Бир оқшом доира овози, қарсак,  
ёр-ёр айтган базм овози авжга чиқибди. Нонвой уйғо-  
ниб кетиб, аста-аста оёқ учида юриб келиб пойлаб қа-  
раса, Гулбой билан қирқ париваш ўйин қилиб ётган  
эмиш. Нонвой ҳайрон бўлиб, хўп томоша қилибди.  
Нонвойнинг боши қотиб, нима гаплигини билмай ҳай-  
рон қолибди. Нима дейишини ҳам билмабди. Хай, та-  
ваккал, нима бўлса бўлар, деб бориб ўрнига дамгина  
ётиб ухлабди. Эрталаб қараса, ҳеч зот йўқ эмиш. От  
қантарилган эмиш. Гулбой яна нонвойхонага нон ёпга-  
ни жўнаб кетган эмиш. Орадан роса қирқ кун ўтгач,  
Гулбой отга эгар уриб, яна бир-икки кун қозиқ атро-  
фига арқонни узун боғлаб айлантирибди. Кунлар оша  
кунлар ўтибди. Бир куни Гулбой:

— Нонвой ота, фотиҳа беринг, эртага чоршанба ку-  
ни отни чиқариб миниб совутаман,— дебди.

— Кушойиши корингни берсин, ишинг ривожлик  
бўлсин,— деб узундан-узоқ оқ фотиҳа берган эмиш нон-  
вой отаси. Гулбой фотиҳани олиб, отни қозиқдан ечиб,  
юганини калта ушлаб, етаклаб дарвозадан чиқарибди-  
да, чап оёғини узангига қўйиб, ўнг оёғини кўтариб  
эгардан оширгунча от сапчиб осмонга кўтарилибди. От  
шунчалик шашт билан ирғибдики, у гўёки осмондаги  
Зухро юлдузини кўзлаётган эмиш. У шу айнос кетиши  
билан кунчиқар томонга чанг-тўзон чиқариб учиб ке-  
тибди. У бора-бора кўздан ғойиб бўлибди. Нонвойнинг  
хотини эри билан жанжаллаша бошлабди.

— Бир кўчада юрган бетайин болани топиб келдинг.  
Ана, энди отни миниб қочиб кетди. Уни энди қардан

топамиз. Етти йил боққан отимизни бердинг-қўйдинг ишониб. «Ишонмагин дўстингга, сомон тикар пўстингга», дейишгани мана шу-да,— дея додлаб йиғлаб хўп овоз солибди хотини. Нонвой бобо ҳам бу гапга ҳеч нима деёлмай, ранги ўчиб, қути қочиб, ҳайрон бўлиб қолган эмиш.

Орадан бир кун ўтибди, бола қайтмабди, икки кун ўтибди қайтмабди. Кампири қақиллаб, оҳ-воҳ қилиб бечора нонвой чолини кўз очиргани қўймабди. Хотинининг дод-войндан ён қўшнилари йиғилишиб, гап нимадалигини билиб афсусланишибди.

— Яхши от эди. Олиб қочибди-да, аттанг, аттанг, юз аттанглар,— дейишибди. Кейинги куни кечки пайт узоқдан бир қора чанг-тўзон кўтарилганини пайқашибди. Нонвой олдин, хотини орқасидан ўша томонга қараб югуриб кетишибди. Оҳ, уларнинг кўзларига Гулбой билан оти кўринган экан-да. Нонвой:

— Келди, келди,— деб хурсанд бўлиб қичқириб юборибди. Хотинига ҳам жон кирибди. Нонвойнинг тили узун бўлиб, нима дейсанки, бу ўғри эмас, тўғри йигит экан, деб хотинига танбеҳ бериб, тилини қисибди. Энди нонвойни ҳам, хотинини ҳам Гулбойга нисбатан ишончи ва меҳри ошаверибди. От ҳам, Гулбой ҳам қоп-қора терга ботиб кетган эмиш. Гулбой аста-аста отини юритиб келиб, отдан тушиб, чолу кампирга салом берибди. Кейин отнинг айил-пуштанини бўшатиб, юганини эгар қошига тортиб солиб, узангини қайтариб, эгарнинг қошига босиб, кечаси билан етаклаб совутар эмиш. Айлантириб — айлантириб келиб, бир даста йўнгичқанинг гулини қоқиб, отига сочиб ташлабди. Сўнг отни қозиқдан ечиб олиб, яна айлантирибди. Яна бир оз совутгач, эгарини узиб, жулпўши билан ўрабди. Бир соатча дам қўйиб, емини сўнгроқ берибди. Ўзи ҳам тўшакка эгни билан чўзилиб озроқ дам олибди. Тонг отай деб қолибди. Бола азонга бориб, отига сув берибди. Оти қалтирагандай бўлибди. Яна отни ечиб олиб, учтўрт чақиримча жойга жули билан миниб, йўрттириб келибди. Отнинг еган еми, ичган суви танасига ҳазм бўлибди. Йўлнинг четроғидаги шудгорга чиқариб «ху... у... ушт, ху-у-ушт», деб тутиб турган экан, от ҳордиқ чиқариб, сийибди. Сўнгра тезаклабди, аққол ёзилиб даммини ростлабди. Келтириб яна отни қозиққа боғлаб, қантариб қўйибди-да, азонда тагин нонвойхонасига жўнаб кетибди. Ҳар куни ана шу алфозда отни совутаве-

рибди, нонни ёпиб, сотиб келаверибди. Энди болани буёқда қўйиб, гапни бошқа ёқдан эшитинг.

Уша шаҳар подшосининг бир чиройли қизи бор экан. Унинг ҳуснижамолда тенги йўқ бўлиб, бўйи етиб қолган экан. Унга ҳар мамлакат подшоларидан ўғилларига олиб бермоқ учун совчилар кела бошлашибди. Аммо малика ҳеч кимни ёқтирмас эмиш. «Кимни ёқтириб қолса, ўшанга тегар эмиш»,— деган гап-сўз юртга ово-за бўлибди. Бу гапни Гулбой ҳам эшитибди-да, юраги орқасига тортиб кетибди. Сабри тугаб бетоқат бўлаверган эмиш. Кечки овқат палласида нонвойга қараб таъзим билан:

— Отажон, онамларга айтсангиз, подшонинг қизига совчиликка борсалар,— дебди Гулбой. Бу гапдан нонвойни юраги ёрилгундай қўрқиб кетибди.

— Эй, ўғлим, нималар деяпсан, бу қандай гап. У подшоҳ бўлса, унинг қизига онанг совчи бўлиб бора олармиди. Биз бир нонвоймиз. Биз тенги эмасмиз, қизини бермайди. Аксинча, аччиғи келиб, онангни ўлдириб қўяр,— дебди нонвой. Гулбой:

— Отажон, отажон, қўрқманг, элчига ўлим йўқ. Онам бормасалар сиз боринг, подшо қизини берар, бермаса йўлни берар,— деб ёлворибди. Бу гапни эшитиб турган кампир онаси:

— Дадаси, боринг, ўғлингизнинг шашти қайтмасин, шундай ўғлимизни куёв қилмай, подшоҳ кимни ҳам куёв қиларди,— деб далолат қилибди.

Нонвой нима қилишини билмай, боши қотган эмиш. Сўнг ноилож рози бўлибди. Уша кеча бориб нима дейишни ўйлай-ўйлай уйқуси қочибди. Эртасига тонг отиши билан турибди-да, оби-тахорат қилиб, икки ракаат намози-таваккални ўқиб, ўзининг икки кифтига қараб дам солибди. Кейин кампири билан хайрлашиб, қўрқа-писа, подшоникига қараб йўл олибди. Ниҳоят, етиб борибди. Саройга кираман деса, сарбозлар қўймай, «бу ерда навбат бор, навбат келса кирасиз», дейишибди. Нонвой уч кун кутибди. Сўнг навбат келибди. Подшоҳ тахтига бориб ўзини танитибди. Кейин қўрқа-писа ўғлидан совчиликка келганлигини айтибди. Подшонинг жаҳли чиқиб, дарғазаб бўлиб:

— Жаллод,— деб бақриб юборибди. Икки жаллод қилич яланғочлаганча эшикни шарақлатиб, очиб кириб келиб, «лаббай, кимнинг ажали етди», дея кўзларини

чақчайтириб, нонвойга қараб туришаверибди. Нонвойнинг ранги ўчиб, юраги ёрилгундай бўлиб, кўзлари олайиб, «ана энди ўлганим шу бўлади», дея жони оғзига тиқилибди. Оёқлари, қўллари қалтираб сочи салласини кўтариб юборибди, ўзидан кетиб қолибди. Шунда вазири:

— Шоҳим, унчалик шошманг, элчига ўлим йўқ, Совчиликка келган шоҳми, гадоми — у совчи. Сизда қиз, уларда ўғил бор экан. Умид билан келаверади. Мингта айтади, битта олади. Сиз шоҳ. Бир шарт айтингки, уни бажаришга ақли етмай, нафаси ичига тушиб кетаверсин, — дебди. Подшоҳ:

— Йўқ, бу мени масхара қилиб келган. Бир паст одам — нонвой бўлса, ман подшоҳ бўлсам, — дебди ҳамон ўзини босолмай. Анча вақтдан сўнг, нонвой ўзига келиб ерга букилганича, ичида: «Ё худоё, худовандо, ажалим ҳайдаб келган экан-да, паноҳингда ўзинг асра», деб кўзини милтиллатиб, енги билан артиб-артиб тураверибди. Вазирининг раҳми келиб, подшога қараб:

— Шоҳим, подшоҳи олам. Қийинроқ шарт айтинг. Нонвой эшитиб кетсин. Бажара олмайди. Шунда кўнгли ўзидан қолсин, — дебди. Подшо вазирининг гапини маъқул топиб, бир оз ҳовуридан тушиб:

— Ҳой, чол, қулоқ сол. Чорбоғимда ҳар томони қирқ газдан, баландлиги йигирма газ бир тилло ҳовуз ясавади уни ичгани зар-зевар, лаъл билан тўлдирса, ўғлингни куёв қиламан, — дебди. Нонвой чол подшоҳнинг гапини жону жаҳди билан эшитиб, аъзойи баданини қулоқ қилиб тинглаб, ёдлаб олибди-да, ирғиб ўрнидан туриб:

— Хўп, шоҳим, — дебди ергача эгилиб таъзим қилар экан.

— Бор, ўғлингга айт, шу шартни бажарса, қизим уники. Тушундингми? Нонвой боши билан «ҳа», деган ишорани қилибди.

Нонвой ўлмади қолганига минг-минг шукурлар қилиб, жонини ҳовучлаганича йиқила-сурила уйига қараб югурибди. Уйига кира солиб уҳ тортибди.

— Бола, мен айтмабмидим, шоҳ қизини бир бечора нонвойга берардим, деб. Нақ ўлиб кетувдим. Яхшиям вазир жонимга аро кирди. Сўнг шоҳ тўй солди, — дебди нонвой ўзини ўриндиққа ташлаб, ёнбошларкан.

— Отажон, шоҳ нима шарт қўйди? Яхшилаб тушунтиринг-чи? — дебди сабр-тоқати тугаб турган Гулбой.

— Шартти жудаям оғир. Уни ҳеч ким бажаролмайди. Шоҳнинг чорбоғи ўртасида ҳар томони қирқ газ, баландлиги 20 газ тилло ҳовузни кимки ясаса, унинг ичидан зару зевар, лаълу ёқутлар билан тўлдирса, ўшандор йигитга қизимни бераман, деди подшоҳ,— дебди нонвой уф тортиб. Шунда Гулбой ичида суюниб:

— Эй, отажон, шоҳ жуда енгил шарт айтибди. Шартини ўзим бажараман — ният қилдимми, унга етаман. Ноумид шайтон,— дебди ўрнидан ирғиб туриб, қўл қовуштирганча отасига қуллуқ қиларкан.

— А-а-а, қандай бажарасан?— ҳайрон бўлиб сўрабди нонвой.

— Мана кўрасиз, худо хоҳласа бажараман,— дебди журъат билан Гулбой. Гулбойни ғайратига, ҳимматига ҳайрон қолибди нонвой отаси.

Гулбойнинг ғайрати тошиб, эртаси эрталаб, отасидан таъзим билан ижозат сўрабди. Отаси ҳам, майли, деб ижозат берибди. Қўл очиб оқ фотиҳа бериб, дуо қилибди. Гулбой отаси ва онаси билан хайру хўш қилиб, номаълум томонга чиқиб кетибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир теракзорга бориб, энди нима қилдим, деб боши қотибди. Қандай қилсам шоҳнинг қўйган шартини бажо келтираман, деб ўйлаб ўйининг тагига етолмай турган экан, ёнидаги отаси берган чопқичаси қимирлаб қолибди. «Отам подшолигини катта акамга, сандиқ-сандиқ тилло-гавҳарларини ўртанча акамга берган эди. Уй ичидан чилвирчани топиб чиққанлигим учун отамни кўнгли суйиб, чопқичасини менга берган эди-ку. Шу кунгача у ҳечам эсимга келмабди. Қани олиб қарай-чи, нима хислати бор экан», деб чопқичасини олиб синчиклаб қараса, унда шундай ёзув бор эмиш: «Қимда ким, шу чопқичани ўнг қўлига олиб, уч марта исми аъзамни ўқиб, нима мақсади бўлса айтса, у бажаради. Ер тагига олиб туш деса, ер тагига олиб тушади. Осмондаги ойга олиб чиқ, деса, осмондаги ойга олиб чиқади, дарё тубига тушир деса, дарёнинг тагига олиб тушади». Ана шу ёзувларга кўзи тушган Гулбой бир покиза жойга бориб, чопқичасини киссасидан олиб, исми аъзамни етти бор ўқиб, сидқидилдан: «Подшонинг боғида тўрт томони қирқ газ, баландлиги йигирма газ тилло ҳовуз пайдо бўлсин!»— дебди. Шу заҳоти боғда тилло ҳовуз пайдо бўлибди. Яна шу оқшомда отасининг арвоҳидан мадад сўраб, исми аъзамни ўқиб, «ҳовуз зару зевар, лаълу ёқут, гавҳарга тўлиб-

тошиб, тўрт бурчагидан оқиб кириб, тўрт бурчагининг уён-буёнидан оқиб чиқиб турсин», дебди. Бу ҳам бажо келтирилибди. Тилло ҳовузга зару зеварлар, гавҳар, лаълу ёқутлар оқиб кириб, ҳовуз лиққа тўлиб, яна подшонинг боғига оқиб ётган эмиш. Ишни бажаргач, Гулбой отаси нонвойга қараб:

— Ота, отажон, шоҳ айтган шарт бажарилди. Боринг, шаҳрига хабар бериб, қизини сизга келинликка берсин,— дебди Гулбой. Нонвой шод бўлиб, эрта тонгда шоҳ даргоҳига йўл олибди. Бориб, навбат кутиб, навбати келгач, шоҳ ҳузурига кириб:

— Эй, шоҳи олам, султони бокарам. Мана, ўғлим шартингизни бажарди. Энди қизингизни келинликка берасизми, ё...

Шоҳ ишонмабди. Сўнг ўтирган тахтидан дурбинини олиб қарабди. Кўрсаки, тўрт томони қирқ газдан, баландлиги йигирма газдан тилло ҳовуз, айтганидан ҳам зиёд, айтган нарсаларига тўлиб-тошиб, яна боққа томон шариллаб оқиб ётган эмиш-да. Шоҳ шarti бажарилганлигига қойил қолибди-ю, аммо ичида: «Мен кимсан фалончи шоҳ, бу одам бир пасткаш нонвой бўлса, шунинг ўғлига қизимни бераманми?»— деб кўнглидан ўтказибди. Дили сиёҳ бўлиб, кўнгли ғаш тортибди. На-чора, подшонинг ваъдаси ваъда-да, деб ваъдасидан қайта олмай, юрагидаги дардини ҳеч кимга айтолмай, кечаси — тун қоронғисида бетўй-сур, бедапа-дуп, ўғринча қизини нонвойга қўшиб, «ўша ёққа олиб бориб, бир домуллони чақириб, хуппаки никоҳ қилдириб беринг ўғлингизга, ҳеч ким билмасин. «Шоҳнинг қизи» деб овоза қилсангиз, аввал сизнинг, сўнг қизим билан ўғлингизнинг боши танасидан жудо бўлади, тушундингизми?»— дебди. Қизи йиғлай-йиғлай унга эргашиб кетибди. Онасининг ҳам оғриғи ичида қолаверибди, йиғидан кўзлари муштдай-муштдай бўлиб шишиб кетибди. Нонвой қизини уйига олиб борганда, Гулбой билан кампир онаси суюнишиб, гиргиттон бўлиб қабул қилишибди. Нонвойнинг ҳам тили узун бўлиб, жон кириб қолибди. Эртасига нонвой кичкинагина тўйча қилиб, топинди қизини топинди ўғли Гулбойга никоҳлаб берибди. «Топинди қизи» малика ёшликдан ҳеч иш қилиб ўрганмаган, қўлини совуқ сувга урмаган экан, ош дейишса шавла қилиб қўйибди. Хамир қилса атала қилиб қўйибди, нон ёпса тандирдан нонни оқизиб, куйдириб юборибди. Қир ювса чала ювибди. Гулбой унга хамир қилиш, нон ёпишни,

нонвойнинг хотини ош пишириш ва кир ювиш каби рўзгор ишларини бошқатдан обдан ўргатишибди. Олдинига боши оғрибди, кир ювса қўллари ёрилибди, нон ёпса қўли куйибди, енгини олов олдириб юборибди. Азбаройи чарчаганидан кўзлари олайиб-бўзариб ўлтириб қолибди. Лекин қўли куйса ҳам, боши оғривса ҳам, қўлоёқлари қалтираса ҳам ақлини ишлатиб, ғайратини ишга солиб, ўрганиб олишга тиришибди. Ўзини шундай ишларга нўноқ эканлигини роса сезиб, тан олибди. Бор кучи-идрокини ишга солиб ўрганмоққа ружу қўйибди. Бора-бора оз-оздан, кўпроқ-кўпроқ билиб, ўрганиб кетаверибди. Эри Гулбойни ҳам аввалига яхши кўрмас экан. Улар меҳрибончилик билан ҳамма нарсани ўргата беришгач, эрини жуда ҳам яхши кўриб қолибди. Нонвой қайночаси билан, кампир қайночасини ҳам яхши кўриб, уларни жуда-жуда ҳам ҳурмат қилиб жонларини ҳузурга қўйибди. Улар ҳам уни доим: «Барака топ, қизим», дейишиб дуо қилишгани-қилишган экан. Гулбой билан Гулой бир-бирлари билан ўйин-кулги қилишиб, ёшлик завқини суришиб юришаверишибди. Орадан ою кунлар ўтаверибди.

Гапни энди подшодан эшитинглар. Бу ҳолатдан подшони ғам-ғусса босибди. Юраги эзилибди. Уйқуси қочиб, хаёл суриб, кечалари ухлолмайдиган бўлиб қолибди. Бир кеча ётолмай, боши оғриб чиқибди-да, эрта туриб тахтига борибди. Анча вақт ўтгач, вазири кириб келиб, салом берибди. Шоҳ алик олмабди. Бош вазири таажжубланиб:

— Эй, шаҳоншоҳим, сизга нима бўлди ё ёмон тушмуш кўрдингизми?— деб сўрабди. Шунда шоҳ ёрилиб:

— Дард бўл. Бало бўл. Ёмон туш кўрдинг эмиш? Ҳамма балони сен қилдинг. Бисотимдаги битта қизим — азиз фарзандни бетўй-сурсиз, никоҳсиз эрга бердириб юбординг,— дея подшо вазирини жеркиб солибди. Бош вазир:

— Нима, гуноҳ қилибманми? Менга шунчалик даргазаб бўласиз?— дебди ҳайрон бўлиб.

— Нонвойга шарт айтинг, деб сен айтмадингми?

— Айтдим.

— Эй, сен мени аҳмоқ қилдинг. Сенинг гапингга кириб, нонвойга шарт айтдим. У бадбахт бирпасда шартимни бажариб, гулдай шаҳзода қизимни бетўй-сур олиб кетди. Мен аҳмоқ ҳам ҳеч нарсадан-ҳеч нарса демай бериб юбораверибман. Мени эл-юрт олдида бадном

қилдинг, ҳаммасига сен айбдорсан,— дебди шоҳ ўзини қўйишга жой тополмай. Бош вазир ичида «гап буёқда экан-да», деб ўйлаб, анча хаёл суриб, хижолат тортиб:

— Ха-а, одамзот хом сут эмган, шоҳим, мен далолат қилган бўлсам, нонвой шунча шартни бажаролмайди-да, деб ўйлаган эдим-да. Ўзингиз ҳам шундай деб ўйлагансиз,— дебди. Подшо бир оз юмшаб:

— Энди нима қиламиз, мен баҳс<sup>1</sup> бўлиб, ёрилиб кетаётибман. Қандоқ қилиб кўнглимни бўшатаман. Шундоқ қизимни ҳе йўқ, бе йўқ, бир таги паст нонвойнинг ўғлига бериб юборганимдан қисилиб-қуриб боряпман. Бир иложини топ,— дебди кўзларига чарх ёш олиб шоҳ.

— Шоҳим, бир маслаҳат чиқиб қолди. Катта тўй қиласиз. Шунда тўй-гомоша тантанасини кўриб, ёзилиб кетасиз,— дебди вазир.

Шу ўйловни шоҳ ҳам ўйлаган экан. Дарров рози бўлибди. Шоҳ:

— Ўзингиз режа тузинг, тўйбоши бўласиз, майли, бошланг,— дебди шоҳ анча юмшаб.

— Майли, мен розиман, шоҳим,— дебди вазир.

— Етти иқлим подшосига хабар етказинг. Етти кечаю етти кундуз тўй эълон қилиб, бор ҳунарларингизни кўрсатинг,— дебди подшоҳ. Шундай қилиб, вазир тўйбоши бўлиб, тўй бўладиган кунни белгилаб, етти иқлим подшолигига хат-хабар қилиб, махсус тайёргарлик кўриб, ҳаммаёққа жарчи қўйиб бақиртириб-чақиртириб, қанча-қанча оту туяларни, қўтон-қўтон қўйларни сўйдириб, карнайчи-сурнайчи, ўйинчи, масхарабозларни тайёргарлик кўрдириб, от ўйинчиси, кучук ўйинчиси, каклик, бедана уриштириш, қўчқор, кучук уриштириш — боринги, кимнинг қанақа хунари бўлса кўрсатсин,— дея эълон қилаверибди. Хуллас, тўй бошланиб кетибди. Бу катта тантанали тўйга етти иқлимдан ҳамма ҳунармандлар келаверибди. Ҳар ҳунар-ўйинда биринчиликни олганга катта-катта совринлар ҳам белгиланибди. Ҳар подшоликлар ҳар хил ўйинчилари-кулгичилари ва оту полвонлари билан келишаверибди. Ҳар томонда ҳар ким ҳар хил ҳунарини кўрсатиб, етти кун бутун шаҳар учун катта байрамга айланиб кетибди. Шу етти кунда

---

<sup>1</sup> Д и қ қ а т — шева.



дунёнинг ман-ман деган зўр чавандоз полвонларига улоқ бердириб, роса улоқ чоптиришибди. Анча-мунча полвонлар томошабин бўлиб қолишибди. Шоҳ ҳамма ўйинлардан ҳам улоққа жуда қизиқибди. Шу боисдан шоҳнинг ўзи ҳам улоқнинг бошига бориб томоша қилибди. Энди гапни Гулбойдан эшитинг.

Нонвойнинг ҳалиги етти йил тағхонада ётган тўриқ қашқа отини боғлиқдан чиқариб Гулбой совутиб юрмабдими? Ҳа, бу тўйнинг овозасини эшитиб, яна ҳам уйқуни, ўйин-кулгини тарк этиб, отини хўп совутган эмиш. Улоқ бошланган куни Гулбой ҳам отини миниб майда-майда қадам ташлатиб борибди. Улоқ қизигунича аввалига отини айлантириб анча томоша қилибди. Баъзи полвонларнинг ҳунарини, сирини, кучини, найрангини синчиклаб кузатибди. Улоқ қизиб: «Ҳа, олди, қочди, узди, ташлади, солди», бўлавергач, Гулбой ҳам кийим-бошларини ечиб, нонвой отасига берибди-да, бошига қип-қизил белбоғни боғлаб, рағза ва қилчани, чакмонни кийиб, оёғига пошнаси баланд, узангини улоқ билан маҳкам қисиб оладиган этикни кийибди. Отга миниб олдида нонвой отасидан фотиҳа олибди. Киссасидан чопқичасини чиқариб, отасининг арвоғига сиғиниб, исми аъзамни ўқиб: «Е пири пешвозларим», деб отга минибди. Улоқ айни қизиган пайт экан.

«Ҳов, анави полвон олди. Адҳам полвон тортиб кетди. Холбўта полвон чангал солди. Нафас полвон оғзини очиб қолди! Босим полвон узди. Ҳа-ҳа, қаранг! Қувақув! Торта-торт! Қайтар! От сол! Ҳайда-ҳайда» бўлиб турганда, Гулбой ҳам: «Е ҳу-е, ҳу-у-у» ...деб отини қўшибди. Уша пайт овозаси оламга кетган Яздон полвон билан Иноят полвон қўш тақим бўлиб кетаётган экан. Уларнинг ўртасида Дўст полвон от солиб, улоқни ушлаб, чўзиб тортиб отларни отларга ўйинчоқдай уриштириб бораётган экан. Дўст полвон улоқни узиб олибди. Яна қий-чув кўтарилибди. Полвонлар «қайтар-қайтар» қилишиб, улоқни ўртага олишиб, саккиз полвон ушлашиб, ҳар ким ҳар томонга тортишаётган экан, Гулбой ҳам бориб улоқнинг белидан чилвир солибди-да, узанги эгарига маҳкамлаб, отига ишора қилиб, «ҳ-у-в», дебди полвонлардан улоқни шатирлатиб узиб кетибди. Улоқни елпиллатиб, учқур оти билан у қирдан-бу қирга, бу қирдан-у қирга ўтказиб кетаверибди. Ҳеч бир от Гулбойнинг отига етолмабди. Оти етганининг ҳам ҳеч қайси эгаси ундан улоқни тортиб ололмабди. Манман де-

ган полвонларнинг, «буёғи қандоқ бўлди, бу ким ўзи-я», деб оғзи очилиб қолаверибди.

Баковуллар жарчи чақиртириб, совринга кўп қимматбаҳо нарсаларни устма-уст эълон қилдираверишибди. Улоқни ҳеч кимга олдирмай, отини қушдай учуриб Гулбой ўзиб бориб, маррага етказиб ташлабди. Соврини олишга қарамай кетибди. Ана шундай қилиб, яна устма-уст улоқни келтириб ташлаб кетаверибди. Бундан баковуллар ҳам, томошабинлар ҳам ҳайрон бўлишибди. «Бу ким, қаерлик полвон? Совринга ҳам қарамайди», дейишиб, ҳаммаёқда дув-дув гап бўлиб кетибди. Бири биридан сўрайверишибди. Ҳеч ким билмасмиш. Фақат уни тўриқ қашқа отлиқ экани, бошига қизил белбоғ боғлаганидан белгилашиб, ҳамманинг кўзи шунда бўлибди. Охири баковуллар орқасидан чақирибди. Гулбой ақалли қайтиб ҳам қарамабди. Ҳеч ким, у фалончи полвон, мен фалон тўйда фалон мамлакатда кўрганман, деб айтолмабди. Баковулларнинг амри билан жарчи-хизматчилар ордидан от қўйиб бориб:

— Ҳой, ширағай полвон, яшанг! Юринг, баковуллар чақираётир, совринингизни олинг,— дейишса, у нонвойни кўрсатиб: «Ўшанга беринглар», деб ишорат қилибдида, яна улоққа от солиб кетибди. Улар нонвойни олиб боришибди.

— Полвон, шу одамга беринглар, деди,— дея совринларни нонвойнинг олдига тўкиб солишибди. Чол уларни йиғиб саришта қилолмабди.

Бу дафъа улоқни ташлатиб, «солимга от», деб жарчи эълон қилиб бақирибди. Гулбой отни ҳам олибди. Эртаси улоқ яна ҳар кунгидан қаттиқроқ, қизиқроқ давом этибди. Бугун туя қўйибди совринга. Туяни ҳам Гулбой олибди. Подшонинг амри билан охирги кундаги кўпкарининг пировардида, улоқ бўладиган жойнинг бир четида юлдузга тегиб турган қирқ зина ясатиб, бир саноч тиллони зинанинг юқори бошига қўйдирибди. Жарчилар:

— Кимки оти билан шу қирқ зинапоядан олтинларни саночи билан олиб тушса, олтин ўзиники!— деб жар солаверибди. Кўп полвонлар от солиб, баъзисининг оти, баъзисини ўзи майиб бўлаверибди. Ҳеч ким чиқолмабди. Улган-кетганлар ҳам кўп бўлибди. Гулбой сал чеккароққа ўтиб, чопқичасини олибди...

— Ё... ҳуй,— деб отини ўнглаб бошини қўйибди. Зи-



напояга етгач, жиловини кўтариб, «ху-в», дебди. Оти сакраб учиб қирқ зинапояга кўз очиб-юмгунча чиқиб кетибди. Ета солиб, Гулбой олтин тўла саночни кўл учида олиб, отини ўйнатиб, жиловлатиб, зинапоялардан рақс эттиргандай қилиб тушибди. Ҳаммани кўзи қамашиб, оғзи осмонга қараб очилиб қолибди. Сўнг, бир-бирларига қарашиб ва чавандоз йигитга:

— Офа-рин, офарин!— дейишиб, бақир-чақир қилиб юборишибди. Гулбойга, отига, марду майдонлигига ҳамма қойил қолибди. Томоша қилиб турган шоҳнинг ҳам жуда ҳаваси келибди.

— Уғлинг бўлса, шундай бўлса?— дебди ичида шоҳ, кейин ён-атрофидаги вазир-вужораларига қараб:— Ҳалоли бўлсин,— деб қўйибди. Шоҳнинг кўнгли жуда суйиб, баковулларига буюрибди:

— Ана ўша, ҳаммани қойил қилган чавандоз йигитни оти билан ўртага олиб дам бериб, катта зиёфат қилинлар, дебди.

Дарров чопарлар боланинг олдига бориб:

— Эй, чавандоз — полвон! Сизни подшоҳ даргоҳига зиёфатга таклиф қиляптилар, юринг,— дейишибди. Гулбой нонвой томонга ишорат қилиб:

— Ихтиёрим отамда, отам бор, десалар бораман, йўқ, десалар бормайман,— дебди соврин-саломларни йиғиб турган нонвой отасини кўрсатиб. Сарбозлар нонвойнинг олдига боришиб:

— Ассалому алайкум, ота!— деб таъзим қилишибди. Нонвой алик олибди. Шунда сарбозларнинг бошлиғи:— Ота, подшоҳ улоқда от суриб, улоқни ҳеч кимга бермай қўйган полвон ўғлингизни зиёфатга чорляптилар. Полвон ихтиёрни сизга солдилар, отамлардан сўранглар, дедилар. Рухсат берсангиз, подшоҳнинг ўрда-сидаги тўйига борсалар. Агар бемалол бўлса, ўзингиз ҳам борсангиз,— дебди.

— Хўп,— дебди нонвой. Сарбозлар, чопарлар ёрдамлашиб солимларни оту туяларга ортиб-тортиб, нонвойни уйига жўнатиб юборишибди.

Шоҳ амри — вожиб, начора. Гулбой полвон ҳам сарбозларнинг олдига тушиб, саройга қараб бораверибди. Гулбой полвон шоҳ саройига етгач, отидан чаққон тушиб, айил-пўштанини бўшатиб, етаклаб совутмоққа тушибди. Шоҳ сарбозидан бири:

— Эй, полвон, отни менга беринг, мен совутаман, мақомини айтинг, ўт, ем, берайми?— деб сўрабди.

— Йўқ,— дебди Гулбой,— отим ҳеч кимга кўнмайди. Бегонани олдида келса тишлаб, ортидан келса тепиб майиб қилади, яқинлаттирмайди,— дебди.

Гулбой отини уларга ишонмай, ўзи совутиб, вақт-вақти билан ўзи қарабди.

Шоҳлик Гулбой полвон шарафига катта зиёфат берибди. Уйин-кулги, дутор машқи ва ашулалар айтишиб полвонни хурсанд қилишибди. Эл тарқагач, Гулбой ярим оқшомда туриб, ташқарига чиқиб, отини қашовлаб, силаб-сийпаб озгина эркалатиб, иккаласи ўйнашибди-да, сўнг бир даста беданинг гулини қоқиб, қоziқ атрофига сочиб ташлабди. От айланиб, юриб есин, дебди-да. Яна бир-икки соатни ўтказиб ем халтасига емини илибди. Тонгга бориб сувини бериб, етаклаб, қимирлатиб хўп совутибди. Кейин отни қайтариб, қоziққа боғлабди. Сўнг кўнгли жойига тушиб, ўрдадаги ўзига ташланган алоҳида кўрпа-тўшакка кириб ухлабди. Эрталаб яна эл қатори туриб нонушта зиёфатни ебдилар. Сўнг полвонни шоҳ, ҳузурига чақиртирибди.

Гулбой полвон:

— Ассалому алайкум!— деб таъзим ва тавозени жойига қўйиб, шоҳ нима дейишини кутиб, сукут сақлаганича тураверибди.

— Эй, полвон! Мард йигит! Қимсиз? Қаерликсиз? Аслингизни, наслингизни айтинг. Улоқда антиқа хизмат ва ўйинларни кўрсатдингиз. Дилимни шод қилдингиз. Маъқул йигит экансиз. Сиз билан яхши танишмоқчимиз,— дебди шоҳ. Атрофида ўтирган вазир-вузаролари ҳам гапни тинглашиб, бошларини сараклатиб тасдиқлашибди.

Гулбой полвон гап бошлабди. У бошидан ўтган-кетганни қисқа гапириб, фалон мамлакат шоҳининг ўғли эканлигини, отаси ўлгач, акалари, янгалари сиқуvidан қочиб, бу мамлакатга келиб эшикма-эшик юрганлигини ва ниҳоят, бир нонвойга шогирд — ўғил бўлганлигини айтган экан, бу ўзининг куёви чиққанлигини билиб, севинганидан шоҳнинг кўзига ёш келибди, ирғиб ўрнидан туриб:

— Келинг, берироқ келинг, болам! Мен қари отангизни кечиринг, болам. Танимаганни сийламас қилибман,— деб Гулбойни қучиб ўпибди.

Вазир-вузаролари ҳайрон бўлишиб бир-бирларига қарашибди. Бош вазир ҳам ичида роса суюнибди. Подшоҳ:

— Нега бундай қилдингиз, болам? Бошда айтаверсангиз бўлмасмиди кимлигингизни?— деган экан, Гулбой:

— Ота, мен бошда айтмаганимнинг боиси, сиз айтганимда ҳам ишонмас эдингиз. Қандай қилиб подшоҳнинг ўғли нонвойга ўғил бўлиб қолади, деб.

— Тўғри айтасиз, болам!— дебди подшоҳ. Шоҳнинг кўнгли жойига тушиб, қувониб кетганидан яна қирқ кечаю кундуз тўй-томоша буюрибди. Тўй тантанасига нонвойни, нонвой хотинини ва қизи Гулойни чорлабди. Ана шундоқ қилиб, Гулойим қизини полвонга бошқатдан никоҳлатиб берибди. Гулойимга яна қирқ канизакни хизматкор қилиб қўйибди. Вазир-вузаролари, хешу ақраболарининг олдида подшоҳ:

— Эй, Гулбой полвон ўғлим! Мен қариб қолдим. Юртни сиз сўранг, тожу тахтимга соҳиблик қилинг,— деб, тожу тахтини тантана билан Гулбойга топширибди. Қизини вазирликка тайинлабди.

Гулбой тахтга чиққач, мамлакатни қайта текшириб, паст-баланд, яхши-ёмонни хўп ўрганиб, адолат ўрнатибди. Аввал бошлаб етим-есирларга қарашибди. Кексаларни жуда ҳам ҳурмат қилибди. Барча халқни қарияларни ҳурмат қилишга чақирибди. Нонвойни олиб келиб, шоҳликдан ўрни бериб, кўп сийлабди. Олим, доноларни сарафроз этибди. Эли шод, мамлакати кундан-кунга обод бўлаверибди. Гулбой подшоҳ кунлардан бир кунни хотинига:

— Мен, бир ота юртимга бориб, акаларимни кўриб келай,— дебди-да, юртни хотини Гулойимга топшириб, отига миниб, йўлга тушибди. Оти тулпор от эмасми, «ху-в», деганида бир сакраб, қўлтиғидаги қанотларини чиқариб, осмону фалакка кўтарилибди. Булутдан булутга, кечаси бўлса ҳам юлдуздан-юлдузга ўтиб, Гулбойни отасининг юртига олиб борибди. Отини бир тепалик орқасида боғлаб, ўтловга қўйиб, нонвойлик тўнини кийиб шаҳар оралабди. Катта акаси отасидан қолган подшоликни эпполмай вазирга бой бериб қўйган экан. Вазир уни зиндонга ташлаб, кунига битта қора нон билан, бир моховкосада сув берар экан. Гулбой ўртанча акасини излабди. Ўртанча акаси тилло-пиллоларини ебичиб, қиморга урдириб тугатибди. Ноилож қолиб, энди гадойчилик билан шуғулланар экан. Ҳар иккала акаси ёшлигида вақтини бой бериб, ўқимай, ҳеч нарсани ўрганмай, билмай, эркатой бўлиб ўсишган экан-да. Шу-

нинг учун шу аҳволга тушиб қолишибди. Гулбой отининг қошига қайтиб келиб, унга миниб, киссасидан чопқичасини олиб, яна исми аъзамни ўқиб, шаҳарга кириб подшога ҳужум қилибди. Подшони асирга олиб, зиндон қилибди-да, акаларини топтирибди. Эски бир ўртоғи бор экан, чўпонлик қилиб юрган экан, уни топиб подшоликни топширибди. Акаларини ўзи билан икки тулпор отга миндириб олиб кетибди.

Уч ака-ука уч тулпорда осмону фалакка кўтарилишиб, озгина вақтда Гулбой шоҳлик қиладиган мамлакатга етибдилар. Шундай қилиб, Гулбой подшоҳ бўлиб, Гулойим вазир бўлиб, мамлакатни адолат билан сўрашиб, муроду мақсадларига етибдилар.



## О И Ж А М О Л

Қадим-қадим замонларда, эл-юрт омонликда, катта-кичик саломатликда, катта ҳурматда, кичик иззатда бўлган бир пайтларда кунботар томонда бир подшо подшолигини қилиб, юртини сўраб ўтган экан. Подшонинг тилаб олган бир қизи бўлган экан. Подшонинг шу қизи қирқ канизаклари билан бирга отаси қурдириб берган Боғи Эрамдаги олтин тахтда ўтирар экан. Кунлардан бир кун подшонинг қизи боғдаги олтин тахтда ўтириб, қирқ канизаги билан суҳбат қураётган экан, боққа бир ёлдор кўк бўри келиб бир улыбди денг, бирпасда ҳаммаёқ қоронғи тушгандай туман бўлиб кетибди. Бир пайт қоронғилик тугаб, туман тарқаган экан, қирқ канизаклар қарашса, подшонинг қизи йўқ эмиш. Канизаклар зир югуриб, ҳаммаёқдан уни излашибди, топишолмабди. Энди нима қилдик, отаси қизим қани, деса нима деймиз, деб қўрқиб, йиғи-сиғи қилишибди. Улардан бири анча зийрак, оқ-қорани таниган, яхши-ёмонни кўрган экан. Оти Гуласал экан. Гуласал:

— Бекордан-бекорга қўрқиб, йиғлаб-сиқтаб юрмайлик. Подшога бориб: «Қизингиз бир йигит билан қочиб кетибди, дейлик», дебди. Бошқа бир канизак:

— Сенлар қаерда эдиларинг, қизим қочиб кетаверибди-ю, сенлар индамай туравердиларингми, дея подшо дорга торттириб ёки тириклайин кўмдириб юбормайдим,— дебди. Канизаклар бири у дебди, бири бу дебди. Хулласи калом, Гуласал подшонинг олдига бориб:

— Эй шаҳаншоҳ, бир қошиқ қонимдан ўтинг, бир хабар айтай,— дебди. Подшо:

— Утдим, айт. Аммо хушxabар бўлса, олтин-зар бераман, ёмон хабар бўлса, тириклайин кўмдираман,— дебди. Гуласал:



— Осмонда чарақлаб ҳаммаёқни нурафшон қилиб, кишилар кўзини қамаштириб турган чўлпон юлдуз-нигизга кимдир нигоҳ ташлабди, боғингизни безаб турган гулингизни қандайдир қўл узибди, олтин қасрингизни ёруғ қилиб турган чироғ ўчибди. Нима қилайлик, буюринг,— дебди. Гапининг мазмунини тушунган подшо:

— Оҳ, қизимдан айрилиб қолибман!— деб дод-фарёд қилиб, ҳушидан кетибди. Икки-уч кун ҳушидан кетиб ётгандан кейин ўзига келибди, тепасида турган вазир:

— Шоҳим, буюрсангиз қизингиз маликани ахтариб топсак,— дебди. Подшо:

— Қизимни ким излаб топиб олдимга олиб келиб менга кўрсатса, бўйи баравар олтин бераман,— дебди. Подшонинг бу сўзларини жарчилар жар солишиб оламга ёйишибди. Аммо ҳеч ким: «Мен подшонинг қизини излаб топиб, уни саройга олиб бориб, отасига кўрсатаман», деб чиқмабди. Талабгор чиқмаганидан подшо баттар касалланибди. Орадан қирқ кун ўтиб, подшо: «Қизим энди дев ё аждарҳо қўлига тушган экан-да, улар ҳалок этган экан-да, одамзод олиб қочганда, бирон-бир хабарини эшитган бўлардим», деб тақдирга тан бериб, ишга чиқибди. Аъёнлари билан суҳбат қуриб ўлтирган экан, бир бола рухсат сўраб кириб келибди.

Бу бола подшоликнинг энг чет бир жойида яшайдиган бир чолнинг ўғли экан. У ёшлигида сочи тушиб кетган кал, чечакдан чўтир бўлиб қолган экан. Шундай бўлсаям ота-онаси «оппоғим», деб катта қилган экан. Кал, чўтир боланинг оти Асқар бўлиб, ёшликдан кўп ақлли, доно бўлиб ўсибди. Даладан ўтин териб келиб, уни бозорга олиб бориб сотиб, ота-онасини боқар экан. Маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар ҳам уни яхши кўришиб, жудаям ҳурматини жойига қўйишар экан. Асқарнинг ўзиям одамларга қарашгани-қарашган экан. Одамларни деб, ўзини ўтга, чўққа урар, сувга тушаркан. Подшонинг шартини эшитиб, одамлар Асқар калга:

— Бориб, бахтингни синаб кўр,— дейишибди. Олдинига кўнмабди, кейин рози бўлиб, подшоликка бориб, рухсат сўраб, олдига кириб:

— Эй, шоҳим, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бир гап айтсам,— дебди.

— Айт, кечдим,— дебди подшо.

— Йўқолган қизингизни мен топиб келаман. Менга от билан совут-қалқон берсангиз,— дебди бола.

— Сен кимсан ўзинг? Шунча кундан бери, қизингни топиб бераман, деган биронта талабгор чиқмади-ю, сен қаёқдан ҳам топардинг. От билан совут-қалқонни олиб қочиб қолмоқчимисан, мени лақиллатмоқчимисан,— дебди. Кейин вазирига:— Манави мени лақиллатмоқчи бўлган овсарни зиндонга ташла, у ерда чириб ўлиб кетсин,— деб буюрибди. Шунда вазири:

— Боланинг айтганини қилиб кўрайлик, қочиб кетса уни топиш қийинмиди, ерга кирса қулоғидан, осмонга чиқса оёғидан тортиб олдингизга олиб келарман,— дебди. Подшо рози бўлибди. Кейин болага қараб:

— Майли, қизимни излаб топиб, ўлик-тириклигидан хабардор қил. Айтганимни қилсанг, сенга бошинг баровар олтин бераман,— дебди.

Асқарвой подшонинг қизини қидириб йўлга тушибди. Йўл юриб-юриб, юрганда ҳам оз эмас, анча юриб, орадан неча кун, неча ойларни ўтказибди. Юриб-юриб, ҳориб-чарчаб бир тоққа бориб қолибди. Отидан тушиб, отини тушовлаб, икки тоғ орасида дам олиб ўтирган экан, шу яқин орадаги ғор ичидан одамнинг овози эшитилибди. Асқар уёққа қараб ҳеч кимни кўрмабди, буёққа қараб ҳеч кимни кўрмабди. «Шунчаки қулоғимга эшитилди шекилли», деб ўтирган жойида ўтираве-рибди. Бир пайт яна одамнинг товуши эшитилибди. Асқар уёққа қараб бирон-бир кишини учратмабди, буёққа қараб бирон-бир кишини учратмабди. «Қизик бўлди-ку», деб ўйлаб турган экан, яна овоз эшитилибди. Шунда Асқарбек отига яқинроқ келиб қараса, от безовталаниб ер тепинаётган эмиш.

— Бу ерда ҳеч ким яшамаса керак. Одам яшамайдиган жойда одамнинг товуши келиши қизиқ. От ҳам бир нарсани сезаётганидан безовталаняпти,— деб уёқ-буёққа юрибди. Шу пайт бир ғорни кўриб қолибди. Ғорнинг оғзи тегирмон тоши билан бекитиб қўйилган эмиш. Ғорнинг олдида турса, одам товуши яна эшитилибди. Тегирмон тошини кўтариб олиб ташлаш учун бола роса уринибди. Аммо ҳатто қимирлатишга ҳам кучи етмабди. Энди гапни ана шу ғордан сўранг.

Ғор кўк ёлдор бўрининг уйи бўлиб, у ўша кунни олиб қочган подшонинг қизини хотин қилиб олиб, шу ерда яшар эди. Подшонинг қизи кўк ёлдор бўридан бир ўғил кўриб, унинг отини Толмасбек қўйган эди. Бола ёшлик-

даноқ шундай кучли бўлиб ўсибдики, бир қўлида тегирмон тошни кўтариб, бир қўлида сандиқдай-сандиқдай тошни соққадай ўйнаб юрадиган бўлибди. Толмасбек уй оғзидаги тегирмон тошни олиб ташлаб, ташқарига ўйнагани чиқибди. Ташқарига чиқиб Асқарбекни кўриб:

— Кимсан?— дебди.

— Мен Асқарбекман,— жавоб берибди бола.

— Нима қилиб юрибсан. Бу ерга ҳеч ким оёқ босиб келишга журъат этолмайди-ку?— дебди маликанинг ўғли. Асқар ҳамма гапни айтиб берибди. Бола Асқарбек билан бирпас гаплашиб ўтириб, кейин уйга кириб кетибди. Кириб онасига:

— Ташқарида бир одам турибди. Уйга киритаймин-йўқми, деб сиздан сўрагани келдим,— дебди. Подшонинг қизи:

— Дарров уйга олиб кир. Сўрайлик-чи, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бу ерга нима мақсад билан келдийкин?— дебди. Толмасбек тегирмон тошининг тешигига қўлини тикиб даст кўтариб ердан узиб олиб, отиб юборибди. Бола отиб юборган тегирмон тоши пирпираб осмонга кўтарилиб, тоғнинг орқасига бориб тушибди. Дўпиллаб тушганидан, «болам келган одамзодни отиб юборди»,— деб ўйлаган подшонинг қизи югургилаб ташқарига чиққан экан, Асқарбекни кўриб қолибди. Анчадан бери ҳеч кимни кўрмаганидан хурсанд бўлиб, уни уйга олиб кирибди.

— Бу ерларга одам оёқ босмаган. Мен бир сабаб билан келиб қолганман. Қайтиб кетай десам боламнинг отасидан кўрқаман, у пайқаб қолса, йўлдаёқ ушлаб олиб ҳалок қилади,— дебди малика, Асқарбек излаб юргани подшонинг қизи ўзи эканлиги ва бошқа ҳамма гапларни айтиб бўлиб:

— Отангизнинг сизни ахтармаган жойи қолмади. Тополмагач, кўкрагини заҳга бериб ётиб олди. Мен унга ёрдам бериш учун сизни излаб топиб, сиздан хабар бериш учун келдим,— дебди. Малика:

— Агар гапингиз рост бўлса, тез бўлинг, йўлга чиқишимиз керак. Эримнинг келиши ҳам яқинлашиб қолди. Келиб қолса, асл зотинг билан гаплашибсан, деб сизни ҳам, мени ҳам ўлдиради,— дебди.

Асқарбек, малика, Толмасбек учовлон йўлга чиқишибди. Шошиб-пишиб кетишаётган экан, кўк ёлдор бўри кўриб қолибди. У тез қайтиб келиб, уларни кўрмаслиги ҳам мумкин экан-у, аммо боласи отиб юбор-

ган тегирмон тоши олдига гупиллаб тушганда, уни таниб: «Уйда бир гап бўлди, тез етиб бормасам бўлмас», деб шошиб-пишиб бу ҳам йўлга чиққан экан. Бир пайт олдилардан чанг кўтарилганини кўриб, малика:

— Бизни худо урди! Отаси қочганимизни билиб қолиб йўлимизни тўсиб чиқди. Ҳозир етиб келиб, буларни ейди,— дебди. Толмасбек:

— Отам ҳеч нарса қилмайди, мен борман, сизларга тегмайди,— дебди. Малика:

— Отангинг феълини сен билмайсан. Ҳозир келди-да, шўримизни қуритади,— деб қўрқиб, титраб қақшайверибди. Орадан кўп ўтмай, кўк ёлдор бўри етиб келиб.

— Қаёққа? Бу одамзод ким?— деб саволлар берибди. Подшонинг саволларига нима деб жавоб беришни билмай, ер чизиб қолишибди. Кўк ёлдор бўри:

— Тушундим! Мени ташлаб қочиб кетмоқчи экансан-да,— деб хотинига ташланган экан, Асқарбек орага тушиб уни сақлаб қолибди.

Узининг юз-кўзи қип-қизил қон бўлибди. Кўк ёлдор бўри яна ташланган экан, Толмас тўсиб келибди. У боласини жудаям яхши кўрар экан. Уни уриб сўколмабди. Хотинига ёпишаверибди. Шунда Толмасбекнинг жаҳли чиқиб кетиб, отасининг белидан ушлаб, боши бўйи кўтариб отиб юборибди. Кўк ёлдор бўри осмонга терак бўйи чиқиб ерга тушибди-ю, ўша заҳоти тил тортмай ўлиб қолибди. Асқарбек, малика, Толмасбек учовлон йўлга тушишибди, йўл юришибди, йўл юришса ҳам оз эмас, мўл юришибди. Қирқ кун деганда саройга етиб келишибди. Асқарбек ичкарига кириб:

— Қизингизни топиб келдим, ана, ташқарида турибди,— дебди. Подшо бошлиқ вазиру уламолар ташқарига чиқишиб, подшо қизини кўриб, ҳол-аҳвол сўрашиб, ичкарига олиб киришибди. Қолганлар ўзи билан ўзи бўлиб, кўчада қолиб кетибди. «Бизнинг ҳеч кимга керагимиз йўқ экан-да, буёқларга бекорга келган эканман-да», деб Толмас аразлаб, келган томонига қараб жўнаб кетибди. Толмасбекни аразлаб, йўлда кетишда қўйиб, икки оғиз гапни ичкаридан — подшо билан қизидан эшитинг.

Подшо қизини уйига олиб кириб, оқ кигизга ўтқизиб, суяб-қучиб ўлтирибди. Бир пайт малика ён-атрофига қараб, ўғли Толмасбекни кўрмай:

— Неварангиз қани?— деб сўрабди. Подшо:

— Қанақа невара? Қимни айтяпсан, оңа қизим?— дебди. Шунда малика бўлган воқеани бирма-бир ҳеч бирини қолдирмай айтиб берибди. Подшо:

— Ҳали неварам ҳам бор экан-да, тез бу ерга олиб киришлар,— деб буюрибди. Вазир ташқарига чиқиб қайтиб киргач:

— Ҳеч ким йўқ,— дебди. Шунда малика:

— Ота, неварангиз ёлғиз ўзи қолиб, аразлаб кетган бўлса керак,— дебди. Подшо вазирига:

— Неварамни тез топинглар, қаердан бўлсам топиб ҳузуримга келтиринглар,— дебди. Малика:

— Ота, мени топиб келган болани ҳам хурсанд қилдингизми? У менга етгунча кўп машаққатлар чекибди,— дебди. Шундагина подшо Асқарбекни эслаб, йўқлатибди. Унга бошдан-оёқ сарпо бериб, олтинлардан берган экан, калвой уларни олиб ота-онасининг олдига жўнаб кетибди. Толмасвойни ахтариб кетган одамлардан бирови унга етиб олиб: «Бобангиз чақиряптилар», деган экан, кўчада қолганлигидан анча хафа бўлган Толмасвой бояги одамга бир ҳамла қилиб, уни ушлаб отиб юборибди. У бир тош жойга бориб тушиб, тилка-пораси чиқибди. Шериклари орқаларига қочиб, подшога:

— Неварангизнинг феъл-атвори жуда ёмон экан, бировимизни ушлаб олиб отиб юборган эди, тош ерга бориб тушиб тил тортмай ўлди,— деб арзи ҳол қилибди. Подшо ҳайрон бўлиб, «сен нима дейсан», деб қизига қараган экан, малика:

— Ўзи шунақа баджаҳл. Унга яхши гапириш керак. Яхши гап, ширин тилнинг гадоси,— дебди. Подшо, «ширин тилли бўл», деб тайинлаб, яна орқасидан одам юборибди. Толмасбой уни ҳам ушлаб олиб отиб юборибди. Бу ҳам бир чақирим жойга бориб тушиб, ўлиб қолибди. Шериклари қайтиб келиб, подшога:

— Набирангизни жаҳли ёмон экан, бировимизни ушлаб олиб осмонга отиб юборди, ерга тушиб тил тортмай ўлди-қолди. Биз зўрға қочиб қолдик,— дейишибди. Подшо нима қилишини билмай қолибди. Кейин қизининг маслаҳати билан кийимларини ўзгартиб подшонинг ўзининг изидан тушибди. Подшо Толмасвойнинг олдига келиб:

— Бобангиз чақиряптилар,— деган экан, Толмасбойнинг жаҳли чиқиб бир ҳамла қилиб уни ушлаб олиб осмонга қараб отиб юбормоқчи экан, ердан кўтаролмаб-

ди. Яна чиранибди, ердан бир қарич кўтара олибди, холос. Учинчи мартаба «ё пирим», деб кўтарган экан, бобосини ердан узиб олибди. Осмону фалакка отиб юбормоқчи бўлган экан, подшо юзидан ниқобини олиб:

— Отма болам, мен бобонгман-ку!— дебди.— Танимадингми?

Толмасбой бобосига қараб, онасига ўхшатиб, кейин бобоси эканлигини билиб, уни ерга қўйиб, хўрлиги келиб йиғлаб юборибди. Подшо:

— Сал бўлмаса ўлдириб қўяй дединг-а, болам,— дебди.

— Танимадим-да, ота,— дебди бола. Кейин икковлон танишиб, бир-бирларини суюб-қучиб саройга қайтишибди. Подшо қизига:

— Болангнинг феъли кўп чакки экан. Мени ҳам ўлдириб қўяй деди-я!— дебди. Толмас подшоликда қолиб, онаси ва бобоси билан бўлиб, яхши кун кечири бошлабди. Кунлардан кун, ойлардан ой ўтиб, Толмасбек ўсиб-униб вояга етибди. Ақл-заковот, фаҳм-фаросат, куч-қувватда ҳаммани лол этибди. Бир куни подшо бобоси Толмасбекни ёнига чақириб:

— Болам, сиз подшоликка лозимсиз. Биз қариб қолдик,— дебди. Шунда Толмасбек:

— Йўқ, ота, сиз ҳали бардамсиз. Сиз ҳаёт экансиз, биз подшолик қилсак ақлдан бўлмас, менинг тахтга ўтиришимга онамнинг ҳам кўзи етмас. Тахтингиз ўзингизга насиб қилсин,— дебди. Бу гапдан подшо бобоси хурсанд бўлиб:

— Раҳмат, ўғлим,— дебди.

Яна кундан кун ўтибди, ойдаи ой ўтибди. Бир куни подшо овга чиқадиган бўлибди. Ёнига Толмасбекни олиб овга чиқибди. Кечгача ов овлаб, на бир қуён на бир қуш ё тулки ота олибди. Подшо кечгача ов қилиб чарчаб, бир жойга борганда: «Шу ерда дам оламиз. Овни эртага давом эттирамин», дебди. Бир ерга жой қилиб ётиб қолишибди. Тун қоқ ярим кеча бўлганда сахро томонидан олов пуркаб бир нарса келаверибди. Қўзларининг катталиги тегирмоннинг тошидай эмиш. Оғзидан чиққан оловига йўлидаги гиёҳлар — ҳўлми-қуриқми — ловиллаб ёнар эмиш. Бирпасда ҳаммаёқни оловга ўраб аждарҳо етиб келиб, уларни ўраб, айлана қилиб, ётиб олибди. Ҳамма нима қилишини билмай, қўрқиб-писиб аждарҳога тикилганча тураверибди. Аждарҳо подшо одамларини думи билан бир уриб йиқи-

тиб, битталаб юта бошлабди. Подшо қараса, ўзи билан неварасига навбат келай деб қолибди. Шунда аждарҳога қараб:

— Эй, аждарҳо, биламан, сен дунёда энг кучлисан. Қўлингдан ҳамма иш келади. Гапимга яхшилаб қулоқ сол. Нима қилсам, одамларимни емасдан бизни бўшатиб юборасан,— дебди. Аждарҳо:

— Мингта от, мингта қўй, мингта қиз-ўғил, буларга қўшимча неваранг Толмасбекни ҳам берасан. Шунда сени озод қиламан. Агар шу айтганларимни бажармасанг, сенларни бирма-бир ютиб, юртингни вайрон, эли-ингни ҳайрон қиламан,— дебди. Подшо нима қилсам бу ҳўл балодан қутуламан, деб боши қотиб, ақли шошиб турган экан, вазири:

— Шоҳим, бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, бир гап айтсам,— дебди.

— Айт,— дебди подшо. Вазир:

— Ҳозир ёлғондан шунчаки рози бўлинг, юртга қайтгач, айтганларингни бераман, денг-да, қутулиб олинг. Юртга боргач, бир маслаҳат қилармиз,— дебди. Бу гап подшога маъқул бўлиб, аждарҳога қараб:

— Эй, аждарҳо, сен шунча от, одам, қўй-мол сўрайсану биз бермасмидик. Бажонидил берамиз. Аммо уларни ҳозир қаердан оламан. Эл-юртга қайтай, айтганларингни топиб, сенга юборай,— дебди. Аждарҳо:

— Бўлмаса сени пайшанба куни айтган нарсаларинг ҳамда неваранг билан эски ҳовуз олдида кутаман,— дебди. Кейин:— Кеч қолма тагин, кейин ёмон бўлади. Тагин пушаймон еб юрма,— деб қўшимча қилибди. Подшо аждарҳодан қутулиб, ўз юртига қайтибди. Подшо билан аждарҳо ўрталарида бўлиб ўтган гап-сўзни Толмасбек эшитиб қолган экан. «Подшо менга боболик қилмади. Қайси бобо набирасини аждарҳога ўз қўли билан тутди. Ҳеч қайси бобо шундай қилмайди», деб хафа бўлиб, ичида йиғлаб, сиртида кулиб, бу ҳам саройга қайтибди. Саройга қайтиб онасининг олдига кириб, бўлиб ўтган воқеани айтиб бериб:

— Онажон, бобом мени аждарҳога тортиқ қилмоқчи бўлди. Мен аждарҳонинг олдига ўзим бориб у билан олишиб ё енгаман, ё унинг панжасида ҳалок бўламан. Шунга сиздан жавоб олгани келдим,— дебди. Онаси кўнмабди:

— Бобонг бирон-бир режани ўйлаб аждарга шундай жавоб қилгандир. У сени жудаям яхши кўриб, еру кўк-

ка ишонмайди-ю, аждарҳога берармиди,— десаям Толмасбек, аждарҳога бораман, у билан олишиб ё уни ўлдираман ёки панжасида ҳалок бўламан, деб ўз сўзида туриб олибди. Охири онаси рози бўлиб, ўғлига оқ йўл тилабди. Толмасбек подшонинг йилқихонасига кирибди-да, ўзига от танлабди. Йилқиларга қараб: «Қани, қайси биринг мен билан аждарҳонинг олдига борасан», дебди-да, «меҳ-меҳ»лабди. Шу пайт кўримсизгина бир от йилқилардан ажралиб, унинг олдига келибди. Толмасбек отни кўриб, уни қашлаб эркалаган бўлибди-да:

— Йўқ, сен ярамайсан. Аждарҳо баҳайбат ҳамда жуда ҳам қўрқинчли, у билан олишганда менга ёрдами тегадиган тулпор керак,— дея уни ҳайдаб юборибди. Кейин яна: «Қани, мен билан аждарҳога борадиганларинг борми», деб «меҳ-меҳ»лабди. Яна ҳалиги кўримсиз ориқ от зўр-базўр унинг олдига келибди-да, бошини эгиб тураверибди. Толмасбек отни эркалаб, ёлини тараб, учасини қашиб:

— Айтдим-ку, бу сафарни унча-мунча дема, жонивор. Аждарҳога тенг келадиган куч йўқ, ҳозиргача бўлмаган. У жуда баҳайбат, қўрқинчли, кучли. Менга ҳеч ким енголмаган аждарҳо билан олишадиган от керак. У тулпор бўлиши лозим. Сен бўлсанг...— Толмасбек шундай деб яна отни ҳайдаб юборибди. Учинчи мартаба бияларга қараб:

— Қани, мен билан аждарҳога ким боради?— дебди. Толмасбек шундай деб сўзини тугатиб-тугатмасдан ҳалиги от яна олдига келибди. Бола: «Тақдиримга, пешонамга шу хачир отда бориш битилган экан-да», деб отни эгарлаб-юганлаб устига минибди. Шу пайт от аввалги кўринишига қараганда бир ярим баравар чўзилибди, сағрини минг қарич, бўйни ҳам шунча қаричга ўсибди. Бўйи том бўйи ўсиб, кишнаб, ер тепиниб, «қани, юлдузга чиқайми, ойга чиқайми», дегандай осмонга қараб сапчирмиш. Толмасбек отга миниб, белига икки нонни тугиб, қилич-қалқонини олиб йўлга тушибди. Отиги қамчи теккизмасмиш, йўлида қўрғон келса ирғиб, дарё келса сакраб, тоғ-тепа дуч келса ошиб, аждарҳонинг уйига етиб борибди. Қараса ярқираб бир нарса шундоққина йўлда оқиб ётган эмиш. Чўлда дарёни кўриб, суюниб:

— Ўзим ҳам, отим ҳам чанқадик. Шу дарёдан бир тўйиб сув ичайин-да, кейин аждарҳога дуч бўлайин,— деб отининг бошини дарё томонга бурибди. Дарёга



етар-етмасдан у ўрнида қўзғалиб, бир қимирлаган экан, ер тебраниб кетибди. Дарё — дарё эмас, аждарҳо экан.

Толмасбек унинг аждарҳолигини билиб, олдига яқинроқ бориб:

— Ассалому алайкум, аждарҳожон,— дебди. Аждарҳо саломга алик олиб шундай дебди:

— Саломинг бўлмаганда ҳозирнинг ўзида от-потинг билан ютиб юборган бўлардим. Шу саломинг билан яна бир-икки кун умринг узайди,— дебди. Кейин:— Алохол келибсан-да! Сен ёшсан, шунинг учун бир шартимни бажарсанг, сени емай, соғ-омон қолдираман,— дебди. Толмасбек:

— Қани, шартингизни айтинг-чи, бажариш қўлимдан келадими — йўқми,— дебди. Аждарҳо:

— Шаҳри Шабистон деган жойда Гулгун пари деган қари подшо яшайди. Шунинг бир оймисан-кунмисан гўзал қизи бор. Оти Ойжамолпари. Шу жойни тўқсон минг дев қўриқлаб ётади. Йўлида етти дарёни азим, одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган чўли азал бор. Узиям етмиш йил уёққа, етмиш йил буёққа, бир юз қирқ йиллик йўлни босиб ўтиш керак. Шу жойга бориб Ойжамол парини қўлга киритиб, ҳузуримга келтирсанг — келтирганинг. Сени емай, орқанга қайтариб юбораман. Бўлмаса, от-потинг билан тириклай ютиб, бирпасда ҳазм қилиб, қорнимга сингитиб юбораман,— дебди. Толмасбек аждарҳога қараб:

— Шартингни бажарганим бўлсин. Бу менга ҳеч гап эмас,— дебди-да, аждарҳо билан ҳайр-маъзур қилиб, йўлга равона бўлибди. Йўлда кетаётса оти шаҳри Шабистон йўлига қараб юрмай, ўнг томонга қараб юрармиш, бошини шаҳри Шабистонга бурсаям, яна ўша томонга кетармиш. Ҳатто қамчи чатса ҳам от ўзи юрмоқчи бўлган йўлга юрармиш. «Бир гап бор. Бўлмаса, отим буёққа юрмасди», деб от бошини бўш қўйибди. От тўппа-тўғри келиб, қишлоқ оралаб Асқарбекларникига келибди. Асқарбек Толмасбекни кўриб хурсанд бўлибди. Кейин:

— Хўш, хизмат, ука,— деб сўраган экан, Толмасбек ҳамма гапни айтиб берибди.

— Бўлмаса, мен ҳам сиз билан бирга бораман. Узим ҳам сизларни бориб қўрмоқчи бўлиб турган эдим,— дебди-да, ота-онасидан жавоб олиб, Толмасбекка мингашиб йўлга чиқибди. Икковлон йўл юришиб,

йўл юришсаям мўл юришиб бир жойга етиб боришибди. У ерда ер остидан тутун чиқиб турган эмиш. Яқинроқ боришса, бир эски қудуқ эмиш. Қудуқ ичидан овоз келаётган эмиш. Шунда Асқарбек:

— Толмасбек, сен шу ерда қол. Мен қудуққа тушиб, нима гаплигини билиб чиқаман,— дебди. Шунда Толмасбек:

— Йўқ, ака, мен тушиб нима гаплигини билиб чиқаман. Сиз бу ерда қолинг,— дебди. Асқарбек:

— Хизмат мандан,— деб қудуққа туша бошлабди. Икки-уч соат мени кут, чиқмасам, йўлингда давом этавер,— дебди. У шундай деб қудуққа тушиб кетибди. Гапни қудуқнинг остидан эшитинг.

Қудуқ қирқ минг девнинг ер ости шаҳарига олиб борадиган йўл экан. Лошмон, Надирмат, Тадирмат деган машҳур девларнинг макони бўлиб, улар қилар ишни қилиб, билар ишини билиб юришар экан.

Париларни олиб қочиб, айш-ишратини жойига қўйиб, ов қилгиси келса ов қилиб, деҳқончилик қилгиси келса, деҳқончилик қилиб юришаркан. Асқарбек қудуққа тушиб йўлдан кетаверибди. Қоровуллар ухлаб ётган эмиш. У бир эшикни кўрибди. Эшикни очиб ичкарига кирса, яна бир йўл эмиш. Йўлдан кетаётиб бир эшикка дуч келибди. Очиб қараса лиқ-лиқ девлар эмиш. Асқарбек ичкарига кириб, салом берибди. Девлар бошлиғи саломига алик олиб:

— Ҳой, одаммисан ё бизнинг зотданмисан, қандай келиб қолдинг бу ерга? Бу ерга одам тугул биздан бошқа дев зоти ҳам киролмаган. Қоровуллардан қандай ўтдинг, мақсадинг не? Ё ажалинг етдими?— деб сўрабди. Асқарбек:

— Мен Аждарҳобекнинг иниси бўламан. Сенларни олиб келгин, деб юборди,— дебди. Лошман дев:

— Қайси аждарҳо юборди? Ким эканки, биздек девларни олиб кел, деган?— дея яна сўроққа тутибди. Девлар бошлиғи «аждарҳо» сўзини эшитиб бир оз қўрқа бошлаганини кўрган Асқарбек:

— Ие, ҳали эшитмадингларми? Бир аждарҳо чиқдики, унинг важоҳатидан ҳамма даҳшатга тушмоқда. Бир сипқирса дарёни қуритади, бир пуфласа тоғни қулатади, бир ҳамла қилса юлдузларни ютиб, ойни тута олади. Оти ўзи билан Аждарҳобек. Сизларни ер остидан чиқаётган тутундан билиб: «Ер остига туш, девлар маконига ўхшайди, беш-олтитасини олиб чиқиб менга

юбор. Кўнмаса ҳаммасини судраб чиқ», деди. Ҳозир мен билан беш олтитанг ташқарига чиқиб, Аждарҳобекка рўбарў бўл, бўлмаса ҳаммангни судраб олиб чиқаман. Кўнмасаларинг, аждарҳо манзилгоҳларингнинг чангини осмонга чиқариб ковлаб тушади-да, биттангни қолдирмай ютиб юборади,— дебди. Асқарбек шундай деб девларни қўрқитиб турган экан, қаёқдандир: «Яшамагурлар, ҳаммаси масту аласт бўлиб ухлаб ётибди. Кириб келганимни ҳам билишмади. Нега шундай қилдинглар ё аждарҳо кириб келиб, битта-битта есинми?— деб мастон кампир келиб қолибди. Девлар уни момо дейишиб, нима ёмонликлари бўлса, у билан қилишаркан. Ялмоғиз кампир Асқарбекни кўриб:

— Бу ким, нима қилиб юрибди буёқларда? Дарров уни менга пишириб беринглар,— деб буйруқ берибди. Девлар бошлиғи:

— Момо, яхши етиб келдинг. Бу одамзод ҳозир бизни судраб аждарҳога олиб бориб бермоқчи,— дебди. Мастон қийқириб кулиб:

— Қанақа аждарҳога? Ҳали аждарҳодан қўрқиб юрибсизларми? Бу дунёда ҳеч қанақа аждарҳо — паждарҳони кўрмадим. Биттаси бор эди, подшонинг ўғлини ейман деб чўлда унинг йўлини пойлаб ётибди. Бу алдамчи,— дебди. Шунда девлар, ҳали бизни алдайдиган сенми?— деб болага ташланишган экан, у:— Ишонмасанглар, бир-иккитанг ташқарига чиқиб қаранглар. Менга ўхшаган яна бир аждарҳо иниси қудуқ олдида турибди. Аждарҳо шундай деганми-йўқми, сўраб билиб келсин,— дебди. Бу гап девларга маъқул тушибди. Мастон:

— Бу бўлмагур гап, ёлғон. Мен ҳамма девларни ҳам, аждарҳоларни ҳам биламан,— деган экан, девлар бошлиғи:

— Майли, чиқиб келсин. Қани, билайлик-чи, боланинг гапи тўғрими-ёлғонми. Тўғри бўлиб чиқиб, аждарҳо борлиги аниқланса, шунга қараб иш тутармиз. Ёлғон чиқса, ўзини пишириб сизга берармиз,— дебди. Асқарбекка қараб, сен чиқмайсан, беш-олтита дев чиқиб билиб келади, дея девлар бошлиғи беш-олтита девни ташқарига чиқарибди. Ўзи Асқарбекни ёнига олиб, «қани, нима гап экан?», деб пойлаб ўтирибди. Бояги беш-олтита дев йўлдан бориб, қудуққа келгач, аста-секин тепага қараб кўтарила бошлашибди. Шу пайт Толмасбек:

— Акамни қудуққа тушириб чакки қилдим-да, девлар уни тутиб олиб еб қўйганга ўхшайди,— деб хафа бўлиб, тепадан бир қарай-чи, деб қудуқ бошига келибди. Қараса беш-олтита дев чиқиб келаётган эмиш. «Ҳа, булар Асқарбекни еб, энди менга келаётган экан-да», деб чиққанини ушлаб осмонга отаверибди. Ҳаммасини отиб бўлгач, чарчаб қудуқнинг ёнига чўккалаб дам олибди. Юборган девлари қайтавермагач, «нега улар ҳаяллаб кетишди, чиқиб қаранглар-чи? Нима гап экан?»— дея яна беш-ўнта девни ташқарига чиқарибди. Толмасбек шарпа эшитиб, «яна нима гап?»— деб қудуқнинг ичига қараса, беш-ўнта дев мўри-малахдан тирмашиб чиқиб келаётган эмиш. «Булар энди мени егани чиқиб келишяпти», деб уларни ҳам бирма-бир ушлаб осмонга отаверибди. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан туриб, уларнинг ҳаммасини саранжом қилибди. Яна чарчаб, дам олай деб, қудуқ ёнига ёнбошлабди. Девлар қайтмагач, «нега кечикиб кетишди. Қани, ўн-ўн бешинг чиқиб қара-чи, бир гап бўлди шекилли уларга», деб ўн-ўн беш девни жўнатибди. Бунини Асқарбек ўзича: «Толмас инимнинг иши бу. Қўринган девни ушлаб осмонга отган», дея изоҳлабди. Гапни Толмасдан эшитинг.

Толмасни энди кўзи уйқуга кетган экан, қудуқ ичидан пишқирган-пишқирган овозлар эшитилибди. «Нима бало, девлар шунақа кўп эканми-а?»— деб ўрнидан туриб, қудуқнинг ичига қараса, гиж-гиж девлар: «Сен чиқ, сен чиқ», деб келишаётган эмиш. Толмас яна бирма-бир чиққани борки— ушлаб осмонга отаверибди. Улардан биттаси ўзини қудуққа отиб, омон қолиб, шошиб-пишиб девлар турган жойга борибди.

— Одамзоднинг гапи тўғри экан. Қудуқдан чиқишимиз билан биримизни оғзига солди, бошқамизни осмонга отди. Мен зўрға қочиб қолдим,— дебди.

— Ким экан. Аждарҳоми ё одамзодми?— деб сўрабди девлар подшоси. Қочиб қутулган дев:

— Аждарҳо бўлиб аждарҳомас, одамзод бўлиб одамзодмас. Аждарҳо десам оғзи-кўзи, қўл-панжаси одамга ўхшаб кетади, одам десам, ҳар бири тепадай, тепадай девларни бир ушлаганида оғзига солиб, осмонга отади. Ҳайронман. Нималигини билмайман,— дебди. Шунда Асқарбек:

— Ҳой, девлар подшоси. Менинг гапимга ишонмай, анави ялмоғиз кампирнинг айтганини қилиб, шунча жў-



раларингдан жудо бўлдинг. Ишонмасанг ўзинг чиқиб кела қол,— дебди.

— Э, э, нима қиламан. Яхшиси, буёққа чақир. Гапингга ишондик, яхшилаб меҳмон қилайлик. Кейин келишиб олармиз. Девми, париларданми ё одамзодданми, берармиз ўша аждарҳойингга,— дебди. Бошқалари, «чақирманг, бизни ҳам еб қўяди. Ушандай жўраларимизни еган бизни омон қўярмиди», деб ялиниб-ёлборишибди. Девлар подшоси кўнмай:

— Чақириб кел. Одамларимдан юборсам, бари бир еб қўяверади ё осмонга отиб ўлдираверади,— дебди. Асқарбек:

— Бўпти, ҳозир айтиб келаман!— деб чиқиб кетибди. Шу пайт ялмоғиз:

— Мен кетдим, зарур ишим бор,— деб кетмоқчи бўлган экан, девлар подшоси:

— Йўқ, кетманг, шу ерда қолинг. Ўлсак бирга ўламиз, қолсак бирга қоламиз. Нима бўлса бирга кўрамиз,— деб уни ушлаб қолибди. Кампир ҳар қанча қўлидан чиқиб қочмоқчи бўлибди, аммо ҳечам эплай олмабди. Гапни Асқарбекдан эшитинг.

Асқар ҳеч нима бўлмагандай, қудуқдан чиқиб келатган экан, унинг шарпасини эшитиб қолиб Толмас қудуқ тепасига келиб, уни ушлаб қудуқдан чиқариб осмонга отиб юбормоқчи бўлган экан, Асқарбек:

— Ҳой, Толмасбек, ахир менман-ку, танимадингни?— дея бақириб юборибди. Толмас уни таниб, ерга тушириб:

— Кечиринг, танимабман. Мен сизни девлар еб қўйган деб ўтирган эдим. Хайрият, тирик экансиз,— деб суюниб кетибди. Асқарбек:

— Ўлдириб қўяй дединг-а!— деб у билан кўришиб, сўрашиб бўлгач:

— Юр, иш чиқиб қолди,— дебди.

— Қанақа иш. Бу жой кимнинг жойи экан?— деб сўрабди.

— Девлар макони экан. Сени чақирисяпти. Мен кириб, ўзимни, сени аждарҳонинг инилари. Сизлардан беш-ўнтаси керак бўлиб қолди, деб айтдим. Гапимга ишонмай девлардан юбортирган эди, сен уларни гумдон қилдинг. Биттаси қочиб бориб сени айтди. Олиб кел, меҳмон қиламиз, нима гап бўлса бажарамиз деяпти,— дея Толмасни етаклаб, девларнинг олдига бошлаб бо-

рибди. Девлар подшоси уни яхши кутиб олиб, зиёфат уюштирибди. Кейин:

— Хўш, аждарҳо тўрага айтсанглар, биз ўзимиз оз қолдик. Нима десалар қиламиз. Одам десалар одамзоддан, пари десалар паризоддан, жонзод десалар жонзоддан, ҳайвонлардан десалар истаган ҳайвондан қанча керак бўлса топиб берамиз. Бизни тинч қўйсалар,— деб ялинибди.

Ялмоғиз:

— Ҳой, кимларга ялиняпсанлар. Ахир, булар сен айтган одамзоддан-ку?!— деган экан, девлар подшоси:

— Жим бўл, жодугар, ахир булар Аждарҳобекнинг инилари-ку! Улардан бирови ҳозиргина йигирма-ўттиз мана-ман деган девларимни гумдон қилди,— деб уни уришиб берибди. Шунда Толмас: «Нима кераклингизни сиз айтинг», дегандай Асқарбекка қарабди. Асқарбек:

— Майли, сизларнинг айтганларингиз бўлсин. Учта шартимиз бор, шуни бажарсанглар, сизлардан ҳеч кимни Аждарҳобекнинг олдига олиб бормаёмиз,— дебди. Девлар подшоси:

— Айтинг шартингизни, бажонидил бажарамиз, бажармасдан иложимиз қанча,— дебди. Асқарбек:

— Биринчи шартимиз, анави ёсуманни бизга бера-сан. Аждарбек борлиғига ишонмай, сизга гап қилди. Олиб бориб аждарга берамиз. Улдириб ютадим, тирик ютадим, нима қилса ўзи билади,— деб биринчи шартни айтибди.— Иккинчи шартимиз шуки, боя айтган парилар, одамларни тутқинликдан бўшатиб, уй-уйларига юбортирасан,— дебди. Учинчи шартимиз: Шаҳри Шабистондаги Гулгун парини олиб келишда ёрдамлашасан,— дебди. Девлар подшоси унга қараб:

— Биринчи шартингни ҳозироқ бажараман. Ана, ол, ялмоғиз кампирни. Бунинг учун сенга раҳмат айтамиз. Бу жодугар бизга ҳечам кун бермайди. Кўзимизни очириб, оғзимизни юмдирмайди. Ундоқ қиламан, бундоқ қиламан, деб қийнаб, қўрқитгани-қўрқитган,— деган экан, ялмоғизники тутиб кетибди.

— Ҳой, дев, нега ундоқ дейсан, яшамагур, яхшиликни биласанми? Одамзоддан келтир дединг, иниларимни кўнгли одам истабди, деб ман-ман деган одамларни алдаб-сулдаб, алдоғимга кўнмаса қўрқитиб, дўқ-пўписа билан қўлимга тушириб олиб келиб бердим. Париларнинг олдига ўзларинг боргани қўрқиб, мени юбордиларинг, бориб кимсан ман-ман деган паризодларни олиб

келиб қўлингга топширдим. Жонзод дединг, жонзодни, парранда-дарранда дединг, парранда-даррандадан олиб келиб бердим. Энди оқибат шу бўлдим, аждарҳонинг қўлига топширмоқчимисан. Йўқ, сени у қиламан, бу қиламан,— деб қарғабди, қақшабди, сўкибди, уришибди. Аммо ҳеч нима қилолмай, бўрининг қўлига тушган қуёндай қалтирай бошлабди. Кейин Асқарбек билан Толмасга қараб ялиниб-ёлборишга тушибди. Улар гапига қулоқ солишмабди. Девлар кампирнинг сочига қўл-оёғини боғлаб, уларнинг оёғи остига ташлабди. Сўнгра девлар бошлиғи:

— Иккинчи шартингни ҳам бажараман,— деб одамларини ертўлаларга жўнатибди. Ҳамма одамзодни, паризодни, жамики ҳайвонларни озод қилиб, уй-уйига, жой-жойига жўнатиб юборибди. Учинчи шартга келганда девлар подшоси шундай дебди:

— Бунни бажариш мушкул. Уёққа қуш учиб борса, қаноти куюди, одам борса, оёғи тугул ўзи куйиб адо бўлади. Йўлини тўқсон минг бизга ўхшаган девлар қўриқлайди, биз улар билан ғашмиз. Етти дарёни азим, тухум кўмса пишадиган қум-тупроқдан иборат чўли азалдан етмиш йил уёққа, етмиш йил бўёққа юришга тўғри келади. Ойжамол пари дегани ўшандай жойда туради,— дебди. Шунда Асқарбек:

— Мен сендан Ойжамолга борадиган жойни сўрамайман. Ё олиб бор, ё Ойжамолни шу ерга келтириб, Аждарҳобекнинг шартини бажар, деяпман,— дебди.

— Уч кун муҳлат бер, ўйлаб кўрай. Одамларим билан маслаҳат қилай,— дебди.

Толмасбек билан Асқарбек унга муҳлат бериб, энди ялмоғизни нима қилсак экан, деб ўйлаиб туришган экан, кампир: «Булар мени ўлдиришмоқчи ё Аждарҳоси ҳақиқатан бўлса, ўшанга тортиқ қилишмоқчи», деб гумон қилиб, уларга қарата шундай дебди:

— Аждарҳога элтиб бермасанглар ё ўлдирмасанглар Ойжамолга бориш йўлини мана мен айтиб берман,— дебди.

— Айт, ўлдирмаймиз ҳам, Аждарҳобекка элтиб бермаймиз ҳам, сени озод қиламиз, тўрт томонингга қараб кетаверасан,— дейишибди йигитлар. Шунда ялмоғиз кампир:

— Девларга, икковимиздан бировимизни устингга миндириб олиб борасан-да, қора тоққа қўйиб келасан, дейсанлар. Осмонда учиб, ерда юриб мен ҳам ўша жой-



га етиб бораман. Ойжамолга оз қолади. Қўриқчи девларни сенлардан бировинг гумдон қилсанг, мен бошқа парилардан қўйган қоровуллардан олиб ўтаман. Ёлгон гапирсам — ошпичоқ урсин, тилимни сунё чақсин, бошимга сассиқпопушак уя қурсин,— деб қасам ичибди. Бу гапни девлар подшосига айтган экан, у Қора тоққа олиб борадиган бўлибди. Асқарбек: «Мен бораман!»— деган экан, «йўқ, ака, сиз мени йўлда пойлаб ўлтиринг, қирқ кунда келсам келганим, келмасам — ўлди, деб бобомга хабар қилинг», дея Толмас девга миниб йўлга чиқибди. Девлардан бировига миниб ялмоғиз ҳам йўлга чиқибди. Девларнинг бирови Толмасни, бошқаси ялмоғизни миндириб олиб, қилибди хизматни, қилибди хизматни. Бир вақт Қора тоққа етиб боришгач, дев: «Керак бўлса йўқлатарсан», деб тукидан бир тола берибди-да, орқасига қайтиб кетибди. Ялмоғиз Толмасбекка қараб:

— Қани, мен тоғдан ошиб тушиб шаҳар оралаб қарай-чи, Ойжамолни қайси парилар қўриқлаётган экан? Сен бўлсанг, тоғ йўлида париларни қўриқлаб ётган девларни иложини қилиб гумдон қилиб, тез етиб бор. Мени катта чинор тагидаги булоқ ёнида кут. Келадиган бўлсам, булоқ сувида кўринаман. Бордию келмасам, булоқда кўринмайман, парилар ўлдириб юборган бўлади, ундан кейин менинг ўчимни олиб, қайси пари керак бўлса бирга олиб кетавер. Аммо зинҳор-базинҳор Ойжамолни оламан дема. Уни ололмай кўплар ўлиб кетган. Сен ҳам бекорга жувонмарг бўласан,— деб тайинлабди. Толмасбек унга қараб:

— Бўпти, энажон,— деган экан, ялмоғиз қайтиб келиб уни қучоқлаб:

— Болам шу кунгача мени ҳеч ким эна демаган эди. Биринчи бўлиб сен айтдинг. Ҳамма мени жодугар, мастон, ялмоғиз деб кўринган жойда қарғаб, сўкиб, уриб юрганидан мен ҳам одамларга ёмонлик қилганим-қилган эди. Сен бўлсанг, мени эна дединг. Сенга раҳмат. Ҳозиргача сенларга, сенга ўхшаганларга ёрдамим тегмай, зарарим теккан бўлса, энди ўлсам ҳам сенга ёрдам бераман. Ойжамолни қўлга киритишимга борлигим билан кўмаклашганим бўлсин!— дея Толмасни қучоқлаб, ўпиб, бир дуо ўқиб, оппоқ сочли нуроний онага айланб, унга яна гаплардан тайинлаб, девларни гумдон қилиш йўлларини ўргатиб, тоғдан ошиб ўтиб кетибди. Толмасбек: «Ойжамолни олиб борайми-йўқми. Олиб

борсам, аждархога хизмат қилган, унинг топширигини бўлжарган, айтганини қилган бўламан. Олиб бормасам, мардлик қилиб сўз бериб йўлга чиқдим, номардликка бориб йўлдан қайтмай. Нима бўлса бўлгани», деб хаёл суриб кетаётса, тоғлар шақир-шуқурлаб кетибди. Қараса, бир-биридан баҳайбат, ваҳимали ўн битта дев турган эмиш. Уларнинг ҳар бири худди тоғнинг бир бўлагидай-бир бўлагидай эмиш. Бирови Толмасга қараб:

— Ҳой, одамзод, орқангга қайт, бўлмаса ҳозир чиван пашшадай қўлимга олиб эзиб ташлайман,— деган экан, бошқаси:

— Орқага қайтариб нима қиласан, нонушталик келди-ку, ўз оёғи билан юриб. Ҳозир уни ушлаб оламиз-да, маза қилиб еймиз,— дебди. Толмасбек:

— Курашмай, олишмай, мени тутиб олиб есаларнинг, номардлик бўлмайдами? Сенларни оталарнинг номард эмас, мард дейишган эди-ку?— дебди. Бу гап девларга таъсир қилиб, улар ҳалиги «ушлаб олиб ейман», деган девни сўкиб, уриша кетишибди. Уларнинг бири:

— Бу бола тўғри айтади. Девлар номардлик қилмайди. Ота-боболаримиз қўрқоқ, алдамчи бўлишмаган. Яхшиси у билан олишайлик, енгсак— у бизники. Еймизми, қарол қилиб оламизми— нима қилсак қиламиз. Енгилсак— нима қилса қилсин. Олишиш, сўз билан тортишиш ҳам шунақа бўлади,— дебди. Девлар бу гапни маъқул топишиб, унга ташланишмоқчи экан, Толмасбек яна:

— Мен бир киши бўлсам, сизлар кўпчилик. Ота-боболарнинг ҳаммаси кўпчилик бўлиб бир одамга ташланишганми ё яккама-якка олишишганми?— деб сўраган экан, бояги дев:

— Тўғри айтади у, ҳаммамиз бирдан эмас, яккама-якка олишамиз,— дебди. Толмасбек ўн бир дев билан яккама-якка олишибди. Ҳаммасини бирма-бир ерга кўтариб уриб, энди қалласини узаман деса, ялиниб-ёлвориб: «Мени ўлдирма, сенга дўст бўлиб, яхшилик қиламан», дермиш. Толмасбек уларни ўлдирмабди. Девлар, керак бўлсак, чақиртирарсиз, дейишиб, юнгларидан беришибди. Толмасбек тоғ оралаб яна бир қанча вақт йўл юриб бир жойга бориб қолибди. Қараса бир эмас, икки эмас, бир тўда қора девлар йўлини тўсиб турган эмиш. Улар ташланиб уни бўлак-бўлак қилиб ташламоқчи бўлишган экан, аввалги девларга айтган гапларини айтиб:

— Мен бир кишиман, сизлар кўпчиликсизлар, шунинг учун яккама-якка олишайлик, шунда номардлик бўлмай, мардлик бўлади,— деган экан, қора девлар рози бўлишибди. Толмас қора девлар билан яккама-якка олишибди. Ҳаммасини уч кечаю уч кундузда осмонга отиб юбориб, қайтиб тушаётганда: «Ўлдирма, дўстлашиб сенга яхшилик қиламиз», дегани учун ўлдирмай, ҳаммасини омон қолдирибди. Бу девлардан ҳам битта-битта юнг олиб, яна кетаётган экан, қизил девларга дуч келибди. Уларни ҳам енгиб, ўзига дўст қилиб, яна йўлга равона бўлибди. «Девлардан қутулдим», деб кўнгли тасалли топиб кетаётган экан, йўлидан бир оқ дев чиқиб, йўлини тўсибди. Оқ дев билан у етти кечаю етти кундуз олишибди ва саккизинчи куни бўлганда уни даст кўтариб тоғ оралиғидаги жарга отиб юбормоқчи бўлибди. Оқ дев дағ-дағ титраб, унга: «Отма, мени нобуд қилма, сен билан дўст тутиниб, фойда келтираман», деган экан, уни ҳам ўлдирмабди. Оқ-девга миниб тоғнинг у ёғига ошиб ўтиб, момоси айтган чинор тағидаги булоққа бориб дам олиб ўтирибди. Оқ дев, керак бўлсам, чақиртирарсиз, деб орқасига қайтиб кетибди. Бир пайт момоси келиб қолибди. Қўйнидан бир тугун чиқариб, Толмаснинг олдига қўйибди.

— Оч,— дебди момо.

— Бу нима?— сўрабди Толмас уни очишга кўнмай. Момо миниб борган дев:

— Ойжамол шу,— дебди. Толмас тугунни очса, бир қизил олма эмиш. Момо минган дев дуо ўқиб, олмани парига айлантириб берибди. Толмас қараса ёнида ой деса оғзи, кун деса кўзи, қора соч, қалам қош, сув ичса томоғидан, сабзи еса биқинидан кўринадиган бир пари пайкар турган эмиш. Қиз кулган экан, кўзидан дур тушибди, яна кулган экан, гул тушибди. Юзи қизил олмадай, қуралай кўзи кундуздай эмиш. Толмас қизни кўриб ҳуши бошидан учиб, танасидан жони чиқиб кетаёзибди. Гап қилмоқчи бўлибди-ю, яна «Аждарҳога олиб бораман деганман. Бунга ёмон кўз билан қарасам, номардлик бўлади», деган андишада момога қараб:

— Қандай қилиб уни қўлга киритдингиз?— деб сўрабди. Момоси:

— Бориб, атиргул ҳидлатиб ҳушидан кетказдим-да, дев ёрдамида олмага айлантириб олиб қочавердим. Йўлдан ўтиб олсанг бўлгани,— дебди. Толмас девларни енгиб, ўлдирмай дўст тутинганини айтибди. Шу пайт

осмонни қора булут қоплабди. Бурон туриб тоғлар қимирлаб, сойлар тошибди. Бу Ойжамолнинг отасини қўшинни — девлар экан. Девлар келиб болани кўриб: «Ойжамол ўз тенгини топибди», дейишиб уларга тегмай, орқаларига қайтиб кетишибди. Ахир, улар оқ дев, қора дев, қизил девларнинг лашкарлари экан-да, уларга ҳам, болага тегманглар, у бизнинг дўстимиз, деб тайинлашган экан-да! Бола оқ дев билан қизил девга:

— Бизни элтиб қўйинглар!— деган экан, улар икковини олмага айлантриб, қўйниларига солганча осмонга кўтарилишибди. Асқарбекнинг қошига етиб боришиб, уни ҳам ўзлари билан олишиб, девлар билан хайрлашиб, аждарҳонинг ҳузурига жўнашибди. Девлар қайтиб келишибди. Толмас:

— Ака, сиз ҳам қайтаверинг. Мен Ойжамолни аждарҳодан айриб олиб қайтмасам, уйга қайтиб бормайман. Яхши кунларда кўришайлик,— деб унга, момосига жавоб бериб юборибди. Кейин Ойжамолни олиб, отига мингаштриб аждарҳога қараб жўнабди. Аждарҳо Ойжамолни кўриб жуда ҳам хурсанд бўлиб, энди сен кетавер, бўлди, сенларга тегмайман, хотиржам яшайверинглар,— дебди. Толмас:

— Сен аждарҳо бўлсанг, бу пари бўлса, уни нима қилмоқчисан?— деб сўрабди. Аждарҳо:

— Бўлмаса томоша қил,— деб Ойжамолнинг қонини оёғининг учидан сўра бошлабди. Буни кўриб турган Толмасбекнинг виждони йўл қўймабди, бирпасда қони қайнаб, ғазаби тошиб кетибди. «Шундоқ пари пайкар шу кунга тушади-ю, мен қараб туравераманми?»— дебди ўзича. Шундан кейин куч-қуввати жўш уриб, ёнидан исфихон қиличини суғуриб аждарҳога ташланибди. Аждарҳо Ойжамолни қўйиб: «Ҳали шунақами, одамзод, сенинг ҳам қонингни сўрганим бўлсин,— дея унга ташланибди. Икковлари олишиб кетибди. Етти кечаю, етти кундуз олишиб, бир-бирини енга олмабди. Аждар оёғидан қон аралаш йиринг оқизибди, олов пуркаб ҳаммаёқни куйдириб жизғанақ қилибди. Толмасни енголмабди. Толмас Аждарҳони енгаман деб тоза уришибди, у ҳам енголмабди. Шунда Ойжамол ўзига сал келиб:

— Акажон, қўйинг. Мени аждарҳога худо лозим топган экан, пешонамдан кўраман. Жуда қийналиб кедингиз-ку?!— дебди. Бу гапдан Толмаснинг орияти келиб, аждарҳонинг чап томонидан келиб, унга қилич солибди. Қилич етти газ аждарҳога ботибди. Қон фав-

вора бўлиб отилибди. Аждарҳо қўрқиб кетибди. Кейин, ҳозир ўлдириб қўяди деган ҳавотирда унга ялина бошлабди.

— Мени ўлдирма. Ҳар қандай истак-хоҳишингни бажараман.

Толмас аждарга қараб: «Ойжамолни ўз ҳолига келтир», деб буйруқ қилибди. Аждарҳо Ойжамолни ютиб, оғзидан яна ҳам чиройлироқ қилиб чиқариб берибди.

— Сени ҳам ютиб янада кучлироқ, чиройлироқ қилиб қўяйми,— дебди. Толмасбек: майли, дебди-да, астагина қиличини Ойжамолга бериб: «Мени чиқармаса, қилич билан чопаман, деб дўқ-пўписса қилинг», деб тайинлабди. Аждарҳо бу гапни эшитмай қолибди. Толмасни ютибди, кейин чиқармабди. Ойжамол, чиқар, дебди. Аждарҳо:

— Чиқариб бўпман. Энди навбат сенга,— дебди. Шунда Ойжамол:

— Чиқармасанг, чопиб иккига бўлиб ташлайман!— дея исфиҳон қиличини кўтарибди. Аждарҳо:

— Қиличини қолдириб кетган экан-да, айтдим-а, ичимда туриб дўқ қилмади,— дебди-да, оғзидан Толмасни чиқарибди. Толмаснинг бир кучига ўн куч, бир ҳуснига ўн ҳусн қўшилибди. Толмас билан Ойжамол аждарни жиловлаб, устига миниб қайтишибди. Толмасбекнинг бобоси қирқ кечаю қирқ кундуз тўй қилиб, Толмасбекка Ойжамолни никоҳлаб берибди. Тўйга ҳамма момою Асқарбек, девлару аждарҳолар қатнашиб, дунёда йўқ тантана бўлибди. Уйинчилар ўйнабди, созандалар соз чалибди, қизиқчилар қизиғини кўрсатибди.

Эртасига подшо бобоси уни ўз ўрнига подшо қилиб, қизини, яъни Толмаснинг онасини вазир этиб тайинлабди. Асқарбекни ҳам чақириб катта ишга тайинлаб, Ойжамолнинг бир ўртоғига уйлантириб қўйибди. Ҳамма узоқ умр кўриб, мурод-мақсадига етган экан.



## ХУМЧАДАГИ ДЕВ

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да тўқ экан. Қадим-қадим замонда Зарафшон томонда Саразм деган бир мамлакат бўлган экан. Унинг бир зўр, адолатли подшоҳи бўлган экан. Шу подшоҳнинг яккаю ягона бир ўғли бор экан. Подшоҳ ўғлини кўп ўқитган, қаратган, бир қанча касб-хунарларни қунт билан ўргатган экан. Шаҳзода тўғри йигит экан. Бирор ўғирлик, баттоллик, ҳийла-найранг ё фирибни билмас экан. Исми Мурод экан. Мурод қадди-басти ва афт-ангори ҳам жойида, хушфеъл ва хушсурат йигит бўлиб ўсибди. Кундан-кун, ойдан-ой, йилдан-йил ўтиб Мурод вояга етгач, отаси уни уйлантириш тараддудига тушибди. Отасининг бир укаси бор экан. Шу укасининг Лайлихон исмли қизи бор экан. У ҳам вояга етибди. Унинг қадди-қомати шамшоддек, юзлари қизил нақш олмадай, баданлари сутга чайқаб олингандай, катта-катта кўзлари қоп-қора чаросдай, қоши унга монанд, ундан ҳам сара, сочи минг қора илондай тўлғаниб, товонига кулча ураркан. Э, э, чиройда, ҳусн-жамолда унга тенг бу дунёда йўқ экан-да. Мурод унга ошиқу беқарор бўлибди. Бунга ота-онаси сезиб қолиб, дарров тўй дараддудига тушишибди. Яккаю ягона фарзандлари эмасми, етти иқлимдан уста келтириб, уй, ҳовли қуриб, гир атрофини гулу гулзор қилишибди. Уйни дунёдаги барча безаклардан олиб келиб, тозаям безатишибди. Тўй олдидан Муроднинг онаси:

— Ҳа, дунёга келиб, кўзимиз кўргани, қулоғимиз эшитгани шу боламиз. Бизнинг тиригимиз, ўлигимиз

эгаси, аркони давлатимизнинг соҳиби Муроджон. Бунга қанчайин орзу-ҳавас қилсак арзийди, ярашади, дадаси,— дея юрагини тўкибди у.

— Тўғри айтасан, онаси. Қанчайики юрагингда орзу-ҳавасинг бўлса қил, армонинг қолмасин,— дебди шоҳ. Эру хотин маслаҳатни бир жойга қўйишибди, урф-одатни йўлга қўйиб, борди-келди, қуда таниш, қуда кўриш каби кўп хил расм-русмларнинг барини беармон бериб, гезини келтиришибди. Охири укаси билан биргаликда тўй кунини ҳам белгилашиб, етти иқлимнинг «ман-ман» деган етмиш атоқли подшоҳини тўйга чақиришибди. Ўзга мамлакат подшоҳлари ҳам кўп совғасаломлар билан келишибди.

Шоҳ катта тайёргарлик билан қирқ кечаю қирқ кундуз тантанали тўй-томоша бериб, Лайлихонни Муроджонга ниқоҳлаб берибди. Бахшилару машшоқлар, шоҳу гадолар Муроджону Лайлихонга, Лайлихону Муроджонга, бир-бирларига жуда муносиб, дея қўшиқлар тўқишиб, ўланлар айтишиб, тўйини тоза қизитишибди.

Бутун мамлакат ва келган меҳмонлар Муроджоннинг қадди-қомати, ҳусни-жамоли, ақл-заковатига, Лайлихоннинг латофатига, ота-оналарининг ҳам ҳиммат-саховатларига минг-минг офаринлар айтиб тўйдан тарқашибди. Муроджон билан Лайлихон бир-бирларига жуда муносиб, монанд куёв-келиндар бўлишибдиларки, кўрганнинг ҳаваси келар экан. Муроджон билан Лайлихоннинг овозаси оламга ёйилибди. Одамлар-ку, ҳатто парранда-даррандалар ҳам уларга ҳаваси келиб, булбул-тўтилар уларга ҳар тонгда қўшиқ, айтганлари айтган эмиш. Боғдаги гуллар ҳам уларни деб очилармиш, ариқлардаги сувлар ҳам улар бахтидан жилдираб, чулдираб куйлашармиш. Нима бўлибди-ю, келинг, бошдан айтай, қулоқ солинг...

Кунлардан бир кун шоҳ қаттиқ касал бўлиб, кўрпача қилиб ётиб қолибди. Ўзидан анча хавотир олиб, вазирларни, олимларни, олимларни, сарбозу сувораларини, қуда-андаларини, оға-иниларини чақириб, уларнинг олдида фармони олий ёзиб, тожу тахтни Муроджонга топширмақчи бўлибди:

— Болам, сенинг ақлинг жойида, энди катта бўлиб қолдинг, ҳамма нарсани ўйлаб қиласан. Мана, бошингни иккита қилиб, уйлантириб ҳам қўйдик. Хотининг ҳам ақлли, доно аёл. Мен қариб, кучдан қолдим, тез-тез касал бўлиб қоляпман. Шунинг учун подшоҳликни

қабул қилиб, юртни сўрасанг. Хотининг ёнингда вазиринг бўлиб, сенга кўмаклашса, кўнглим жойига туншарди,— дебди шоҳ. Муроджон:

— Ота, ҳали сиз кучдан қолганингиз йўқ. Сиз ҳаёт бўлиб турганда мен подшоликни қабул қилсам бўлмас,— деб ҳечам кўнмабди. Аммо отаси кўнмасдан, вазиру уламолар қистайвергач, подшоликни қабул қилиб олибди. Подшо тахтини ўғлига топшириб, озгина вақт ўтмай оламдан кўз юмибди.

Муроджон кўп мамлакатга хабар юбориб, маъракага келган меҳмонларнинг иззат-икромини жойига қўйиб, отасига бўлган меҳри, ҳурматининг мақомларини жойига келтириб, зўр иззат-икром билан отасини охириги йўлга узатибди. Муроджоннинг ҳимматига, сидқидил хизматига маъракага келган барча кишилар офаринлар айтишибди. Отанинг руҳи ҳам шод бўлибди. Муроджон тожу тахтни савлат тўкиб бошқариб юраверибди. Ароқ деган касофат ўша пайтда ҳам бор экан. Подшоҳлар, вазиру вузоралар ўртасида ичкилик ичиш одатлари йўқ эмас экан. Келган-кетган меҳмонлар билан Муроджон ҳам олиб, бир оз суюқлик ичишга ҳам одатланиб қолибди. Унда яна бир одат пайдо бўлибди: ҳар оқшом ётиш олдидан икки канизак келиб унинг қўлу оёқларини уқалаб, босишар экан. Сўнгра Лайлихон яхши таомлар берар экан. Таом устидан эса бир коса шароб тутаркан. Кунлардан бир куни шикордан қайтиб, кўп чарчаганидан канизаклари елкасини уқалаётган пайтда Муроджон мудраб, кўзи уйқуга кетиб қолибди. Канизаклар Муроджонни ухлаб қолган, деб ўйлабдилар шекилли, гапга тушиб кетишибди.

— Шоҳимиз Муроджон жуда яхши йигит-у, хотини Лайлихоннинг ишига ҳайронман-да,— дебди биринчи канизак.

— Э, нимасини айтасан, унинг қилиқларига мен ҳам ҳайронман,— дебди иккинчи канизак.

Қулоғига бу гаплар чалинган Муроджон: «Қани, канизаклар нима дейишаркин», деб кўзларини юмиб, ўзини ухлаганга солиб жим эшитиб ётаверибди.

— Ахир, ҳар оқшом май ичириб, Муроджонни беҳуш қиладиган дори билан қотириб қўйиб, яна тонготарда ҳушига келтирадиган дори билан уйғотади-я, ноинсоф,— дебди биринчи канизак.

— Муроджонни шундай қотириб қўйиб, ўша хунук дарвозабон барзанги билан ҳар оқшом маишат қила-



ди-я, бузуқи Лайли,— дебди иккинчи қанизак афсуснадомат билан.

— Гапинг рост, агар Муроджон Лайлихон берган ўша майни ичмай хотинининг кўзини шамғалат қилиб тўкиб юборса, шу оқшомда Лайлихон билан дарвозабон барзангининг айш-ишрат ишларини ўз кўзи билан кўрардику-я,— дебди биринчи қанизак.

— Аттанг-а, одамнинг шундай йигитга раҳми келади. Лайлихон ўзининг амакиваччаси бўлатуриб, яна тилида яхши кўрган эрим, тенгсиз султоним дея туриб шу ишни қилади-я,— дебди иккинчи қанизак.

— «Тили бошқа, дили бошқа» деб шуни айтадиларда. Тилида, мен сизни севаман, истасангиз жонимни бераман, дейди-ю, дилида бошқа нарсаларни ўйлайди,— дебди биринчи қанизак. Шунда иккинчи қанизак сўзини давом эттириб:

— Мен Муроджоннинг ўрнида бўлсам, ичгандай бўлиб ичмай, ухлагандай бўлиб, ухламай пойлаб, Лайлихонни бузуқчилик устида қўлга туширардим-у, шу хиёнатни учун икки хотидан икки хачирнинг думига боғлаб, қамчилаб-қамчилаб ҳайдаб юборардим...— Гап шу ерга етганда Муроджон эснаб, қимирлабди. Қизлар лабларини тишлаб қолишибди. Муроджон уйғоқ экан, ўзини ухлаётганга солиб уларнинг ҳамма гапларини эшитиб олган экан-да. Аммо Муроджон ўзини билмаганга солибди. Муроджон дафъатан қанизакларнинг гап-сўзига ишонмабди, лекин, бари бир дилига гўлгула тушиб, «майли бир текшириб кўрай», дебди ўзича. Рост бўлса, ё Лайлихонни қиймалайман, ё анавилар айтгандай, хотидан икки отнинг думига боғлаб ҳайдаб юбораман. Агар уларнинг гап-сўзлари ёлғон бўлса, унда қанизакларнинг бошига шу кунни соламан, деган қарорга келибди. Шу пайт қанизаклар хонадан чиқиб кетишибди. Лайлихоннинг буйруғи билан чой, нон, овқат келтирилибди. Ётиш олдидан Муроджонга одатдагидай бир коса шароб келтиришибди. Муроджон майни ичгандек бўлиб, Лайлихоннинг кўзини шамғалат қилиб, кўрпа остига тўкиб юборибди. Кейин ичган кишидай бўлиб кўзини сузиб, уф-ф, чарчадим, ётақолай дея тўшакка чўзилибди. Ўзини мастликка ва ухлаганга солибди. Бирпасда хуррак ота бошлабди. Шуни кутиб турган Лайлихон унга яқинроқ келиб, ухлаган-ухламаганини текшириб, ухлаганига ишонч ҳосил қилгач, хурсанд ҳолда

оёғини учгинаси билан уйдан чиқиб кетибди. Орадан анча вақт ўтгач, Муроджон ҳам ўрнидан туриб оддий кийимларидан кийиб, ханжарини қўлига олибди-да, том устига чиқиб дарвоза тагидаги қоровулхонага секин-аста пойлаб борибди. Борсаки, уй ичида Лайлихон билан барзангининг қаҳ-қаҳига гўё олам лолақизғалдоқдай очилган эмиш. Аста пойлаб қараса, иккаласи қоронғида кайфу сафо қилишиб остин-устун ўйнашиб ётишган эмиш денг! Муроджон тоқат қилолмабди-да, пастга сақраб тушиб, эшикни тепиб очиб, дуч келган кишининг кўринган жойига уч-тўрт пичоқ урибди. Пичоқни Лайлихонга урдим деб ўйлаган экан, аммо пичоқ барзангига тегибди. Муроджон ўзини танитмай аста чиқиб кетибди. Уйига келиб, ҳеч нима кўрмаган-билмагандай бўлиб тўшагига ўраниб хурракни отиб ётаверибди. Эрталаб тонготарда Лайлихон келиб пахта билан Муроджоннинг бурнини бир силаб, ҳар кунгидай ҳушига келтиргандай бўлибди. Муроджон, «қаттиқ ухлаб қолибман-а», дея ўрнидан туриб, юз-қўлини ювиб дастурхонга ўтирибди. Нонушта қилиб, тахтига жўнаб кетибди. Лайлихон ҳар кунгидай очилиб-сочилмай жуда хафа эмиш. Кечқурун Муроджон уйига келиши билан Лайлихон кўз ёшини тўкиб Муроджонга арз қилибди.

— Эй, шоҳи олам, Муроджон. Бизларни, тахту бахтингизни жон дили билан қўрийдиган дарвозабонингизни қандайдир лаънати, қўлинг сингур, ҳаром ўлгур бир ўғри пичоқлаб кетибди, деб эшитдим.

— Бўлса бордир. Текширишни буюрдим, оқ-қорани аниқлашади,— дебди шоҳ Муроджон. Лайлихон кўз ёшини дув-дув тўкиб:

— Жуда яхши қоровул эди-я, эсиз-эсиз! — дебди, Лайлихон ич-ичидан куйиб-ёниб.

— Ҳа, кимга яхши-ю, кимга ёмон эди у барзанги қоровул,— дебди Муроджон. Лайлихон бу гапнинг тагида гап борлигини пайқагандай:

— Бу нима деганингиз, шоҳим, у ҳаммага яхши эди. Сизнинг хазинангиздаги борингизни, боғдаги гулингизни қўриқларди,— дебди. Муроджон:

— Ҳа, тўғри айтдингиз, гулимизни бошқалар ҳидлаб қўймасин, хазинамиздаги давлатимизга ҳаром қўл урмасин деб астойдил хизмат қиларди,— дебди.

Лайлихон: «Хайрият, севганим қоровулни бу ўлдирмаган экан», деб кўнгли ўрнига тушибди. Кейин:

— Ундай бўлса, мана шу ҳужрачага келтириб бе-

ринг, канизлар билан малҳам қўйиб, ўзимиз тузатайлик,— дебди Лайлихон. Муроджон:

— Хўп, яхши одам бўлса, дардига малҳамлардан қўйиб даволанглар,— дея рози бўлибди. Лайлихон барзангини хоналаридан бирига олдириб келиб, ҳар куни унинг ҳолидан хабар олаверибди. Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтибди. Лайлихон барзангига пичоқни Муроджон урганлигини пайқай бошлабди. Бир куни Муроджон подшоликни сўрайман деб тахтига борган экан, Лайлихон бир коса сувга исми аъзамни ўқиб дам солиб, Муроджон томонга сепиб юборибди. Шу пайт Муроджон сеҳрланиб, киндикдан пасти тожу тахти билан бирга тошга айланиб қолибди. Юқори қисми одамлигича қолибди. Лайлихоннинг сир-асрори шунчалик кучли эканки, Муроджоннинг бир ўзини эмас, балки унинг мамлакатдаги барча одамларини сеҳрлаб шундай қилиб ташлабди. Лайлихон кейин ҳар куни саройга бориб, Муроджоннинг олдига кириб, уни роса урарканда, сен аблаҳ қачон ўласанки, мен қутуламан, деб қаргаб-қаргаб кетаркан. Барзангини олдига бориб, унинг инпраганига қўшилишиб инграркан. Йиғласа йиғларкан, сал кулса олам-жаҳони ёришиб, ўзини қўярга жой тополмай қоларкан.

— Қачон тузалиб, тилга кирасизки, жонимга ҳар сўзингиз малҳам бўлса, яна ўйнаб-кулиб, даври-даврон сурсам,— дея қўл-оёқларини уқалаб, бошини тиззасига олиб, пешона-кўзларини силаб, ёш тўла кўзлари билан унга термилиб ўтиравераркан.

Булар шу аҳволда шундай ўтираверсин, эндиги гапни балиқчилардан эшитинг.

Муроджон мамлакатидан бошқа бир юртда беш-олтита камбағал балиқчи чол бор эди. Улардан бирови ҳар куни балиқ овлаб, уларни уч-тўрт тангага сотиб, қолган балиқларни бола-чақаси билан пишириб ейишар, зўрға кун кечиришар экан. Кунлардан бир куни ўша балиқчи балиқ овлаб, дарёга тўр ташлаб турган экан, тўрига бир кўзача илинибди. Балиқчи: «Бахтим бор экан, бу хумдаги тилло бўлса керак», дея тўрни сувдан чиқариб олибди. Қараса чиройли кўзача, оғзи кичкина, муҳрланган эмиш.

— Ё, бахт, ё тахт,— деб балиқчи кўзачанинг оғзини очган экан, бирдан қора тутун буруқсаб чиқиб, ҳаммаёқни булут босиб кетибди. Балиқчи қўрқиб, нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб турган экан, буруқсаган

тутун билан кўза ичидан чувалиб бир катта қора дев чиқибди. Дев ўзини бир силкиган экан, тоғу тош, ўрмонлар кўчгандай бўлибди, бир ўкирган экан, минг-минг карнай, пофоралар чалингандай бўлибди. Бир қадам қўйган экан, тоғ кўчгандай, ер қимирлагандай бўлибди. Енида чумолидай турган митти балиқчини кўриб, уни кўтариб қўлига олиб, кафтига қўйибди-да:

— Ҳой, сен кимсан, одаммисан, жонзод ё ҳашарот-пашаротмисан, нимасан? — деб сўрабди. Балиқчи қўрққанидан дағ-дағ титраб:

— Мен одамзодман, ассалому алайкум жамики девлар султони, дунёда яккаю ягона Қора дев бобо! — дебди. Унинг мақтовидан дев хурсанд бўлиб, эриб кетибди. Кейин яна аслига қайтиб:

— Мен сени ейман, эй, одамзод. Ҳозир оғзимга солиб чайнамай ютаман,— дебди.

— Ютолмайсиз,— дебди балиқчи.

— Нега, нега ютолмас эканман? — дебди дев ажабланиб.

— Тишингизнинг ковагида қолиб кетаман-ку?— дебди балиқчи.

— Топдинг, топдинг!— деб қаҳ-қаҳ урган экан, момақалди роқ гумбурлаб чақмоқ чаққандай бўлибди.

Дев яна ейман, дебди. Балиқчи:

— Эй, ошна, мен сени кўзанинг ичидан қутқаздим-ку, яхшилик қилган одамни ейишинг одамгарчиликданми ахир?— дебди.

— Ҳой, нодон одамзод, қачон яхшиликка яхшилик қайтганки, мен сенинг яхшилигингга сени емай яхшилик қилсам. Мени биласанми, бундан минг йил аввал Ҳазрати Сулаймон шу кўзага қамаган, ўшанда кимки мани қутқазса, бой-бадавлат қиламан, деб қасам ичганман. Лекин ҳеч ким қутқазмади. Яна уч юз йил шу сувда оқдим, шунда яна қасам ичдимки, кимки мени қутқазса, ўлганимча нимаики оғир хизмати бўлса қиламан, деб. Ҳеч ким қутқазмади. Шундан сўнг олти юз йил ўтди. Энди уч кун бўлди, кимки мени қутқазса, ўшани ейман, деб қасамёд қилдим. Мана, бахтимга сен қутқаздинг. Энди сени ейман, гап тамом, вассалом! — дея чолга бир ҳамла қилди Қора дев. Шунда балиқчи:

— Майли, есанг егин, лекин сен бу кўзадан чиққанинг йўқ. Шу кичкина кўзачага қандай қилиб сендай баҳайбат махлуқ сиғади, йўқ сиғмайсан. Сен бу ерга қаердан кир келиб қолдинг,— дебди балиқчи чол уни алдаб.



— Йўқ. Мен шу кўзадан чиқдим, ўзинг кўрдинг-ку,— дебди дев.

— Ишонмайман,— дебди балиқчи.

— Шу кўзадан чиқмаган бўлсам, мана кўр,— дебди-да, дев тутундек чувалаб, кўзачага қайтиб кирибди. Шуни кутиб турган балиқчи чол дарров кўзанинг оғзини маҳкам ёпиб, муҳрлабди.

— Ҳой, дев, кўзадан чиққанингга энди ишондим. Мен сенга яхшилик қилиб кўзадан чиқарган эдим. Сен бўлсанг ади-бади айтишиб, яхшилигимга ёмонлик билан жавоб бермоқчи бўлдинг. Ана энди олти юз йил шу кўзачада ётган экансан, яна шунча ёта турасан,— дебди балиқчи чол. Энди дев ялинмоққа тушибди:

— Эй, чол, мен хато қилдим, тавба қилдим. Сени емайман. Энди мени кўзачадан чиқариб озод қилсанг, сени емасдан, аксинча, бой қилиб юбораман, яхшилик қиламан,— дея қасамёд қилибди.

— Нон, сувни ўртага қўйиб қасам ичсанг, қасамингга ишонаман, бўлмаса удди-будди, тўдди-жўдди, деган қасамингга ишонмайман. Демак, кўзадан асло чиқармайман,— дебди балиқчи чол. Дев:

— Сени есам, нон урсин. Сенга яхшилик қилмай ёмонлик қилсам сув урсин! — дебди. Балиқчи чол дев нон-сувни ўртага қўйиб қасам бергач, кўзани очиб уни чиқарибди. Дев:

— Уфф, яна кўзанинг ичида қолиб кетаманми, деб бирам кўрқдимки...— дебди-да, балиқчи чолни ҳов нарироқдаги кўк кўлга эргаштириб борибди.

— Мана шу кўк кўлга тўр соласан-да, кутасан. Тўрингга қара, оқ, қизил, сариқ, пистоқи балиқлар тушадди. Шу балиқларнинг ҳар биридан биттадан танлаб оласан. Уларни олиб Гулистон подшоси Одилшоҳга олиб борасан. Одилшоҳ сенга бир ҳовуч тилла беради. Тиллани олиб бойиб кетасан,— дев шундай деб, керак бўлсам чақирарсан, деб тукидан бериб, турган ерини зарб билан бир тепибди. Ер ёрилиб, дев ёриққа кириб, девларнинг у дунёдаги маконига ўтиб кетибди. Ер яна ёпилибди.

— Таваккал,— деб балиқчи чол девнинг айтганини қилиб, кўлга тўр солибди. Оқ балиқлар илинибди. Улардан биттасини олиб, бошқаларини кўлга қўйиб юборибди. Чол яна кўк кўлга тўр солибди. Бу гал қизил балиқлар илинибди. Улардан биттасини сайлаб олиб, бошқаларини кўлга қўйиб юборибди. Чол кўк кўл-

га яна тўр солибди, бу гал сариқ балиқлар илинибди, биттасини олибди. Яна бир бор тўр солса, пистоқи балиқ тушибди. Улардан биттасини олиб қолганларини кўк кўлга қўйиб юборибди. Балиқларни кўтариб, подшоҳликка қараб йўл олибди. Подшоҳнинг ҳузурига бориб балиқларни унга ҳадя этибди. Одилшоҳ суюниб, унга бир ҳовуч тилла берибди.

Подшо ўзининг алоҳида пазандасига балиқларни қовуриб келишни буюрибди. Бош пазанда қозонга мойни солиб, уни қиздириб балиқчи чол келтирган балиқларни солган экан, ҳаммаёқни қоп-қора тутун босиб, балиқлар кўмирга айланиб қолибди. Подшо чолни кига яна балиққа юборибди. Чол кўк кўлдан яна балиқлар тутиб, шоҳга олиб келибди. Одилшоҳ яна бир ҳовуч тилла бериб балиқларни сотиб олибди. Одилшоҳ балиқларни бош ошпазга бериб, пиширишни, пиширганда эҳтиёт бўлиб, куйдириб юбормасликни тайинлабди. Ошпаз балиқларни ювиб, тозалаб, ёғни доғ қилиб, қозонга ташлабди. Балиқлар қозонга тушган заҳоти қора кўмирга айланиб қолибди. Шу кун ошхона девори ёрилиб, бир қиз кириб келибди-да, куйган балиқларни тепкилаб, қамчин билан уриб-уриб, ҳали ҳам кўзинглар жойинга тушмадими, дея койганича яна ғойиб бўлибди.

Тўртинчи кун ҳам шундай бўлгач, подшоҳнинг жаҳли чиқиб кетибди, пазандасини чақиртириб, ўлдирмоқ, шиятида сиёсат қилибди.

— Эй, шоҳи олам, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, мен бўлган воқеани айтиб берай,— дебди пазанда. Одилшоҳ жуда адолатли экан.

— Майли, айт айтсанг, мен тўрт кундан бери ейман деб балиқ сотиб оламан, сен уларни йўқ қилсан,— дебди дарғазаб ҳолда. Ошпаз:

— Шоҳим, мен ёғни доғлаб, балиқни ташлашим билан бирпасда қоп-қора кўмирга бўлиб қолади, уйни аччиқ тутун босади. Девор ёрилиб бир қиз пайдо бўлади-да, балиқларни қамчилаб уриб-уриб, тепиб-тепиб, ҳали ҳам кўзларинг жойинга тушмадими, деб, яна девор ёригидан ғойиб бўлади. Мен бўлсам кўрққанимдан нима қилишни билмай қоламан,— дебди. Одилшоҳ, балиқлар билан қизда бир сир бор, деб ўйлабди. Лашкар тортиб шаҳардан чиқиб, балиқчини қидириб топибди. Чол балиқларни қандай овлагани ва дев айтган сирларнинг ҳаммасини айтиб берибди-да, кўлни кўрсатибди. Одилшоҳ ўша ерга етиб борибди. Подшоҳ кўк кўл ла-

бига етиши билан ҳамма балиқлар турли-туман овоз чиқаришибди. Шоҳ ҳайрон бўлибди. Кейин қўшинини ухлатиб қўйиб, бу сирни билиш мақсадида кўк кўлнинг гир атрофидан айланиб юрган экан, бир жойда бир тавақали эшик кўринибди. Одилшоҳ эшикни очиб ичкарига кирса, эҳ-ҳе, бир ажиб дунё эмиш. Азим шаҳарнинг қоқ ўртасида подшоҳнинг тилла арки бор эмиш, «менинг мамлакатим тупроғида бу қандай воқеа», деган ҳайратли ўй билан арк томон йўл олибди. Аркнинг ичига кирса, бир тахт эмиш. Тахтда бир подшо ўтирган эмиш. Уни кўриб Одилшоҳ:

— Ассалому алайкум,— деб салом берибди.

— Ваалайкум ассалом,— дея ҳалиги шоҳ ширин сўзлар билан «келинг-келинг»лаб кутиб олибди. Бу ўша Муродшоҳ экан. Бироқ Муродшоҳ ўрнидан турмабди. Бу ҳол Одилшоҳга анча малол келиб, ичида: «Бу мени менсимади, таъзирини бериб қўйиш керак экан», деб қўйибди. Шундай бўлса ҳам бориб, Муродшоҳ билан кўришибди. Муродшоҳ ҳам астойдил меҳр билан, жонжаҳди билан қўл узатиб кўришибди. Кейин туролмаслигини айтиб узр сўрабди. Адолатли Одилшоҳ Муродшоҳдан ҳол-аҳвол сўрабди. Муродшоҳ бошидан ўтган воқеаларни бошдан-оёқ батафсил айтиб берибди. Кейин:

— Мана неча йиллардан буён шу ерда ярмим одам, ярмим тилло тош бўлиб яшайпман,— дебди. Лайлихон ҳар куни келиб мени «барзанги севганимни яралаганинг учун жазойинг шу, қачон ўласан», деб қамчилаб уриб, ҳақоратлайди. Барзангисига бўлса, шундоқ кўз олдимда менга эшиттириб, жоним, қачон тузаласиз, мени қўйингизга оласиз, айш-ишрат қиламиз, деб уни эркалаб, яраларига малҳам қўяди,— дебди Муродшоҳ оҳ тортиб.

Одилшоҳ унга ёрдам беришга аҳд қилибди. Унга ҳар куни Лайлихон келиб шўрликни қамчинлаб уриб кетиши, барзангига эса қачон тузаласан, жоним, деб ялиниб-ёлвориши айниқса, таъсир қилибди. Одилшоҳ Барзанги турган жойни сўраб олибди. Кейин кечаси уникига бориб, эшигини тақиллатибди. Барзанги, «ким бу, кечаси оромимни бузган?» деб жинчироқ кўтариб чиқиб келибди. Шоҳ: «Бу менман», деб ёнига бориб, барзангининг қўлидаги жинчироқни тепиб юборибди. Барзангининг жаҳли чиқиб, у билан олишиб кетибди. Шоҳнинг қўли баланд келиб, уни ўлдириб-



ди. Дарров барзангининг ўлигини эски қудуққа ташлаб юбориб, ўзи унинг кийимларини кийиб олибди. Кейин унинг тўшагига кириб, инграб ётаверибди. Тонг отибди. Лайлихон Муроджонни, «қачон ўласан, севганимни ўлдирмоқчи бўлганнинг жазоси шу», деб уриб-уриб роса ҳақоратлабди. Барзанги ётган тўшак ёнига бориб, кўрпадан чиқиб турган қўлини уқалаб кўзига суртаркан:

— Қачон тузалиб бир оғиз ширин сўз айтасиз, севганим, қачон тузалиб жонимга малҳам бўласиз, жонгинам, паҳлавоним, арслоним,— дея эркалаб, оёқ-қўлларини силаб, бағрига босибди. Лайлихон. Одилшоҳ кўрпа ичида инграниб:

— Эй, жоним, севганим. Мен ҳам бу дарддан жуда қийналдим, худодан қачон тузалишимни сўраб ёлворавериб, тинка-мадорим қуриди. Қачон тузалиб, сизни бағримга босаман. Аҳ, оҳ, шу аҳволда ётаверсам, ўлиб қоламанми деб қўрқаман,— деб вой-войлайверибди.

Лайлихон ҳам кўзига ёш олиб, оқ баданлари чилла совуғида қолган кишидек дириллаб, ич-ичидан бир нарса «чирт» этиб узилиб кетгандай бўлибди.

— Нима қилай, умрингдан бер денг — берай, жонимни суғуриб бер денг — суғуриб берай. Менга сизсиз ҳаёт, яшаш йўқ. Сиз менга ҳаётсиз, ширин жонсиз, нима қилай буюринг. Кўҳистон деган юртда бир булоқ бор эмиш. Унинг суви минг бир дардга даво эмиш, дейишадди. Ё шу булоққа бориб, сувидан олиб келайми. Аммо сизга ким қарайди? Ё бориб олиб келаверайми? — дебди у ғам-андуҳ ичида. Одилшоҳ:

— Йўқ, йўқ, мени ёлғиз ташлаб кетманг. Сиз кетиб қолсангиз, нақ ўлиб қоламан. Сиз ёнимда экансиз, нафасингиз тегиб турар экан, ўлмайман. Ҳа, айтгандай, бир туш кўрдим, тушимда бир донишманд, бутун мамлакатни ўз ҳолига келтирсанг, сен тузаласан, деди,— деган экан, бу гапдан Лайлихон суюниб кетганидан дуо билан ҳаммани ўз ҳолига келтириб қўйганини билмай қолибди.

Эртаси куни субҳидамда яна ўша аҳвол давом этибди. Одилшоҳ яна Лайлихонни севган-соғинган бўлиб, кейин:

— Лайлихоним, жоним, ўша лаънати эрингни ҳам ўз ҳолига келтирсанг, мен мутлақо яхши бўлар эканман, тушимга яна доно кириб шундай деди. Чунки, унинг қарғиши шундай тузалмай ётишимга сабаб бў-

либ турган эмиш,— дебди. Лайлихон олдинга кўн-  
мабди.

— У ўз ҳолига келса, сени-мени ўлдирмай қўймай-  
ди,— дебди. Аммо Одилшоҳ;

— Сизнинг дуои баъдингиз бор, менинг куч-қувва-  
тим бор, наҳотки унга бас келмасам,— дебди. Шунда  
Лайлихон бир дуо билан Муроджонни ўз ҳолига келти-  
риб, оёққа тургазибди. Шунда Одилшоҳ:

— Ма, кўлимдан торт, тураман,— дебди кўрпадан  
чап қўлини узатиб, Лайлихон севишиб, ҳовлиқиб, хап-  
риқиб, барзангим, деб Одилшоҳнинг чап қўлидан торт-  
ган экан, ўнг қўлида ўнглаб турган қиличи билан Одил-  
шоҳ шартта Лайлихоннинг сеҳргар бошини узиб таш-  
лабди. Урндан туриб қиличини тозалаб қинига солиб-  
ди-да, барзангининг кийим-бошини ечиб, тахтга борса,  
Муроджон соғайиб, эшик олдида айланиб юрган экан.  
Одилшоҳни қучиб олиб, севинганидан кўзидан тирқир-  
раб ёш чиқиб кетибди. Баҳазур ўтиришиб узоқ суҳбат-  
лашибдилар. Кейин икковлон ҳисоблаб кўришса, Одил-  
шоҳ билан Муроджон мамлакатларининг ораси олти  
ойлик йўл экан. Лайлихон уни сеҳр билан бу мамлакат-  
га келтириб ташлаган экан. Халқини балиққа айлан-  
тириб, кўк кўл қилиб, кўлга ташлаган экан. Муроджон  
Одилшоҳга тахтини тақдим этибди. Одилшоҳ олмабди.  
Муроджоннинг ўзини эргаштириб, лашкарлари олдига  
келибди. Лашкарларни кўчириб, ўз тахтига борибди.

Одилшоҳнинг ҳусни-жамоли юз пари-пайкалдан  
ортиқ, ўқиган ақлли қизи бор экан. Қирқ кечаю кундуз  
тўй қилиб, шу қизини Муроджонга никоҳлаб берибди.  
Орадан анча вақт ўтгач, бир бўлак лашкар қўшиб, тах-  
ту бахтига қизини қўшиб жўнатибди. Муроджон ўз  
мамлакатига подшоҳ бўлиб, даври давронини сурибди,  
мамлакатини аввалгидан ҳам обод, серфайз, барча  
элини шод қилиб, ҳаммалари муроду мақсадларига ети-  
шибди.



## ТАРАША ОЙИМ

Бор экан-да йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, узоқ шарқ томонда, ўша ўтган замонда уч мамлакатда уч подшо ўтган экан. Подшоларнинг тақдирлари бирдек экан. Тўртовларининг ҳам бош фарзандлари ўғил болалар экан. Тақдирлари тошдан, тош бошлари ёшдан экан. Нима бўпти денг. Андоғ бўлибди: биринчи подшонинг исми Аҳмад бўлиб, унинг ўғли Асад ёшлигидан кўп эркатой бўлиб ўсибди. Унинг айтгани-айтган, дегани-деган, егани-еган, қилгани-қилган, кийгани-кийган экан. Шу йўсинда вояга етибди. Подшо билан хотини маслаҳатлашиб, Асаднинг бошини иккита қилмоқчи бўлишишибди. Асад кўнмабди. Уртоқларини ўртага қўйиб, онаси сўратибди. Асад яна кўнмабди.

— Менга бу мамлакатнинг қизлари керак эмас, мен дунёда энг гўзал қизлардан бирига — ҳинди қизига уйланаман,— дебди. Бу гапни эшитган отаси подшонинг жудаям ори келибди. Жаҳли чиққан отаси ўғлини ёнига чақириб олиб хўпам қойибди. Асад индамай, бўзрайиб, отасига қараб турибди-да, эртаси азонда туриб уйдан қочиб кетибди. Асад уйдан бош олиб кетаверибди-кетаверибди, Ҳиндистон деган юртнинг бошқа бир шаҳарига ўтиб кетибди. Асад бориб-бориб бахтимни бирор жойдан топарман-да, деб кишилар эшигида оғишиб, қаролчилик, мардикорчилик қилиб юраверибди. Ҳинди қизлари кўп хушрўй, хушжамол, сулув, ҳуснли, ситораси кўп иссиқ, кўзларининг боқиши жуда жозибали бўлар экан. Кўп қизларга кўзи тушиб Асаднинг кўнгли симобдек эриб кетибди-ю, лекин ҳеч қайсиси билан гаплашиш ёки олишга қурби етмай, гадойчилигини қилиб юраверибди. Асадни шу ҳолда қўйиб, гапни иккинчи подшонинг ўғли Самаддан эшитинг. Иккинчи подшонинг оти Тошмат бўлиб, ўғли Самад-

га қўшни подшонинг бир гўзал қизини унаштирибди. Эртаси катта тўю томоша қилдириб, никоҳлатмоқчи бўлишибди. Тўй оқшоми Самад:

— Мен у қизга уйланмайман. Менга хотин керак эмас. Хотин олсам, дунёдаги энг гўзал ҳинд қизларидан бирини сайлаб оламан. Бўлмаса бу дунёдан тоқ ўтаман, дея у ҳам уйдан қочиб кетибди. Ота-онаси ро-са қидириб, Самадни ҳеч ердан топа олмабдилар. Самад қоча-қоча йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бу ҳам Асад турган шаҳарга бориб қолибди. Кўчада гадойчилик қилиб юриб Асадга дуч келибди. Иккаласи бир-биридан ҳол-аҳвол сўрашиб, танишиб, дўст тутиниб олишибди. Икковлон бирга ишлаб, кунларини ўтказиб юришаверибди. Лекин бир-бирларига ички сирларини айтишмабди.

Энди гапни учинчи подшонинг ўғли Аҳаддан эшитинглар. Аҳад отасининг оти Эшмат бўлиб, ўғлини ёшлигидан кўп ўқитган экан... Сувда сузиш, қиличбозлик қилиш, отчопарлик, мерганлик, чопқирлик, гўштингирлик, кўпкарибозлик каби машқларни отаси устоз ёллаб, Аҳадга ўргатган экан. Эшмат подшо ўғли Аҳад вояга етгач, бош вазирининг бир гўзал қизига уйлантирмоқчи бўлибди. Аҳад:

— Мен хотин олмайман, хотин олсам дунёдаги энг гўзал ҳинд қизидан оламан, бўлмаса бу дунёдан бўйдоқ ўтаман, — деб у ҳам уйдан қочмоқчи бўлибди. Лекин Эшмат подшо ўғлини мажбур қилиб, қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша бериб, вазирнинг қизига уйлантириб қўйибди. Аҳад ҳам, вазирнинг қизи ҳам бир-бирларига кўнгилсиз эканлар. Ахир, улар бир-бирларини севмас эканлар-да. Орадан анча кун, анча ойлар ўтибди. Аммо улар ҳеч қовушмабди. Бир-бировига ҳечам кўнгли чопмасмиш, қиз ҳам, бола ҳам ўз ота-оналарига ҳеч нима дейишни билишмабди. Сўнг бир куни вазирнинг қизи уйдан қочиб, номуси кучлилик қилиб, отасиникига кетибди. Уша куни Эшмат подшонинг ўғли Аҳад ҳам тунда ота-онасиникидан қочиб, ор-номуси кучлилик қилиб, бу мамлакатдан чиқиб кетибди. У йўл юрибди, йўл юрса ҳам, оз эмас, кўп эмас, мўл юрибди-да, бу ҳам Ҳиндистон деган юртнинг устидан чиқиб қолибди. Аҳад ҳам эшикма-эшик юравериб, бир пайт мардикор бозорига бориб қолибди. У ерда ўзини бозорга солиб турган Асад билан Самадга дуч келибди. Улар билан дўст тутиниб, бу ҳам шу жойда қолиб ке-

тибди. Мардикорчилик қилиб, кунини ўтказиб юраверибди. Бу уч оға-инининг гоҳ қоринлари тўяркан, гоҳ қоринлари тўймас экан. Лекин ўзларининг сиру асрорларини, яъни, подшозода эканликларини бир-бирига билдиришмас экан. Бу алфозда юриш бора-бора жуда жонларига тегибди.

Бир кеча ишдан қайтиб, гаплашиб ётиб:

— Бу шаҳар бизларга бўлмади, ҳеч қандай қизиги қолмади, бирор бошқа шаҳарга кетмаймизми,— дебди Асад. Шунда Аҳад:

— Бу гапингиз маъқул гап, бу ерда яшаш, ишлашнинг қизиги қолмади,— дебди.

— Менинг кўнглимда ҳам шундай гап бор эди, аммо сизларга айтолмай юрардим,— дебди Самад ҳам уларнинг гапини маъқуллаб. Шундай қилиб, учовлон — Аҳад, Асад, Самад гапни бир жойга қўйишиб, бу шаҳардан бош олиб чиқиб кетишибди. Йўл юришибди, йўл юришсаям оз эмас, мўл юришибди. Юриб-юриб бир жойга бориб қолишибди. Бу жойнинг бир томонида кўм-кўк зилол сувли булоқ, бир томонда ҳайқириб оқиб ётган сой бор эмиш. Бир томонда дарахтлар, бир-бирлари билан чирмашиб, ўралишиб, одам оёқ босолмайдиган бўлиб кетган эмиш.

— Шу жойда дам оламингиз, овқатланиб кучимизга куч қўшиб йўлга чиқамиз,— дебди Асад. Бу гап ҳаммаларига маъқул тушиб рози бўлишибди. Уша оқшом ўша ерда тунашибди. Эрта тонгда яна йўлга чиқиб, йўл юришибди, йўл юришса ҳам жуда мўл юришибди. Юраюра бир жойга бориб қолибдилар. У ер жанггали мוזангарон экан, тиниқ сув шилдираб оқиб турган эмиш. Сув бўйида чўккалаб ўтиришибди-да, онларини сувга ивитиб ебдилар, топган-тутганларини ўртага солиб тамадди қилишибди. Кеча анчага чўзилибди. Чарчоқлик, овқат элтиб кўзларини мудроқ боса бошлабди. Шунда:— Шу ерда тунаймиз,— дебди Асад. Ухлаш олдида маслаҳатлашиб олишибди.

— Кечаси ухлаб қолсак, бу нотаниш чангалзорда бирор ваҳший ҳайвон бизни нобуд қилиб еб қўямасин,— дебди Аҳад. Унинг гапини Самад ҳам маъқуллабди-да, тунда қоровуллик қилишга келишилибди. Биринчи оқшом Асад навбатчилик қилибди. Дўстлари қаттиқ уйқуга кетишибди. Асаднинг ичи қизиб, ухлаб қоламан, ухлаб қолсам бирор ваҳший ҳайвон келиб, бизларни еб қўйиши ҳеч гап эмас,— дея қўлига бир та-

рашани олиб, пичоғи билан кесиб, қириб, ўйиб, ажойиб бир қизча ҳайкалчасини ясабди, ўз ишидан ўзининг завқи келиб, хўп томоша қилибди. Завқланибди-да, керак бўлиб қолар,— деб йўл халтачасига солиб қўйибди. Бир пайт тонг отибди. Учовлари эртасига яна йўлга тушишибди. Йўл юриб, йўл юрсалар ҳам оз эмас, мўл юришибди. Юра-юра, эртасига кечга томон яна бир тубсиз чангалзорга гушиб қолибдилар. «Чарчадик, шу ерда тунайлик», дебди Аҳад. Бу гап ҳаммаларига маъқул тушиб, шу жойда қолишибди. Бу жой қандай дерсиз?! Бирёғи одам кирмаган тўқайзор эмиш. Асад:

— Бу ер нотаниш жой. Уйқу — ўлим дегани. Агар ухлаб қолсак, тағин бирон ваҳший ҳайвон бизларни еб қўймасин,— дебди. Навбатчилик қиладиган бўлишибди. Бу оқшомда Самад навбатчилик қиладиган бўлибди. Жўралари қаттиқ ухлаб қолишибди. Самаднинг кўнгли нон ейишни тусабди. Халтачани ковлаб кўрса, қўлига бир қаттиқ нарса тегибди. Олиб кўрса тарашадан қилинган ажойиб қизнинг ҳайкали эмиш. Уни қўлига олиб хўб томоша қилибди. Ҳайкалчанинг қадди-қомаги, ҳусни-жамолига маҳлиё бўлиб ақлдан озаёзибди. Сўнг бу ҳам ўз ҳунарини ишга солиб, ҳайкалчага кўйлак, иштон, зар камзул тикиб қийдирибди. Бошига тиллақош ясаб, рўмол ҳам ўратиб қўйибди. Қоронғи тун тарқаб, тонг оқариб қолибди. Ҳайкалчани яна ўша халтачага солиб қўйибди. Жўралари уйғонибди. Улар олдида ҳеч нарса кўрмагандек тураверибди. Биргалашиб нонушта қилишибди. Сўнгра яна йўл юришибди, йўл юрса ҳам оз эмас, мўл юришибди. Уша кун эртасига ҳам тонгдан кун ботгангача юриб, яна бир тўқайзорни ичига кириб кетишибди. Тўқайзор ичида бир тўп ёввойи тол кўкариб турган экан. Шунинг тагида тунашга аҳд қилишиб, хас-ҳусларни босиб-тепиб, ўзларига тўшак қилишибди-да, шу жойда тунаб қолибдилар.

— Бу ер тўқайзор экан, тўқайзорда ёввойи ҳайвон бўлади, тағин бизни еб қўймасин,— дейишиб, ухлаш олдидан яна маслаҳатлашибдилар. Бу кеча навбатчилик қилиш Аҳадники экан. Асад билан Самад уйқуга кетишибди. Кеча яримдан оққач, Аҳад нон-пон бормикин, деб, халтачага қўл урса, нимагадир урилибди! Қўлига олиб қараса, устига заррин либослар кийган, ажойиб бир қизнинг ҳайкалчаси эмиш. Шамнинг милтиллаган ёруғида тоблаб-тоблаб кўриб, ҳайкалчага жуда ҳаваси келибди. Аҳад ўзига ўзи: «Эй, Аҳад! Кўп ўқинган

Ўдинг-ку, шуни ишга сол, зора бу ҳайкалчага жон кир-са-ю, худо бериб, сенга бир мадад бўлса», дебди-да, дарров сув қидирибди. Анча нарироқдан бир булоқча-ни топибди. Чўмилибди. Жисму жонини пок қилиб, ис-ми аъзам дуосини ўқибди-да, ҳайкалчага қараб «куф-сув» қилибди. Кўз очиб-юмгунча ҳалиги ҳайкалча бир тебраниб, унга жон қирибди. Аҳадга таъзим бажо қи-либди. Аҳаднинг юраги таг-тагидан қанот боғлагандек учиб суюнибди. Бирам чиройли, одобли, ифбатли, нози ширин, табассуми мойдек, қошлари ёйдай, кўзлари ху-мор, сўзлари асалдай ширин қиз турганини, кокиллари қирқ арғамчидай, чаққон қўллари қамчидай, нозик бел-лари хивчиндай эмиш. Қиз нозу карашма билан Аҳадга қараб:

— Оға, мен қаерга келиб қолдим? Бу жойлар ким-ники? Сиз ким бўласиз? Менинг қорним жуда очди. Менга нон-понингиз бўлса берсангиз,— дебди. Аҳад қиз-нинг ноз-карашмасига, ҳусн-жамолию қадди-қоматига тикилиб, қайта-қайта офаринлар айтиб: «Буни менга худо етказди. Илму сеҳрим иш бериб, ҳайкалчага жон ато қилдим»,— дея хурсанд бўлиб, уёқдан-буёққа чопиб, «ҳозир-ҳозир» деб, халтадан қолган-қутган нонни олиб, сувга ивитиб унга берибди. Қизнинг қорни тўйиб, ўзига келиб, Аҳад билан гивир-шивир гаплашиб ўтирибди. Уларнинг гивир-шивир гапларига Асад билан Самад ҳам уйғониб кетибдилар.

Уйғониб қараса, Аҳад умриларида кўрмаган гўзал бир қиз билан суҳбатлашиб ўтирган эмиш. Кўзларини уқалаб тикилиброқ қарашса, ўша ўзлари ясаган тара-ша эмиш. Икковлари ҳам ўзларича билишибдию, ле-кин ҳеч қайси бири «ман қилдим», демабди. Сирлари-ни очишмабди. Бироқ ҳар бири ичида, «ман оламан», деб қўйишибди. Охири дилларидаги гап тилларига чи-қиб, ўзаро шовқин-сурон кўтарилиб жанжаллашиб қо-лишибди. Шу чоқ бир тўда овчилар келиб қолибди. Бу овчиларнинг бошлиғи ўша мамлакат подшосининг вазири экан. Вазир дарров изига қайтиб, шоҳнинг ҳу-зурига ошиқибди.

— Эй, подшоҳи олампаноҳ, фалон тўқайда уч йигит билан бир қизни кўрдим. Учаласи «мен оламан, мен оламан» деб, жанжаллашиб турибди. У қиз шунчалик гўзал, ифбатли эканки, таърифига тилим лол. У қиз, ўша дарбадар дарвешларга эмас, сиздек олижаноб ша-ҳаншоҳга муносиб,— дебди вазир бошини қуйи солиб,

таъзим бажо этаркан. Шоҳ лабини ялаб, туфугини ичига ютибди. Кўзлари, жисму жони жонланиб:

— Дарров кўшин тортиб бориб, қизни ва ўша дарбадарларни ҳузуримга ҳайдаб келинглар,— дея бўй-фуқ берибди шоҳ. Вазир сарбозлардан қирқтасини шайлангириб, от қўйдириб тўқайзорга етиб борибди. Булар учаласи, Тараша ойим билан ҳали ҳам шу ерда, жанжал, машмаша қилишаётган экан. Тараша ойим нуқул:

— Эй, йигитлар, сабр-қаноат қилинглар. Сизлар менинг иниларим. Сизларга нимаики ҳақдан амр бўлса, шу бўлар,— дермиш.— Тақдирларингга нимаики ёзилган бўлса, шу бўлар. Сабр-қаноат билан ақл-идрокларингни нишлатинг,— дермиш. Уч шаҳзодадан бири, мен оламан деса, бошқаси, йўқ, мен оламан, уни мен яратдим дермиш. Бошқаси, мен унга илми ҳикмат билан жон киритдим, мен оламан, дермиш. Шу дамда, от ўйнатиб подшо аскарлари етиб келишибди-да, уларга:

— Бўлларинг, олдимизга тушларинг!..— дея дўқ ура бошлашибди. Йигитлар:

— Бормаймиз! — дейишган экан, подшонинг кишиларни уларни сўкиб ура бошлабди. Учала шаҳзода ҳам бўш келмай, келганини ушлаб ҳар томонга ота бошлабди. Тараша ойим, қани нима бўларкин, деб бирпас қараб турган экан, шоҳ одамлари кўпчилик қилиб, қўли баланд кела бошлабди. Яна бирпас жим турса, учала акасини подшо одамлари ўлдириб қўядиган эмиш. Шунда орага тушиб:

— Қўйинглар, саройга борамиз,— деб уларни тичитибди. Кейин акаларига қараб:

— Бормасак бўлмайди. Сиз учтасиз. Улар сон-саноксиз. Қани борайлик-чи, шоҳ нима деркин. Ушанда ақл-идрокни ишга солиб иш қиламиз,— дебди. Йигитлар бу гапга рози бўлишибди. Подшо кишилари уларни олдиларига солиб ҳайдаб, шоҳ ҳузурига элтишибди. Шоҳ кўрсакни, бу қизнинг латофатига етти иқлимнинг божи-хирожи етмас эмиш. Парилар пайкари ҳам бу қизнинг олдида ип эшолмасмиш. Подшонинг юраги гумуриб, эс-ҳушидан оғибди. Анчадан сўнг ўзини тутиб олиб, буларга аввал яхши гап қилай деб:

— Йигитларни саройга жойланглар, яхши меҳмон қилинглар. Қизни эса элтиб қирқин қизларга қўшинглар. Қанизаклар яхши хизмат қилсин,— дея фармон берибди. Ё қиздан, ё йигитлардан ақалли бирор оғиз ҳам гап



сўрамабди. Подшоҳ уларни қирқ кун мобайнида ана шундай иззат-иқромини жойига қўйиб меҳмон қилибди. Уларнинг ҳузурига одамларини юбориб, ҳол-аҳвол сўратиб, уларнинг мусофирлигини, бу қизни йўлдан топганликларини билиб олибди. Тараша ойимнинг ҳусн-жамоли ҳам кундан-кунга очилиб кетаверибди. Кунлар кетидан-кунлар ўтибди. Шоҳ Тараша ойимни никоҳига олмоқчи бўлганини, уч гўзал қизини унинг акаларига бермоқчи бўлганини Тараша ойим билан шаҳзодалар эшитиб, шундай маслаҳатга келишибди.

— Сизлар учтасизлар! Мен биттаман. Мен оламан, мен оламан,— деб жанжаллашиб юриверсаларинг бўлмайди. Ҳамманглар менга уйланомайсизлар. Одатимизга кўра, бирларингга тегишим керак. Шунинг учун тақдирга тан берайлик. Мен подшога тегишга рози бўлай. Сизлар ҳам мenden кечиб, шоҳнинг учта қизига уйланинглари-да, менга ака бўлинглар,— дебди Тараша ойим. Бу гап шаҳзодаларга ҳам маъқул бўлибди. Шоҳ бутун мамлакатга қирқ кечаю кундузлик тўй эълон қилибди. Шоҳ Тараша ойимга уйланармиш, шоҳ ўзининг бир-биридан гўзал учала қизини учала йигитга — Тараша ойимнинг акаларига никоҳ қилиб берармиш, деган гап тарқалибди. Шоҳ етти иқлимдан тўйга меҳмонлар чақирибди. Тўйга қанча шаҳаншоҳлар келишибди. Мамлакатга қирқ кечаю қирқ кундуз тўю томоша берибди. Созанда, ўйинчи, қизиқчи, кураш, қиз қувди, қувлашмачоқ, қулоқ чўзма, ким ўзар, ким чиқди, ким олди ўйинлари бир томонда, дорбоз, карнай-сурнайчилар, одам пойгаси, от пойгаси, улоқ, эҳ-ҳа, оҳ-ҳо-о-о, юз минг икки хил нағмаю усул, тақа-туқ билан тўю томошани қилиб, Шоҳ Тараша ойимга куёв бўлиб, икковлон чимилдиққа киришибди. Уша оқшом подшо қизларига атаб солдирган алоҳида уч ҳовли-шоҳона уйларда шоҳнинг уч қизи ҳам уч мусофир йигитнинг қўйниларига кирибди. Буларнинг ҳар қайсисига қирқтадан канизак — хизматкор тайинланибди. Шоҳнинг ҳам, йигитларнинг ҳам, Тараша ойимнинг ҳам, шоҳ қизларининг ҳам вақтлари чоғ, димоғлари шакарга айланибди. Ҳаммалари бахтли, ширин ҳаёт кечира бошлашибди. Канизаклар антиқа таомларини пишириб келишармиш. Ҳамма ермишу Тараша ойим емасмиш.

— Олаверинглар, мен ҳозир овқатландим, қорним тўқ,— деярниш Тараша ойим. Унинг ҳусни-жамоли тобора зиёд бўлаверибди. Унинг чеҳрасидан осмондаги

ой, кун ҳам уялармиш. У шунчалик одобли доно эканки, бора-бора шоҳ унинг маслаҳатисиз иш қилолмайдиган, юртни сўролмайдиган бўлиб қолибди. Тараша ойимга уйланган кундан шоҳнинг иши ривож топиб кетаверибди. Мамлакатда адолат ўрнатилиб, ҳамма бахтли яшай бошлабди. Халқини ҳам руҳи тоза; тили узун, иши ривож бўлаверибди. Тараша ойим унга вазир бўлибди. Шоҳнинг овозаси оламга тарқалибди. Подшоҳлар мажлисида ҳам унинг гапи гап, бошқа подшоҳлар унга тан бериб қойил қолишармиш! Шу тарзда куну ою йилар ўтаверибди. Тараша ойимнинг ақл-заковати билан қайлиғи етти подшоликнинг султони даражасига кўтарилибди. Буларни бу ерда қолдириб, энди гапни бошқа мамлакатдан эшитинг.

Шу мамлакатга қўшни бошқа бир мамлакатнинг подшоси ўлиб қолибди. Бу подшонинг тахтини эгаллайдиган фарзанди бўлмаганидан вазир-вузаролари тахт талашибди. Аммо биронтаси тахтни эгаллаб ололмабди. Ҳамма кенгашиб, шу мамлакатлик бир дононинг олдига боришибди. Ундан маслаҳат сўрашибди. Доно:

— Тахтга ҳеч бир вазир муносиб эмас. Шунинг учун эски одатимизни қилиб, қуш учирамиз. Шу қуш кимнинг бошига қўнса, ўшани подшоҳ, қилиб сайлаймиз,— дебди. Бу гап ҳаммага маъқул тушибди. Охири бахт қушини узлуксиз бир ҳафта учуришибди. Қуш нуқул қўшни мамлакатга қараб учармиш. Ҳеч кимнинг бошига қўнмабди. Донишмандлар, олимлар, ҳаммаси ҳайрон бўлибди. Кейин қуръачилар қуръа очишибди. Қуръачи, фалон мамлакатда шоҳлар султониинг бир доно кишиси бор, ўшани олиб келинса, энг яхши подшоҳ бўлади, дебди. Бу ишни қандай бажармоқ керак, ким бажаради, деб ҳайрон бўлишиб мажлис-машварат қилишган экан, ҳалиги доно одам шундай дебди:

— У подшоликка сеҳру, жодугарликнинг пири Раззоқ, сеҳргарни юборасиз. Қандай ҳийла ишлатса ҳам, ўша бажариб келади. Ундан бошқа ҳеч ким бу ишни бажара олмайди,— дебди. Сўнг Раззоқни чақиритиб:

— Фалон мамлакатдаги доно одамни олиб келасиз,— дея қаттиқ тайинлаб, керакли нарсаларни бериб, сафарга жўнатишибди. Раззоқ сеҳргар:

— Ё пири сеҳргарларим, ўзингиз қўлланг,— деб пиру устозларига еиғиниб йўлга отланибди. Қуръага тушган подшонинг мамлакатига кўз очиб-юмгунча етибди.

У ерлардаги сиру савдоларни обдан ўрганибди. Подшога ақл ўргатадиган Тараша ойим кундузлари вазирлик либосини кийиб, шоҳнинг ёнига ўтирар экан. Шунини ҳам билиб олибди. Подшоҳнинг мири-сирини, ботир уч куёвини ҳам, ҳусн-жамол, қадди-қоматда парилардан ҳам ортиқ бўлган учала қизларини ҳам суриштириб билибди. Бир эрта тонгда подшоҳ тахтга келадиган пайтда, Раззоқ сеҳргар исми аъзамни ўқиб, тонг шамолнинг ўнгидан «куф-суф», дебди. Шоҳ ўз-ўзи билан бўлиб, беҳуш бўлиб йиқилибди. Тараша ойим кичкинагина тараша бўлиб қолибди. Уни ола солиб халтачасига солибди-да, бир чўлоқ гадо сифат бўлиб, оқсаб-оқсаб, таёғини тўқиллатиб, туёғини шиқиллатиб, бу юртдан чиқиб кетибди, ҳеч ким воқеадан хабар топмай қолибди. Яна бир кўз юмиб-очгунча вақт ўтмай мамлакатига етказиб, «адабайни, хо шадабайни», деган экан, Тараша ойим зукко йиғит шаклига келибди. Ер юзи ёп-ёруғ бўлиб кетибди. Вазиру вузаролар ҳалиги қушни учирган эканлар, қуш бу гал қўшни мамлакатга қараб учмасдан айланиб-айланиб, йиғит бўлиб қолган Тараша ойимнинг бошига келиб қўнибди. Ҳамма хурсанд бўлиб:

— Шунини подшоҳ кўтарамиз,— дейишиб бардор-бардор қилиб олиб бориб, тахтга ўткизиб, шоҳлик тожини кийгизибдилар. Тараша ойим подшоҳ бўлган кундан бошлаб ўз-ўзидан у мамлакатга тўқчилик, файз, барака кираверибди. Тараша ойим бу мамлакатда адолат ўрнатиб, ёмонларни жазолаб, яхшиларни авайлаб, «тақдир экан-да», дея, подшолигини қилаверсин, сиз гапни Тараша ойимнинг эри — султонлар султонидан эшитинг.

Тараша ойимни сеҳргар олиб кетган кундан икки-уч кун ўтгач, подшо ўзига келибди. У хотини йўқлигини билиб, ҳуши бошидан учиб, Тараша ойимнинг дардида нимдевона бўлиб қолибди. Подшолик қилиб тахтга ўлтиролмабди.

— Мен касалман, мен тахтни эпломмайман,— деб шоҳликни вазирга топшириб, бир кечаси юртдан бош олиб чиқиб кетибди. Куёвлари: «Сиз қўйинг, биз ахтарамиз», дейишса ҳам кўнмабди. Тараша ойимни чўлма-чўл, тоғма-тоғ, тўқайма-тўқай, қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар юриб, девонан маддоҳ сифатда фиғон ичида ашула айтиб излайверибди. Юриб-юриб бир чўлда кетаётганда, бир чўпонга йўлиқиб қолибди. Чў-

понни унга раҳми келиб, меҳмон қилибди. Чўпонникида бир кечаю бир кундуз меҳмон бўлгач, чўпон ундан ҳолаҳвол сўраб, қаердан келаётганлигини, қаерга кетаётганлигини, кимлигини, бу ерларда нима қилиб юрганини сўрабди. Подшоҳ аввал ҳеч нима айтмасликни ўйлабди. Қараса, чўпон ақлли, яхши одамга ўхшармиш. Кейин бошидан ўтган сир-савдоларни айтиб:

— Кунлардан бир кун подшоликка кетаётганимда рўпарамдан бир киши чиқиб, бир нарсаларни пичирлади-да, шамолга сепиб юборди. Мен ҳушимдан кетиб қолдим. У хотиним Тараша ойимни олиб кетиб қолибди. Вазирим ҳам, куёвларим ҳам ҳеч нима қилишолмабди. Дунёдан ҳафсалам ҳам пир бўлиб, дарвиш ҳолида хотинимни излаб юрибман. «Уйдаги қиздан, даладаги чўпондан сўра», деган гап бор, эшитганинг бўлмадими?— дебди шоҳ. Чўпон: — Йўқ, эшитмадим. Аммо, анави тоғ орқасида бир донишманд бобо бор. Шу кишининг дунёдаги ҳамма ишдан хабари бор. Ўзи ҳам сеҳр-меҳрни билади. Балким, ўша ёрдам берар,— дебди, сўнгра бир қотирма нонни халтачасига солиб, шоҳга йўл кўрсатибди. Подшоҳ йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Тоғдан-тоққа ошиб юра-юра ўша чўпон айтган доно чолни топибди. Чолнинг оёғига бош уриб, ялиниб-ёлворибди. Ўзини йўқчи деб танитибди.— Менга хотинимни топишга ёрдам беринг. Илоҳо бу дунёю, у дунёнгизни худо ярлақасин,— дебди. Доно чол ҳамма гапни эшитиб, шундай дебди:

— Мана бу йўлдан кунчиқарга қараб роппа-роса ўн кун юрасан. Бир боши осмон билан сўйлашиб турган туби деган дарахтга дуч келасан. Шу дарахтнинг остида бир булоқ бор. Булоқни ёнгинасида қоронғи бир ғор бор. Шу булоқ сувига таҳорат қилиб, ўша қоронғи ғорга кўрқмасдан кириб кетаверасан. Ғорнинг энг тўрида бир шайх бор. Шу шайх ҳамма гапдан хабардор. Ўша хотининг қаердалигини айтиб, сенга ёрдам беради,— дебди. Подшоҳ чолга минг-минг раҳматлар айтиб, тағин йўлга тушибди. Юриб-юриб ўн кун деганда ғорга етиб бориб, чолнинг ҳамма айтганларини бажарибди. Кўрқмасдан ғорга кирибди. Бир пайт бир жойга бориб қолибди. У дунё Торкистон экан. Шайхнинг ҳузурига етиб борибди. Шайх жойнамоз устида дуо-пуоларини қилиб ўтирган экан. Подшоҳ ҳам ёнига чўккалаб ўтириб, шайх фотиҳага қўл кўтарган-да, у ҳам фотиҳага қўл кўтарибди. Шайх ўзига келиб:

— Ҳа, инсон, не мушкул билан келдинг? — деб сўрабди. Подшо ўзини танитиб, ўтган сиру савдоларни батафсил айтиб берибди. Шайх кўзини юмиб, ботин кўзи билан етти иқлимга назар солибди. Кўзига Тараша оиним кўринмабди. Яна бир ракат намозини ўқиб, жойнамоз устида бошқатдан қараса, тахтда адолат билан юрт сўраб ўтирган эмиш. Аммо вақти-вақти билан йўл қарар эмиш. Шунда шайх:

— Уҳ-хў-ў-ў. Хотининг узоқ мамлакатда подшо экан. Ўзи шодон-у, аммо кўнгли нотинч, сиқилган. Унга сен ўн йил юрсанг ҳам етолмайсан, сен бу ердан чиқиб кунчиқар томонга бир ой йўл юрасан. Олдиндан бир Чапдара деган узун сой чиқади. Шу сойнинг қоқ ўртасида бир туп қари чинор бор. Шу дарахтда қушлар подшоси Семурғ қушнинг ини бор. Семурғни учратиб, унга ялиниб кўрсанг, кўнса, ўн кунга қолмай сени хотинингга етказди. Айтганларимга амал қилсанг, зора хотининг Тараша подшога етолсанг, уни қўлга ололсанг,— дебди шайх. Подшоҳ шайхга раҳматлар айтиб, у айтган кунчиқар томонга йўл олибди. Йўл юрсаям мўл юриб, бир ой деганда, ўша Шайх айтган узун сойдаги қари чинорга етиб борибди. Чинор жудаям баланд экан. «Шайх айтган дарахт шу булса керак», деб, унинг тагига жойлашиб, чарчаб-ҳориган эмасми, кўзи уйқуга кетиб қолибди. Бир пайт шамол-тўполондан уйғониб кетибди. Қараса, тоғдай бир аждарҳо пишқириб, бурнидан тутун чиқариб, оғзидан олов сочиб, қоп-қора булут ичидан пастга тушиб келаётган эмиш. Ўзи қоп-қора, кўзлари оловдай қип-қизил эмиш. Тишлари олмосдан ўткир, тили жескир пўлатдан эмиш. Аждарҳони кўриб подшо кўрқиб кетибди. Ўзини панага олибди. Аждарҳо даҳшат солиб ерга тушибди-да, у ён-бу ёнига қараб, оғзидан олов сочиб, ҳамма нарсани жизғанақ қилиб куйдирганича дарахтга чиқа бошлабди. Подшо дарахтга қараган экан, дарахтдаги қападан қуш уясига кўзи тушибди. Уяда Семурғнинг икки боласи аждарни кўриб чирқиллаб, ўзини уёққа-буёққа ураётган эмиш. Аждар олмос тишларини шақирлатиб, беўхшов ёллари-ни силкиб, дарахтга чиқиб, Семурғнинг икки боласини дамига тортай-тортай деяётган эмиш. Бирпас қараб турса, аждарҳо Семурғ болаларини еб қўйишини билиб, жон-жаҳди билан аждарҳонинг белига қилич солибди. Аждар яраланиб, ўзини пастга ташлабди, шоҳдарвишга сапчиб, энди уни дамига тортибди. Шоҳдар-

виш қиличини ўнглаб: «Ё пири пешвозларим», дея, унинг ичига кириб кетибди. Қиличи аждарни иккига бўлиб юборибди. Ҳаммаёқ қип-қизил қонга бўялибди. Қон бамисоли дарё бўлиб оқибди. Подшоҳ аждарҳоннинг ичини ёриб чиқибди-да, яна дарахтга суяниб, ухлаб қолибди. Семурғ тоғдан болаларига бир оҳуни ушлаб, оғзига солиб келаётган экан, тоғдай иккига бўлиниб ётган нарсага, дарё-дарё қизил қонга кўзи тушиб, «боламни ўлдирибди», дея, жон-пони чиқиб кетибди. Тоққа қўниб, оғзидаги кийикни қўйиб юбориб, уйдаи бир қоя тошни кўтарибди. Учиб келиб-келиб, болаларимни шу одамзод егандир, деган ўйда тошни унинг устига ташламоқчи бўлган экан, шу пайт Семурғнинг болалари чирқиллаб ёлворишибди.

— О-н-а-жон! Онажон! Тошни ташламанг! Бизни сйман деган аждарҳони шу одам ўлдирди. Унга ёмонлик қилманг, яхшилик қилинг,— дейишиб, темир қанотларини бир-бирларига уриб тақиллатишибди. Семурғ шундагина нима гаплигини билиб, «ҳайрият, ўз вақтида огоҳлантирдиларинг, бўлмаса, тошни унинг устига ташлаб, тариқдай-тариқдай қилиб юборардим»,— дебди-да, тошни бир чақиримча нарига улоқтирибди. Ер қимирлаб, ҳаммаёқ ларзага келибди. Тоғлар акс садо берибди. Гумбур-гумбурдан шоҳ-дарвиш чўчиб уйғониб, нима гаплигини билмай, саросимада, у ён-бу ёнга аланглабди. Қараса, тоғ кўчгандай дову-р-дуву билан баҳайбат бир қуш учиб келаётган эмиш. Кейин у бир айланиб, дарахтнинг тепасига қўнибди. Подшо-дарвиш унга қараб: «Бу ўша шайх айтган Семурғ қуш шу бўлса керак. Уни қушларнинг подшоси, ҳатто одамни ҳам ютади дейишарди. Ҳозир мени ютади. Эҳ, аро йўлда бекордан-бекорга ўлиб кетадиган бўлдим. Тараша пари ёримни бир кўрсам, бу дунёдан армонсиз кетган бўлардим», дея ўзини ўлимга чоғлаб турган экан, Семурғ дарахт тепасидан учиб, ерга тушибди. У қўнганда ерлар титраб, ҳаммаёқ ларзага келибди. Семурғ қанотларини қўрғон қилиб, подшоҳни ўртага олиб, унга шундай дебди:

— Ҳой, одамзод! Сен тухумимизни қуритмоқчи бўлган аждарҳони ўлдириб, болаларимни сақлаб қолдинг. Бунинг учун сенга раҳматлар бўлсин, сен бизга дўстсан. Сен бизга яхшилик кўрсатдинг. Шунинг учун мен ҳам сенга яхшилик қилмоқчиман. Тила тилагингни! Нима истасанг, муҳайё қиламан,— дебди. Шунда подшо ўзини танитиб, бошидан ўтган-кетганларни айтибди.

«Тараша парига олиб борсанг, бўлгани», дебди. Шунда Семурғ:

— Ўҳ-ҳо, жуда мушкул вазифани айтдинг-ку, у жуда узоқ. Лекин мен шаҳдам учсам, ўн кунлик йўл. Майли, сенга хизмат қилганим бўлсин. Сен уч кун шу ерда дам олиб турасан. Мен болаларимга йигирма кунлик дому ризқини тайёрлаб берай. Сенгаю ўзимга йўл озиғи тайёрлай. Шундан сўнгигина учамиз,— дея, тоққа ов овлаб кетибди. Шер, оҳу, қуёнларни ушлаб келиб, болаларига йигирма кунлик овқат тайёрлабди. Бир катта оҳуни ўзи ҳам Дарвиш-подшога ўн кунга мўлжаллаб олиб, устига ортиб, осмону фалакка кўтарилибди. Подшоҳ Семурғнинг бўйнидан маҳкам ушлаб, кўзини чирт юмиб олибди. Ҳар кун вақти-вақти билан уни овқатлантириб, ўзи ҳам овқатланиб, шу учишда давом этaverибди. Орадан ўн кечаю ўн кундуз ҳам ўтибди. Учибутиб ўша айтган шаҳарга ҳам етибдилар. Бир чеккага етгач, Семурғ оҳишта ерга қўнибди. Подшога иккита патидан суғуриб берибди.

— Ишинг битиб, хотинингни қўлга киритсанг, мана шу патни тутатасан. Ман дарров етиб келаман-да, яна жойингга элтиб қўяман,— дебди. Семурғ шундай деб учиб кетибди. Шоҳ-дарвиш шаҳарга кириб бориб қараса, шаҳар дарвозасига каттакон қулф осилган эмиш. Олдида икки соқчи тош бўлиб қотиб қолган эмиш. У айланиб-айланиб кўрса, бу шаҳарнинг ўн икки ҳайбатли дарвозаси бор эмиш. Ўн иккови ҳам шундай қулфли бўлиб, икки ёнида соқчилар тошдай қотиб турган эмиш. Ҳаммаёқ жимжит, пашша учса эшитилармиш. Шоҳ шаҳарга кирай деса йўл йўқ эмиш. Шаҳарга девор ошиб тушаман деса деворлар ўн икки пахса бўлиб, ҳар қадамда соқчилар ҳайкалдай қотиб турган эмиш. Ўн икки дарвозанинг ҳаммасига Тараша ойимнинг сурати туширилган эмиш. Дарвиш-подшо уч кечаю уч кундуз шаҳар атрофида сарсонун саргардон юриб, охири сув оқиб кирадиган бир тешикка кўзи тушибди-да, у орқали ичкарига кирибди. Шаҳарга кириб қарасаки, ҳамма нарса ўз ҳолатида тош бўлиб қотиб қолган эмиш. Бир томонда карнай-сурнайчилар ўйинчилари билан, бир томонда гулгула ун бозори, жун бозори, мол бозори, мева-чевалар тўла бозор эмиш. Одамлар ҳам турган жойларида оёқ-қўлларини ҳозир қимирлатадигандек қаққайиб туришганмиш. Юриб-юриб шоҳ даргоҳини топибди. Қараса, шоҳ тахтида, ёнида вазирлари, қоровул, баковул,

ясовуллар ҳам қўлларидаги асбоблари билан қотиб турган эмиш. Жамики жонли-жонсиз тошдай қотиб қолган эмиш. Тараша ойим ҳам тахтда тошдай қотиб қолган эмиш. Шоҳ-дарвиш Тараша ойимни кўриб, ёнида: «Ана ўз ҳолатига келар, мана ўз ҳолатига келар», деб кутиб ётаверибди, бўлмабди. Тонг вақтига бориб, Шайхдан ўрганган дуо ёдига келибди Бир сиқим тупроқни қўлига олиб, ўша дуони ўқибди, «суф-куф»лаб тупроқни осмонга совуриб юборибди. Бир шамол келиб уни бутун шаҳарга чанглатиб юборибди. Аввал Тараша ойимга, кейин бутун шаҳарга жон кирибди.

— Менга нима бўлди? Сизларни кўзим билан кўриб, қулогим билан эшитиб турибман-у, аммо, қимирлай олмай, тошдай турган жойимда қотиб тураверибман,— дебди Тараша ойим. Биз ҳам Сизни кўриб, қулогимиз эшитиб турди-ю, лекин бир қадам ҳам юролмай, тошдек қотиб туравердик, дейишибди вазирлар. Тараша пари эрини таниб, хурсанд бўлиб кетибди. Вазирларига таништирибди.,

— Бизни тошдан асл ҳолимизга келтирдингиз, Сиз сеҳргар, доно экансиз, биз сиздан умрбод қарздормиз,— дейишибди вазиру уламолар. Тараша подшо вазирларига жавоб бериб, эри билан ёлғиз қолибди. У билан бошидан ўтганларини, сиру асрорларини айтиб, ўртоқлашиб, чақ-чақлашиб, уч кечаю уч кундузни ўтказишибди. Шунда шоҳ хотини Тараша парига қараб:

— Бундай тошга айланиб қолишларингнинг боиси нимада? Нега энди ҳамма кўрди-ю, сўзни эшитди-ю, тошдай қотиб тураверди? — деб сўрабди. Шунда хотини.

— Ўзим ҳам ҳайронман. Кунлардан бир куни бир киши келиб, мени хотинликка олмоқчи бўлди. Мен унга: «Эрим бор, бор кун эмас, бир куни қидириб келади,— деган эдим. У кетмай туриб олди. Мен уни ҳайдаб юбордим. Яна кетмади. Зиндонбанд қилмоқчи бўлиб, зиндонбон билан жаллодларни чақирдим. Шунда у пичир-пичир қилди-да, бир сиқим тупроқни осмонга қараб сочиб юборди-да: «Ҳай, саними, шундай тош ҳолида бутун умр қолиб кетасан», деб қичқирганича осмонга қараб учиб кетди. Кейин биз тошга айландик-қолдик. Мана, Сиз келиб, бизни асл ҳолимизга келтирдингиз,— дебди.

— Мен шайх ўргатган дуо билан уни қайтарибман-да, хайрият,— дебди шоҳ-дарвиш. Шундай қилиб,



эру хотин бу подшоликда яна бир ой сайри боғ, саёхатлар қилишиб юришибди. Бир кунни подшоҳ:

— Энди юртимизга жўнасақ ҳам бўларди,— дебди. Шунда Тараша пари:

— Майли, жўнаймиз,— деб икковлон тайёргарлик кўра бошлашибди. Энг қимматбаҳо олтин, дур, гавҳар, лаъл, ёқут, олмосларни сарасидан саралашиб, ихчам анжомларга жойлашибди. Қирқ от, қирқ туяга орттириб-торттириб, бир зўр олам кезган карвонбошини бош қилишиб, сараланган сарбозлардан қирқтасига қирқ от миндириб, ўзлари учун икки учқур отга тилла эгар, тилла жилов, тилла жабдуғлар урдириб, эртаси каллаи саҳар вазирини чақириб:

— Биз ўз юртимизга кетаётибмиз. Урнимга сизни подшо кўтардим. Мамлакатни эҳтиёткорлик билан бошқаринг,— дея тожу тахтини унга топшириб, керак бўлса чақиртирарсиз,— деб йўлга чиқбдилар. Шаҳардан уч кунлик йўл юриб чиқиб, карвону сарбозларига жавоб бериб, қайтариб юборишибди.

— Палон мамлакатга борасизлар, шоҳ сизларни кутиб олади. Мактубни унга берасизлар,— деб иккала миниб келган отларини карвонбоши билан сарбозбошига бериб, орқаларига жўнатиб юборибдилар. Ўзлари ўша кеча шу ерда чодирчани қуриб, ичида тунабдилар. Подшо эртаси эрталаб таҳоратини қилгач, Семурғнинг иккала патини тутатиб, кута бошлабди, Ун кун деганда осмон кўчгандай, булутлар учгандай бўлиб, осмонни тўлғазиб Семурғ етиб келибди.

— Иккинги устимга миниб, кўзларингизни чирт юминглар, қанотларимдан маҳкам ушлаб эҳтиёт бўлинглар,— дебди Семурғ. Булар Семурғ айтганидай унга миниб, маҳкам ушлашиб, кўзларини чирт юмишибди. Семурғ ўн кеча-кундуз шашт билан учиб ўз маконига, сўнг яна уч кечаю кундуз ғайрат билан учиб, уларни ўз мамлакатига элтиб қўйибди.

— Ҳайр, дўстларим! Қилган меҳнатларингга рози бўлинглар,— дебди Семурғ,— ман мингдан минг розиман.

— Раҳмат, мен ҳам мингдан-минг рози. Сен ҳам хизматингга рози бўл, сени хизматинг катта бўлди,— дебди шоҳ-дарвиш. Семурғ хайрлашиб, яна осмонга кўтарилиб, келган томонига учиб кетибди. Булар бир қишлоқ яқинига қўнишган экан. Уша оқшом эшиги очиқ, кўнгли очиқ саҳий одамниқига тушишибди-да: «Бизга иккита яхши от сотиб олиб келинг», дея пул бе-

ришибди. У одам иккита яхши от сотиб олиб келибди. Улар отларга минишиб, сайри боғ, сайри дала, сайри тоғ қилишиб, уч кун деганда шаҳарларига кириб, ўз уйларига етибдилар. Вазирлари, қизлари, куёвлари бутун шаҳар пешвоз чиқишиб, тантана билан кутиб олишибди. Сўнгра подшозода куёвлари:

— Энди бизларга жавоб берсангиз, ота-оналаримизни бориб кўрсак,— деб, қайнотага таъзим бажо келтириб, қўл қовуштириб турибдилар. Подшо хушу хушвақт жавоб берибди.

Подшозодалар ўз юртларига жўнаб кетибдилар.

Подшоҳ ва Тараша ойим яна аввалгидан ҳам ортиқ даври давронни суриб, юртни адолат билан бошқариб, муроду мақсадларига етишибди. Сизлар ҳам етинглар муродга, биз ҳам етайлик муродга.



## «ЕР ҚАТТИҚ, ОСМОН ЙИРОҚ»

Киши қариганда белдан қувват, тиззадан мадор кетади. Ёнингга ҳеч ким киролмай қолади. Юрсанг қалтираб, ўтирсанг тулолмай қоласан. Шундай пайтда сенга бирдан-бир кўмакчи ҳасса бўлади. У сенга ҳам мададкор, ҳам суянчиқ, ҳам йўлдош. Шунинг учун ҳам навбатдаги эртагимиз ҳассанинг хосияти ҳақида.

Бир бор экан, бир йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, бир замонда бир бой бўлиб, унинг уч ўғли бор экан. Учала ўғли ҳам бир-бирига ўхшамас экан. Бири боғдан келса, бири тоғдан келар, кенжаси эса тузукроқ экан. Бой бир куни уч ўғлини ёнига олиб, уларга қараб шундай гап қилибди:

— Болаларим, менинг ёшим кетиб, умрим тугаб, охиратим яқинлашиб қолганга ўхшайди. Сизларга айтадиган гапларим бор. Қулоқ бериб тингланглар,— дебди. Кейин сўзини давом эттириб:— Сизларга мерос қолдирадиган катта-катта мол-мулким йўқ. Аммо битта тулпор берадиган тўриқ биям бор. Ушанинг ҳар йилги туққан қулунини ҳар бирингизга ҳадя қилсам, шу отларим бир умр сизлар билан ҳамроҳ бўлиб, ҳар бирингизга бахт келтиради, оғирингизни енгил, йироғингизни яқин қилади. Лекин ҳар бирингиз бия туғадиган кунни пойлаб, уни ўзингиз туғдириб, қулунига эга бўлишингиз лозим,— дебди.

Кундан-кун, ойдан-ой ўтиб, биянинг туғиш вақт-соати етибди. Бой уни шаҳардан четда бир қоронғи ғорда кун кўрсатмасдан, ойга боқтирмасдан боқар экан. Бияни қулунлатишга биринчи бўлиб катта ўғли борибди. Пойлаб ўтириб, катта ўғлининг роса уйқуси келибди. Узини ҳарёққа уриб, ҳар нарса билан овунтириб уйқусини қочириб, ухлаб қолмасликка ҳаракат қилибди. Аммо эплолмабди. Саҳар пайти етганда унинг кўзи сал илинган экан, бияни тўлғоқ тутибди. Кейин туғиб-

ди. Бия туғанда тоғ-тошлар ларзага кела бошлабди, дарёдаги сувлар эса музлай бошлабди. Дарахтларнинг бели шамолдан букилибди. Катта ака нима гаплигини билмай бир тошнинг орқасига бекиниб олибди. Шу пайт осмондан қора бир нарса учиб келиб, қулунни олиб осмону фалакка чиқиб кетибди. Катта ака оғзини очганча, кўзини кўкка тикканча анқайиб қараб қолаверибди. Уйига қайтиб, қилиб қўйган гуноҳидан пушаймон бўлиб, «бияга эга бўлолмадим», деб кўкрагини заҳга бериб ётиб олибди. Кейин, қулунни излаб топаман, деб уйдан чиқиб кетибди.

Кундан-кун, ойдаи ой ўтиб биянинг яна туғадиган пайти келибди. Бияни қулунлатишга бу сафар энди ўртанча ўғил борибди. Пойлаб ўтириб, ўртанча ўғилнинг ҳам уйқуси келибди. Аммо ўзини уёққа урибди, буёққа урибди, ҳар нарса билан ўзини овунтирибди, уйқусини қочириб, ухлаб қолмасликка ҳаракат қилибди. Совуқ сувга юзини ювиб, мижджа қоқмай ўтирибди. Лекин эп-лолмабди. Саҳар пайти етганда у ҳам ухлаб қолибди. Шу пайт бияни тўлғоқ тутиб, қулунлабди. Бия туққанда тоғ-тошлар ларзага келибди, дарёдаги сувлар музлабди, дарахтлар шамолдан учи ерга тегай-тегай дебди. Бола қараб турса, осмондан бир қора нарса чинқирганича учиб келиб, қулунни илиб кетибди. Бола қўрққанидан ерга ётиб олибди. Бу ҳам акасига ўхшаб қилган ишидан пушаймон бўлиб, «кўзим илинмаганда қулунга эга бўлардим», дея хафа бўлиб, уйига келиб заҳга кўкрагини бериб ётиб олибди. Кейин бу ҳам отасининг қистови билан қулунни излаб уйдан чиқиб кетибди.

Кундан-кун, ойдан-ой ўтиб, биянинг яна туғиш вақт-соати етибди. Бияни қулунлатишга бу сафар кенжа ўғил борадиган бўлибди. Кенжа ўғил ҳам пойлаб ўтириб уйқуси келибди. Шундай келибдики, умрида уйқунинг шунчалик ширинлигини билмаган экан. «Акаларим тулпорларини ўғирлатиб қўйиб аламзада бўлдилар. Мен ўлиб қолсам ҳам ухламайман ва қулунимни ўғирлатмайман», деб ухламасликка ҳаракат қилиб ўзини уёққа урибди, буёққа урибди, уни қилиб кўрибди, буни қилиб кўрибди, бари бир уйқуси келаверибди. Кейин ухлаб қолмаслик учун товонини тилиб ичига туз сешиб қўйибди. Туз себилган жароҳати бирам азоб берибдики, ухлаш уёқда турсин, бир қулоч-бир қулоч сакраб, бир ерда туролмай чопармиш. Саҳар бўлибди. Би-

яни тўлғоқ тута бошлабди. Буёқда бияни тўлғоқ тугармишу, уёқда ерлар титраб, тоғу тошлар қақшаб, дарё ҳайқириб қирғоқдан тошаман дермиш. Қулун ерга тушибди, шу пайт ер ёрилиб, тоғ қулаб, дарё музлаб қолибди. Айни шу дамда осмондан қора бир нарсанинг кўланкаси келиб, пастга тушиб аллақандай мушку анбар ҳид тарата бошлабди. Бу ҳиддан ҳар қандай жонзот, тирик жон дарҳол уйқуга кетар экан. Бола бу ҳидни ҳидлаб қўймаслик учун бурнини маҳкам беркитиб олибди. Бўлмабди, ҳид бурнига кириб кўзи уйқуга кета бошлабди. Шу пайт қўйлагининг энгини йиртиб олиб, белидан белбоғини ечиб, икковини арғамчига ўхшаб ўраб, оғзи-бурнини маҳкам боғлаб олибди. Қараб турса, ҳалиги қора соя ичидан бир қора нарса чиқиб келиб тулпор қулунни қора бир матога ўраб энди осмонга кўтарилмоқчи бўлган экан, кенжа бола чопқиллаб бориб унга ташланиб, тулпор қулунни олиб қолмоқчи бўлибди. Қора нарса бир силтаниб, боланинг қўлидан чиқиб осмонга кўтарилибди. Боланинг қўлида бир парча қора нарса юлиниб қолибди, холос. Ҳалиги қора нарса қулунни олиб чинқирганча осмонга кўтарилиб, бирпасда кўздан ғойиб бўлибди. Тулпор қулунни қўлдан бой бериб қўйганини англаб, бола тозаям ич-ичидан эзилибди. Уйига қайтиб келиб отасига:

— Отажон, мендан рози бўлинг. Мен ҳам қулун тулпоримни ўғирлатиб қўйдим. Уни биё тугиши биланоқ бир қора нарсага ўралган махлуқ чанғалига олиб, осмону фалакка олиб чиқиб кетди. Мен қувиб етиб ушлаб, бир парча ерини узиб ололдим, холос. Энди менга ҳам жавоб берсангиз, излаб топсам. Акаларимни ҳам қулун-тулпори билан излаб топиб, бирга олиб келаман,— дебди. Отаси рози-ризолик бериб, унга оқ фотиҳа берибди. Бола узоқ йўлга равона бўлибди. Бола йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири ҳориб-чарчаб, еярга нони, ичарга суви қолмаганда бир саройга кириб борибди. Саройга кирса уч-тўртта одам бир-бирови билан гап талашиб турган эмиш. Кенжа бола уларнинг олдига бориб:

— Ассалому алайкум, оғалар, нега жанжал қиляпсизлар? — деб сўрабди. Шунда ҳалиги кишилардан бири боланинг саломига алиқ олиб, шундай деб жавоб берибди:

— Бизлар ака-укалармиз, ука. Отамиздан бир қалпоқ мерос қолган эди. Ушани ўн олти йилдан бери бў-

лиша олмаймиз. Қўлингдан келса шу меросни бизларга бўлиб бер,— дебди. Бола эса ўйланиб турибдида:

— Майли, бўлсам бўлиб бера қолай. Лекин аввал қалпоқнинг қандай хусусиятлари бор, билиб олай. Шунга қараб уни бўлиб берай,— дебди. Ака-укалар:

— Сен айтиб бер, йўқ сен айтиб бер,— деб яна бир-бировлари билан тортишиб, жанжаллашиб кетишибди. Кейин энг катта акалари:

— Қалпоқнинг бир хусусияти, уни ким кийса, бошқаларга кўринмай қолади. Яна бир бошқа хусусияти шуки, унда дон ўлчасанг, ўлчаб тагига етолмайсан. Яна бири эса, нима истасанг, унга қараб: «Қалпоқ, айтганимни қил!»— десанг қопда унми, қўрада қўй-эчкими, минарга отми, киярга тўнми, еярга овқатми тайёр қилади. Чўлда кўл бўлсин, десанг — кўл, ҳовуз бўлсин десанг — ҳовуз бўлади,— дебди. Бола бу лақма ака-укаларнинг бошлаб таъзирини бериб қўймоқчи бўлиб:

— Ҳў баланд тепаликдаги қайрағочни кўряпсизларми? — дебди. Ака-укалар бараварига:

— Ҳа, кўряпмиз,— дейишибди. Бола:

— Ҳозир ўша тепаликка борасизлар, етиб боргач, мен томонга қарайсизлар. Мен қўлимни силкитиб чопинглар, дейман. Кимдан-ким биринчи бўлиб олдимга етиб келса, у ютиб чиққан бўлади, қалпоқ ўшаники! — дебди.

Ака-укалар, тушундик, дейишиб, бола кўрсатган томонга чопқиллаб кетишибди. Ярим йўлга етганда ака-укалар бир-бирларини «сен ўтиб кетдинг, мен қолиб кетдим», дейишиб бири бошқасининг этагидан тортиб, ур-йиқит бўлиб кетишибди. Кенжа бола эса уларни анча кутибди. Қараса, ака-укаларнинг жанжали яқин орада тугамайдиган экан. Бола бу жанжалкаш ака-укаларни ажратишга вақти йўқлигидан қалпоқни бошига кийибди-да, кўзлаган йўлига равона бўлибди. Ҳалиги ака-укалардан келсангиз ҳалиям жанжаллашиб ётишган эмиш.

Бола шу йўлга тушгандан юриб-юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб бир чўлга етиб борибди. Шу чўлдан ёлғизоёқ йўлдан кетаётган экан, бир кампир инқиллаб-синқиллаб икки пақир сувни икки қўлида кўтариб кетаётган эмиш. Бола чошиб бориб, кампирга қараб:

— Ассалому алайкум, момо,— дебди. Кампир:

— Ваалайкум ассалом, болам, барака топ,— дебди.  
Бола:

— Онажон, сувни менга беринг, мен кўтариб олай,— дебди. Кампир хурсанд бўлиб, сувни болага берибди. Бола пақирни кўтариб, кампирга эргашиб, унинг орқасидан кетаверибди. Анча-мунча юришиб, бир ерга борганда қандайдир бир ертўлага етиб келишибди. Кампир болани қўярда-қўймай ертўлага олиб тушибди. Ертўлага тушса, ажойиб бир жой эмиш. Ертўла катталигидан бир шаҳар унинг ичига жойланса бўлармиш. Ҳаммаёқда гуллар очилиб, атрофга ҳид тарқатиб ётган эмиш. Мевали дарахтлар меваси кўплигидан шохлари синай-синай деб турганмиш. Бир томонда қўй-қўзилар, бир томонда от-йилқилар ўтлаб юрган эмиш. Кенжа бола буларни кўриб ҳайрон бўлиб турган экан, кампир:

— Болам, ҳайрсн бўлма. Буни менга дев болаларим қуриб берган. Ташқарида бўлса, одамлар кўриб қолишади, сизга тинчлик беришмайди, деб ер остига шу жойни қуриб беришган,— дебди. Кейин кенжа боланинг олдига дастурхон ёзиб, ноз-неъматлардан тўкиб солиб, гап сўрабди.

— Болам, қаерлардан келиб, қаерларга кетяпсан. Бу ерда эса юриш жуда хавфли. Шамол туриб, иссиқ бошланса, сувсизликдан ўлиб кетасан. Ё девлар кўриб қолса, еб қўйишади,— дебди. Кенжа бола ҳамма гапни айтиб бериб, сўзининг охирида:

— Акаларим тулпор қулунларини ахтариб йўқ бўлиб кетишганди. Мен ҳам тулпор қулунни ахтариб юрибман. Уни топмасдан уйга қайтмайман. Шу отимни излаб ўлиб кетсам — ўлиб кетаманки, топмасдан қўймайман,— дебди. Кампир:

— Болам, жуда ҳам қийин ишга қўл урибсан. Қулунинг қаерда, ким олиб кетган — билмасанг. Ҳа, майли, мен ёрдам беришга ҳаракат қиламан, балки ёрдамим тегиб қолар,— дебди. Кампирнинг бир ойнаси бўлиб, унга қараса жаҳондаги жами содир бўлаётган воқеаларни кўрсатиб, айтиб берар экан. Кампир ойна жаҳонномасини яхшиларга кўрсатиш учун асраб, етти қават сандиқ ичида сақлар экан. Кампир кенжа болага қараб:

— Болам, сен яхши одам экансан, менга салом бериб, юкимни енгиллаштирдинг. Шунинг раҳмати учун сенга бир нарса совға қиламан. Узим ҳам қариб, бир

оёғим буёқда, бошқаси уёқда бўлиб қолди. Шу меросимни кимга қолдирсам экан, деб юрардим. Шуниси сенга беришга аҳд қилдим,— дея у ертўланинг еттинчисига тушиб, бир сандиқ кўтариб чиқибди. Уларни бола-нинг олдида очиб, энг охиргисининг ичидан ҳалиги ойнаи жаҳонни олиб, болага қараб шундай дебди:

— Болам, менинг ҳеч кимим йўқ, ўзим ёлғизман. Шу ойнаи жаҳоним сенга мenden мерос бўлиб қолсин. Ҳар замон-ҳар замонда мени эслаб, чироғимни ёқиб юрсанг бўлгани!— Кампир шундай деб қўлидаги ойнаи жаҳонни болага берибди. Бола:

— Раҳмат, онажон. Хали-вери сиз ўлмайсиз, хизматингизда бўламан. Бордию қариб-чуриб оламдан ўтганингизда ҳам, чироғимни ёқиб, қабримни зиёрат қилдиган ўлим бор, деб ўйлайверинг,— деб кампирнинг кўнглини кўтариб, хотиржам қилибди. Кампир ундан рози бўлиб: «Энди сафарга отлан. Ойнаи жаҳонномани йўл юриб чарчаган, сувинг тугаб ташна бўлган, нонинг тугаб, оч қолган пайтингдагини қўлга олиб унга қара», деб тайинлаб йўлга солиб юборибди.

Кенжа бола йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, юр-верганидан чарчаб, оёғидан мадор, белидан қувват кетиб, ейишга нони, ичишга суви қолмаганда бир ерга етиб борибди. Бир дарахтнинг тагига ўтириб, кампир берган ойнаи жаҳонномани қўлига олиб, унга қарабди. Қараса бир гулшанбоғ кўринибди. Боғда сарҳовуз бор эмиш, унинг ёнида эса учар гилам турган эмиш. Учар гилам устида уч ҳурлиқо қиз эмиш. Ҳар бир қизнинг қирқтадан канизлари югуриб-елиб хизмат қилишаётган эмиш. Гулшанбоғнинг четида уч тулпор кишанда турган эмиш. Тулпорлар кишанланган бўлсаям, юлдузникиўзлаб турганмиш. Кенжа бола уларга қараб ҳеч нима демабди-ю, қўлига ойнаи жаҳонни олиб, энаси кампирни эслабди. Бир пайт кўзгуда энаси кўриниб:

— Ҳа, болам, бошингга мушкул иш тушдими, мени эсладинг,— дебди. Шунда бола ойнаи жаҳонномага қараб:

— Ҳа, эна, бошимга мушкул иш тушди. Сиз берган ойнада тулпоримни кўрдим. Кишанда экан. Аммо у қаердаги боғда кишанбанд ётганини билмайман. Отим кимнинг боғида бандида эканини балки сиз биларсиз?— дебди. Кампир:

— Болам, отинг Эрамбоғдаги уч опа-сингил парилар — Ойпари, Гулпари, Кунпариларнинг гулшанбоғи-



да экан. Аммо у ерга боришнинг иложи йўқ. Йўлда бекорга ўлиб кетасан,— дебди. Кенжа бола ойнага қараб:

— Бормасам бўлмайди, энажон. Шу тулпорим йўлида ўлиб кетсам ҳам майли,— дебди. Шунда кампир:

— Бўлмаса мени кутиб тур, мен тезда етиб бориб, сенга йўлни кўрсатиб бераман,— дебди. Кенжа бола:

— Тез келинг, тоқатим тоқ, сабр-қаноатим йўқ,— дебди. Кенжа болани шу ерда қолдириб, гапни ойна жаҳонда кўринган кампирдан эшитинг.

Кампир бола билан гаплашиб бўлгач: «Тушим тўғри чиқди. Тушимда болам тойини топиб олган экан», деб девни чақирибди. Тутатқини ҳидини олиб дев учиб келибди. «Мени болам ёнига етказ», дебди унга. Дев:

— Қайси болангиз. Болангиз йўқ эди-ку? — деган экан, кампир:

— Тутинган болам, у Қорабоғ тоғида дам олиб, салқинлаб ётибди,— дебди. Дев кампирни елкасига миндириб, осмонга кўтарилибди. Учиб-учиб бир ерга борганда дев қўлини пешонасига қўйиб уёқ-буёққа қарабди. Бир пайт кўзи бир нуқтани кўрибди. «Кампир онамнинг тутинган боласи шу бўлса керак-да», деб ерга тушибди. Она-бола қучоқлашиб кўришиб, кампир кенжа болага:

— Боришинг тайинми?— дебди. Бола:

— Бормасам бўлмайди,— деб жавоб берибди.

— Бўлмаса гапимга яхшилаб қулоқ сол. Гулшанбоғнинг йўли жуда узоқ. Узоқ бўлсаям майли-я, кўп қийинчиликлари бор. Чидасанг, мақсадингга етасан,— дебди. Кейин:— Болам, манави ҳассамни ол. Сенга керак бўлади,— дебди. Кенжа бола:

— Онажон, ҳали ёшман-ку. Ҳассанинг менга нима кераги бор? — деб сўраган экан, кампир:

— Йўқ, болам, бу бежиз ҳасса эмас. Йўлинг олис, не-не баланд тоғлардан ўтасан. Ҳасса сенга мадаккор бўлади, не-не дарёлардан ўтасан, сенга кўприк бўлади, не-не кўллар, жарликлардан ўтасан, сенга бел бўлади,— дебди. Бола ҳассани олиб йўлга тушибди. Она-си хайрлашиб, оқ йўл тилаб орқасига қайтибди.

Кенжа бола йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, охири бир манзилга етиб келибди. Бу жойда биттаю битта чайла бор экан. Чайла кимга тегишли экан, деб уёқ-буёққа қараб турган экан, бир овоз келибди. «Овоз чиқарган ким бўлди?» — деб бундоқ ўгирилса, шундоқ-қина ёнида юз-кўзлари тиришган, бурни эса буришган,

ёмонликни ўзига ошна қилган, ҳамма билан уришган, қутурган ит билан олишган, тулкига панд бериб, бўри билан беллашган бир ялмоғиз кампир турган эмиш.

— Ассалому алайкум! — дебди кенжа бола таъзим билан. Ялмоғиз:

— Саломинг бўлди, йўқса сени икки ямлаб, бир ютардим, — дебди. Кейин эса: — Йўл бўлсин? — дебди кампир тишларини қизилиштон қуруқ ёғочни тақиллатгандек тақиллатиб. Кенжа бола, «айтайми, йўқми», деб турган экан, ялмоғиз:

— Айтавер, балки ёрдамим тегар, саломинг ҳурмати, — дебди. Кенжа бола ҳамма гапни айтиб бўлгач:

— Шу Гулшанбоққа бориб тулпоримни олиб келмоқчиман, — дебди. Бу гапни эшитган ялмоғиз «ҳиринг-ҳиринг» кулибди-да, кейин унга қараб:

— Ҳу анави калла суягидан уюлган тепаликни кўряпсанми? — деб сўрабди.

— Ҳа, кўряпман, одамларнинг калласига ўхшаяпти, — дебди бола. Ялмоғиз кампир:

— Ана, ўша суяклар, сенга ўхшаган тулпорини ахтариб чиққанларнинг боши. Ҳеч ким дунёга келгандан бери сен айтган Гулшанбоққа ўтган эмас. Мен омон эканман, сен ҳам уёққа ўтолмайсан, — дебди-да, бир айланиб олиб, қоп-қора сочлари билан ўзини ўраб олган жодугарга айланибди. Кейин ҳар панжасини бешлик симларига ўхшатиб кенжа болага ўқталиб: «Кўзларингни ўйиб оламан», «қулоқларингни кесиб оламан», «каллангни танангдан жудо қиламан», деяверибди. Кенжавой қараса, ишлар чатоқ. Эсига ака-укалардан қолган телпак тушиб, уни қўйнидан олиб кийиб олган экан, кампирнинг кўзига кўринмай қолибди. Ялмоғиз: «Ҳой, қаёқдасан, яшшамагур бола», деб уёққа бешлик ўқталибди, «ҳой, ярамас, қаёқдасан», деб буёққа бешлик ўқталибди. «Мен буёқдаман, шумкампир», дея уёққа чопибди, «мен буёқдаман», дея буёққа қочибди. Кампир уни кўрмасаям қувиб уёққа чопиб, буёққа чопиб, обдан ҳолдан кетибди. Кенжа бола бошидан қалпоғини олиб:

— Ҳой, момо, Гулшанбоғнинг йўлини кўрсатасанми-йўқми? — деган экан, чала ўлик бўлиб ётган ялмоғиз ўрнидан даст туриб: «Тулпор қулунларни мен олиб қочганман, уларни сенга қайтариб бериб бўлман. Гулшанбоққа бориб бўлсан», деганича болани яна қувиб кетибди. Кенжа бола ҳассасини дўқиллатиб ҳар қадам таш-

лаганда ўн қадамни бир қилиб қочибди. Кампир бир сакраганда унга етиб олиб, пиёз сочидан ушлай-ушлай, деб қолармиш. Шу аснода ялмоғиз қувиб, бола қочиб кетаверибди, кетаверибди. Бир маҳал олдиларидан катта бир тубсиз жарлик чиқибди. Бола энаси берган ҳассани жарликка ташлаб, устидан юриб ўтибди. Кампир ҳам унинг орқасидан қадам қўйган экан, жарликка қулаб тушибди. Жарликнинг нариги қирғоғига ўтиб: «Шум кампирдан қутулдим-а, худога шукур», деб турган экан, жарликдан тирмашиб-тортишиб кампир чиқиб келибди-да, унга ташланибди. Кенжа бола яна қочибди, ялмоғиз қувибди. Олдиларидан бир тоғ чиқибди. Бола ҳассани дўқиллатиб тоққа кўтарилибди. Ялмоғиз ҳам тошдан-тошга сакраб изидан келаверибди. Тоғнинг чўққисига чиққанда, ялмоғиз болага етай деб қолибди. Кенжа бола ҳасса билан туртиб юборган экан, кампир додлаганича пастга қараб қулаб тушибди. Кенжа бола: «Шум кампирдан қутулдим», дебди-да, тоғнинг уёғига ошиб тушибди. Бир пайт кетаётса, шундоқ рўпарасида: «Ҳа, сеними, яшшамагур, тоғдан тушиб ўлди, деб юрибсанми. Йўқ, мен тоғдан тушиб ўладиганлардан эмасман», деб турган эмиш-да! Кенжа бола қочибди, ялмоғиз эса қуваверибди. Бир маҳал олдиларидан сандиқдай-сандиқдай тошларни оқизиб кетаётган дарё чиқиб қолибди. Бола ҳассани ташлаб кўприк қилиб ўтиб олибди. Ялмоғиз ҳам ўзини сойга ташлаган экан, сув уни оқизиб кетибди. Кампир оқиб кетиб, тошларга урилиб ўлганидан кейин тоғлар ҳам болага йўл берибди. Йўллар уни тўппа-тўғри Гулшанбоққа олиб борибди. Гулшанбоғ ўттиз икки пахсали қўрғон билан ўралган бўлиб, у ерга ҳеч ким киролмас экан. Бола ҳассасини қўрғон деворига урган экан, девор қулаб йўл очилибди. Ичкарига кириб, ойнаи жаҳонда кўрган боғ шу эканлигини билиб, «шундай юрсам бўлмас, парилар ушлаб олиб, девларга ем қилишмасин», деб қалпоқни кийиб олибди. Кенжа бола одамларни кўрармиш, лекин одамлар уни кўрмасмиш. Шундай қилиб, боғ оралаб юрган экан, ҳовуз атрофида ўтирган парилар устидан чиқиб қолибди. Қизлар: «Зап баҳодир экан, ялмоғизни ўлдирди-я, қани энди тезроқ келса-ку, қувонардик», деб ўзаро суҳбат қуришаётган экан. Кенжавой париларни кўрармиш, суҳбатларини эшитармиш-у, аммо парилар уни ҳеч ҳам кўришмасмиш. Бир пайт дарвозалар шарақшуруқлаб очилиб, бир тўда арслону шер, йўлбарсу бў-

ри, тулкиларни ҳайдаб девлар келиб қолибди. Девлар дарвозадан киришлари биланоқ: «Уффо-уффо, одам иси келяпти, уффо», дея бақиритиб, уёқдан-буёққа чопаверишибди. Париларнинг бирови:

— Нега ундай дейсизлар, акалар, бу ерда одам нима қилсин. Бир одам ялмоғиз кампирни сувга оқизиб ўлдирганини фаҳмимиз билан билдик. Аммо, уни келармикан, деган эдик, келмади. Келса бир зиёфат қилиб берардик. Балки бировимиз унга эрга тегармидик,— дебди. Гапга аралашмай жим турган Кунпари:

— Тулпорларни ҳам олгани келишмади. Ҳеч бўлма-са кенжа ўғил келганда-ку, яхши бўларди,— дебди. Шу пайт кенжа бола бошидан қалпоғини олиб:

— Мана, мен келдим! — дебди. Парилар бирма-бир думалаб каптарга айланиб «дув» этиб учиб кетишибди. Девлар ва улар емиш деб ҳайдаб келган ваҳший ҳайвонлар кенжа болага ташланишиб, уни бўлак-бўлак қилиб ейишмоқчи бўлишибди. Кенжавой қўлидаги ҳасаси билан уёқдан келса — урибди, буёқдан келса — урибди. Келгани борки, уриб бир чеккадан сулайтириб ташлайверибди. Девлар бир овоз қилган экан, ҳаммаёқни дев босиб кетибди. Оқ, кўк дев, сариқ дев, қора дев. Ҳар бирининг қўлида эса гурзи эмиш. Девларнинг кўплигини, важоҳатини кўриб кенжавой кўрқиб кетибди. Энди девни ҳасаси билан урса, йиқилмай кулиб турармиш, ҳайвонларни урса, улар инграб-синграмасдан, «шу ҳам уришми», дегандай писанд қилмай қараб турармиш. Кенжавой: «Менга нима бўлди, урган калтагим уларга пашша чаққанчалик ҳам бўлмапти», деб ҳайрон бўлиб турган экан, боғлоқлик турган тулпор қулунлардан бирови бир силтаниб кишанларни узиб ташлаб, боланинг олдига келиб:

— Ҳой, йигит, мени мин. Мен сени булардан қутқараман! — дебди. Кенжавой тулпорга минган захоти кучига-куч, қувватига-қувват қўшилиб кетибди. Девлар қувиб етса, ҳасаси билан боплаб солаверибди, осмонга учса оёғидан ушлаб, кўринган томонга отаверибди. Буни кўриб шеру йўлбарслар ҳар томонга қараб қочиб қолишибди. Том тепасида томоша қилиб турган каптар парилардан бири кенжа болани таниб қолиб:

— Ҳой, қизлар, мен сизларга айтган кенжа бола шу-ку. Нега танимадик-а, иззатини жойига қўйиб меҳмон қилмадик-а? — деб, пастга тушиб, бир думалаб

каптарлардан яна пари қизларга айланибди. Болага қараб ноз-карашма билан:

— Хуш келибсиз, сабо келибсиз, акажон. Биз сизни танимабмиз, кечиринг,— дебди. Кенжавой эса ҳайрон эмиш. Девлар ҳам ҳайрон эмиш. Қолган парилар ҳам ҳайронликда томдан тушиб, бир думалаб каптарликдан парига айланишибди. Шунда Кунпари:

— Ахир, бу акамиз-ку! Тулпорларнинг эгаси ялмоғизни ўлдирган, бу ерга келиб девларни қийратган, ҳайвонларни қочирган кенжавой оғамиз-ку!— дебди. Парилар:

— Вой, ўлмасак, вой, шўримиз қурсин, сизни танимабмиз, кечиринг, «танимасни сийламас», қилибмиз, вой ўлмасак,— дейишиб, буралишиб, сузилишиб, кейин чақчақлашиб, тоза кўрпачалардан тагига солишиб, роса иззатини жойига қўйишибди. Девлар ҳам ўзларига келишиб: «Бизни кечиринг, биз ҳам танимабмиз. Пари сингилларимизнинг оғаси экансиз-у», деб кенжавойнинг иззатини жойига қўйиб, қўй сўйишиб, турли-туман мевалардан келтириб, дастурхонни тўлдириб, улар ҳам кенжавойни меҳмон қилаверишибди. Кенжавой эса тулпорларни кишандан бўшатишни буюрибди.

Ҳамма соғ-саломат, бири-бирини сийлаб, маишатда бўлибди, шу алфозда етти кечаю етти кундуз ўтибди. Шунда парилардан бири Ойпари:

— Кунпарининг юрагидан урган кенжавой акамнинг ҳам юлдузи унга тушган. Ўтирганда, турганда, юрганда кўзини ундан олмаётганини, қачон бўлса ёнида олиб туришини кўрмадингларми, тўйларини қилмаймизми? Кунпари эрга тегса, шундай йигитга тегар-да, ундан ортиқ кимга ҳам тегарди. Кенжа акам хотин олса, шундайини олар-да, ортиғини тополмас,— дебди. Бу гап ҳаммага маъқул бўлиб, биринчи навбатда Кунпарни билан кенжавойга маъқул тушиб, девлар ҳам маъқуллаб, тўйни бошлаб юборишибди. Қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша бўлибди. Париларда қизиқ одат бўларкан. Улар: «Қадди-қоматимиз бузилиб қолади», деб овқат ейишмас экан, тарозига солсанг, бир мисқол чиқиши шундан экан-да! Девларни тўйдириб бўлмас экан. Ҳар биттаси ҳовуздаги сувга, қўрадаги қўйга, қопдаги унга, саватдаги нонга тўймас экан. Кенжа бола қалпоғини ишга солиб, овқат топтираверибди, қўй-эчки, нонпон олдириб келтираверибди, улар ейишаверибди. Шундай қилиб бўпти зиёфат, бўпти зиёфат. Ҳаммалари яй-

раб, роса битлари тўкилибди. Қирқ кун ўтгач, Кунпари билан кенжавойнинг бир қошиқ сув билан никоҳи ўкилиб, улар эр-хотин бўлишибди. Бир-бировининг хурматини жойига қўйишиб, бир-бировига тўйишмай, қирқ кечаю қирқ кундуз роҳат-фароғатда яшашибди. Бир уни кенжа бола:

— Ёрим, энди қайтсам, акаларимни излаб топиб, тулпорларни бериб, отамнинг олдига борсак,— дебди. Кунпари:

— Мен розиман, сиз қаерда бўлсангиз, мен ҳам ўша ерда бўламан. Опаларим нима деркин? — дебди. Кенжа бола бу гапни опаларига айтган экан, Ойпари билан Гулпари жавоб беришибди:

— Девлар олиб бориб қўйишарди-я, улар бизни қўриқлаб туришибди. Ичкарида қирқ пудлик гилам бор. Шунини ташқарига олиб чиқиб, тулпорларни унинг устига чиқаринглар, ўзларингиз ҳам унинг устига чиқиб: «Учар гилам, уч гилам!» дейсизлар. Шу гилам, қаерга олиб бор, десанглар олиб боради,— дейишибди парилар. Кенжавойга гиламни ташқарига олиб чиқишда девлар ёрдамлашиб юборишибди. Гиламни ўртага ёзиб, тулпорларни чиқаришибди, ўзлари ҳам чиқиб, девлар ва парилар билан хайрлашибдилар.

— Бизни эсдан чиқарманглар, тез-тез келиб туринглар,— деб жавоб беришибди. Кенжа бола гиламга қараб: «Учар гилам, уч гилам!» — деган экан, уч тулпор, Кунпари, кенжавойни олиб осмонга кўтарилибди.

Осмонда учиб кетаверишибди, кетаверишибди. Бир жойга боришса, қир-адир устида бир қанча одамлар тўпланишиб туришган эмиш. Кенжа бола: «Шу ерга тушамиз», деб бир четроққа бориб гиламга қараб: «Гиламжон, гиламжон, пастга, ерга туш!» — деган экан, гилам пастга учиб тушибди. Кенжавой: «Сиз шу ерда ўтириб туринг. Мен аста бориб билай-чи, нега одамлар тўпланишиб туришган экан», деб одамлар турган жойга қараб кетибди. Борса катта бозор эмиш. Бу бозор бошқа бозорлардан фарқланиб, мол-қўй ўрнида одам сотилаётганмиш. «Мени кўришмагани маъқул», деб қалпогини кийиб бозорга кириб борибди. Қирса «ким олди», ким сотди», дея одамларни сотишаётган эмиш. Қуллардан биттаси боланинг кўзига жуда иссиқ кўришибди. Олдига яқинроқ бориб қараса, ўрганча акаси эмиш. Қўл-оёғи кишанланган эмиш. Бир одам, шунини ким етти пулга олса — сотаман, деб турган эмиш.

Бола етти танга бериб ўз акасини сотиб олибди-да, четга олиб чиқиб ўзини танитибди. Акаси укасини топганидан хурсанд бўлиб, у олиб берган кийимларни кийиб, одам башара ҳолга келибди. Акаси билан гиламда учиб кетишгаётган экан, бир жойга етишганда осмонни тутун қоплаб турган эмиш. «Бу тағин нима бўлдийкин?» — деб ҳайрон бўлишибди. Бир маҳал кенжавой четроқ бир жойга бориб, гиламга қараб: «Учар гилам, пастла, гилам», деган экан, гилам аста учиб бориб ерга қўнибди. Борса, жунлари ўсиб, танасини қоплаган, ҳар бири тепадай-тепадай келадиган девлар бир болани ўртага олиб, сўроқ қилиб ётган эмиш. Кенжавой телпакни кийиб, акаси ва хотинини тушишган ерида қолдириб, аста девларнинг олдига борибди. Кенжавой девларни кўрар эмиш-у, девлар уни кўришмас эмиш. Девлар: «Пуф, пуф одам иси», деб уёққа қарашармиш, буёққа қарашармиш, ҳеч кимни кўрмай ҳайрон бўлишармиш, хуноблари ошармиш. Кенжавой ўртада турган болага яхшироқ қараса, акаси эмиш. Сочлари ўсиб, ранги сарғайиб, худди етти йил безгак тутган кекса одамдай бўлиб қолибди. Кенжавой аста-секин бориб қалпоғининг бир учини унинг бошига теккизибди. Бола кенжавойга ўхшаб кўринмай қолибди. Девларни кўрармиш-у, уни ва кенжавойни девлар кўрмасмиш. Кенжавой акасининг қулоғига аста:

— Бу ердан тезроқ кетайлик, ака. Мен кенжавойман,— дебди. Акаси хурсанд бўлиб, уни қучоқлаб олибди. Кенжавой билан акаси бир-бирига сўянишиб, девлар орасидан сирғаниб чиқиб кетишибди. Девлар: «Бола қани, бояги одам қани?»— деб бир-бирларидан сўрашиб: «Сен еб қўйдинг, сен ютиб юбординг»,— дейишиб бир-иккинчисини итариб, суриб, туртиб қолишибди. Кейин: «Болани ҳеч қайсимиз емаган бўлсак, ажинапажина олиб кетди ё Кун бобо осмонга олиб чиқиб кетган», дейишиб осмонга қараб учиб кетишибди. Бола хотини билан акасининг олдига келиб, улар билан қайтадан кўришиб, сўрашиб ўтиришибди. Кейин бола:

— Акалар, қорнимиз очди, унинг устига сизларнинг кийимларингиз ҳам яхшимас. Ҳозир бир иш қиламиз, кейин йўлга чиқамиз,— дебди-да, қалпоғига қараб: «Ҳой, телпаквой, ҳозир дунёдаги етмиш бир хил овқатни тайёрла, акаларимга шоҳона кийимлар, от пайдо қил, шуларни қилмасанг, хафа бўламан-а», дебди. Ҳаммалари қараб туришса, ўртага катта бир дастурхон ёзи-

либ, етмиш бир хил овқат пайдо бўлибди. Унг томонда қорабайир, чап томонда саман тулпор от, белларнда шамшир қилич, поча пўстин, узоққа отиладиган ёй, камон билан олтин эгар, кумуш юган, пўлат узанги бир-биридан чиройли эмиш. Кенжавой акалари билан роса маншат қилибди. Май ичиб маст-аласт бўлишибди. Кенжавой умуман ичмаган экан-у, оз-моз ичиб юрар, аммо акаларига ўхшамас экан. Катта акалари доимо ичиб, масту аласт бўлиб юришар экан. Унча-мунча май уларга қор қилмас экан-да. Кенжа бола бирпасда маст бўлиб қолибди. Акалари қанча кўп ичишсаям маст бўлишмабди. Катта ака укасининг хотинини кўриб ошиқу беқарор бўлиб қолибди. Уртанча укасига қараб: «Ука, бир гап айтсам, нима дейсан», деган экан, укаси: «Айтаверинг», дебди. Шунда катта ака:

— Биз тулпоримизни тополмадик. Бу отларимизни топибди. Қолаверса анави ой деса оғзи, кун деса кўзи бор парини хотинликка ҳам олибди. Гилам, қалпоқ ҳам уники. Балки анави ҳассада ҳам бир гап бордир. Бизда эса ҳеч нима йўқ. Шундоқ борсак, қуддан фарқимиз йўқ. Одамларга, отамизга нима деймиз. Улар олдида ким деган одам бўламиз. Йўқ, мен отамнинг олдида шундоқ бормайман. Ё укамни йўқ қилиб, парини хотинликка олиб, отларни, қалпоқ билан гиламни олиб бораман ё шу ерларда қолиб кетаман. Агар рози бўлсанг, сени шерик қилиб оламан. Йўқ десанг, унда йўлингдан қолма,— дебди. Уртанча ака, катта акага қараганда раҳмдилроқ, укасига меҳрибонроқ экан, катта акасининг гапига шундай жавоб қилибди:

— Ака, нима бўлсаям ўлдирмайлик, майли, оёқ-қўллни боғлабми, чўлоқ-мўлоқ қилибми, шу яқин орага ташлаб кетайлик. Ахир укамиз-ку?— деган экан, акаси:

— Укамиз бўлса нима, бизга анавилардан бериб кўярмиди,— дебди. Уртанча ака:

— Беради, мен айтаман. Нима десангиз қилади,— дебди. Катта ака:

— Қани, кўрамиз,— деб кенжавойнинг ўзига келишини куттишибди. Эрталаб Кенжавой:

— Менга нима бўлди, ҳеч нимани билмай қолибман. Ҳозир бўлса бошим оғриб, кўнглим айниб турибди. Кетамизми, ака? — дебди катта акасига қараб. Катта акаси индамабди. Уртанча ака:

— Ука, кетишга кетамиз. Аммо бир гап чиқиб қолди,— деб катта акасининг гапларини айтиб берибди.



— Нима сўраса бераман, нимани истаса олсин, — дебди кенжавой. Катта ака: «Гап бундай бўлибди», — деб укасига қараб:

— Гиламни, парини мен оламан, қалпоқни ўртанча укамиз олади, сенга анави ҳасса тегади. Тулпорларни ҳам бўлиб оламиз. Яна бир шартим шуки, ота-онамининг олдига борганимизда тулпорларни бирга топганлигимизни айтиб, гилам, телпак ҳақида лом-мим демайсан, — дебди. Кенжавой:

— Мен розиман. Аммо пари менинг хотинимга айланиб қолган, қандай қилиб укангизнинг хотинини хотинликка оласиз. Майли, ҳамма нарсани олинг, аммо хотинимни бермайман, — дебди. Акаси:

— Бермайсанми! Ҳали шундайми! Берсанг ҳам оламан, бермасанг ҳам оламан! — деб ўдағайлаганича қилич кўтариб, уқасининг устига бостириб борибди. Кейин: — Сен хотин қилган бўлсанг, менга ҳам хотин бўлавереди, — дея қўшимча қилибди. Орага ўртанча ака тушиб, уни шаштидан қайтарибди. Кенжавой хафа бўлиб ўрнидан туриб кетибди. Шунда ўртанча ака:

— Ака, урманг ҳам, ўлдирманг ҳам, унинг феъли ёмон, яна бир нарса қилиб бизни бу ерда қолдириб кетмасин, — дебди.

— Нима қил дейсан? — сўрабди катта ака. Шунда ўртанча ака дебди:

— Ака, бир ҳийла ишлатамиз. Анави обизамзамнинг кучи ҳамма нарсага етади. Ҳеч нарса ундан қочиб қутула олмайди. Шундан ичириб, маст қилиб, шу ерда қолдириб кетаверамиз, — дебди. Катта ака рози бўлибди. Кейин укасига қараб:

— Ука, мен сени бир синамоқчи эдим. Хотининг ҳам, нарсаларинг ҳам ўзингга буюрсин, — дебди. Кейин: — Гап билан бўлиб кун исиб кетганини ҳам билмай қолибмиз. Кечки пайт ёки кечаси салқинда йўлга чиқамиз. Ҳозир эса ётиб дам олайлик, — дебди. Кейин, ука, қорин очди, қалпоғингга айтиб, овқат ҳозирла. Оз-моз шароб ҳам топсин. Йўл олдидан яхшилаб тўйиб олайлик, — дея қўшимча қилибди. Кенжавой, акам ниятидан қайтди, деб хурсанд бўлиб, қалпоғига қараб:

— Ҳозирнинг ўзида етмиш бир хил овқат, шароб пайдо бўлсин, — деб буюрибди. Бирпасда дастурхон ёзилиб, нозу неъматлар ичимлик пайдо бўлиб, дастурхон тўлиб-тошиб кетибди. Кенжавойни эса ғафлат босиб: «Акам ниятидан қайтди-ку, — деб хурсанд бўлиб, шароб

дан ичаверибди-ичаверибди. Бир пайт маст бўлиб қолибди. Катта ака кичик укасининг обдан маст бўлганига ишончи комил бўлгач, ўртанча укасига қараб:

— Ана, айтмабмидим, сен яна ҳамма нарсани беради дейсан,— дея кенжавойнинг қўл-оёғини боғлаб, оғзига яна ичкиликдан қўйиб, битта от, ҳасса билан шу ерда қолдириб, ўзлари тулпорларни олиб, қалпоқни ҳам олишиб учар гиламда учиб кетишибди. Буларни учиб кетишда қўйиб, гапни кенжа боладан эшитайлик.

Кенжа эрталаб турса, қўл-оёғи боғлиқ ётган эмиш. Бир илож қилиб ҳассанинг олдига борибди. Борса ойнан жаҳоннома ҳам шу ерда ётган эмиш. «Акаларим кўрмай қолибди-да», деб унга қараб эгасини йўқлабди. Кампир кўринибди. Бола овоз чиқариб:

— Энажон, келинг, аҳволим чатоқ,— дебди. Кампир етиб келиб, кенжа боланинг қўл-оёғи боғланган, масту аласт ҳолда ётганини кўриб жуда хафа бўлиб кетибди.

— Мен сенга айтган эдим-ку, ҳеч ҳам ичма деб. Бу обизамзамнинг қўлидан ҳамма иш келади,— деб унинг қўл-оёғини ечибди. Кейин:— Сени бу аҳволга ким солди? — деб сўрабди. Кенжавой ойнага қарабди. Ойнада гилам устида акалари, пастда отлар кетаётганини кўриб:

— Анавилар,— дебди кампирга қараб.

— Шулар бўлса сен ойнаи жаҳоннома билан ҳассани қўлингга ол-да, тез йўлга туш, қувиб етасан. Мен девни миниб осмонда учиб етиб оламан-да, тўхтатиб жазосини бериб, ўчингни олиб бераман,— дебди. Кенжа:

— Йўқ, ўчимни олманг, улар, ахир, акаларим-ку,— дебди. Кампир:

— Кўрармиз. Тез йўлга чиқавер,— дебди. Бола ҳассани қўлига олиб йўлга тушибди. Ҳасса ўн қадамни бир қадам қилиб, йўлга тушибди. Кампир эса девга миниб, бу ҳам осмонда йўлга тушибди. Бирпасда уларни қувиб етишибди. Кампирнинг девни миниб келаётганини кўрган акалар қўрқиб кетишибди. Пастга қарашса, укалари ҳасса ушлаб келаётган эмиш. У энди бизни ўлдиради, деб пастга тушишмабди. Осмонда устиларидан учиб келаётган девни кўриб, «тутиб олса ямламай ютади», дейишиб яна бешбаттар қўрқишибди.

«Ер қаттиқ, осмон йироқ» деганлари шу-да! Катта акалар ерга қўнишни ҳам, осмонга чиқиб кетишини

ҳам билмай тозаям қийин аҳволда қолишибди. Кейин кампир уларга қараб:

— Ҳой, одамлар, пастга тушинглар, бўлмаса девимга буюриб, ўлдиртириб юбораман,— дебди. Пастдан эса укалари:

— Пастга тушинглар, бўлмаса ҳассам билан бир уриб осмондаёқ кулларингни кўкка совураман,— дебди. Шундан ака-укалар: «Пастга туша қолайлик, ҳар ҳолда девдан инсофлироқ, ахир, у укамиз-ку», дейишиб пастга тушишибди. Кейин тавбаларига таяниб, укаларининг оёғига йиқилиб, кечирим сўрашибди. Кенжавой акаларининг гуноҳдан ўтибди. Ҳаммалари эсон-омон ота-оналарининг юртига боришибди. Кампир:

— Керак бўлсам ойнаи жаҳонномага қара,— деб орқасига қайтиб кегибди.

Ота-оналари уларнинг кўйида йиғлай-йиғлай кўр бўлиб қолишган экан. Пари енги билан уларнинг кўзларини силабди. Ҳар иккаларининг кўзи чироқдай очилиб, дунёга қайтадан келгандай бўлишибди. Кенжа ойнаи жаҳонномага қараб, қолган париларни кўриб, уларни чақиртириб келиб, икки акасига хотин қилиб олиб берибди. Ота-оналари уч парини уч ўғилларига никоҳлаб беришибди. Катта ака билан ўртанча ака қилган ишларидан роса хижолат бўлишиб, энди сира бундай қилмасликка чин дилдан ваъда беришибди. Қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб, никоҳдан ўтиб, тўқ-фаровон яшаб, мурод-мақсадларига етибдилар.



## ДЕВ-КАМПИР

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир оч экан, бир тўқ экан. Қадим-қадим замонларда Сумбул деган юртда Туманшоҳ деган подшо ўтган экан. У подшонинг Фотима-Зуҳра деган қизлари бўлиб, улар ўн учга тўлиб, ўн тўртга қадам қўйишган экан. Бу подшоҳнинг дунёда йўқ катта боғи бўлиб, унда оламдаги мевалару гулларнинг барчасидан бор экан. Аммо бу боғ подшоликдан анча йироқда экан. Боғни Абдусамат исмли бир боғбон қўриқлар, кечасию кундузи ётиш-туриши ҳам шу жойда экан. Боғбоннинг хотини Қурвонбиби эса, биттагина қизи Зулайҳо билан подшонинг эшигида хизматда экан. Бир куни Қурвонбиби қизига:

— Кеча даданг нон олиб борувчиларидан кийим-бошини бериб юборибди. Мен дадангнинг кийим-бошларини ювиб, қуришиб қўйдим. Бир коса ширгуруч билан кийим-бошларини ров бориб бериб келай,— дебди. Зулайҳо ҳам ўн беш ёшда бўлиб, ҳусн бобида подшонинг қизлари Фотима-Зуҳрадан қолишмас, жуда гўзал экан. Шунда қизи Зулайҳо онасининг гапини эшитиб бўлиб:

— Онажон, сиз қолинг-да, қозондаги ширгуручни еб, қиладиган юмушларингизни қилаверинг, мен анчадан бери дадамни кўрганим йўқ, бориб уни кўриб келай,— дебди. Онаси кўнмай:

— Қизим, яқинда мевалар пишади, ўшанда анави бека хонимлар боришади. Фотима-Зуҳралар билан борарсан,— дебди. Шу пайт аллақадан Фотима-Зуҳралар ўйнашиб, чопқиллашиб келиб қолишибди. Нима гаплигини билишгач:

— Жон хола, бир Зулайҳони эмас, бизларни ҳам олиб боринг. Кеча нон олиб борганлардан оқ ўрик билан чиллаки олмага сув кириб қолганини эшитдик,— дейишибди. Шунда Қурвонбиби хола:

— Йўқ, қизларим, мен сизларни бесўроқ, беижозат

боққа олиб кетолмайман,— деб кўнмабди. Шунда Фотима:

— Жавоб олиб келсам-чи,— дебди.

— Унда йўқ деёлмай, олиб бораман,— дея жавоб берибди Қурвонбиби хола. Фотима югургилаб бориб энагасидан сўраган экан, у:

— Майли, борақолинглар, аммо ҳаяллаб кетмай, тезроқ қайтинглар,— деб жавоб бера қолибди. Кейин уч қиз, бир хотин — Фотима, Зухра, Зулайхо билан Қурвонбиби биргалашиб боққа қараб йўл олишибди. Йўл юришиб, йўл юришсаям оз эмас, мўл юришиб, боққа етиб келишибди-да, дарвозани тақиллатишибди. Боғбон:

— Ким? — деб сўраган экан, Қурвонбиби:

— Бизмиз,— дебди. Кампирининг овозини таниб, боғбон дарров дарвозани очибди. Боғбон хотини ёнидаги бир-биридан чиройли, келишган қизалоқларни кўриб:

— Келинлар, келинлар, менинг пучуқларим, ширин дўндиқчаларим,— дея эркалатиб, боғнинг ичига олиб кирибди. Кампирига қараб: — Манави пучуқларимни ижозат билан олиб келдингми ё беижозат эргаштириб келавердингми?— деб сўраган экан, кампир:

— Ижозат билан, беижозат етаклаб келармидим,— деб жавоб берибди. Кейин хотини билан қизларни, «оппоқларим, дўндиқларим, пучуқларим», деб эркалаб-суюб кулбасига қараб олиб кетаётган экан, Фотима:

— Бува, меваларингиз пишай дедими? — деб сўраб қолибди. Боғбон бува:

— Ҳа, ҳув анави оқ ўрик олайиб, чиллаки қирми-зак олмага сув кириб қолди,— деган экан, Фотима:

— Хола, бува, сизлар кетаверинглар, биз ўша ўрик билан олмага чиқиб, пишган-пишганидан териб олиб борамиз,— дебди. Шунда боғбон:

— Бўлмаса, ҳу анави сўрига бораверасизлар,— деб гули-раъноларнинг панасида бир чети кўриниб турган сўрини кўрсатибди. Қизлар «хўп» дейишиб, бири ўрик олдига, бири олма олдига боришиб, тирмашиб устига чиқишиб, олайган, сув кирганларини узиб, этакларига сола бошлашибди. Буларнинг бировлари гули-раънолар орасидаги сўрига бориб, ўтириб гаплашишда бўлсин, қолганлари олма билан ўрикнинг устида олайган, сув кирганларини териб, этакларига солишда бўлишсин. Энди гапнинг буёғини эшитинг.

Эл-халқимиз оғзида дев, пари деган гаплар бўлар эди. Дев деганларининг макони Қўҳиқофда — дунёнинг у бурчида бўлиб, девлар кеч кузда бир, баҳор фаслида бир — йилига икки мартаба учишар экан. Булар одам деса, қаноти бор, парранда деса паррандага ўхшамас, одамга ўхшаган қўл-оёғи бўлиб, пешонасида пиёланнинг оғзидек кўзи бор, икки қулоқнинг ўрнида икки катта шохи бор, икки сўйлоқ тиши бор, ҳар бири бир-бир ярим қаричдан бўлиб, пастки лабини босиб турар экан. Бир қаричдан узун, икки қаричга яқинроқ тирноғи, бир метр, ундан калта-узун жунлари бўлиб, оғзи ҳам ўзига яраша: катта тўй тандирининг оғзидай бўларкан. Қунларнинг бирида учишиб, бир учганда беш-олтитаси бир бўлиб, кўз етмас баланд Букри тоққа бориб тушишибди. Улар кўпинча шу тоққа келиб қўнишар экан. Булар бешта, ичларида биттаси урғочи бўлиб, унинг турқи бошқачароқ экан. Буниси фақат одам гўштини ер экан. Бошида бир қалпоғи бўлиб, бу қалпоқ сеҳрли экан. Ҳамма илми-сеҳр билан макру ҳийла шунда экан. Балони қайтара олувчи балогардон экан-да. Битта оқ каптари ҳам бор экан. Одамни еганда ҳам хоҳ ўғил, хоҳ қиз — йигирматадан ўн саккиз ёшлигини еяр экан. Ёши ўн саккиздан ўтганларни еёлмас экан. Чунки уларга сеҳру макрининг кучи етишмас экан-да: ўзиям ҳар олти ойда бир ой ухлар, ухлаганда жони оқ каптарда бўлиб, оғзидан кириб-чиқиб турар экан. Бу махлуқларнинг энг катта йўл бошловчиси бўлиб, қолганлари бештўрт кун тоғдаги йўлбарс, шер, қўтос, ёввойи тўнғизларни тутиб еб, бечора жону жондорларни қуришиб, кейин яна шу бошлиқлари раҳбарлигида бошқа жойларга учиб кетишар экан. Бошқа тоғларни мўлжаллаб учишга тарадуд қилиб, қанотини қоққанда бошқалариям учишга тайёр бўлишар, бирдан учишганда анчамунча тошлар гумбурлаб кўчиб, чор-атрофни шовқин-сурон тутар, ердан тупроқ ўпирилиб, осмонни чангу тўзон қоплар экан. Ҳалиги урғочи дев кампирни уйқу муддати келиб, Букри тоққа келган куннёқ ухлаб қолибди. Бошқа девлар беш-ўн кун туришиб, тоғдаги жону жондорлардан бир жон қолдирмай тутиб еб, егани ҳеч нарса қолмагач, учиб кетишибди. Одаммидики, урғочисига қараб: «Ҳой, биз кетяпмиз, сен кетасанми-йўқми», дегани. Бунинг устига, урғочисини ухлаётганда ҳеч ким, ҳеч бир шовқин-сурон уйғота олмас экан. Бир



ой муддат ўтгунча кесак нима-ю, тўнка нима — билмасдан, карахт қотиб ухлаб ётаверар экан. Шундай қилиб, шериклари овқат қидириб учиб кетишибди, бу бўлса донг қотиб ухлаганича қолаверибди.

Вақт-соати етиб, бир кун уйқудан уйғониб, ўрнидан туриб: «Шерикларим қани?» — деб уёқ-буёқни қарабди. Ҳеч ким йўқ эмиш. «Шерикларим мени ташлаб, учиб кетишибди-да», дея боши гаранг бўлиб, қорни очлигидан кўнгли кетай-кетай дебди. Бир кўк каптарни сеҳрлаб қўйган экан, шу каптаргина атрофида йўрғалаб юрган эмиш.

Очлик ҳушига келтириб: «Бу ўтиришдан ҳеч фойда йўқ, ўзим ҳаракат қилмасам, биров менга овқат бермас», деб қалпоғини сал қимирлатган экан, оқ каптари хўроз бўлиб қолибди. Ҳалиги махлуқ хўрозга миниб, одам овига чиқибди. Учиб-учиб, гоҳ булутнинг ичига кириб, гоҳ куннинг иссиғидан куйиб гоҳ ойнинг совуғида совуққа қолиб, бир жойга етиб борибди. Пастга тушиб, сеҳрли қалпоғи ёрдамида ҳийлаю макр билан икки қиз, бир ўғил боланинг бирини сичқон, бошқасини каламуш, яна бирини тошбақа қилиб, қўйнига солиб, яна хўрозга миниб, тоққа учиб келиб, уларни ебди. Қорни тўймабди, яна хўрозга миниб учиб, бошқа жойдан ўғил-қизларни макр-ҳийла билан олиб келиб, баъзиларини йўлда ютиб, баъзиларини тоққа олиб келиб, ютиб юраверибди. Шундай қилиб, кўп қишлоқлар ўғил-қизининг хоротини бериб, ота-оналарини қақшатиб, Букри тоғида олти ой яшабди. Тишлари билан тирноғида Букри тоғининг биқинидан ғор очиб, ўзига уй ясаб олибди. Ғор-уйининг олдига «ким келса, мени билсин», деб одамларнинг, ҳайвонларнинг калла суякларига турли расмлар чизиб, осиб қўйибди. Кунлардан бир кун яна хўрозига миниб, одам овига учиб кетаётса, бир боғни кўриб қолибди. «Шу ерда қишлоқ борга ўхшайди», деб пастлаб учиб қараса, боғ эмиш. Яна пастлаб тушса, димоғига садбару райҳоннинг исидан кўра ҳам кўпроқ одамнинг исн кириб, иштаҳасини қитқлабди. Пастга — ерга тушиб, макр-ҳийла билан хўрозни каптарга айлантириб, ўзи бўлса истараси иссиқина, мулойим, нуроний кампирга айланиб, етти қават девордан дарвоза бўсағасидан ҳатлаб ўтгандай ҳатлаб ўтибди. Ҳў, юқорида айтилган Туманшоҳнинг қизлари Фотима-Зухралар боққа келиб, ўрик, олма меваларидан теришаётган пайт эди. Махлуқ елкасида хуржун,



бошида қалпоқ, чарчаган ва жудаям чанқаган, ҳориган сифатида: «Ассалому алайкум, ким бор?» — деганича Фотима чиққан олманинг тагига борибди.

Фотима олманинг тепасида туриб:

— Ҳа, момо, сизга ким керак? — дебди. Шунда кампир унга жавоб қилиб, мулойим овозда:

— Йўқ, ўзим шундай, зиёфатдан пиёда чарчаб келаётган эдим. Шу боққа кириб, бир пиёла сув ичиб, чанқоғимни қондирай деб кирдим, болам. Олмангдан қоқ, қизим, етказганига шукур қилиб, «омонлик-эсонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик», дея кўзимга суртиб, бир-ик-китасини еяй,— дебди. Фотима: «Бу яхши, дуоғўй мо-мо экан», деб олмадан узиб ташлабди, момоси олиб, олиб, кўзига суртмасдан оғзига ташлабди. Кейин:

— Туш, қизим, сенга айтадиган яхши бир гапим бор,— дебди дев-кампир. Фотима дарахтдан «ҳозир», деб тушибди-да, унга яқинроқ борибди. Кампир:

— Болам, мен жуда чарчаганман. Ерга тўкилган олмаларни ўзинг териб, менга келтириб бер,— дебди. Фотима:

— Хўп,— деганича ерга тушган олмаларни териб, кампирнинг олдига келиб, уларни этагига солаётганда, кампир қалпоғини қимирлатиб қўйибди. Фотима олмага айланиб қолибди, кампир уни олиб хуржунига солибди, ундан нари бориб, ўрик тераётган Зухрага рўбарў бўлиб, унга ҳам Фотимага айтган гапини айтиб, ерга тушган ўрикни териб келиб этагига солаётганда, қалпоғини қимирлатиб ўриikka айлантриб, хуржунининг бир кўзига солиб олибди. Кейин қалпоғини яна бир марта қимирлатган экан, каптар ёнига келиб хўрозга айланибди. Кампир хуржунини хўрозга осиб, ўзи эса унга миниб, келган томонига қараб учиб кетаверибди. Ғор-уйига етиб бориб, хуржунини ғорнинг олдида қолдириб, ўзи ичкарига кириб кетибди. Ичкарига кириб, ҳали бу икки қизни одам шаклига келтириб ейишгаям улгурмай, ғорнинг шундоққина оғзида донг қотиб ухлаб қолибди. Бечора икки қиз — Фотима билан Зухра — бирови олма, бирови ўрик шаклида хуржунда, дев аёл ғор оғзида донг қотиб ухлаганича ётаверсин-да, гапнинг буёғини эшитинг.

Фотима билан Зухрани дев-хотин хуржунига олма, ўрик қилиб солиб кетганидан беҳабар ўтирган Қурвон-хола:

— Қизи тушмагурлар, ўрик, олма олиб келаман деб, дараклари йўқ, жудаям ҳаяллаб кетишди, дадаси. Энди биз кетайлик, юр, қизим, алламаҳал бўлиб қолди, қизи тушмагурларнинг энагалари ҳам тез қайтинглар, деб тайинлаганди,— деб она-бола боғбон бободан жавоб олиб, олма билан ўрикнинг тагига боришибди. На ўрик тагида, на устида Фотима бор эмиш. «Ҳа, бу ўрикни те-риб, олма тераётган Зухранинг олдига борган», дея олманинг тагига боришибди. Олманинг тагида ҳам, ус-тида ҳам ҳеч ким йўқ эмиш. Икковини йўқлаб чақири-шибди, чақиришибди, ҳеч ким — на Фотима, на Зухра: «Мен бу ердан!»— деб жавоб қилмабди. Улардан ном-нишон йўқ эмиш. Она-боланинг кўрқувдан кўзлари ола-кула бўлиб, тагин уёққа югуришибди, буёққа югуришиб-ди, ҳеч ерда ному-нишон бўлмагандан кейин боғбон-нинг олдига боришибди:

— Ҳой, дадаси, вой, мен ўлай, шўримизга шўрва тўкилиб қолди. Икки қиз йўқ. Энди нима бўлади, Туман-шоҳга нима деб бораман,— дебди. Боғбоннинг ҳам бу гапдан ҳуши бошидан учиб, кўнгли озиб қолибди. Кейин ўзига келиб, хотинининг бидир-бидирлашини эшитиб:

— Ул бўл, дард бўл. Подшоҳ каллаларингни жал-лоднинг болтаси остига қўйдиради,— дебди. Шунда кампир қўрқиб, жони ҳалқумига келиб:

— Дадаси, келинг, жаллод қўлида жон бергунча, ях-шиси сизнинг қўлингизда жон бера қолайлик. Мен би-лан қизингизнинг калласини олиб, подшоҳнинг олдига бориб: «Қизларингизни эргаштириб бориб, йўқотиб қў-йибди, қилмишига яраша жонларини жабборга топшир-дим», деб унга каллаларимизни кўрсатсангиз, сиз соғ-омон қоласиз. Бўлмаса подшоҳ сизни ҳам соғ қолдир-майди,— дебди. Бу гапдан боғбоннинг жаҳли чиқиб:

— Нималар деб валдираяпсан, аҳмоқ. Бу нима дега-нинг, подшоҳнинг қизлари ҳа йўқ, бе йўқ йўқолса, мен сенларнинг каллангни олавераманми? Мен жаллод эмас-ман, одамман-ку. Балки Фотима билан Зухра бирор бир подшоваччани кўриб, унга хотин бўламан деб, юр деса, эргашиб кетавергандир. Йўқса, уйга кетгилари келиб қолган бўлса, сенлар кимсанлар, сенларга кетдик, деб ўтираимизми, деб ўзлари кетиб қолишгандир. Яхшиси бу ерда ваҳима қилмай, тезроқ подшоликка хабар қил, эҳтимол қизлар уйларига бориб, аллақачон ота-онаси олдида ўйнаб-кулиб ўтиришгандир,— дебди боғбон.

Қурвонбиби билан қизи охири боғбон, кетинглар, деб

қистаб қўймагач, «бошга тушганини кўз тортади», деб зор-зор йиғлашиб подшоҳ ҳузурига йўл олишибди. Подшоҳ даргоҳига яқинлашган сари Қурвонбиби: «Мен-ку, ёшимни яшаб, ошимни ошаб олдим, манави қиз-чи, қизим эндигина ўн беш баҳорни кўрган-а, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, гунча ҳолида қирқилиб кетадимми»,— деб ваҳимага тушиб, оёғидан мадори, қўлидан қуввати кетиб, тиззалари букилиб, ранги мурданинг рангига ўхшаб юролмай қолибди. Бунни кўрган қизи:

— Онажон, ўзингизни тутинг, қирқ йил қиронгарчилик бўлсаям ажали етган ўлади, дейсизлар-ку, ўзларинг. Эҳтимол, Фотима-Зухралар топилиб қолар. Подшо ҳам дабдурустдан бошимизга қилич солиб юбормас, сўрар, суриштирар,— дебди. Шундан кейингина онаси бир оз ўзига келибди. Подшоликка бориб, ҳеч нима бўлмагандай: «Хў, Фотима қизим, хў, Зухра қизим келинлар, кўришайлик, соғиниб қолдим», деб чақира бошлабди. Бу овозни эшитиб: «Қизлардан дарак бўлмапти, нега кечикиб кетишганикин», деб юрагини ҳовучлаб турган энага ичкаридан югуриб чиқиб, Қурвонбибининг ёнида қизидан бошқа маликаларни кўрмай, юраги орқасига тортиб, турган жойида тошдай қотиб қолибди. Кейин ўзига сал келиб:

— Ҳой, гўрсўхта, иблис, қаёқда қолиб кетдинг. Уша сассиқ эрингни искаб ўтиравердингми? Қизлар қани?— деб бир-икки оғиз сўз айта олибди, холос. «Қизлар қани?» деган сўзни эшитибоқ Қурвонбибининг тили калимага келмай қолибди. Шу пайт: «Сен жавоб бермаганинга мен билан кетишмасди», деб у айтибди. «Олиб кетаман, соғ-омон қайтариб олиб келаман, деб мени қўймадинг», деб бу айтибди. Икковлон бири қўйиб, бири олиб, жанжаллашиб, уришаверишибди. Уларни жанжаллашишда қўйиб, энди буёғини эшитинг:

Туманшоҳнинг уч хотини бўлиб, биринчи ва иккинчи хотинларидан фарзанд кўрмаган экан. Фарзанд кўрмай ўтаманми деб, учинчи хотинини олибди. Учинчи — кенжа хотин ойдан-ой, ўтиб, кундан-кун ўтиб, тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз дақиқада бир тойлоқдай ўғил туғибди. Подшо хотини туғиши олдиан: «Хотиним туққач, бир ёшга етмагунча мен саройга қайтмайман», деб энг яқин кишиларини ёнига олиб, подшолигини вазирига қолдириб, узоқ-узоқларга кетиб қолган экан. Кенжа ойимнинг исми Шаҳрибону экан. Шаҳрибону туққан бола беш ойлик бўлганда «чир-чир» йиғлаб, бирпас-

ликка учраб, ўлиб қолибди. «Худодан бўлиб, бола кўрдингиз, худодан бўлиб болангиз ўлди», деб вазир хабар бергач, подшоҳ саройга қайтиб, қайғу-алам чекибди. Ойдан-ой, кундан-кун ўтиб Шаҳрибонунинг яна бўйида бўлибди. «Болам туғилиб, ўсиб бир ёшга етгунча мен уйда бўлмайман. Бўлмаса суюнганимдан ёрилиб ўламан», деб кенжа хотинига, «туғсанг эҳтиёт қил, ўлдирмай, бир ёшга етказ, мен кўрай», деб тайинлаб, тағин узоқ-узоқларга кетибди. Шаҳрибону ой деса оғзи, кун деса юзи, юлдуз деса кўзи бор қиз туғибди. Қиз соғсаломат беш ойлик бўлганда «чир-чир» йиғлаб, бирпасда ўлиб қолибди. Вазир, «Худо сизга қиз берди, худонинг ўзи унинг жонини олди», деб хабар юборгач, подшо юртига қайтиб, қаттиқ қайғурибди. Кўкрагини захга бериб ётиб олибди. Кенжа ойим йиғлай-йиғлай болаларининг доғу-ҳасратида кўр бўлиб қолай дебди. Аммо умидсиз одам — ёмон одам, умидли одам — яхши одам, деганларидек, кенжа ойим ақлли, доно экан. Эрининг олдига кириб:

— Умидсизланманг, шоҳим, ўлганни туққан енгган, деган гап бор. Худо фарзанд бераман деса, ҳеч гап эмас, бераверади,— деб подшоҳни юпатиб, ишга чиқармоқчи бўлибди. Подшо фарзанд бўлмаса менга подшоликнинг не кераги бор, деб кўкрагини захга бериб ётаверибди. Кенжа ойим яна шоҳнинг олдига кириб:

— Шоҳим, бундай ётаверманг, ҳеч нима билан ишингиз бўлмаса, юрт қурийди-ку, икки фарзандни берган худо учинчисиниям берар. Битта-иккита ўлган фарзандимизнинг ўрнини босар қолганлари,— дебди. Кенжа ойим кўп ақлли, фаросатли, турмушнинг аччиқ-чучугини тотиган, эрни эр қилиб юрган аёл экан. Хотинининг сўзларини эшитиб:

— Тўғри айтасан, анави икки байталга ўхшаб қуриб юргандан икки фарзандни туғиб бердинг-ку! Буюргани бўлади,— деб хотинининг гапига кириб, подшоликка чиқиб кетибди Кенжа хотинини яхши кўриб, гапига кириши кундошларнинг ғашига тегиб, жиғи-бийронини чиқарар экан. Кенжа ойим туққан куни қора кийиб, аза тутишар экан. Боласи ўлган куни ясан-тусан қилиб, ўйин-кулги қилишар экан.

Ойдан-ой, кундан-кун ўтиб, кенжа ойимнинг яна бўйида бўлибди. Подшо яна одатини қилиб, хотиним туғса қувончдан ўлиб қолмай, деб уйдан чиқиб кетибди. «Болам бир ёшга кирганда қайтаман», дебди. Вақт-соа-

ти етиб, кенжа ойим туғибди. Бола кун сайин, соат сайин ўсибди ва олти ойлик бўлибди. Подшога: «Болангиз олти ойлик бўлиб, юрай-юрай деб қолди», деб хабар юборамиз деб туришганда, у «чир-чир» этибди-ю, бирпасда ўлиб қолибди. Бир маҳал энагалардан бири гўдакнинг мурдасини юваётиб, қўли қоқ миясидаги қаттиқ бир нарсага тегиб кетибди. Бундай синчиклаб қараса, қоқ миясининг ўртасига бир эмас, икки жойига катта жуволдиз игна санчилган экан. Санчаётган одам шошиб қолганми, жуволдизнинг кўз томонидан озгинаси синган эмиш. Кампир буни кўриб:

— Буни, қаранглар, ким қилдийкин, қайси худодан қўрқмаган бандаси гўдакка шундай азоб бердийкин?— деб дод-вой қилибди. Ювишни қўйиб, кенжа ойимни олдига чопиб бориб, бўлган воқеани айтиб берибди. Кенжа ойим:

— Вой, болам, дунёга келибоқ азобда қолган нуридийдам, оппоғим,— деб бу ҳам дод-вой солаверибди. Подшога хабар беришибди. У тезда етиб келибди. Ҳамма гўдакка бундай азоб берган ким бўлдийкин деб, билолмай, бошлари қотиб турган экан, бир хизматкорнинг тўрт яшар қизчаси югуриб келиб, энтикиб-энтикиб:

— Анави Башорат холам билан Адолат холам қўлларидаги игнани боланинг бошига тиқиб юборишди, ман ўз кўзларим билан кўрдим,— дебди-да, подшонинг икки хотинини кўрсатибди. Бола ёлғон гапирмайди, тўғри гапиради, дейишиб унинг гапига ишонишибди. Подшо аввалги болаларимни ҳам шу йўл билан ўлдирган эканлар манжалақилар, нега сезмабман, аттанг-аттанг, дея икки хотинини сочларидан икки байталнинг думига маҳкам боғлаб, отларнинг жиловини бўш қўйиб, қамчи билан савалаб-савалаб қўйиб юборибди. Биялар қотилларни олиб қочиб, баданларини нимта-нимта қилиб, тоғу тошларда қолдириб келибди. Шундан кейин Шаҳрибону туғмай-туғмай юриб, қирқ ёшдан ошгандан кейин Фоти-ма-Зухрани кўрган экан-да! Кейин боладан қолибди. Шунинг учун бисотидаги шу икки қизини еру-кўкка ишонмас, ишқилиб буюрсин, тиг тегмасин, кўз олмасин, тикон кирмасин, деб бир лаҳза ҳам кўзидан йироқлатмас экан. Нима бўлибди-ю, ғафлат босибми, ҳеч нарса ни ўйламайми ўша куни энага боққа жўнатган экан-да. Шовқин-суронни эшитиб, вазиру вузур, жаллоду миршаб, мулозиму мирзолари билан подшоҳ етиб келибди. Кейин кенжа ойим етиб келибди. Икковлон: «Нима

гап?»— деб сўрашган экан, Фотима билан Зухра йўқолиб қолибди, дейишибди. Қизларини йўқолганини эшитиб, эр-хотин вой, деганларича ҳушларидан кетишибди. Икковини кўпчилик бўлишиб, жой-жойларига олиб чиқишиб, юзларига сув сепишибди, ҳушларига келишмабди, устиларида чинни синдиришибди, ҳушларига келтиришолмабди. Бир киши қалампирни куйдириб келиб Шаҳрибонунинг бурнига тутган экан, у бир чучкириб, кўзини очиб: «Менга нима бўлди?»— дея энагага қарабди, ҳалиги одам куйдирилган қалампирни подшоҳнинг бурнига тутган экан, у ҳам бир чучкириб, кўзини очибди. «Нима гап, менга нима бўлди?»— деб ўрнидан турибди. Нима гаплигини қайта эшитгач «жаллод», деб бақирибди.

— Лаббай, кимнинг ажали етди, тупурган тупук ерга тушгунча калласини танасидан жудо қилиб, жонини жабборга топшираман!— деб жаллод етиб келибди. Подшо хотини, энага ва Қурвонбибини кўрсатиб:

— Манави уч манжалақининг бошини танасидан жудо қилиб, танасини қузғунларга емиш қил!— дебди. Шунда донишманд вазири: «Олампаноҳ шоҳим, андак сабр қилинг. Сўрайлик-сурштирайлик. Зора қизларингиз бирор жойдан чиқиб қолса, улар топилмаса, буларни ўлдириш қочмайди, ўлдириб қўйсангиз, кейин қизларингиз Фотима ва Зухра топилиб қолса, уч бегуноҳнинг гуноҳига қолиб кетасиз,— дебди. Подшоҳ жаҳлидан тушиб, беш-ўн кун муддатни белгилаб, учовини зиндонга ташлатибди. Боғбонни ҳам қамчилаб-қамчилаб зиндонга ташлашибди. Орадан бир неча кун ўтибди. Қизларни ахтариш давом этибди. Энди буёғини эшитинг.

Уша кундан бошлаб ғордаги дев-кампир уйқусиниям ўн беш-йигирма куни ўтибди. Нимаям бўлибди-ю, қалпоғи бошидан тушиб қолибди. Қалпоғи бошида бўлмаса, сеҳри йўқолиб қоларкан. Аммо сеҳри йўқолсаям уйғоқ бўлса, девлик жасоратининг кучи озмунча бўлмас экан. Ҳар қандай паҳлавонни бир қўли билан чангаллаб осмонга отиб юбориши мумкин экан. Хоҳласа икки ямлаб бир ютиши мумкин экан. Фақат уни уйқуга кетгандагина бир илож қилиб, оғзидан кириб-чиқиб турадиган каптар жонини ушлаб олиш билан енгиш мумкин экан. Шундай қилиб, қалпоғи тушиб қолиб, сеҳри ишламай қолиб, хуржунидаги иккала олма — бири Фотима, бири Зухра маҳалига келиб, ўзларини баҳайбат тоғлар орасидаги бир ғор оғзида кўриб, ҳайрон бўлишибди. Ҳали тонг отмаган экан. Ойнинг охириги шуъласида ҳаммаёқни кўр-

са бўладиган пайт бўлгани учун қизлар: «Бу тушимиз бўлса кўрак, босинқираяпмиз шекилли», деб қўрқиб: «Энажон, ойижон»,— деб товуш чиқаришиб, уйғотиб юборишсин, деб кутишибди. Кейин туш эмаслигини билиб, қўрқиб, қаёққа келиб қолдик, бу жой кимнинг жойи. Ялмоғиз ё аждар, дев-париларнинг макони бўлса-я, дейишиб, нима қилишни, қаёққа боришни билолмай, уёқ-буёққа аланглашибди. Қарашса, олдиларида боғда кўрган кампирнинг хуржуни турган эмиш. Хуржунни эгаси — энамиз қаёқдайкин, дейишиб уёқ-буёққа қарашибди. Фотима довьоракроқ, журъатлироқ экан, сир бой бермаган бўлиб, ғорга қараб юрибди. Ғорнинг ичига кирибди. Шу пайт булут орасидан сизган ойнинг шуъласи бир нарсани ёритибди. Фотима яқинроқ бориб, тикилиб қараса кўзи бир нарсага тушибди. Важоҳатидан қўрқиб кетибди. Аммо қараб турса, унда жондан нишон йўқ эмиш. Янада яқинроқ бориб қараса, боғда кўрган истараси иссиқ кампирга ўхшармиш. Аммо важоҳати бирам қўрқинчли, башараси бирам хунук бўлиб кетибдики, кўрган одам борки, қўрққанидан лабига учуқ чиқар эмиш. Оғзига бир каптар кириб-чиқиб турган эмиш. Фотима довьорак эмасми, кампирга яқинроқ бориб, уни таниб: «Ҳа, бу аслида жодугар кампир ё дев экан-у, боққа содда, истараси иссиқ аёл бўлиб борган экан-да, деб уни тепишни ҳам, ўлдиришни ҳам билмай ташқарига чиқибди. Чиқиб кетаётса, оёғининг остида бир нарса — шапкўр кўк каптар на юролмай, на учолмай турган эмиш. Уни қўлида олиб чиқиб: «Учавер қушчам, қанотинг чарчагунча уч», деб осмонга учуриб юборибди. «Ғорнинг ичида нима гап?»— деб Зухра сўраган экан, кўрганларини тагин қўрқиб кетмасин деган андиша билан енгил-елпироқ қилиб айтиб берибди. Зухра қўрқиб кетибди. Кейин:

— Тез бўл, бу ердан кетайлик, бўлмаса, ҳализамон бу шум кампир тирилиб, бошимизга кулфат солмасин,— дебди. Иккови тоғ ғира-ширасида апил-тапил йўлга равона бўлишибди.

Тоққа чиқишибди, пастга тушишибди, неча жилғаларни, неча бутазорларни айланиб ўтиб, тоғлардан ошиб, дарё-кўллардан кечиб, дўлана ва бошқа тоғ меваларидан териб еб, юриб-юриб, охири бир тепалик олди-дан чиқиб қолишибди. Тепаликни устига чиқиб қарашса, узоқда бир уйми, қапами кўрингандай бўлибди. Шунда Фотима:

— Таваккал, нима бўлсаям, ўшани мўлжаллаб бераверамиз,— дебди. Уша ёққа қараб йўл олишиб, яна анча юришибди. Охири пастроқ бир адирга чиқишибди, Куёш қоқ тепага келган бўлсаям, ҳаво салқин, очлик ва чарчоғдан иккаласининг, айниқса Зухранинг тез-тез лаблари қуриб, оғзиларида бир қатраям нам қолмабди. Зухра бирдан қулаб тушибди-да, сўла бошлабди. Фоти-ма Зухрага қараб:

— Зухра, ҳой, Зухра, синглим, сенга нима бўлди, тур ўрнингдан! Бирон-бир нарсага қоқилдингми?— дебди. Зухра ётган жойида, кўзи юмуқ ҳолда боши билан «йўқ» деган ишорани қилибди. Шунда Фотима ич-ичидан ачи-ниб:

— Чарчабди. Ўзи синглим Зухра бўтовроқ, жони ширинроқ, нозикроқ эди. Тағин ҳам шунча ерга чидаб келди. Тонг саҳардан бери юрган йўлимизни от босса ҳам чарчарди. Неча сувлардан ўтдик, неча тоғу қирлардан ошдик. Ҳа, майли, бир оз дам олсин-чи, кейин жў-нармиз,— деб ўзи ҳам кўк майсалар устига икки қўлини бошига ёстиқ қилиб ётибди-да, бир нафасда донг қотиб ухлаб қолибди. Бир маҳал:

— Ҳой, қизалоқларим! Туринглар, йўлдан кеч қолманглар!— деган овоз эшитилибди. Иккаласи ҳам уйғо-ниб, ирғиб туриб, уёқ-буёқни қарашса, ҳеч ким йўқ эмиш. Бу Ҳизир буванинг овози экан. Икки бегуноҳ гул-дай беғубор қизларни у қўллаётган эди.

Фотима бундай қараса, кун анча пасайиб қош қорайиб қолибди. Шунда. Зухра тилга кириб:

— Опа, сен йўлдан қолма, сен менга қараганда тетик, бақувватсан. Мени энди юришга мажолим етмай-ди, оёғимда мадад, белимдан қувват кетган. Ҳеч қаерим ўзимга бўйсунмаяпти,— дебди.

— Бу гапларинг билан нима демоқчисан, нима қилмоқчисан?— сўрабди Фотима. Зухра бўлса:

— Мени шу ерга ташлаб кетавер. Гўштимни қарға-қузғунлар ейишар,— дебди. Шунда Фотиманинг жаҳли чиқиб:

— Ундай дема, синглим. Мен қиз бола бўлсам ҳам ярим йўлда ҳамроҳимни ташлаб кетадиган номард эмас-ман. Ҳой, синглим, сен менинг ўрнимда бўлганингда шундай йўл тутармидинг?— деб сўрабди. Зухра жавоб бермай «пиқ-пиқ» йиғлабди. Шунда Фотима:

— Ундай дема, синглим. Ўлсак ҳам, яшасак ҳам бирга яшаймиз. «Мардни майдонда сина» деган гап



бор. Бугунги кунимиз биз учун мардлар майдони. Мардликни қўлдан бой бермай, бир илож қилиб юртимизни топиб, ота-онамиз даргоҳига етиб борсак, бу ҳам жасорат бўлади. Сени ҳеч кимга едирмай, олдирмай эсонмон уйга олиб бориб, ота-онамга топшираман. Мен сен айтган номардлардан эмасман,— дебди.

Фотиманинг сўзларидан Зуҳра таъсирланиб, йиглаб юборибди. Фотима уни юпатиб, яна йўлга тушишибди. Йўл юриб, йўл юришсаям мўл юриб, тинка-мадорлари қуриб, юришга ҳоллари қолмасаям, бир-бирларига суяниб-тиргалиб кетаверишибди. Олдиларидан бир тепалик чиқибди. Унга зўрға чиқиб, уёқ-буёққа қарашса, узоқдан бир кулба кўринибди. Зуҳра тағин:

— Мени қолдириб кетавер, опа, юролмайман,— дебди-да, ўтириб олибди. Фотиманинг жаҳли чиқиб:

— Бўл, тур, ўзингни бардам тут. Эркалигингни уйга бориб қиласан,— деб Зуҳрага дўқ-пўписа қилиб, яна йўлга тушишибди. Зуҳрани етаклаб, гоҳ-гоҳда устига мингаштириб кўтариб олиб, оёқлари қабариб, шишиб, қонаб кетсаям чидаб, кўринган уйга қараб кетаверибди. Зуҳра:

— Опа, кулбада дев ё пари, жодугар ё ёсуман кампир бўлса, нима қиламиз. Бирпасда бизни еб қўяди,— дебди. Шунда Фотима:

— Қўрқма, синглим. Дев бўлса олишамиз. Енгсак енгамиз, енгилсак ўлганимиз. Пари бўлса гап билан баҳслашамиз. Парилар ҳийла-найрангни яхши билишадиди-ю, аммо савол-жавобга ҳечам чечан эмаслар. Гапсўз билан уни енгиб, ўз измимизга солиб оламиз. Ялмоғиз ва жодугар кампир бўлсаям, қўрқма, бир иложини қиламиз. Мендай опанг бор экан ҳам ема, мени ҳеч бир полвондан кам дема,— дебди. Кейин:

— Балки унда бир чўпон яшар. Агар менинг тахминим тўғри чиқса, роса маза қиламиз, гўшт билан қимизга тўямиз. Шунинг учун тезроқ юришимиз керак,— деган экан, Зуҳра:

— Опа, кулбада сен айтган, мен айтганлар бўлмай, у ўғри-каллакесарлар ёки бўри, йўлбарс, шерга ўхшаш йиртқич ҳайвонлар макони бўлса-чи, унда нима қиламиз? Сен билан мен қиз бола бўлсак. Қўлимиздан нима ҳам келарди,— дебди. Фотима:

— Кўп ҳам фолбинлик қилаверма. Энди менга ҳеч нарса қўрқинчли эмас. Йўл азоби — гўр азоби, деган гап бор. Йўл азоби мени мардга айлантирди. Борди-ю,

кулбада ўғри-қароқчи бўлса, ўзим тинчитаман, борди-ю, шер, йўлбарс ё бўри каби йиртқич ҳайвонлар бўлса, уларни, кучим етмаган тақдирда, ширин гаплар билан ўз йўлимга соламан. Ҳайвонлар ширинсўз, хушмуомалага ўч бўлишади, сен тегмасанг, жаҳлини чиқармасанг, улар сенга тегишмайди,— дебди. Зуҳра ҳадеб у бўлса-чи, бу бўлса-чи, деявергач, Фотима:

— Э, калланг борми ўзи? Ўғри-босмачиларнинг йиртқич ҳайвондан фарқи бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси унақа яланг, одам оёғи етадиган, одам кўзи тушадиган жойда яшашмайди. Қаёқдаги бутазор, чангалзор, тоғу тошларда эл кўзидан яшириниб яшайдилар,— деб жеркиб берибди. Шунда Зуҳра:

— Ҳа, майли, ёмғирдан қутулиб, қорга йўлиқмасак бўлгани-да, опа,— дебди. Икковлон тортишиб, баҳслашиб кўринган кулбага бориб қолишганини ҳам билмай қолишибди Шу пайт қуёш ботиб, қоронғи тушибди-ю, Фотима-Зуҳра уйнинг ёнига бориб, унинг ичига даб-дурустдан кириб боришга юраклари бетламай, бир пана жойда зулмат янада қуюқлашишини кутиб туришибди. Шундай қилиб, даб-дурустдан кириб боришга юраклари дов бермай, ўйланишиб, бирпас яна кутайлик, уй ичида инсон яшаса чироқ ёқади, агар чироқ ёқилмаса, демак, ҳеч ким бўлмайди, дейишиб кутиб, қараб туришса, уй ичида «йилт» этиб чироқ ёнибди. Қизлар жудаям хурсанд бўлишиб, чапак чалиб юборишибди. Фотима Зуҳрага қараб:

— Сен шу ерда тур, мен уйнинг дарчаси олдига бориб, қулоқ солай-чи, қани, уй ичида ким бор экан?— деб, келиб қулоқ солса, кекса бир чол:

— Ҳой, онаси, овқатинг тайёр бўлган бўлса, берсанг бер, бермасанг берма, берсанг бемаза бўлса ҳам баҳам кўрайлик, бекордан-бекор бир-биримизга бақрайиб, бўлгани бўпти, бўлмагани бўлмабди, деб турмайлик-да,— дебди. Шунда кампир:

— Майда гаплигингиз қолмади-қолмади-да,— дебди. Шунда чол:

— Ҳа, майли, ҳазиллашдим, овқатни обкел, нари-бери еб, хуфтонни ўқийлигу ётайлик, эрта чоршанба зиёрат қилувчилар келишади. Эртароқ туриб, уёқ-буёқни супуриб-сидириб бўлгунча келиб қолишса, шошиб қоласан,— дебди. Чол-кампирнинг сўзларини эшитиб, Фотима Зуҳранинг олдига бориб:

— Уй ичида бир чол билан кампир бор экан. Намоз

Ўқишар экан, намоз ўқиган одамлардан ёмонлик чиқмайди,— деган экан, Зухра:— Э, э, намозни айтасан, салласи қозондай, ман-ман деган уламо, эшонлар қилган номаъқулчиликларни ит ҳам қилмайди, дейишадик, энамлар,— дебди. Фотима:

— Беш қўл баробар эмас, қўй-е, турган-битганинг ваҳимачи экансан. Юр, борамиз, нима гап бўлса, бошга тушганини кўрамиз,— деб қўлидан етаклаб, Зухрага дадиллик бериб, уйга олиб борибди. Фотима эшикни тақиллатибди.

— Ҳой, ким бўлди, бундай бемаҳалда эшик қоққан?— деб эшикни очишибди. Иккита қизи «Ассалому алайкум, бу бизмиз»,— деб кириб келишибди. Чол-кампир уларни ичкарига олишиб, қоринларини тўйғазишибди. Шунда гул-гул ёниб турган, ҳусни-жамоли ўзига ярашган икки қизни кўриб, чол:

— Э, парвардигор, ўғил эмас, қиз бўлсин, икки эмас бир бўлсин, бунчалик ҳуснли бўлмай, хунук бўлсаям, майли. Битта-биттагина зурриёт берсанг нима бўларди,— деб хўрсиниб қўйибди. Зухранинг қорни тўйиб, чарчоғи енгиб, ухлаб қолибди. Чол-кампир Фотимани сўроққа олишибди. Фотима бўлган воқеаларни бирмабир батафсил айтиб берибди. Ҳамма гапни эшитиб бўлиб, чол:

— Э, э, қизим, Сумбул юртининг подшоҳи Туманшоҳнинг қизимиз дегин. Қулоғимга чалингандай бўлган эди,— дебди. Фотима ҳам чол-кампирни:

— Бува, бу жойда холам икковларингиз яшайсизларми, ўғил-қизларингиз қаерда?— деб сўроққа тутибди.

— Э, қизалогим, бизда фарзанд йўқ, бепарзандмиз. Бўлганда бизни бу жойларга қўйиб қўйишармиди. Якка-ёлғиз яшармидик,— дебди чол. Фотима:

— Унда нега аёлингизни онаси, деб атайсиз,— дебди соддаликка бориб. Чол:

— Ҳадеганда фарзанд бўлавермагандан, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дер экан, зора фаришталар омин деса десак, фариштаси тушмагурлар омин-помин ҳам демади. Энди бу дунёни орзу-ҳавасидан, шону-шаҳратидан насиб этмаганига яраша, у дунёдан ҳам беҳабар қолмайлик деб, шу кулбага келиб, кечаю кундуз намозни бомдод, зикри сано қилиб ўтирибмиз,— шундай деб чолнинг кўзидан дув ёши қуйилибди. Фотима ичида, фарзанд ота-она учун шунчалик азизу шунчалик қимматли экан, унда бизнинг ота-онамиз икки

кўзларининг қораси — қизларидан жудо бўлганига бир ой бўлаяпти, улар нима қилишяптикин, деб юраги эзилиб, кўзидан қайноқ ёши тизилиб оқибди.

Зухра уйқучироқ эканми, аллақачон уйқуга кетиб, дунёни сел олса тўпигига келмай, пишиллаб нафас олаётганмиш. Чол-камбир билан алламаҳалгача уёқ-буёқдан гаплашиб ўтириб, Фотима ҳам уйқуга кетибди. Икки қиз қотиб ухлайверсинлар, энди буёғини эшитинг.

Буёқда — Туманшоҳ саройида мотаму аза. Туманшоҳ тахтиниям тарк этган, уйда кўкрагини захга бериб ётганига бир ойга яқин вақт бўлибди. Зиндонга солинганлар вақт-соати ҳам етай деб қолган эмиш. Йигирма беш кун ўтди, кун ўтган сари қизларидан ном-нишон бўлмай, Туманшоҳ қутурган туядай бўкириб, жаллодга қараб: «Зиндондагиларни олиб чиқиб кўз олдимда каллаларини таналаридан жудо қилиб, анави энага гўшtidан икки сих кабоб қилиб беринглар, ейман», деб бақириб-чақираверибди. Бақиршидан еру кўк ларзага келгандай бўлар экан.

Хотинининг ҳам тинка мадори қуриб, қизлари дардида адоий тамом бўлиб, ётиб қолибди. Сешанба куни кечқурун бош вазири подшоҳнинг олдига келиб:

— Олампаноҳ, бир нарсани ўйлаяпман. Ҳазрати Хўжаёр деган жой бор-ку, эртага ўша ерга бориб қизларингизни бир суриштирмоқчимиз,— дебди. Подшоҳ рози бўлибди. Вазир йўлга тушиб, йўл юриб, Ҳазрати Хўжаёрга етиб борибди. Ҳалиги чол вазирни кутиб олибди. Вазир қизларни сўраган экан, чол уларнинг шу ердалигини айтибди. Кейин Фотимадан эшитганларининг ҳаммасини сўзлаб берибди. Шунда вазир:

— Туманшоҳимнинг қизларини ажал чангалидан қайтариб берибди-я. Букри тоғ қаёқда — тупканни тагида-ку! Қизлар бошлари оққан томонга кетиб, бирон-бир савдогарга йўлиқса, тамом эди. «Бу подшоҳнинг қизлари экан», деб қараб турармиди, бошқа бир подшоҳга ёки катта бойларга сотиб юборар эди. Ёпирай!— дебди ҳайратланиб. Чол:

— Энди гапни қисқароқ қилайлик-да, қизлардан бирон нарса олиб берай, шоҳга бориб, бўлган гапни айтиб, жаллоду лашкарларини, ман-ман деган паҳлавонларини эргаштириб тезда бу ерга етиб келинг. Фотима айтган дев хотиннинг уйқудан туришига, чамаси, тўрт кун қолибди. Шунини уйқусида босиб, бир ёқлик қилинмаса, тагин кишилар бошига кулфатлар солаверади,—



дебди. Вазир чолнинг гапига кўнибди. Чол Фотима билан Зухраннынг олдига кириб, бўлган гапни айтибди. Фотима:

— Дадам кўрса танийди,— деб дунёдаги энг қиммат-баҳо балдоғини қулоғидан чиқариб, вазирга берибди. Вазир балдоқни олиб, қўйнига солибди-да, отига қамчи босибди. Оти ҳам учган қушдек учиб кетибди. Роса терга ботиб, унчалик кўп вақт ўтмасдан саройга етиб келибди. Вазир от-поти билан тўғри подшоҳнинг ҳузурига кириб бориб:

— Суюнчини чўзаверинг, шаҳаншоҳим, қизларингиз топилди, кўз қорачиғларингиз тирик экан,— дебди. Подшоҳ ишонмасдан:

— Ёлгон гапиряпсан, алдаяпсан,— деган экан, вазир балдоқни қўйнидан чиқариб:

— Мана, мана,— деб нишонни кўрсатибди. Подшоҳ балдоқни кўриб, сал бўлмаса ақл-ҳушидан айрилаёзбди. Балдоқни бағрига босиб:

— Ҳаётим қайтиб келди, кўрар кўзим, сўзлар сўзим, суянган тоғим қизларим, ишонган боғларим, дўндиқларим соғ-омон экан,— деб гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб, нима қиларини билмай шошиб, охири вазирнинг маслаҳати билан зиндондагиларни бўшатиб, чол айтган паҳлавонларию жаллодларини олиб, қизларини шу кўйларга солган бадбахт дев-хотинни уйқусида бориб босиб, енгиб, адабини бериб, қизларимнинг қасдини олай деб, йўлга отланган экан; вазир:

— Сиз, шу ерда бўлинг, биз бориб олиб келамиз,— дебди. Подшоҳ ноилж кўнибди. Кейин қилич-найзалар шарақлаб, отлар туёғи дўпирлаб, паҳлавонлар оч бўридай ириллаб, отлар учар қушдай учиб, пишқириб йўл юришибди, оз эмас, мўл юришибди. Йўлда Фотима-Зухралар билан учрашиб, ҳол-аҳвол сўрашишибди. Кейин Фотима айтган йўлга тушиб йўл юришибди, оз эмас, мўл юришибди. Неча йўлдан, неча тоғдан ошиб, дам пастдан, дам баланддан юриладиган йўлларни босиб, ахийри, дев-хотиннинг ғори яқинига бориб қолишибди. Қун ботиб, кеч кирибди. Кечаси ғорга кирмоқчи бўлиб, яқинроқ боришибди. Шунда вазир, «ғорнинг ичига ким кириб, дев-кампир ухлаб ётибдими-йўқми, билиб чиқадими?»— деб сўрабди. Ҳеч кимдан садо чиқмабди. Подшоҳнинг ман-ман деган паҳлавонларидан бир-иккитаси ғорнинг оғзига бориб ичига қараб, ваҳимага тушиб, орқа-

сига қараб қочишибди. Паҳлавон азаматларга қараб вазир яна:

— Ғорга ким кириб, дев-кампир ухлаб ётганми-йўқми, билиб чиқади?— дебди. Яна ҳеч кимдан гап чиқмабди. Ҳамма оғзига мўм солгандай жим тураверибди. Шунда вазир учинчи маротаба, ким киради, деганда, Фотима:

— Мен кираман— дебди. Вазир:

— Йўқ, сен қиз боласан, мен отангинг қора қўйининг гўшт-ёғини еган, сатта яхши тўн-чопонларини кийган анови полвонларга айтяпман,— дебди. Вазир яна: «Қим киради?»— деган экан, тагин ҳеч кимдан лом-мим деган овоз чиқмабди. Фотиманинг қони қайнаб, ғайратига ғайрат қўшилиб, жўш уриб:

— Ҳой, вазир ота, мен кираман. Нима гаплигини билиб чиқаман,— дебди. Вазир қанчалик, сен қиз боласан, бунақа ишларни эркак кишилар бажариши керак, демасин: «Бир гал эркак бўлсак бўлибмиз-да, ота», деб сочинни турмаклаб, тулки телпак остига қистириб, оёғига этик, устига беқасам тўннинг сарасини илиб, шамширқилични белига осиб, ғорнинг олдига борибди. Йиғилган халойиққа қараб:

— Ҳой, одамлар, ғорнинг олдига қўлимдаги манави атир гулни қўйиб кетаман. Шу гул сўлса, мени ўлди деб, отамнинг олдига боринглар, азамни очсин, гул сўлмаса, ғорнинг ичидан йиринг аралаш қон оқиб чиқса, дев-кампирни бир ёқлик қилиб, соғ-саломат қайтиб чиқаман,— дебди-да, ғорнинг ичига кириб кетибди. Зухра додлаганича ғорнинг оғзида қолибди. Вазир, подшоҳнинг паҳлавонлари: «Эҳ, чатоқ бўлди-да,— дейишиб, бир-бирларига қараб, «қўрқоқлик қилдйк, мардликни қўлдан бой бердик, энди подшоҳнинг юзига қандай қараймиз, юзимиз қаро бўладиган бўлди-да, эҳ, аттанг, аттанг», дейишиб, улар ҳам ғорнинг олдида қолишаверибди.

Ҳаммани гоҳ ғор олдидаги гулга қараб, «сўлдими-йўқми», дейишда, гоҳ ғорнинг ичидан қон оқиб чиқдими, йиринг оқиб чиқдими, дея тош ариққа тикилишда қўйиб, гапни ғорнинг ичидан эшитинг. Фотима ғор ичидан аста юриб борса, дев-кампир ҳалиям ухлаб ётган эмиш. Оғзидан бир каптар чиқиб, яна қайтиб кириб турган эмиш. Олдин кампирнинг қалпоғини олиб, липасига қиестирибди. Кейин аста бориб каптарини ушлаб олиб, икки қўллаб чунонам қисибдики, дев-кампирнинг кўзи косасидан чиқиб, қўл-оёғи қалтираб, сўйилган товуқ қўлдан чиқиб

кетгандай патиллайверибди. Жон талвасасида ўзини уёққа урибди, буёққа урибди. Фотима вақтни ганимат билиб, ўзини дев-кампирнинг устига отибди. Унинг устига миниб олиб, қўллари билан бўға бошлабди. Дев кампир ўлим талвасасида питир-питирлаб, бир нималар деб пишиллармиш. Бирдан Фотиманинг қўлидаги каптар чиқиб кетиб, кампирнинг оғзига кириб кетган экан, дев-кампирга жон кириб, унинг бир кучига ўн куч қўшилиб, бир силтаниб Фотимани устидан отиб юбориб, у билан олиша бошлабди.

— Қалпоғимни бер,— дебди дев-кампир.

Фотима бермабди. Кейин Фотима қилич солса, қилич ўтмасмиш. Қалтак билан урса, қалтак ўтмасмиш. Уқ отса, ўқ ҳам ўтмасмиш. Икковлари бир-бирини устига чиқишиб, тагига босишиб, ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким эшитмаган даражада олишишибди. Дев-кампир сеҳрлаб олай деса, қалпоғи йўқ, ҳеч нима қилолмабди.

Бир пайт Фотима дев-кампирнинг устига чиқиб қолибди-ку! Икки қўли билан бўға бошлабди. Дев-кампир оғриққа чидолмай: «Оҳ, единг!»— деган экан, оғзидан жони ҳисобланган каптари чиқиб кетибди. Фотима каптарни яна ушлаб олибди. Шу пайт тагида ётган дев-кампир жон талвасасига тушиб қолибди. Оғзидан қон билан йиринг варақлаб чиқиб, ғордан сизиб оқиб чиқа бошлабди. Ташқарида қон чиқса, Фотиманинг ўлгани, йиринг чиқса, дев-кампирнинг ўлгани, деб пойлаб турган одамлар қараса, қон билан йиринг сизиб оқиб чиқибди. Тўпланган одамлар енгил тортиб, Фотима ўлмай, омон қолганига ишонч ҳосил қилишиб, шод-хуррам бўлишибди. Туманшоҳнинг полвонларига жон кириб, Букри тоғнинг ичига кириб, ўлиб ётган дев-кампирнинг мурдасига қилич-найзаларини санчишиб, гўёки уни ўлдирган бўлишиб, мақтаниб қолишибди. Аммо бари бир ҳамма Фотиманинг жасоратига қўйил қолиб, унга раҳматлар айтибди. Кампирнинг тирноғидан, сочидан, тишидан нишона олиб, пешонасидаги кўзини ўйиб олиб: «Подшоҳимизга жасорат белгиси қилиб олиб борамиз», дейишибди-да, йўлга тушишибди.

Чол билан кампир ҳам зиёратгоҳни ташлаб: «Бўлди, бас энди», дейишиб, Фотима билан Зухрани, қизалоқларим, деб атаб, улар ҳам бирга жўнашибди. Подшоҳ уларнинг келишини чопарларидан эшитиб, карнай-сурнай чалдириб, дор қурдириб, кураш бошлаб, масхарабозларни ўйнатиб, уч кечаю уч кундуз тўй-томоша бош-



лабди. Қизларини кўриб хурсанд бўлиб, гоҳ ўзидан кетиб, гоҳ ўзига келибди. Кейин Туманшоҳ дев-кампирининг тирноғи, сочи, тиши, кўзини кўриб, бўлган ҳамма воқеадан хабардор бўлиб, Фотима қизининг довиюраклигини одамлардан эшитгач, барча вазиру уламоларини, яқин кишиларини саройга тўплаб, уларга қарата шундай дебди:

— Ҳой йиғилган халойиқ, сарой аҳли, менинг ёшим ўтиб, етмиш бешга кириб қолдим. Энди қазойим етиб ўлмасдан туриб, тахтимни эгаси — шу паҳлавон Фотима қизимга топшироқчиман. Ўзларингиз кўрдинглар ва эшитдинглар, дев-кампирни бир ўзи ўлдирибди, шунча қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтибди. «Йўлда нишган, чўлда етишган, олишувда олган», деб шуни айтдилар-да. Мен қиз эмас, ўғил бола ҳам кўрган эканман. Фотима қизим, ўғил боланинг ишини қилиб, менга қизгина эмас, ўғил ҳам экан. Мен қазойим етиб ўлиб кетсам, шу Фотима қизим ўрнимни босиб, юртимни адолат билан бошқаради,— деб тахтини унга топширибди. Фотима:

— Ота, тахтингизга ўзингиз эга бўлинг,— десаям кўнмай, мажбуран уни Сумбул мамлакати тахтига ўтқизиб, Туманшоҳнинг ўзи тахтидан тушибди.

Шу-шу Фотима отасининг ўрнига подшо бўлиб, юртини одиллик билан бошқариб, ҳамма тинч-омон яшай бошлабди.



## ҚУРБАҚА ПОЛВОН

Утган қадим замонда, кун чиқиш томонда жуда камбағал бечора бир кампир билан чол бўлган экан. Чол билан кампирнинг болалари йўқ экан. Бундан улар жуда ҳам хафа бўлишаркан. Уларнинг тирикчилиги қандай экан дейсизми? Чол-кампирнинг тирикчилиги шундай ўтар экан: чол далага чиқиб ўтин териб келар экан, кампирга озгинасини қолдириб, қолганини бозорга олиб бориб сотаркан. Пулига оз-моз ун-пун олиб келар экан. Кампир бўлса унни атала ё чевати қилиб, икковлари маза қилиб ейишаркан. Бировлардан бир бурда нону бир қошиқ ош олишмас экан. Шу тариқа кундан кун ўтибди, ойдан ой ўтибди, йилдан йил ўтибди. Бир кун чол: «Уйда ўтираверасанми, мен билан ўтин тергани чиқиб, дала-даштни айланиб келсанг бўлмайдимми», дея кампирини ҳам далага олиб чиқиб кетибди. Далада эр-хотин ўтин териб юришган экан, ошпоқ соқолли, бўйи дароз, қўлида ҳассаси, бўйнида хуржун билан бир нуроний чол келиб саломлашибди. Кейин чолга қараб:

— Уғилми, қизми — бирон бир фарзандларинг йўқми, ўзларинг ўтин териб юрибсанлар! — деб сўрабди. Чол кўзига ёш олиб.

— Ҳеч кимимиз йўқ, — дебди. Кампир ҳам:

— Қани, энди бир тирноққа зор бўлмасак, чол-кампир бундай жойларда ўтин териб юрмасдик, — деб йиғлабди. Ҳалиги чол:

— Хафа бўлманглар. Албатта бола кўрасизлар, — дебди-да, қўйнидан бир бодринг чиқариб, чолга берибди. — Шу бодрингни кампиринг есин, фарзанд кўради, — дебди. Чол билан кампир унга раҳматлар айтишиб, ўтин теришни ҳам йиғиштириб, терган ўтинларини ҳам далада қолдириб, кулбаларига қайтишибди. Кампир уйига келибоқ шошиб-пишиб бояги бобо берган бодрингни

боглаб туширибди. Кундан кун, ҳафтадан-ҳафта, ойдан-ой ўтиб, тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз дақиқа деганда кампир фарзанд кўрибди. Аммо кампири тушмагурнинг туққани бола бўлиб бола эмас, ҳайвон бўлиб ҳайвонмасмиш. Қурбақа эмиш. Шунда орзиқиб кутганлари ўғил ҳам, қиз ҳам бўлмай, қурбақа эканлигини кўриб чол билан кампир жуда хафа бўлишибди. Еганлари ичларига тушмабди, кийганлари устиларига ёпишмабди. Дунё қоронғи бўлиб, нима қилишларини билмай қолишибди. Чол кампирга:

— Қурбақа болангни нима қиламиз?— деса, кампири:

— Қурбақа боламизни қаерга қўямиз?— дермиш. Чол-кампир шунақа тортишиб туришган экан, қурбақа тилга кириб:

— Ҳой, дада, ҳой, ойн, ҳадеб уришаверасизларми. Шундай қилаверсанглар мен бир сакраб кўчага чиқаман-да, қочиб кетаман,— дебди. Кампир билан чол, шу қурбақа боламиздан ҳам айрилиб қолмайлик, дея жанжални бас қилишибди. Қурбақа:

— Бу бошқа гап, дадажон, ойнжон, бир кун жанжалли уйдан қирқ кунлик барака кетиб қолармиш, шуни эшитмаганмисизлар,— деган экан, чол билан кампир: «Вой-бў, бу боламиз жуда ақлли чиқиб қолди-ку?»— дея хурсанд бўлиб чақчақлашиб кетишибди. Кечаси чол билан кампир гаплашиб ётишибди. Чол:

— Бари бир бақани кўлга олиб бориб ташлайман. Эшитганлар нима дейди. Фалончи чолнинг хотини бақа туғибди, деган гап тарқаса, ким деган одам бўламан,— дебди. Кампир:

— Бу бақа ақлли чиқиб қолди. Қани кўрайлик-чи, кейин нима бўларкин. Ҳозирча ташламай турайлик,— дея чолга ялиниб-ёлворибди. Чоли қайсарлигига бориб, «ташлаб келаман дедимми, бақа болангни кўлга элтиб ташлаб келаман», дебди. Шунда қурбақавой тилга кириб:

— Ҳой, ойнжон, майли хафа бўлманг, дадам мени кўлга ташласа ташлаб кела қолсин. Хафа бўлманг. Мен уйингларда бўлсам, ҳадеб жанжаллашаверадиганга ўхшайсизлар,— дебди. Чол билан кампир қурбақанинг гапидан уялиб, жимиб қолишибди. Эрталаб қурбақа:

— Қани, отажон, кетдик. Мени кўлга олиб бориб ташлаб келинг,— дебди. Кампирнинг ҳай-ҳайлашига, ялиниб-ёлворишига қулоқ солмай, чол қурбақани олиб,

кўлга етиб борибди. Қўйнидап уни чиқариб, кўлга ташлаб юбормоқчи бўлган экан, қурбақавой тилга кириб:

— Ҳой, дадажон, мени кўлга ташлайсиз-у, кейин пушаймов бўласиз-да. Ахир, мен сизларнинг тилаб-тилаб олган фарзандларингизман-ку? Мен ҳам дунёга яшаш учун келганман-ку? Нега энди ёруғ дунёга тўймай, бирон-бир иш кўрсатмай ўлиб кетарканман,— дея гапираверибди-гапираверибди. Қурбақавойнинг ялиниб-ёлвориши чолга таъсир қилиб, юрагини эзиб юборибди. Чол ичида: «Кел-е, шунинг айтганини қилиб, кўлга ташламай, уйга олиб кетақолай. Кампиримга эрмак бўлиб юрар», дебди-да, қурбақавойни қайтариб уйга олиб кетибди. Кампир билан чол, «бор-е, таваккал», дейишиб, қурбақавойни уйларида сақлаб, парваришлаб боқаверишибди. Кампир бўздан қурбақавойга иштон-кўйлак тикиб берибди. Бақавой ота-онаси бағрида ҳам нима, ташвиш нима, оч қолиш нима билмай, эркин ўйнаб-кулиб ўсаверибди. Кунлардан кунлар, ойлардан ойлар, йиллардан йиллар ўтибди. Бақавой ўн саккизга кирибди. Бақавой бир куни кўча эшик олдига чиқиб ўтирган экан, подшоҳнинг сарбозлари: «Пўшт, пўшт, кўчада турманглар, уй-уйларингга кириб кетинглар. Подшоҳимизнинг қизлари сайри боққа чиқиб кетяптилар. Кимда-кимнинг кўзи подшоҳимиз қизларига тушса, ўзи дорда, моли талонда,— дея бақариб, чақариб ўтаверибди. Подшонинг қизларини кўриб қолиб, яна бошимиз дорда, молимиз талонда бўлмасин, дея ҳамма уй-уйига кириб кетибди. Бизнинг қурбақавой: «Мени бошига урармиди подшонинг одамлари. Жойимда ўтиравераман-да, сайри боққа чиқиб кетаётган маликаларини кўриб оламан. Қани, кўрайлик-чи, маликалар қандай экан?»— деб жойида ўтираверибди. Бир пайт тилла юган, тилла эгарли отларини миниб, тилла араваларга ўтириб, зару зарбофларга ўралиб, подшоҳнинг қизлари қирқ канизлари билан ўта бошлашибди. Қурбақавойнинг олдига келганда кенжа малика бирдан:

— Ҳой, қизлар, анави қурбақани кўринглар, бирам хунук, бадбашараки, кўрганнинг кўнгли айнийди, ушлаганнинг қўли кирлайди,— дебди. Қизлар қурбақавойга қараб, «вий» дейишиб, маликанинг гапини тасдиқлашибди. Қурбақавойнинг жаҳли чиқиб, бир сакраб маликани аравадан йиқитмоқчи бўлибди-ю, яна ўзини

босибди. «Хап саними, қараб тур ҳали, сени хотин қилиб олмасам ундай бўлай, бундай бўлай», деб ўзича қасам ичибди. Уйларига кириб, кампир билан чол отасига қараб:

— Ҳой, отажон, онажон, менга подшоҳнинг кенжа қизи маликани олиб беринглар,— дебди. Бу гапдан чол билан кампирнинг ҳуши бошидан учиб, эслари кетиб қолибди. Отаси ўзига келиб:

— Болам, нималар деяпсан ўзи? Биз бир камбағал ўтинчи бўлсак. Зўрга тирикчилик қилсак. Подшолик қаёқда-ю, биз қаёқда. Бу гапни бир айтдинг, иккинчи оғзингга олма,— дебди. Шунда қурбақавой:

— Отажон, подшо бўлса ўзига-да, бизга бир бурда нон билан бир қултум сув беряптими? Қизи малика бўлсаям мен уни оламан. Совчиликка боринглар,— дебди. Шунда кампир ҳам ўзига келиб:

— Болам, сен қурбақасан-ку, бундоқ йигит бўлганингда ҳам бошқа гап эди. Йўқ, бу ниятингдан қайт, икки дунёда ҳам малика сенга хотин, бизга келин бўлмайди,— дебди. Қурбақавой гапидан қайтмабди. Маликани оламан дедимми— оламан, деб туриб олибди.

— Сизлар совчиликка боришга қўрқсангизлар, мана ўзим бораман-да, подшога қизингни бер, дейман,— дебди. Чол билан кампир қўрқиб кетиб, нуқул уни қайтармоқчи бўлар эмиш. Аммо қурбақавой ўжарлигини қўймай: «Мен маликани олиб, сизларнинг хизматингизни қилдираман», дебди-да, уйдан чиқиб кетибди. У кўп юрибди, кўп юрсаям хўб юрибди. Юриб-юриб подшоҳнинг саройига етиб борибди. Подшоҳнинг саройини кўриб қурбақавойнинг оғзи очилиб қолибди. Саройдаги бинолар бир-биридан чиройли, кўркем эмиш-да. Қурбақавой ўзини қўлга олиб, аркка қараб:

— Ҳой ким бор?— деб қичқирибди. Посбонлардан бири югуриб келиб уни авахта хонага судраб қолибди. Шу пайт подшонинг ўзи аркининг деразасидан қурбақавой билан посбони ади-бади айтиб ўтирганини кўриб:

— Ҳой, посбон, нима гап? Нега қурбақани судраяпсан?— дебди. Посбон:

— Қурбақа аркингиз тагида бақириб-чақираётган экан, оромингиз бузилмасин, деб авахтага ташламоқчиман,— дебди. Подшо:

— Аввал гап сўра-чи, подшоликка нега келган экан?— дебди. Шу пайт қурбақавой:

— Нега келганимни сўраб қолдингиз, айтай. Қизингиз маликани хотинликка олгани келдим,— дебди. Подшонинг аждарҳодай қаҳри келиб, илондай захри чиқиб:

— Ҳой, посбон, уни авахтага қамаб ўтирмай, ҳозирнинг ўзида калласини танасидан жудо қил!— деб буюрибди. Посбон қиличини қинидан чиқариб, қурбақанинг калласини танасидан жудо қилмоқчи бўлган экан, қурбақавой уни даст кўтариб осмонга отиб юборибди. Подшо бошқа. посбонни чақирибди. Қурбақавой уни ҳам отиб юборибди. Подшо яна бошқасини юборибди. Қурбақавой подшонинг ҳамма посбонларини битта-битта осмонга отаверибди. Подшоҳ, ўзим тушиб буни бир ёқлик қилмасам, бўлмайди, дея аркидан тушиб, қурбақанинг олдига келибди. Қурбақавой уни ҳам даст кўтариб, осмону фалакка отиб юбормоқчи бўлган экан, подшо:

— Ҳой, қурбақа, мени ўлдирма, майли, қизимни бераман,— деб ялиниб-ёлворибди. Қурбақавой, «бу бошқа гап», дебди-да, подшони қўйиб юборибди. Подшо аркига чиқиб кетибди. Эндиги гапни ўрданинг ичидан эшитинг.

Подшонинг учта қизи бўлиб, учови ҳам бўйи етиб қолган экан. Подшо аркига чиқиб, қизларига ташқарида нима гап бўлганлигини тушунтиргунча, қурбақавойнинг тоқати тоқ бўлиб, жаҳли чиқиб, подшонинг аркини қимирлата бошлабди. Аркининг дир-дир титраганини кўриб, ҳамма ер қимирлади, деб ўйлаб саросимага тушиб қолибди. Подшо:

— Ер қимирлаяпти, бу сизлардан бировингизни сўраб келганинг қилиғи. Мен ҳозир чиқиб тинчитаман,— дебди-да, айвонга чиқиб, қурбақага қараб:

— Бас қил, ҳозир қизим чиқади,— дебди. Подшо шундай деб ичкарига кириб, катта қизига қараб:— Сенга куёв келди, чиқиб қара,— дебди. Подшонинг катта қизи жон деб турган экан, чопқиллаб айвонга чиқибди. Уёққа қараб ҳеч кимни кўрмабди, буёққа қараб ҳеч кимни кўрмабди. «Ҳеч ким йўқ-ку», деб турган экан, кўзи аркининг тагида кулимсираб турган бақага тушибди. Жаҳли чиқиб, ичкарига кириб, отасига:

— Келиб-келиб мени қурбақага раво кўрдингизми?

Қурбақага теккунча қаро ерга кирганим маъқул,— деб отасидан хафа бўлиб, хонасига кириб хўнг-хўнг йиғлаб ўтираверибди. Шу пайт яна арк аввалгидан қаттиқроқ дир-дир титрай бошлабди. Подшо ўртанча қизига, қизим, сен чиқиб қара, зора сенга ёқиб қолса, дебди. Ўртанча қизи ўзича, опам қурбақа деб айтди, хунуклиги учун шунақа дегандир, мен хунук бўлсаям тегавераман. Уни хунук деб, буни хунук деб, мана эрсиз ўтаяпмиз, дебди-да: «Хўп, отажон, мен розиман!»— дея айвонга чиқибди. Ўртанча малика айвонга чиқиб уёққа қарабди, буёққа қарабди. Ҳеч кимни кўрмабди. «Ҳеч ким йўқ-ку?— деб турган экан, кўзи аркнинг тагидаги қурбақавойга тушибди. Жаҳли опасиникидан ҳам баттар чиқиб, ичкарига кириб отасига:

— Ота, келиб-келиб мени бадбашара қурбақага раво кўрдингизми? Унга теккунча қаро ерга кирганим маъқул,— деб бу ҳам отасидан хафа бўлиб, хонасига кириб «хўнг-хўнг» йиғлаб ўтираверибди. Шу пайт подшонинг арки аввалгидан ўн чандон қаттиқроқ дир-дир титрай бошлабди. Ҳамма тоқчадаги идиш-товоқлар ерга тушиб чил-чил синибди. Подшо кенжа қизига қараб, қизим, сенга эр келди, чиқиб кўр, дебди. Кенжа қизи ўзича, «нима гап бўлса бўлар, чиқиб кўраман. Қурбақа бўлсаям рози бўламан», дебди-да, айвонга чиқибди. Қараса пастда, кўчада кўрган ўша қурбақа жилмайиб турган эмиш. «Бунда бир гап бор. Бу оддий қурбақалардан эмас, сирли қурбақа. Шунга текканим бўлсин», дебди-да, ичкарига кириб, отасига:

— Отажон, майли, мен қурбақага тегишга розиман. Хўп десангиз, у билан кетаман,— дебди. Отаси ноилож рози бўлибди, опалари:

— Аҳмоқ, нодон бўлмасанг, шу бадбашара қурбақага тегасанми?— деб сингилларини тоза койишибди.

Подшо кенжа қизини бир қошиқ сув билан қурбақавойга никоҳлаб берибди. Қурбақавой маликани эргаштириб уйига кетибди. Вазири:

— Қизингизни бердингиз, битта-яримта от билан озмоз рўзғор ҳам беринг-да,— деган экан, подшо орқасидан битта от, рўзғор-пўзғордан ҳам юборибди. Қурбақавой маликани олиб, отни етаклаб уйига келибди. Кампир билан чол шошиб қолишибди. Кундан-кун, ойдан ой ўтаверибди. Бир кун подшоликда тўй бўлиб, подшо

икки қизини икки шаҳзодага узатапти, деган гап тарқабди. Кенжа қиз чол билан кампирга қараб:

— Отам тўй қилаётган эмиш, опа-сингилларимни эрга узатаётган эмиш. Бориб келсак,— дебди. Улар рози бўлишиб, қурбақага сен борсанг бўлмайди, подшоҳнинг жаҳли чиқади, дейишиб, уни уйда қолдириб жўнаб кетишибди. Улар жўнаб кетишгач, қурбақавой уйга кириб, устидан пўстинини ечиб, гўзал бир йигитга айланибди. У шундай келишган йигит бўлибдики, кўринган киши борки, унга ошиқ бўлиб қолармиш. Йигит отини миниб, елдек учиб, бу ҳам тўй томон кетаверибди. Йўлда чол-кампир билан хотинини кўриб, саломлашиб ўтиб кетибди.

— Вой-бў, қандай келишган йигит экан-а,— дебди чол.

— Нимасини айтасиз, ўғлинг бўлса — шунақа бўлса,— дебди хўрсиниб кампир. Қурбақавойнинг хотини ҳеч нима демабди. Гапни подшоликдан эшитинг.

Подшоликда тўй шарафига кураш, от чўзиш, терак учидаги тангани уриб тушириш мусобақалари ўтказилаётган экан. Подшонинг бўлажак куёвлари ва бошқалар курашда енгилишибди, бола енгиб чиқибди. Отда чопишибди, тагин боланинг оти ўзибди, терак устидаги тангани ҳам бола уриб туширибди. Шундай қилиб, ҳамма соҳада бола ғолиб чиқибди. Ҳамма турган халойиқ, бир томондан боланинг ҳусн-жамоли, қадди-қоматига, бошқа томондан абжирлиги, чаққонлигига қойил қолибди. Тўй эртага давом этади дейишиб, тарқалишибди.

Бола ҳаммадан олдин уйга келиб, пўстинини кийиб, бақага айланиб ўтираверибди. Чол, кампир, хотини кириб келиб, ота-онаси болани мақтай кетишибди. Хотини лом-мим демай жим ўтираверибди. Қурбақа хотинига қараб:

— Сен нега мақтамаяпсан, поччаларингдан ё мендан кўрқасанми,— дебди. Қиз индамай ўз ишини қилаверибди. Бола ич-ичидан хурсанд бўлиб, қизга раҳматлар айтибди. Подшоҳнинг тўйи бир кам қирқ кун давом этибди. Ҳар кун ҳар хил мусобақа, беллашув эмиш. Ҳаммасини бола енгиб чиқармиш. Бу орада подшоҳнинг иккала куёви ҳам, ман-ман деган полвонларию ботирлари ҳам қўлларида ҳеч нима келмаганидан хижолат бўлишиб, ер ёрилмабдию ерга киришмабди. Эртага тўй бошланганига қирқ кун бўлади деганда чол билан кампир:



«Қурбақа ўғлимиз ҳам томошага борсин. Тугаб қолиб кўрмай қолмасин», деб уни боришга ундашибди. Қурбақа кўнмай, менинг кимга ҳам керагим бор. Подшоҳ кўриб мазаҳ қилмасин тағин, ўзларинг бораверинглар, дея эътироз билдирибди. Бундай ажойиб томошани кўришга бормайман деган бақанинг хатти-ҳаракати, хотинини шубҳага солиб қуйибди. Шунинг учун мусобақа тугамасданоқ уйига қайтиб келса, ўчоқ олдида қурбақанинг пўсти ётган эмишу боладан дарак йўқ эмиш. Ҳамма гапга тушунган кенжа малика қурбақанинг терисини ўтга солиб ёқиб юборибди. Мусобақаларда енгиб чиқиб, уйига қайтиб келаётган бола отнинг устида сулайиб, куч-қувватдан кетиб зўрға уйига етиб келибди. Хотини: «Сизга нима бўлди?— деганича юз-кўзи оқариб, ҳолдан тойган болани отдан суяб туширибди. Бола уйига кириб уёққа қараб-буёққа қараб, қурбақа либосини тополмабди. Шунда кенжа малика:

— Мени алдаб юрган қурбақа кийимингизни ахтарманг, тополмайсиз. Чунки бир кам қирқ кун ҳамма беллашувда енгиб чиққан одам нега асл ҳолида эмас, қурбақа бўлиб юради, дедим-да, уст-бошингизни ўчоққа солиб ёқиб юбордим. Пўстинсиз юраверсангиз бўлмай-дими?— дебди. Бу гапни эшитиб йигит тозаям хафа бўлибди, ўксиб-ўксиб йиғлабди ва шундай дебди:

— Жоним, мен сени севардим, сен ҳам мени яхши кўришингни билардим. Лекин мени қурбақа бўлиб яшашлигим Қора девдан. Ҳали замон у келиб мени сендан жудо қилади,— дебди. Малика:

— Хавотирланманг, уни мен бир ёқлик қиламан,— дебди. Бир маҳал осмонни қора булут қоплаб, шамолтўполон билан Қора дев учиб келибди. Малика у билан олишиб кетибди. Етти кечаю етти кундуз олишиб, уни енгибди. Улдирма мени, сенларнинг хизматкорларинг бўлиб, хизматларингни қилиб, юраман деб ялиниб-ёлворибди дев. Кейин йигит асли ҳолига келиб ота-бола девни хўкиз ўрнига қўшга қушиб, узоқ вақт бахтли, саодатли яшашибди. Йигитнинг куч-қуввати, ақл-идрокини кўрган қизнинг отаси уни ўзининг ўрнига подшо қилиб кўтариб, икки қуёвини унга вазир қилиб тайинлабди.

Ҳамма мурод-мақсадига етибди.

## ДОНО ҲИДОЯТ

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир оч экан, бир тўқ экан, сизга умр берсин, бизга имон... Жуда қадим-қадим замонда, жазирама иссиқ ўлка томонда бир подшо ёши-ни яшаб, ошини ошаб ўтган экан. Юртини жуда обод, жуда кўркем қилибди. Узиям дабдабани ҳаддан яхши кўрар экан-да. Омади келганидан иши доимо ривожда экан, бошида иқболдан тож экан. Овозаси оламга кетибди. Доғистонга етибди. Одиллиги ҳақидаги овоза етти иқлимга етибди. Шунча карру парри, силсиласи бўлса ҳам, кўнглини бир зўр ғам ўртар экан. Чунки, бирорта фарзанди, фарзандки дилбанди йўқ экан-да. Ҳа, шунчалик давлат, шунчалик иззатга эга бўлган экан-у, битта тирноқдан кам бўлган экан. Подшо охирида чи-долмабди, ўзини ва хотинини табибга кўрсатибди, бўлмабди. Фолбинга фол очдирибди, бўлмабди. Қанча қўй, оту туяларни сўйдирибди, фойдаси тегмабди! Ёши ҳам қирқлардан ошиб қолибдики, бефарзандликдан дили сиёҳ, ич-ичи қоронғи бўлиб, ҳечам ёришмабди. Энди ўзида умидини узибди. Оҳ тортиб, уйда кўкрагини заҳ-га бериб ётиб олибди. Пешонамга зурриётсизлик ёзил-ган экан, деб хўп йиғлабди. Уйлаб-уйлаб ўзича, армон-ли дунёда яна бир иш қилиб кўрай, деб ўйлабди-да, шаҳридаги жамики чол-кампирларни ўз аркига чорлаб, катта зиёфат бериб, уларга сарполар ёпиб, хушнуд этиб, дуо олибди. Икки-уч ой ўтгач, кенжа хотинининг қорни кади егандек дўмпайиб қолибди.

Подшо ғамдан қартайгандек бўлиб қолган экан. Кенжа хотини аста қорнига имо-ишора қилиб, суюнчи, дебди. Подшоҳ қайта ёшариб кетибди. Хотинига катта суюнчи берибди. Суюнганидан ўзини қаерга қўйишни билмабди-да, аввал энг яқин дўстларидан, ўртоқ-ларидан, вазирларидан суюнчи олибди. Бу овоза бутун

мамлакатга тарқаб кетибди. Шоҳ шукроналар айтиб, кўр бўлса ҳам, шол бўлса ҳам, гунг бўлса ҳам, тулум бўлиб туғилса ҳам майлига, деб рози бўлибди. Чунки, «фарзанд кўрмай, безурриёт ўтди, бечора», деган бадномликдан қутулсам бўлгани деркан. Шундай қилиб подшоҳ ичида ҳар хил хаёл сураркан. Тойлоқдай ўғил туғилса, мен кексайиб қолганимда тахтимга-бахтимга эга бўлар,— деган яхши ниятлар ҳам қилар экан. Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтиб, вақти соати етиб, кенжа хотини тойлоқдай ўғил туғибди. Суюнчигирлар чопачоп қилиб, етган киши бир чангалдан тилла олаверибди. Энага — дояларга бўйи баробар тилла берибди. Уша куни подшо катта тантана бошлаб, қирқ кечаю қирқ кундуз тўю томоша қилиб берибди. Мамлакатадаги қарияларга, муллоларга, доноларга бир бошдан мовут чакмон кийдирибди. Маслаҳат билан боланинг исмини, ўрнимга шоҳ бўлса одилшоҳ бўлсин, деб Одилбек қўйдирибди. Шундай қилиб, кун кетидан кун, ой кетидан ой, йил кетидан йиллар ўтаверибди. Одилбек кун сайин, ой сайин ўсиб, бирдан иккига, иккидан учга кириб, саккиз ёшга ҳам кирибди. Подшо вазир уваролари билан маслаҳатлашиб, бир катта домлога ўқитмоқчи бўлишибди. Эртасига подшоҳ нони пайшанбалик тайёрлаб, болани энг катта домлаи калонга олиб бориб:

— Ғўшти сизники, суяги билан пўсти бизники,— дея топшириб қайтибди. Бола хўб эрка қилиб ўстирилган эди. Эрталаб домла дарсини бошлабди. Домла:

— Алиф,— деса, Одилбек оғзини қийшайтириб:— Алала-аллаф,— дер эмиш. Домла:— Лом дегин деса, Одилбек:— Ла-ла-лай,— дер экан. Отаси — подшоҳнинг топширигини бажариб, домла озгина пўписа қилган экан, муаллимга қараб тилини чиқариб масхаралаб, кейин қочиб кетибди. Подшобаччалигига борибми, эрка-тойлигиданми, муаллимни ҳечам писанд қилмабди. Уқитувчи дод-вой қилавергани учун эртасига энагалари Одилбекни бошқа бир домлага элтиб қўйишибди. У муаллимни ҳам мазах қилиб устидан кулибди. Уқитмаган мулласи қолмабди. Муаллимлар урай деса, отаси — подшодан кўрқиб, уришолмас экан. Подшонинг ўзи ҳам урай деса, кўзининг оқу қораси, тилаб олган яккаю ягона азиз фарзанди, уришга қўли бормабди. Шундай қилиб, ана-мана дегунча Одилбек ўн-ўн иккига кириб қолибди. Ун иккида бўлса ҳам, шоҳни эрка ўғли эмасми каттакон йигитдек бўлиб қолибди. Фирт эркалигидан

деганини деб, қилганини қилиб юраверибди, ҳеч ким уни қайиролмабди. Бўйи-басти ўн беш-йигирма ёшли бола-лардан ҳам бақувватроқ эмиш. Подшоҳ ўйлаб-ўйлаб, сўраб-суриштириб, мамлакатидаги «ман-ман» деган ўқитувчиларга ўқишга қўйибди, бўлмабди. Энди ҳеч бир домла Одилбекни ўқитишга журъат этолмабди. Шоҳни ғам босибди. Кечалари уйқуси қочиб, хўб андишаларга борибди. Бир кун подшога алам қилиб:

— Мен, кимсан — фалон подшоҳ бўлсам-у, яккаю ягона ўғлим бесавод қолаверса!.. Йўқ, бунга ҳеч йўл қўймайман, — деб қасд қилибди. Эртасига эрталаб туриб тахтга чиқиши билан, вазирларини чақиртириб уларга амр қилибди:

— Қўл остимдаги «ман-ман» деган ҳамма муллоларини йиғинглар, ҳозироқ!

Вазирлар ҳар томонга чопар юбориб, уч юз домлани саройга йиғишибди. Подшо уларга шундай буйруқ берибди:

— Уғлим Одилбекни ўқитиб, мулло қилсаларинг ҳам мулло қиласизлар, мулло қилмасаларинг ҳам мулло қиласизлар. Сизларга уч кун муҳлат. Тўртинчи кун эрталаб шу ерга йиғиласизлар. Борди-ю, кимда-ким, «болангиз ўқиёлмайди», деса калласини танидан шу ерда жудо қиламан, қани, гапиринглар! Боламини ким ўқитиб, мулло қилади? — дебди шоҳ қаҳру ғазаб билан. Ҳамма-нинг нафаси ичига тушибди. Ҳеч кимдан садо чиқмабди. У жинни эркатоини ўқитишга ҳеч кимнинг юраги дов бермабди-да. Шоҳ уч кунлик муҳлат билан ҳаммага жавоб берибди. Подшонинг қаҳру ғазабини кўрган муллолар, боланинг ўқишига ҳеч кимнинг кўзи етмай, йиғисиги билан бир-бирларини қучоқлашиб, дийдоримиз қиёматга қолди, — деб видолашишибди. Уй-уйларига бориб, хешу ақрабо, дўсту ёрлар, қўни-қўшнилар — ҳамма-ҳамма билан видолашибдилар. Ҳаммаёқда дув-дув гап эмиш. Ҳамма мотамда қолиб, кун ўтганини ҳам билмай қолишибди. Орадан уч кун ҳам ўтиб кетибди. Ҳамма уй-жой, хотин, болалари билан видолашиб «энди ўлдик» дейишиб, рўйхатдаги уч юз мулло яна йиғилишибди.

Шу юртда бир деҳқон бор экан. Деҳқоннинг нимча мулло хотини бор экан. Уларнинг бир қизи бор экан. Уни ўқитиб мулло қилган эканлар. Исми Ҳидоят экан.

Ҳидоятнинг илми шу даражага бориб етибдики, ҳатто сеҳр, жодуни ҳам билар экан. Уни ўқимаган китоби

қолмаган экан. Ҳусн бобида ҳам етти иқлимга татир экан. Қўшнисиникидан: «Подшонинг ўғлини уч юз мулло ўқитишдан бош тортса ҳаммасини ўлдирармиш»,—деган гапни эшитган қиз отасига:

— Ота, отажон! Сиз ҳам подшоликка муллолар билан боринг. Агар катта муллолар шаҳзодани ўқитишга журъат этишолмаса, сиз, ўқитаман, деб болани олингда, подшодан қирқ кунлик муҳлат сўранг. Унга, қирқ кунгача уйга келмаслик, ота-онасини кўрмаслик, ҳеч ким хабар олмаслик шартларини қўйиб, «мен ўқитаман», деб кафиллигини бўйнингизга олиб келаверинг,— дебди Ҳидоят. Отаси:

— Бу гапни бир айтдинг, иккинчи айтма, подшо эшитса, калланг кетади. Подшолик билан ҳазиллашиб бўлмайди. Тагин қаҳр қилиб, бизни ҳам бекордан-бекорга ўлдириб юбормасин,— дебди. Ҳидоят отасига қараб:

— Отажон, қўрқмай бораверинг. Хўп деб айтганимни қилинг. Мен бу эркатойни ўқитиб, ҳеч бўлмаса илми жодуни ишга солиб, саводини чиқараман, уч юз муллони ўлимдан сақлаб қолсак, савоб бўлар,— дебди. Отаси қизининг раъйини қайтара олмай:

— Бор-э, таваккал, ё мен ҳам шу уч юз мулло қаторида уч юзу бир бўлиб ўларман, ёки қизимни айтгани бўлар,— деб боришга розилик билдирибди. Отаси шердил бўлиб, саройга йўл олибди. Сизларга умр берсин, бизларга имон, энди бугун ўламиз, деб ҳамма муллолар ўлим тайёргарликларини кўришар, мотам устига мотам эмиш. Ҳаво ҳам қора булут. Тимқоронғи тушиб, ҳаммаёқни диққинафас зулмат босибди.

— Қани, ўғлимни ким ўқитадиган бўлди?!— сўрабди подшоҳ. Ҳеч кимдан садо чиқмабди. Подшо янаям қаттиқроқ:— Ўғлимни ким ўқитади?!— деб сўрабди. Яна ҳеч кимдан лом-мим деган садо чиқмабди. Подшоҳ дарғазаб бўлибди. Ҳамма «ана, энди ўлдик», дея титраб-қақшаб тураверибди. Учинчи сўрашида Ҳидоятнинг дадаси секин ўрнидан турибди-да, таъзим билан қўл қо-вуштириб:

— Бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, мен ўқитаман,— дебди.— Лекин бир шартим бор.

— Қонингдан кечдим. Айт шартингни,— дебди подшоҳ.

— Шартим шуки, ўғлингизни дарвозамгача етказиб берасиз. Қирқ кун муҳлат берасиз. Қирқ кунгача хабар олмайсиз. Ҳеч кимни юбормайсиз. Қирқ биринчи кунни

уни сизга ўзим топшираман. Бу бир. Иккинчидан, қирқ кун ўқитиб, натижасини ўзим хабар қиламан. Уша куни от-улов юборсангиз, олиб келаман,— дебди. Ҳидоятнинг отаси. Бу гапдан подшога ҳам, муллаларга ҳам пича жон кирибди. Подшо рози бўлибди.

— Ўқитиб берсанг бўлгани,— деб, қирқ кун муҳлат беришга келишиб, муллоларни озод қилибди. Улар суюнишиб:

— Улимдан қолдик, хайрият, барака топкур бу гапни қандай ўйлаб топди, кун кўрганнинг куни ортиқ, қирқ кун ҳам ҳарна, лекин бари бир ўқитолмайди,— дейишиб, ҳасратлашишиб, уй-уйларига тарқалишибди. Шоҳ ўғлини безатилган шоҳона аравага солдириб, қирқ кунлик муҳлат билан Ҳидоятнинг отасига қўшиб юборибди. Ҳидоят отасини шоҳникига жўнатиши билан ичкари тағхонани бўшатиб, супуриб-сидириб, битта бўйра ташлаб, шилпиллатиб сув уриб, эшик яқинидаги тоғорага сув тўлдириб, икки қамчинни сувга ивитиб қўйибди. Арава Ҳидоятларникига етиб келгач, подшонинг одамлари шаҳзода билан анжомларини туширишибдида, ўз изларига қайтиб кетишибди. Ҳидоят отаси билан Одилни ўз дарвозаларидан ичкарига киргизибди-да, эшикка бир пудлик қулфни урибди. Одил анча каттакон бўлиб қолган эмасми, ойжамол қизни кўриб, кўзини узмасмиш. Ҳидоят отасига:

— Энди, Сиз озодсиз,— дебди-ю, Одилга:— Юр!— деб тағхона эшиги томонга бошлабди, кейин:— Кийимларингни чиқар, фақат тағ кийиминг қолса бас,— дебди. Одил суюнгандан, саросимароқ бўлиб, шоша-пиша кийимларини ечибди. Ҳидоят бор кучини йиғиб, уни қамчи билан бир солибди, Одил ағанаб тушибди. Етган жойида яна аямасдан уч-тўрт қамчи солибди. Одил қалтираб-титраб, дод солган экан, ўнг келган жойига янада қаттиқроқ урибди. Одил ерга яна юзтубан йиқилибди. «Тур», деб жеркибди. Ҳидоят. Одил қўрққанидан ирғиб турибди.

— Кийимларингни йиғ,— дебди қиз. Одил шоша-пиша кийимларини йиғибди. Бошқатдан яхшилаб тахла,— дебди. У созлаб тахлабди. Жой кўрсатиб, «қўй», дебди. У кийимларини қўйибди. Тур, деса турармиш, ўтир, деса ўтирармиш. Сустроқ ўтириб турса, қамчи билан устмуст қарс-қурс солармиш. Уша куни шу ҳолда уриб-уриб, уйда қолдириб, устидан қулфлаб, кийимларини ташқарига олиб чиқиб кетибди. Икки қамчинни яна ивитиб

қўйибди. Эртаси тонгда кириб, яна бир сидра қамчиладди. Одил тишларини тишларига уриб, қалтираб, жавраб, титраб-қақшаб ёлворибди. Ҳидоят:

— Гапимни оласанми, йўқми?— дея, яна қамчи солибди. Одил титраб:

— Ҳа, оламан, нима десангиз қиламан. Жон опажон, урманг,— дебди кўзларини уқалаб.

— Ўқийсанми?!— дебди Ҳидоят қамчисини кўтариб.

— Ҳа, ўқийман,— дермиш лаблари дириллаб, кўзлари пирпираб Одил. Ҳидоят:

— Хўп, кўрамиз,— деб ташқарига чиқиб, китоб олиб келибди. Китобни очиб, ҳарфларни кўрсатиб сабоқ берибди-да, бир пиёла сув, бир бурда суви қочган нон бериб, такрор-такрор ўқийверасан,— дебди-ю, яна қамчиларни эшик олдида ивитиб қўйиб, эшикни устидан қулфлаб чиқиб кетибди. Эртасига келиб, эшикни очиши билан Одилни яна савалабди. Унинг баданлари қора, чипор, қонталаш бўлиб, дурра-дурра қўниб кетибди. Сўнгра зарбу сиёсат билан:

— Кечаги сабоқни ўқидингми?!— деб сўрабди.— Ҳа,— дебди-да, шоша-пиша ўқий бошлабди. Бошдан-оёқ шаррос айтиб берибди. Ҳидоят унга қаноат ҳосил қилиб, яна сабоқ берибди. Кейин бир пиёла совуқ сув билан бир бурда қотган нон бериб, эшикни устидан қулфлаб, қамчисини эшик олдидаги тоғорадаги сувга ивитиб чиқиб кетибди. Эртасига ҳам, индинига ҳам шу аҳвол такрорланаверибди. Сизларга ёш берсин, бизга имон, шундоқ қилиб, қирқ кунгача бир катта сандиқ китобни ўқитибди. Ҳидоят ҳар кун сабоқ берар, берган сабоғидан имтиҳон олар экан. Ёнида қамчини тайёр турар экан, адашса, бир тушираркан. Одил жону жаҳди билан шундай ўқирканки, қайси китобдан сўраса, жой-жойига қўйиб, шу гап қайси китобда, қайси бетда, қайси масаладан эканлигини аниқ ва равшан айтиб берадиган бўлибди. Устози Ҳидоятда унинг билимига ишонч ҳосил бўлибди. Қирқинчи кунлар яқинлашавергач, овқатини оз-оздан кўпайтириб, роса имтиҳон қилибди. Кундан-кун ўтиб, қирқ кун ҳам тугабди. Гапни домуллолардан эшитинг.

Уларнинг ичида «Қассобга ёғ қайғуси, эчкига жон қайғуси», деганларидек, яна ўлим ваҳимаси эмиш. Бари бир у жинни эркани авом деҳқон ўқитолмаган, энди ажалимиз етди,— дейишиб, уй-уйлари, бола-чақалари, ёр-дўстлари билан видолашиб, ўлимга тайёргарликлари-

ни кўриб, қирқ биринчи куни эрталаб саройга йиғила-  
верибдилар. Шоҳ жудаям безатилган, ўзи минадиган  
шоҳона аравасини ўғлига юборибди. Ҳидоят Одилни  
чиллахонадан чиқариб, сочини олдириб, ювинтириб-та-  
ратибди. Қийимларини лослаб кийдирибди. Китоблари-  
ни ўзига тартиб билан сандиққа солдиртирибди. Хуллас,  
кетишга тайёрлаб қўйибди-да, отасига:

— Отажон, саройга кузатиб боришингиз учун Одил-  
бек тайёр,— дея, отасига топширибди.

Шу пайт шоҳнинг бир неча сарбози билан безатил-  
ган араваси қўнғироқларини жангур-жунгурлатиб от  
ўйнатиб етиб келибди. От-аравалар Ҳидоятларнинг дар-  
возасига келиб тўхтабди, ҳамма таажжуб билан томо-  
шага чиқибди. Ҳидоятнинг отаси аввал Одилбек ўқиган  
китоб тўла сандиқни орттириб, сўнг ўзи ва Одил мини-  
шибди. Одил ориқлаб, оқариб, ранги ўчиб қолган эмиш.  
Лекин у одоб билан аввал Ҳидоятнинг отасини минди-  
рибди. Ниҳоят, шоҳ даргоҳига етиб борибдилар. Ҳамма,  
нима гап бўларкин, деб ҳаяжонда эмиш. Ҳидоятнинг  
отаси олдин, икки сарбоз китобли сандиқни зўрға кўтар-  
ганича ўртада, Одилбек эса, кейинда боши қуйи солин-  
ганича таъзиму салом билан кириб боришибди. Шоҳ  
тўрға ишора қилган экан, улар белгиланган жойга ўти-  
рибдилар. Шоҳ Ҳидоятнинг отасига қараб:

— Боламнинг саводини чиқардингми?— деб сўрабди.

— Болангизнинг саводи чиқди, ўқитиб, ёздириб, им-  
тиҳон олинг,— дебди Ҳидоятнинг отаси кушод овоз би-  
лан. Шоҳ беш домлаи калонни чақиртирибди. Улардан  
бири сандиқни очиб, биринчи китобни Одилга ўқитибди.  
Одил китобни шундай яхши тиниқ, қоидалар қилиб  
ўқибдики, ҳамманинг ҳайратдан оғзи карнайдай очилиб  
қолибди. Уч юз домуллога жон кирибди. Бошқа мулло  
яна бошқа китобларни қўлига олиб сўраса, Одил домла-  
лардан аълороқ, қоидалар асосида исботлаб, масала-  
лар моҳиятини шундай тушунтириб берибдики, ҳамма-  
нинг оғзи очилиб, анқайиб қолибди. Подшоҳ бошлиқ,  
барча тўпланганлар устозига офаринлар айтишибди.  
Шоҳ Ҳидоятнинг отасига бош-оёқ сарпо шоҳона кийги-  
зибди. Севинганидан муллоларига ҳам биттадан тўн ёп-  
дирибди. Кейин катта зиёфат бериб, ҳаммани хурсанд  
қилибди. Сизларга ёш берсин, бизга имон, шундай қи-  
либ, энди Одил бесавод эмас, катта мулло бўлиб қо-  
либди.

Ой-кун, йиллар ўтавергач, Одилнинг отаси ўғлига



атаб алоҳида жуда чиройли қаср солдирибди. Кейин уй-лантирмоқчи бўлибди. У мамлакат подшоси, бу мамлакат подшоси ёки вазирларнинг паричеҳра қизларидан олиб берай, деса, Одил кўнмас эмиш. Неча гулчеҳра париваш қизларни пеш қилишса — кўнмасмиш. Одил, мен хотин олмайман, деб ота-онасини жудаям юрак-бағрини қонга тўлдирибди.

Шу алфозда кун кетидан кун, ой кетидан ой ўтаверибди. Ота-онаси Одилни ўз ҳолига қўйишмабди. Подшоҳнинг амри билан Дев ва ялмоғиз кампирларни ишга солиб, узоқ Кўҳиқофдан париларни олиб келиб, Одилга рўбарў қилсалар ҳам, у мен хотин олмайман, деб ўз сўзида туриб олибди. Ҳеч илож тополмагач, подшо бош вазирини ишга солибди.

— Сен Одилни гапга солиб, қайси қизни хоҳлаганини билиб бер,— дебди шоҳ. Вазир пайтини пойлаб, Одилни бир четга чақириб:

— Отангиз, ўғлим кимни оламан, деса, ўшани олиб бераман, дедилар,— дебди. Шунда Одил:

— Мени ўқитган устозимнинг қизи бор, оти Ҳидоят. Хотин олсам, шуни оламан. Бўлмаса, бу дунёдан хотинсиз ўтаман,— дебди. Вазир дарров бу гапни подшога етказибди. Шоҳ суюниб, Ҳидоятларникига совчи юборибди. Отаси ихтиёрини қизига ташлабди. Олдин Ҳидоят кўнмабди.

— Мен бир камбағал бечоранинг қизи бўлсам, у подшовакча бўлса, унинг тенги эмасман. Ўз тенгини топсин,— дебди. Подшоҳ яна одам қўйиб уларни ўз ҳолига қўймабди. Ҳидоят бу гал ҳам кўнмабди. Учинчи сафар ота-онасининг қистови билан рози бўлибди. Шундай қилиб, қирқ кечаю қирқ кундуз тўю томоша берилиб, шоҳона ясалган ҳовлига Ҳидоят келин бўлиб тушибди. Подшо қанча чорикор, канизак, хизматкорларни тайинлабди. Қоровул, ясовул, баковуларни ҳам уйдирибди. Ўша куни Одил икки қамчинни сувга солиб ивитиб қўйибди. Биринчи оқшом чимилдиққа кириб, Ҳидоятни қамчи билан савалаб ўладиган ҳолига келтирибди. Иккинчи, учинчи оқшом ҳам қамчисини ивитиб, то Ҳидоят ҳолдан кетгунча уриб, гўё қасосини олаверибди. Тўртинчи куни Ҳидоятнинг онаси кенжа қизини опасидан хабар олиб келиш учун юборибди. Синглиси келса, опаси Ҳидоят, ўлар ҳолатда ётган эмиш. Синглисини кўриб инграб йиғлаб юборибди. Воқеани бирма-бир айтиб берибди.

— Гапларимни онамга дарров етказ. Мени олиб кетишмаса, ўламан, ҳеч иложим қолмади,— дебди. Синглиси зинғиллаб бориб, йиғлаб, ўзини уйнинг уёғига, буёғига ташлаб, онасига воқеани бирма-бир айтибди. Онасининг танасига ваража туриб:

— Йиғлама, қизим. Бунинг иложини топамиз,— дебди. Эртасига эрталаб катта сандиғини очиб, Эрам мамлакати ҳукмдори — парилар подшосининг суратини қўлига олибди-да, ўраб қизига бериб:

— Буни олиб бориб опангга бер. Куёв ураман, деб уйга кириши билан шу расмни кўрсатсин. У аҳмоқ, шу расмни кўриши билан тамом бўлади, опанг калтақдан қутулади. Бу ким, қайси мамлакат гўзали, деса, Эрам мамлакати париларининг подшоси, десин. Қизи зинғиллаб бориб, расмни опасига етказибди. Кеч кирибди. Одил яна дарғазаб кириб, ивитилган қамчинни олиб, Ҳидоятни уришга ўқталган экан, Ҳидоят чаққонлик билан парилар пайкари суратини кўрсатибди. Одил парининг суратига тикилганича қизга ишқи оғиб, эсидан айрилиб, беҳуш бўлиб йиқилибди. Ҳидоят Одилга сув пуркаб, ҳушига келтирибди. Одил энди Ҳидоятга ёлвориб:

— Бу парининг макони қайда, айт, энди урмайман,— дебди.

— Айтсам устимга олиб яна куйдирасиз-да,— дебди Ҳидоят.

— Йўқ, қасамёд қиламанки, чин юракдан ваъда бераманки, сени урмайман, сўкмайман, ўлгунимча хизматингда бўламан,— дебди Одил.— Шу парини бир кўрай. Агар олсам-да, бир умр сенинг хизматингни қилдираман. Мудом қўлингга иссиқ сувингни қуйдираман,— дея, тавба-тазалло билан кўп ваъдаларни берибди Одилбек.

— Бу — Эрам мамлакати париларининг подшоси,— дебди Ҳидоят.

— Уёққа қандай борса бўлади?— сўрабди Одил.

Қиз уёққа боришнинг йўл-йўриқларини батафсил айтиб берибди. Одилнинг вақти хуш, димоғи чоғ бўлибди. Эртаси отасидан ижозат сўраб, парини излашга чиқмоқчи бўлибди. Аввалига отаси унамабди. Кейин ўғли кўнмагач, ноилож жавоб берибди. Қирқ от, қирқ аскар, қирқ кунлик сафар жабдуғи, қурол-яроғини тайёрлатибди. Одил қирқ кечаю қирқ кундуз йўл юриб, оз эмас мўл юриб, Фароғат пари юртига етиб келибди. Чегарадан ўтган жойда, тоғ этагида бир булоқ, булоқ остида сарҳовуз, чор атрофи шоҳсупа — жуда хушҳаво жойни

кўриб қолишибди. Ҳар куни икки пари каптар бўлиб учиб келиб, шу ерга қўниб, супа устида бир ағанаб, икки қиз бўлар экану, мабода одамзод келса у билан шатранж ўйнарган. Қизлар ғолиб келмаса, уни қул қилиб олиб, эрам боққа хизматкор қилиб олиб кетишаркан. Ютқазишса, ютган одамнинг хизматида бўлишар экан. Одил йигитлари билан шу шоҳсупа яқинида отларидан тушиб, анжомларини қўйиб, ёғларини доғлаб, ошларини пишириб еб, бир чой ичайлик, кейин жўнаймиз, дейишиб турган маҳалда осмону фалакдан икки каптар ҳу-ҳулаб келибди-ю, супа лабига қўниб, ағанаб, икки гўзал қизга айланибди. Парилар Одилга қараб:

— Ҳой одамзод! Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган бу жойларга ўз оёғинг билан келиб қолибсан, энди биз билан шатранж ўйнайсан. Ютсанг хўжамизсан, ютқазсанг қулимизсан,— дейишибди. Одил рози бўлибди. Шатранж ўйини бошланибди. Парилардан биттаси жўртага фирромлик қилибди, иккинчи пари, нимага фирромлик қиласан, фирромлик инсонга хос, сен пари-ку, ахир,— деб буларга гап едирипти. Одилнинг жаҳли чиқиб:

— Сен билан мен ўйнайман,— дебди. Ҳалиги қиз шартни яна айтибди. Одил кўниб, шатранж ўйинига берилиб кетишибди. Одил кўп ҳам ўйнаёлмай, уч ўйинда ҳам устма-уст ютқизиб қўйибди. Сизларга ёш берсин, бизга имон, Одил пари қизга қул бўлиб қолибди Қизлар буларни ҳайдаб бориб, ўз подшоларига топширибдилар. У подшо Одилнинг одамларини аскарларига топширибди-ю, ўзини ўлдиришга буюрибди. Одил қўрқиб кетиб:

— Мени ўлдирманглар, ҳали ёшман. Нима иш қил десаларинг қиламан. Ула-ўлгунча қулларинг бўлишга розиман,— деб йиғлаб-сиқтайвергач, ўлдиришмабди. Ўша куни бир жувазкашга шогирд керак бўлиб қолган экан. Подшо Одилни ўлимдан қолдириб, шу жувазкашга қул қилиб берибди. Одил кечаю кундуз жувоз ҳайдаб, от боқиб, жуда ҳам ўлар ҳолатга келиб азоб тортибди. Оғир меҳнат жон-жонидан ўтиб, бир кеча уйқуси қочиб, хат ёзибди. Хатда: «Ота, менинг аҳволим жуда оғир. Қутқазмасангиз яқинда ўламан. Мани шу аҳволга солган Ҳидоят бўлади. Қасдини икки чандон олди. Шу хатни олгач, Ҳидоятнинг ота-онасини, ўзини, хешу ақрабolarини қилич тагидан ўтказиб, тириклайин ўтга ташланг. Тез етиб келиб, олиб кетмасангиз, ажалимдан беш

кун олдин ўламан. Ҳар куни эрта тонгдан кечгача, кечдан саҳаргача от боқиб, от ҳайдаб, жувоз тортаман». Бу хатни отасининг мамлакатига кетаётган карвонларга бир иложини қилиб бериб юборибди. Карвонлар йўл босишиб, йўл босишса ҳам оз эмас, мўл босишиб, у давлатга етгач, карвонбоши подшо дарвозаси яқинида турган бир болачага хатни бериб, шуни подшонинг ўзига бериб қўй, дебди-да, жўнаб кетибди. Шу пайт, Ҳидоят ҳовли супуриб турган экан, ҳалиги боланинг қўлидаги хатга кўзи тушиб қолибди.

— Қани, хатингни менга бер-чи,— дебди Ҳидоят. Бола:

— Бу хат подшога,— дебди. Ҳидоят болага қандқурс берган экан, бола-да, лаққа тушиб, хатни Ҳидоятга берибди. Ҳидоят хатни ўқиб, дарров бошқача хат ёзибди. «Ота, мен парилар подшосига уйландим. Мен бу ерда подшоқ бўлдим. Бунга Ҳидоят сабабчи бўлди. Хатни олибоқ, мени шундоқ бахтга эриштирган Ҳидоятнинг ҳақиқага дуо қилиб, уни қаттиқ ҳурмат қилинг. Ота-онаси, хешу-ақраболарини чақириб, подшоликдан ўрин беринг. Сиз кексайиб, қариб қолдингиз. Подшолигингизни менга бермоқчи эдингиз. Мен бу ерда подшоман. Энди Ҳидоятга топширинг. Мен мингдан-минг розиман. Мен бу ерда, келинингиз у ерда подшо бўлса, сизга яхши эмасми? Қариганда роҳат-фароғатда яшанг, ман икки ойдан сўнг бораман. Хавотир қилманг!»— деб ёзиб, хатни ҳалиги болачадан бериб юборибди, болача чопқиллаб бориб, хатни подшонинг қўлига берибди. Подшо хатни ўқиб, ўғлининг қобилиятидан беҳад хурсанд бўлиб, хатдаги гапларни бажарибди. Ҳидоятни зўр тантана билан подшо кўтарибди. Ота-онасини саройга кўчиртириб келиб, уларни ҳам иззат-икромини жойига қўйибди. Сизларга ёш берсин, бизга имон, энди гапни Ҳидоятдан эшитинг.

Ҳидоятхон подшоликни қабул қилиб, қирқ кечаю қирқ кундуз эл-юртга ош тортиб, тўю томоша берибди. Зиндону авахтада ётган одамларни озод қилиб, яхшиларини инъомлаб, ёмонларини жазолабди. Юртга омон-омон бериб, ҳаммани шоду хуррам қилибди. Кейин шундай фармони олий битибди:

«Мен қирқ кун чилла ўтириб, саройдан ташқари чиқмай, юртни қандай бошқаришни ўйлайман. Шунда мен билан бир момо кампир бўлади. Зарур гап, савол-жавоб бўлса, шу кампир жавоб беради. Қирқ кунгача ҳеч

ким кирмасин! Гап сўрамасин! Қимда ким шу пайтда саройга кирса, калласи танасидан жудо бўлади».

Ҳидоят шу кечанинг ўзида, эркакча либос кийиб, подшо отхонасига бориб, сайисга учраб, энг яхши бедов отни эгарлатибди. Қирқ кунлик тушасини араби хуржинга жойлаб, қилич-қалқонни ёнига осиб, момо кампирга тайинлабди:

— Қим сўраса, Ҳидоят яхши, кўриш мумкин эмас, ўйлаяпти,— деб жавоб бериб юбораверасиз. Сирни зинҳор билдирмайсиз,— дея қайта-қайта уқдирибди. Қоқ ярим кечада отини ўйнатиб, сулуғини чайнатиб, мамлакатдан чиқиб кетибди. Қирқ кеча-кундуз йўл юриб, йўл юрса ҳам оз эмас, мўл юриб, ўша шоҳсупага етиб борибди. Яхши жой экан, бирпас дам олай, деб ўша оқшом ётибди. Эрталаб тонг отибди. Яна икки каптар келиб кўниб, бир юмалаб икки париваш қизга айланибди. Сўнг Ҳидоятга қараб:

— Ҳой, одамзот наслидан бўлган зот! Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бу ерларда нима қилиб юрибсан?! Одатимизга кўра биз билан шатранж ўйнайсан. Ютсанг бизга хўжасан. Ютқазсанг қулимизсан,— дебдилар. Ҳидоят рози бўлибди. Яна шатранж ўйини бошланибди. Уч ўйинни устма-уст ўйнашиб, ҳаммасини Ҳидоят ютибди. «Энди менинг қулим бўлдиларингми?»— дебди Ҳидоят.

— Ҳа, қулингизмиз, тилагингизни тилайверинг,— дебди пари қизлар.— Мен тиланмайман, буюраман, сўрайман. Ахир, хўжайинингизман-ку! Буюрсам, буюрақолай. Парилар подшолигини олмоқчиман. Менга йўл-йўриқ кўрсатасизлар. Мени ўша жойга олиб борасизлар,— дебди Ҳидоят.

— Майли, қанчалик қийинлик бўлмасин — олиб борамиз. Лекин парилар подшосининг бир шарти бор. Шу шартни бажарсангиз, оласиз, бажаролмасангиз, бошингиз кетади, майлими?— дебди.— Шарти шуки, сизга иккита оғир савол беради. Шу оғир саволимга жавоб берганга тегаман, деган. Кўп шаҳзода йнгитлар саволига жавоб беролмай, жувонмарг бўлиб кетди. Фақат бир киши — Одил деган шаҳзода ялиниб-ёлворгач, омон қолиб, ҳозир ўлай-ўлай деб жувоз ҳайдаб, елкасини яғири чиқиб юрипти,— дейишибди пари қизлар. Ҳидоят ичида: «Одилни топдим, буёғини энди боплайман,— деб ўйлабди». — Бошлаб олиб бораверинглар, уёғи бир гап бўлар. Подшоларингнинг саволига жавоб берсам берар-

ман, жавоб беролмасам, ўша жувозкашлик қилаётган одамингга ўхшаб йиғлаб-сиқтаб, жон сўраб ўтирмайман. Бошимни подшоҳнинг тиғига қўйиб бераман».

Пари қизлар Ҳидоятни ҳам бир думалатиб каптарга айлантириб, ўз юртларига бошлаб боришибди. Четроқ бир ерга қўниб, яна юмалаб, асл ҳолларига келишибди. Боғи эрамнинг хуш манзарасини кўриб Ҳидоят эсидан оғаёзибди. Ахир, бундай боғни ҳечам кўрмаган экан-да. Анвойи гулларга маҳлиё бўлиб, гулзор оралаб кириб кетганини ўзи ҳам сезмай қолибди. Гуллардан бири қиқирлаб кулиб, уни ёнига чорласа, бошқаси янаям нозлироқ ислармиш. Яна бир гул майин қўшиқ айтса, бошқаси ҳидига маст қилармиш. Гулдан гулга ўтиб, Ҳидоят бояги парилардан сал узоқлашибди. Шунда биринчи парига иккинчиси:

— Анави одамзод ўғил бола эмас, қиз болага ўхшайди?— дебди. Биринчи пари:

— Қаердан билдинг,— деб сўрабди.

— Юмалаб каптарга айланаётганда, бошидан телпаги тушиб кетди. Сен сезмадинг. Мен қарасам, қирқ кокили селкиллаб белига тушди,— дебди, иккинчи пари. Шунда биринчи пари.

— Қўявер, қизми, ўғилми — бари бир одамзод ақлли ва кучли бўлади. Шатранжда ютдими, бўлди. Биз унинг қулимиз. Нима қил деса, қиламиз,— дебди. Шу пайт Ҳидоят айланиб келиб:

— Энди мени подшоларинг ҳузурига олиб боринглар,— дебди. Кейин:— Нима деб савол беради? Жавобини ўргатинглар-да,— депти. Парилар ўргатишипти. Ҳидоят уларга қараб:

— Мен бу саволларни ўзим бажаролмайман. Иккаланг икки каптар бўласанлар-да, мен қўйнимга солиб, подшоҳларингни олдига кираман. У савол берса, биринчи саволига сен ўнг томонимдан, иккинчи саволига сен — чап томонимдан жавоб берасанлар,— дебди.— Кейин санларни озод қиламан. Бўлмаса умрбод қулларим бўлиб қоласанлар.

Шундай қилиб, Ҳидоят икки каптарни қўйнига яшириб, париларнинг подшоси — Фароғат пари ҳузурига кириб, қуюқ салом берибди. Масала аниқлангач, подшоҳ шартини айтиб, Ҳидоятни саволга тутибди. Ҳидоят парилар подшосининг иккала саволига ҳам бурро тил билан тўлиқ жавоб берибди. Парилар подшоси Фароғат пари жуда қойил қолиб, тан берибди. Сўнг бу йигитнинг

ютганлигини ҳаммага эълон қилдирибди. Парилар подшоши қирқ кечаю кундуз тўю томоша бериб, Ҳидоятни йигит деб ўйлаб унга тегибди. Ҳидоят Фароғат парига уйланиб, унинг тожу тахтини эгаллагач, чопар юбориб, Одил жувозкашни олиб келишни буюрибди. Чопарлар югуришиб, Одил жувозкашни дарров келтиришибди. Ҳидоят:

— Буни дарров ҳаммом қилдириб, сочу соқолини олдириб, шоҳона либосларда ҳузуримга келтиринглар. Мен уни сўроқ қиламан,— дебди. Хизматкорлар тезлик билан буйруқни бажариб, Одилни ювинтириб, тараб, шоҳона кийимлар кийдириб Ҳидоятга рўбарў қилишибди. Одил юз мингу икки хаёл билан, қўрқа-писа маликанинг — подшонинг ҳузурига борибди. Вазир-вузороларини бир ишора билан чиқариб юборибди. Тахтада бир ўзию Одилни холи қолдирибди. Сўнг подшо бир силкиниб, юзидаги пардани очиб, қаҳ-қаҳ уриб, тўлиб-тошиб кулиб юборибди.

— Қалайсиз, мулло Одилбек,— деб ҳол-аҳвол сўрабди. Одил уялганидан ўзини билмасликка солиб, ерга қараб бўзариб тураверибди.

— Ҳаммасини биламан. Бундан буён одам бўлганингиз бўлади. Ҳамма нарсани ўйлаб, ақлни ишлатиб иш қиласиз, тушундингизми?!— дебди Ҳидоят пошшо.

— Ҳа,— дея тасдиқлабди таслимона нигоҳ билан Одилбек. Шундан кейин шоҳлик либосини ечиб, Одилга кийгизибди. Ҳидоят Одилга қараб:

— Одилжон ака, мана менинг ўрнимга сиз подшоҳ бўлинг,— дебди,— биз сизнинг ихтиёрингиздамиз.

Одил Ҳидоятнинг оёқларига йиқилиб ўпиб:

— Сен устозим, раҳнамоим. Энди ўлсам ҳам сенинг гапингдан чиқмайман,— дея яна қасамёд этибди, гуноҳларидан ўтишни, авф этишни ўтиниб-ўтиниб сўрабди. Ҳидоят:

— Майли, кечдим, бундан кейин айнимасангиз бўлгани,— дебди.

— Гап битта. Ақлимни еб ўлганимча бўлдим. Шу бас. Яна айтаман, сен устозим. Шу устозлигингни қилиб, фақат менга йўл кўрсат! Мен адашмай! Бўлди!— дебди чин юракдан Одил.

Кейин Ҳидоят Фароғат парини чақирибди:

— Эртага сафар тўла-талқонни, қирқ уч от ва аскарларингизни тайёрланг. Ўрнингизга ўша жувозкаш устозингизни подшо қилиб тайинланг,— дебди.

Парилар шоҳи Ҳидоятнинг жасоратини кўриб, йигит эмаслигини билиб, унинг қилмишларига жудаям қойил қолибди. Унга қараб:

— Опа, мен сизнинг ҳийла-найрангларингизга, маҳоратингизга қойил қолдим. Биз парилар сеҳр-макрни биламиз десак, сиз биздан юз чандон ўтиб кетган экансиз, доно экансиз, қойилман. Энди нима қилай?— дебди Фароғат пари. Унга Ҳидоят:

— Биз билан бирга кетсангиз, жўнанг. Менга эмас, Одил жувозкашингизга хотин бўласиз,— деган экан, Фароғат пари буни ўзига орият билиб, хафа бўлибди.

— Мен сизнинг устингизга Одилга хотин бўлмайман. Сизга, унга сингил бўламан,— дебди. Одил ҳам Ҳидоятга:

— Мен ҳам розиман, Сиздан бошқаси менга керак эмас. Сиз мени ўқитиб одам қилдингиз. Ақлимга ақл кўшдингиз, кўзимга сув кирди,— дебди.

Учовлари чақ-чақлашиб суҳбатлашиб, ўтган-кетгандан гаплашиб тонг оттиришибди. Эртасига:

— Биз кетамиз,— дейишган экан, Фароғат пари ўзининг қоровул девларидан беш-ўнтасини чақиртириб келиб, сандиқ-сандиқ зарларни уларнинг устига юклаб, Ҳидоят билан Одил икковини икки каптарга, қирқ йигитни қирқ олмага, отларини қирқ қушга айлантириб, девларнинг бошлиғи Оломон — Соломон девнинг қўйнига солиб, улар билан хайр-маъзур қилиб кузатиб қўйибди. Девлар Одилбек юртига яқинроқ боргач, Ҳидоят Одилнинг отасига хабар юборибди. Отаси қанча лашкар, вазирлари, уламолари билан карнай-сурнай тортиб ўғли Одилбекни ва келини Ҳидоятни кутиб олибди. Шоҳ севинганидан қирқ кун тўю томоша берибди, Ҳидоятга, тахтни сиз олинг, дебди. Ҳидоят кўнмай, тожу тахтни Одилга топширибди. Одилшоҳ шу-шу Ҳидоятнинг ақл-дрокига қойил қолиб, ҳарна иш қилса Ҳидоятдан сўраб, маслаҳатлашиб, кенгашиб қиладиган бўлибди.

Сизларга ёш берсин, бизга имон, шу-шу Одилшоҳ Ҳидояттой чизган чизиқдан чиқмабди. Давлат ишлари ҳам жуда илгарилаб, кўп яхши бўлиб кетибди. Мамлакат тинч, фаровон, обод ва халқи ҳам жуда-жуда осойишта бўлиб кетибди. Ҳидоятнинг ота-онаси ҳам шоду хуррам бўлиб, Одилшоҳ ҳам, Ҳидояттой ҳам соғ-саломат яшашиб, муроду мақсадларига етишибдилар.



## СИРЛИ ОЙНАК

Бор экан-да, йўқ экан, қадим ўтган замонда Маматмуса деган бир шаҳарлик ёшини яшаб, ошини ошаб ўтган экан. Маматмусанинг хотини билан уч ўғли бор экан. Маматмуса кунлардан бир кун хотинига шундай маслаҳат солибди.

— Хотин, миямга бир гап келди, сен шунга нима дейсан?

Шунда хотини:

— Аввал айтинг, миянгизга келган гапни, шунга қараб билган-нетганларимни айтарман,— дебди.

Маматмуса хотинига қараб:

— Биз шаҳарлик бўлсак. Ўғилларимиз вояга етиб қолишди, уларни уйлантиришга қурбимиз етмаса, ўғилларингга айтсак, қишлоққа борибми, шаҳарда қолибми, ўз бахтларини ўзлари топишса,— дебди. Бу гап кампирга ҳам маъқул тушибди. Чол билан кампир болаларини ёнларига чақиришибди. Шунда отаси:

— Болаларим, ўзингизга маълум, биз шаҳарликмиз. Шаҳарда яшаш оғир бўлиб қолди. Энди сизлар вояга етиб, бўй чўзиб қолдингизлар. Уйлантириб қўяй десам, куч-қудратим етмайди. Сизларга жавоб берсам: қишлоқдами, шаҳардами — ўз бахтларингни ўзларинг излаб топиб, қўлга киритсанглар,— дебди. Болалари:

— Сиз нима десангиз ўша, ота,— дейишибди-да, уйларидан чиқиб кетишибди. Йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди. Бир жойга боришганда, энг кенжа укалари чарчаб, йўлда юролмаб қолибди. Катта ака: «Бу бизга ортиқча юк бўладиган бўлди», деб уни бир сомсапазга шогирдликка бериб, ўртанча укасини етаклаб йўлида кетаверибди. Яна йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди, бир қишлоққа етиб келишибди. Қишлоқ катта бўлиб, аҳолиси кам экан. Ака-ука деҳқон-

чилик қилишадиган бўлиб, шу ернинг оқсоқолидан озгина ер сўраб олишибди... «Ерни қарасанг, ер сенга қарайди, кулиб боқади», деганларидек, ака-уканинг экини бирам бўлиб берибдики, олган ҳосилини қаерга қўйишини ҳам билмай қолишибди. Келгуси йили ҳам экин экишибди. Ҳосилнинг ярмини сотиб ўзларига яраша уй қуриб олишибди. Жуда аҳил, иноқ яшай бошлашибди. Аммо бу ҳол узоққа бормабди. Ака-уканинг орасига низо аралашибди. Бунга бир қизиқ воқеа сабаб бўлибди. Қунлардан бир куни ака-укалар ерларини омоч билан ҳайдаб туришса, омоч бир нарсага тегиб кетибди. Қарашса, бир хум тилла эмиш. Ака-ука хурсанд бўлиб, хумдаги тиллани уйларига олиб келишибди. Уни беки-тиб қўйишиб, ўз ишларини қилаверишибди. Бир пайт катта ака тез-тез чарчаб қоладиган, чарчаганда уйига бориб ётиб оладиган одат чиқарибди. Уйига келиб: «Қандай қилиб, тиллани ўзимники қилсам бўларкин?»— деб ўйлагандан ўйлайверибди. Охири бир қарорга келибди-да, кечқурун укаси ишдан қайтгач, унга шундай дебди:

— Ҳой, ука, бу тирикчилигимиз менга ёқмаяпти. Қачонгача шундай яшаймиз. Топиб олган олтинларни бозорга олиб бориб, заргарга кўрсатай. Кейин уларни сотайлик. Яхши жойларни солиб, ота-онамизни, укамизни олиб келиб бирга яшайлик,— дебди. Бу гап укасига маъқул тушиб:

— Майли, билганингизни қилинг,— дебди. Ака олтинларни олиб, бозорга, ука ҳўкиз билан қўшни олиб далага кетибди. Ака бозорга яқин бориб, тиллаларини пана жойга яшириб, икки-учтасини ясама тиллаларга алмаштириб, уйга қайтибди. Укаси:

— Келдингизми, ака? Нега хафасиз?— деб сўраган экан акаси:

— Омади йўқмиз-да, ука. Топиб олган тилларимиз ҳақиқий эмас экан. Сохта экан. Бекорга овора бўлганим, заргардан уялганим қолди,— дебди. Укаси:

— Хафа бўлманг. Бу йил деҳқончилигимиз яхши бўладиган кўринади. Шундан сотиб, янада яхшироқ яшармиз. Укамиз билан ота-онамизни олиб келиб, боқишга ҳам етиб қолар,— дебди. Аммо бари бир катта аканинг ороми бузилибди, кечалари ухламасдан уёқдан-буёққа тўлганиб чиқибди. Қундан кун ўтиб, бир куни катта ака укасига:

— Ука, бу тирикчилик менга ёқмаяпти. Қишлоқ-қиш-

лоқ экан. Экин-тикининг яхши битсаям, қорнинг нонга, устинг кийимга ёлчимас экан. Мен шаҳарга бориб савдогарчилик қиламан. Савдода гап кўп,— дебди. Укаси: «Ношукур бўлманг, ака, шу ерда ҳам тирикчилигимиз ўтиб турибди-ку?»— деганига қарамай, катта ака у билан хайрлашиб, шаҳар излаб кетибди. Ўртанча ука, билганингизни қилинг, мен шу ерда қолиб, деҳқончилигимни давом эттираман, дебди-да, қишлоқда қолибди. Энди гапни катта акадан эшитинг.

Ака бекитган жойидан олтинларни олиб, бутунлай бир бошқа шаҳарга бориб, уларни сотиб, бойиб кетибди. Ҳеч қаерда йўқ олтин қасрни солдирибди. Бир савдогарнинг қизига уйланиб. Ҳасан-Ҳусан ўғил кўрибди. Кундан-кун бойиб, савдосини авжига чиқариб юраверибди. Буни шу ерда қолдириб, гапни ўртанча укадан эшитинг.

Ўртанча ука қишлоқда қолиб, деҳқончиликни давом эттирибди. Катта акани шаҳарда, ўртанча акани қишлоқда қўйиб, энди икки оғиз гапни кенжа укадан эшитинг.

Кенжа ука сомсапазга шогирд тушиб, оз вақт ичида сомса қилиш, уни ёпишни ўрганиб олибди. Оёғи чаққон, тўғри қўл, ширинсўз, хушмуомала бўлиб ўсганидан ҳамма уни ёқтириб қолибди.

Пулдан, ейиш-ичишдан камчилиги йўғ-у, ота-онасини, акаларини соғиниб жудаям эзиларкан. Кунлардан бир куни уйини соғиниб, изтироб чекиб ўтирган экан, бир киши сомсахонага: «Ё, шайдулло!»— деб кириб келибди. Кейин:

— Нон-понинг борми, болам, бўлса чой билан бер!— дебди. Бола қараса, соқоли кўксига тушган бир нуроний киши эшик олдида турган эмиш. Бола дарров салом бериб, чолни тўрга ўтқизиб, олдида дастурхон ёзиб, чойнон қўйибди. Чол чой билан нонни еб-ичиб тугатиб, кетиши олдидан қўйнидан бир олма чиқариб берибди. Бола олмани олмайман деган экан, чол:

— Бу хосиятли олма, ол! Ундан бир тишлам есанг, етти кечаю етти кундуз чанқамай, оч қолмай юришинг мумкин,— дебди. Бола олмани олиб қўйнига солар-солмай чол кўздан ғойиб бўлибди. Бола яна бир-икки ой сомсапазда ишлаб юриб, бир куни: «Менга жавоб берсангиз. Ота-онамни бир кўриб келсам», дебди. Сомсапаз унга кўп нарсаларни бериб, хурсанд қилиб, йўлга солиб юборибди. Бола йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл

юрибди. Бир кўчадан кетаётса, чангга беланиб бир ойна ётган эмиш. Бола ойнанинг юзини артиб ташлаб, унга қараган экан, тилга кириб шундай дебди:

— Ҳой, бола, мени ташлаб юборма, керак бўламан,— дебди. Шунда бола:

— Сен ким бўлибсанки, керак бўлсанг, бир ойнасанда,— дея аввал назарига илмабди. Шунда ойна:

— Мен сирли ойнаман. Мени Қари дев Кўҳиқофдан ҳам наридаги — Эрам боғдаги парилар сандиғидан ўғирлаб келаётган эди. Шу ерга келганда чўнтагидан тушиб қолдим. Тупроққа беланиб ётган эдим. Сен юзимни очдинг. Мени олиб қўйингга сол. Сени ҳеч қачон тарк этмайман. Хосиятим шуки, кимда-ким менга қараб кимни кўришни истаса, кўз олдига келтираман. Истасанг дарё, истасанг кўл бўла оламан,— дебди. Бола: «Ундай бўлса олганим бўлсин», деб ойнани ҳам қўйнига солиб йўлга равона бўлибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир ерга борганда, бир ташландиқ ўчоқда олов ёниб турганмиш. Бола исиниб олай деб унга яқин юрибди. Шунда олов тилга кириб:

— Эй, бола, кимсасиз чўлда нима қилиб юрибсан?— дебди. Бола:

— Сенинг ўзинг-чи, ўзинг нима қилиб юрибсан?— деб сўрабди. Олов:

— Мени жодугарлар жодугари — ялмоғиз кампир, қизимни олиб қочиб кетиб, хотин қилиб олади, деб қўрқиб, шу жойга сеҳрлаб боғлаб кетган. Шунга қирқ йил бўлди,— дебди ёнгандан ёниб. Шунда боланинг оловга раҳми келиб:

— Ота-онанг ким?— деб сўрабди.

— Ота-онам Кўҳиқофдаги Енар дарёнинг подшоси. Биз етти ўғилмиз. Мен — энг кенжаси — шу ялмоғизнинг қизини яхши кўриб қолган эдим. Кампирни тушмагур бермади. Кейин мени алдаб-сулдаб шу ерга олиб келдида, чўлдаги гармсел тўрага топшириб кетди. Урнимдан туриб ота-онамнинг олдига жўнай десам, гармсел тўрт томонимдан бўғиб ўлдирмоқчи бўлади,— дебди олов ловиллаб. Бола:

— Ҳозир у қаерда?— деб сўрабди. Олов:

— У ов овлагани кетган. Ҳализамон келиб қолади. Тезроқ бу ердан кетмасанг, сени ҳам қаърига тортиб, ер билан яксон қилади,— дебди.

— Гапларингга ишонмайман. Мен сени йўқ қиламан,— деб бола оловга яқинлашибди. Шунда оловнинг

ҳам жаҳли чиқиб, тилларини узайтириб, баттар ловиллаб:

— Ҳой, бола, ўзим куйганим ўзимга етиб турибди, илтмос қиламан, яқинимга йўлама! Ҳой, бола, жаҳлим ёмон, бир ҳамла билан жизғанагингни чиқараман!— дебди. Боланинг жаҳли чиқиб, ойнани қўйнидан олиб, бир челақ сув бер, деган экан, ойнанинг юзидан сув томчилаб, бирпасда бир эмас, иккита челақ тўлибди. Бола сувни оловнинг устига сепмоқчи бўлган экан, олов:

— Мени ўчирма, ёрдамим тегиб қолади,— дебди. «Ҳой, майли, керак бўлиб қолар», деб бола оловни челагига солиб олибди. Бола яна йўлида давом этибди. Йўли саҳройи кабирга тушибди. Сувсизликдан томоғи қуриб-қақшаб, очликдан силласи қурйи бошлабди. Бир пайт ҳолсизланиб йиқилиб қолибди. Шу пайт қўйнидаги чол берган олма эсига тушиб: «Ҳа-я, олмадан есам-ку, чанқоғим қониб қорним тўяди-я. Уни берган чол, етти кун сувсамай, қорнинг очмай юрасан, деган эди-ку», деб олмани қўйнидан олиб бир тишлам ебди. Шу пайт дармонга кириб, чанқоғи ҳам босилибди, қорни ҳам тўйиб қолибди. Олманинг қолганини қўйнига солиб, яна йўлида давом этибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир жойга борганда ойнак эсига тушиб, уни қўйнидан олибди.

— Ҳой, ойнакжон, қани мўъжизангни кўрсатиб, менга ота-онамни топ-чи. Қачондан бери кўрмайман. Ҳоллари нима кечдийкин,— дебди. Шу пайт ойна:

— Бўлмаса мени қоронғироқ жойга олиб кириб яхшилаб қара. Кундуз кун бўлса кун менга халақит беради,— дебди. «Бу ерда бирон бир уй ё гор бўлмаса ёки ертўла ҳам йўқ бўлса. Энди нима қилдим?»— деб ўйланиб қолибди. Олов эсига тушиб: «Мана, мени ўлдирма, керак бўлиб қоламан», деган эди. Қани, нимага ёрдами тегаркин, дебди-да, пақирдаги оловга қараб:

— Ҳой, оловжон, оловжон, менга ёрдамнинг керак бўлиб қолди. Қани сен, нима ҳунар кўрсатасан,— дебди. Шунда олов унга қараб:

— Нима тилагинг бўлса айт, мен Қизил дев бўламан. Қизил дев сўзидан ҳечам қайтган эмас,— дебди. Бола:

— Ҳой, дев, ундай бўлса бир қасрми, уйми, ертўлами биво қил. Мен унга кириб, манави ойнада ота-онамни бир кўрай-чи, ҳоллари нима кечдийкин?— дебди. Дев-олов:

— Хўп бўлади,— дебди-да, бир алангаланган экан, еру кўкни олов босиб кетгандай бўлибди. Бир пайт бола қараб турса, бир қаср пайдо бўлиб қолибди.

— Ана, қаср тайёр. Энди менга жавоб берсанг. Ота-онамнинг олдига борсам. Керак бўлсам манави тошларни бир-бирига уриб: «Ё олху, ё белху, лов-лув, лов-лув», дея уч маротаба айтсанг мен ёнингда бўламан,— дебди. Бола девга жавоб бериб, у берган тошларни олиб қолибди. Дев жўнаб кетгач, қасрнинг ичига кирибди. Қаср ичида ёруғ, озода хоналар бор эмиш, қоронғи горга ўхшаган хоналар ҳам бор эмиш. Бола қоронғи, горга ўхшаш бир жойга кириб, ойнани қўлига олиб унга қараган экан, ота-онасини кўрибди. Ота-онаси: «Болаларимиз келишармикин», деб эшик олдида мунғайиб ўтиришган эмиш. Боланинг ота-онасига раҳми келиб, қўлига тошларни олиб, бир-бирига уриб: «Ё олху, ё белху, лов-лув, лов-лув», деб уч маротаба айтибди. Бирпасда дев етиб келиб:

— Эй, болажон, бошингга не мушкул тушдики, уйимга етиб борар-бормас чақириб қолдинг. Айт, хизматингни!— дебди. Бола девга қараб:

— Эй, олов девжон, мени ота-онамнинг олдига етказ,— дебди. Дев катта бўлгандан катталашиб, қаср билан болани қаърига ютиб, осмону фалакка кўтарилиб, бир зумда болани ота-онасининг олдига етказибди. Бола ота-онасини кўриб жудаям хурсанд бўлибди, ота-онаси ҳам уни соғ-омон кўриб, ақлдан озаёзишибди. Дев: «Энди менга жавоб, керак бўлсам тагин чақирарсан!»— деб жўнаб кетибди. Бола раҳмат айтиб қолибди. Ота-онаси кенжа ўғлига:

— Болам, акаларингдан дарак борми? Улар қаерда юришибдийкин, топсанг бўларди,— дейишибди. Бола:

— Ҳозир хабар топаман,— дебди-да, қоронғи қазноққа кириб, ойнани қўлига олиб:

— Қани, ойнажон, акаларимни бир кўрсам,— дебди. Ойнада олдин катта ака пайдо бўлибди. У катта бир шаҳарда олтин қасрда яшаётган эмиш. Хизматкорлари сон-саноксиз эмиш. Ёнида иккита бўйи етиб қолган болалар пилдираб юрганмиш. Улар бир-бирларига шунчалик ўхшармишки, қайсиниси ака, қайсиниси ука билди бўлмасмиш. Катта аканинг ўзи зарбоф тўнларда одамларга, «уни қил, буни қил», деб буйруқ бериб юрган эмиш. Бола ойнакка қараб:

— Ҳа, акам яхши яшар экан. Ё подшонинг қизини олган, ё бирон хазина топган. Ёки бўлмаса, қирқ қароқчининг бирига айланган, бўлмаса бунчалик бойиб кетолмасди. Ёнида юрган Ҳасан-Ҳусан бўлса керак,— дебди. Кейин:— Қани, ўртанча акам қаерда экан, уни ҳам кўрсат-чи,— деб ойнага айтибди. Бир пайт ойнада бир жулдурвоқи тўн, йиртиқ иштон, юз еридан ямоқ чорик бир кишининг етти букилиб қўш қўшаётгани кўринибди. Ориқ хўкиз зўрға юрармиш. Бола қараб турса, ҳалиги одам унинг орқасидан зўрға судралармиш. Тикилиб қараса, ўртанча акаси эмиш. «Бориб кўрмасам бўлмас экан», дебди-да, ота-онасидан жавоб сўрабди. Ота-онаси жавоб беришибди. Бола яна қўлига олов-дев қолдирган тошларни олиб, бир-бирига уриб: «Ё олху, ё белху, ловлув», деган экан бирпасда олов-дев етиб келиб:

— Хўш, хизмат?— деб сўрабди. Бола:

— Мени катта акам яшаётган шаҳарга етказ,— дебди. Олов-дев:

— Устимга мин-да, кўзингни юм. Оч деганимда очасан,— дебди-да, болани миндириб, катта акаси яшайдиган шаҳарга етказгач: «Кўзингни оч», дебди. Бола кўзини очиб, катта бир қасрни кўрибди. «Акамнинг қасри шу. Ойнада кўрганим. Энди сен кетавер, керак бўлсанг чақираман», деб бола олов-девга жавоб берибди. Дев жўнаб кетгач, бола бозорга бориб бир сомсапазга хизматкор бўлиб ишга кирибди. Кенжа ботирни сомсапазга шогирд тушиб, ишлашда қўйинг-да, гапни катта акадан эшитинг.

Катта ака шаҳарнинг подшоси экан. Айтгани-айтган, дегани-деган экан. У золимликда ном чиқарган бўлиб, ундан қўрқмаган киши йўқ экан. Давлати ҳеч қаёққа сиғмасаям, хасис, бир бурда нонни бировга бекорга бермас экан. Бир кунни ҳаммани бир томонга ҳайдаб-суриб, зирқиратиб, беш-олтита сарбоз келиб қолибди. Орқасидан отда зарбоф тўнларга ўралган бир киши гердайганича бозорга кириб келибди. Бола қараб турса, акаси эмиш. «Ака...» деб олдига борай деса, сарбозлар олдига солиб қувлашибди. Акаси ҳам осмонга қараб келаётганидан укасини кўрмабди. Кўрсаям танимас экан-да, танисаям ўзини танимасликка солар экан. Катта ака бозорни айланиб бўлиб, сомсапазнинг олдида бирпас дам олмоқчи бўлибди. Бир пиёла чой устида укасини кўрсатиб:

— Ҳой, бола, кимсан? Қаердан келдинг? Илгариларни

бу ерда йўқ эдинг,— дебди. Бола, «акамнинг танимагани яхши бўлди», дебди-да, кейин:

— Сомсапазнинг шогирди бўламан. Бирон-бир ҳунар ўрганармикинман деб, тоғдан шаҳарга келдим,— деб жавоб берибди.

— Бечора бола, тоғда қорнинг тўймаган, шаҳарда тўярмиди. Хоҳласанг сени ўзимга хизматкор қилиб олиб кетаман,— дебди катта ака. Бола:

— Жон дердим. Ҳеч кимим йўқ, етимман,— деб ёлгон гапирибди. Катта ака сомсапазга боланинг ҳақини тўлаб, уйига олиб кетибди. Ҳар куни итдай ишлатибди: от боқтирибди, девор урдирибди. Бунинг устига ҳар куни иккита барзангига урдириб, тинкасини қурибди. Аслида катта ака бозорда айланиб юрганда сомсапазнинг олдидан ўтаётиб, кенжа укасини билиб қолган, заҳотиёқ уни таниган экан. «Менинг бу шаҳарда яшашимни ҳеч ким билмасди. Бу шумоёқ қаёқдандир билган-да, шу ёққа келган. У олтинларимни билиб қолган, шерик бўлмоқчи. Бунинг устига шу исқирт, гадой болани укам десам, ҳамма устимдан кулади. Бунни сотиб оламан-да, қулдек ишлатиб, бир кунмас-бир кун тунда ўлдириб, дарёга ташлаб юбораман-да, қутуламан», деган ниятда шу ишларни қилаётган экан. Кенжа ука қийналиб, ўлар ҳолига келибди. Шу пайт катта ака савдога кетмоқчи бўлибди. Ҳаммага ишларни тақсимлаб бериб, болага ҳам бир олам ишни тайинлабди.

— Болаларга ҳам бошинг билан жавоб берасан. Агар улардан бировига тикон кирса, сенга ханжар суқаман,— дебди. Катта ака шундай деб, савдога кетибди. Кенжа ботир ишларни қилиб бўлгач, бир куни Ҳасан-Ҳусанга:

— Бир зўр қишлоқ бор. Олиб бориб томоша қилдириб келайми?— дебди. «Ҳа, олиб боринг», дейишибди улар. Кенжа ботир: «Менга Ҳасан-Ҳусанни зериктирмай олиб юргин, деган хўжайин», деб бошқа хизматкорларга ҳам билдириб қўйибди. Кейин: «Бир тоққа олиб бориб, айлантириб, дам олдириб келаман», деб йўлга тушибди. Ўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди. Ҳасан билан Ҳусанни чанқоқликдан тиллари қотибди, очликдан мадорлари кетибди. Шу пайт бола қўйнидан олгани олиб, бир тишладан болаларга берибди. Болаларнинг чанқоғи қолиб, қоринлари тўйибди. Кенжа бола бундоқ қараса, ҳали-вери акасининг олдига етиб боришмасмиш. Шунда у болаларга:



— Сизлар шу ердан қимирламай туринглар. Мен ҳув анави жойга бориб келаман,— дебди. «Тезроқ келинг, қўрқамиз», дейишибди Ҳасан билан Ҳусан. Кенжа ботир бир четга бориб, қўйнидаги тошларни чиқариб, уларни бир-бирига ишқаб: «Ё олху, ё белху, лов-лув, лов-лув», дебди. Шу пайт «хизмат», деб дев пайдо бўлибди. Кенжа ботир девга қараб:

— Аввал анави жойдаги Ҳасан-Ҳусанни ўртанча акамнинг қишлоғига билдирмай олиб бориб қўй. Кейин мени олиб бор. Болалар пайқашмасин,— дебди. Дев «хўп» деганича Ҳасан-Ҳусаннинг олдига борибди. Кейин қуюн бўлиб айланиб-айланиб, уларнинг ҳар иккаласини ўраб осмону фалакка кўтариб, учириб кетибди. Қишлоқнинг четига олиб бориб туширибди. Кейин кенжа болани ўша ерга олиб бориб, ўзи рухсат сўраб жўнаб кетибди. Бола ҳеч нима бўлмагандай Ҳасан-Ҳусаннинг олдига бориб, уларни етаклаб, ўртанча акасиникига бошлабди. Акаси хурсанд бўлиб кетибди. Қўлидан келганча дастурхон ёзиб, меҳмон қилибди. Чой-пойдан кейин Ҳасан билан Ҳусан қишлоқни томоша қилгани сой томон кетишибди. Шунда кенжа ука ўртанча акага бошидан ўтганларни бирма-бир айтиб берибди. Ўртанча ака ҳам кўрган-кечирганларини ҳикоя қилиб, сўзининг охирида:

— Акам шу кетганча кетди. Қаердалигини билмайман. Ундан кейин жуда қийналдим, ёлғиз қолиб. Йўқ, ҳайтовур ўзимни ўнглаб олдим. Ориқ бўлсаям ҳўкизим бор. Мана, сен келиб ёнимга кирсанг, янада яхши бўлади, озгина ерим бор. Сени ҳам уйлантираман, ўзим ҳам уйланаман. Шу бир парча ерга меҳр қўйиб, ишловини келтирсак сени ҳам, мени ҳам боқади,— дея кўзига пича ёш ҳам олибди. Кенжа ука Ҳасан-Ҳусанларни катта акасининг болалари эканлигини билдирмай, хўжайинининг ўғиллари деб таништирган экан. Акасининг гапларидан таъсирланиб, унга:

— Катта акамнинг уйи, турадиган жойини кўрсатишимни хоҳлайсизми?— дебди. Ўртанча ака:

— Нима, ўзи ўлиб кетганми? Ўзини кўрсатмай, турадиган жойини кўрсатасан,— дебди хавотирланиб. Укаси шоша-пиша уни тинчитиб:

— Йўқ, тирик. Аммо ҳозир савдода экан,— дебди.

— Унда кўрсат, ҳеч бўлмаса турадиган жойини кўрай,— дебди ўртанча ака. Кенжа ботир ойнани қўйнидан олиб унга:

— Шаҳарлик акамнинг тураржойини кўришимиз керак,— дебди. Ойна «хўп» дебди. Бир пайт олтин қаср, унинг ичидаги мол-дунё, ишлаётган хизматкорлар кўринибди. Уртанча ака:

— Ия, бундай давлатни қаёқдан олдийкин? «Бу ерда тирикчилик қилиш қийин экан, шаҳарга бориб савдогарчилик қиламан», деб кетган эди,— деб ҳайрон бўлибди. Шунда кенжа ука:

— Боя, ердан бир хум олтин топиб олдик, кейин уни акам бозорга олиб борса, ёлғон чиқиб қолди, деган эдингиз. Қатта акам сизни алдаган. Уша топиб олган олтинлар ёлғон эмас, ҳақиқий бўлган. Кейин вақтинни топиб, уни ҳеч ким билмайдиган шаҳарга олиб бориб сотиб, бойиб кетган, қасрлар қурдирган. Ҳозир унинг олдига тушадиган киши йўқ. Мен ҳам унинг қулиман,— дебди. Уртанча ака бу гапни эшитиб, эси оғиб қолибди. Кейин ўзига келиб:

— Вой, ярамас-ей, аблаҳ-ей, ўша акамиз шунақа қиладимми? Сен боплаб адабини бериб қўймадингми? Мени ўша жойга етказ, ўзим унинг таъзирини бериб қўяман. Акам бўлсаям ўзига,— дебди. Кенжа ботир:

— Ундай қилмаймиз, ака, бошқача йўл тутиб, акамни ҳалокат йўлидан сақлаб қоламиз. Ҳозир бориб, бир нарса десак сиз билан мени ўлдириб юборишдан ҳам тоймайди,— деб унамабди. Кейин:— Ака, мен жиянларимни олиб қайтаман, сизга иккита маймун олиб бераман. Шуларни «ассалом, ота», «қалайсиз», «нега ҳафасиз», «онам яхшимилар», «чой ичинг, сув ичинг», деб ўргатасиз. Аммо гапни обдан ўрганишсин. Ундан кейин мен мана бу Ҳасан билан Ҳусанни яна бир илож қилиб, олиб келаман: Сиз уларни қишлоқнинг бир четига элтиб қўясиз. Мен акамизга бориб, бир кечада ўғилларингиз худодан бўлдими, бандасидан бўлдими, маймунга айланиб қолишди, деб айтаман. Ундан кейин нима қилишни ўзимга қўйиб берасиз. Сиз аралашмайсиз,— дея роса тайинлабди. Акаси: «Хўп, сенга ишонаман, ука», дебди. Кенжа ботир икки тошни қўйнидан олиб, уларни бири-бирига ишқаб: «Ё олҳу, ё белҳу, лов-лув, лов-лув», деган экан, Олов-дев бирпасда пайдо бўлиб: «Хизмат?»— деб сўрабди. Кенжа ботир:

— Менга иккита бир-бирига ўхшаш, тезда одамларга ўхшаб гаплашишни ўрганадиган маймун келтир,— дебди.

— Мен-ку, бундай маймунларни тополмайман. Қатта

акам Ҳиндистонда, ўшандан сўраб кўраман,— дебди Олов-дев.

— Майли-да, қаердан, кимдан сўрасанг сўраб кўр, кейин менга етказ,— дебди бола. Дев, «хўп бўлади», деганича кўздан ғойиб бўлибди. «Дев маймун топиб келармиди, сени алдаб кетди-да», дебди ўртанча ака. Худди шу пайт дев:

— Ана ол, айтган маймунларингни!— деб келиб қолибди. Ака-укалар хурсанд бўлиб кетишибди. Девга раҳмат айтишиб, жавоб беришибди. Уртанча ака маймунларга укаси айтган гапларни ўргатишга тушиб кетибди. Кенжа ботир Ҳасан билан Ҳусанни олиб йўлга тушибди. Йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди. Кенжа ука бир пайт қараса, акаси савдодан қайтадиган вақт бўлиб қолибди. Дарров олов-девни чақирибди. Олов-дев: «Бошингга яна нима мушкул иш тушди», деб етиб келибди. «Бизни олиб келганингдек, катта акам яшайдиган шаҳарга олиб бориб қўй», дебди. Олов-дев кенжа ботир айтгандай қилиб, аввал болаларни, кейин унинг ўзини шаҳарга олиб бориб қўйибди. Кенжа ботир Ҳасан-Ҳусанни етаклаб уйга борибди ҳамжи, катта акаси савдодан келиб қолибди. У ўғилларидан:

— Қалай, мен йўғимда зерикмадингларми?— деб сўрабди. Ҳасан билан Ҳусан кенжа ботирни тозаям мақташибди, олиб борган жойларининг таърифини келтиришибди. Янаги сафарга кетганингизда ҳам олиб борсинлар, деб ялинишибди. Катта ака рози бўлибди. Буларни шу ерда қолдириб, ака-укаларнинг ота-оналаридан эшитинг. Ота-она кенжа ўғил ғамлаб берган озиқ-овқатни тежаб-тергаб еб, булар ҳам ўзларига тўқ бўлиб кетишибди. Фақат ўғилларини соғинишармиш-да «келиб қолишар», деб худодан сўраб ёлворишармиш. Кундан кун ўтибди, ойдан ой ўтибди.

Энди гапни ўртанча акадан эшитинг. У иккала маймунга: «Салом ота, келинг, чой ичасизми, чарчадингизми, онам қалайлар? Бирпас ўйнаб келсам майлими?»— деган сўзларни шунчалик ўргатибдики, маймунлар уларни болалардан қолишмай айтадиган бўлишибди. Бу орада қиш чиқиб, баҳор келибди. Катта ака савдога кетадиган бўлибди. Кетиши олдида кичик укага қараб:

— Ҳой, хизматкор, Ҳасан-Ҳусанга эҳтиёт бўл! Тикон кирмасин. Тикон кирса сенга ханжар санчама,— деб тоза тайинлабди. Катта ака савдога кетгач, Ҳасан-Ҳусан, ўтган йилги жойга олиб чиқинг, деб қолишибди.

Кенжа ука уларни ўртанча аканикига олиб борибди. Ўртанча ака уларни кўриб:

— Қишлоқ четига қовун экканман, сизларни ўша жойга элтиб қўяман. Маза қилиб ариқда чўмилиб, кунда думалаб, қовунга тўйиб дам оласизлар,— дебди. Болалар хурсанд бўлиб, жўнаб кетишибди. Ўртанча ака уларни белгиланган жойга қўйиб, уйига қайтибди-да, маймунларни укасига кўрсатибди. Маймунлар кенжа ботирни кўриб, чопқиллаб олдига келиб:

— Келинг, ота, дам олинг, чой ичинг, чарчадингизми? Дам олинг, биз бирпас кўчага чиқиб, ўйнаб келсак майлими?— дейишиб, думларини диконглатиб, унга қараб тураверишибди. Кенжа ука:

— Боплабсиз, ака. Худди ўзим айтгандай бўлибди,— дебди-да, мийиғида кулиб қўйибди. Кейин Ҳасан-Ҳусанни ҳам, иккала маймунни ҳам қишлоқда қолдириб, ўзи шаҳарга қайтибди-да, катта акасининг савдодан келишини пойлабди. Кундан кун ўтиб, катта ака савдодан қайтибди. Ҳамма унга пешвоз чиқибди-ю, фақат болалари кўринмабди. Ҳасан-Ҳусанлар қани, нега олдимга саломга келишмади. Ё шунча юрсам ҳам мени соғинишмадими?— дебди у. Шунда кенжа ботир: «Тақсирим, ўғилларингиз соғинишган, жуда сизни кўргилари келишяпти-ю, сиздан уялишяпти», дебди. «Қани улар, нега уялишади», деб сўрабди бой. Шунда кенжа бола бўлган воқеаларни бирма-бир айтиб берибди:

— Аввалгига ўхшаб, бу гал ҳам савдога кетиш олдидан мени чақириб, Ҳасан-Ҳусанга қараб тур, қаерга борамиз дейишса, олиб бор, деган эдингиз. Уларни ўзлари ҳам, ота, сиз йўқлигингизда бизни хизматкор ўтган йилги жойга олиб борсин, дейишганда рози бўлиб, аммо эҳтиёт бўлинглар, деган эдингиз. Деган эдингизми?— деб тасдиқлатиб олибди.

— Ҳа, деган эдим, гапни чўзмай тезроқ айтсангизчи,— дебди катта ака тоқати-тоқ бўлиб. Кенжа ука шовилмасдан гапни давом эттирибди.

— Сиз кетгандан кейин юрагим бир нималарни сезиб, уларни аввал олиб борган жойимга олиб бормайман, десам ҳам уларнинг икковлари оёқларини тираб, олиб борасиз-олиб борасиз, деб туриб олишди. Ҳеч бўлмагач, олиб бордим. Олдинига яхши эдилар-у, кейин...

— Кейин нима бўлди, оқиб кетдимми ё от тепиб ўлдирдимми?— шоша-пиша сўрабди катта ака.

— Йўқ, сувда оқишмади, от тепкисидан ўлишмади, лекин...

— Лекин-пекинингга бало борми, айтсанг-чи, тезроқ! Нима бўлди болаларимга? Вой, Ҳасанбойим, Вой, Ҳусанбойим!..— деб катта ака йиғи сола бошлабди. Кенжа ботир ҳам йиғлабди, саройдагилар ҳам уввос тортиб йиғлай бошлашибди. Кейин катта ака:

— Айт, нима бўлди, ахир?— дебди. Кенжа ука:

— Айтсам, ўлдирмайсизми, осмайсизми, зиндонга ташламайсизми?— дебди, катта ака:

— Айта қол, ҳеч нима қилмай гуноҳингдан ўтаман,— дебди. Аммо дилида, болаларимга бир нима қилган бўлса, терингни шилиб, сомон тикаман, деб қўйибди. Кенжа ука:

— Айтсам, айтақолай. Уша сиз кетганда Ҳасан-Ҳусан қўйишмагач, эргаштириб олдин олиб борган жойга олиб бордим. Олдинига маза қилишди. Кейин, кейин икковлари ҳам бир кечада чиройли, келишган, одам гапини тушунадиган, ўзлари ҳам яхшигина гаплашадиган махлуқ — маймунга айланиб қолишди!

Кенжа ботир гапини тугатмасдан катта ака: «Вой, болам! Вой, маймунларим?»— деганича ҳушидан кетибди. Кейин ўзига келгач, ғазаб билан:

— Кейин нима бўлди, ҳозир ҳам маймунлигича туришибдими ё асл ҳолларига келишдимми?— деб сўрабди.

— Ҳа,— жавоб берибди кенжа ўғил,— ўғилларингиз маймунлиқларича қолишди.

— Войдод, одамхўрлар, болаларимни ебсанлар,— деб катта ака кичик укасини ура кетибди. Кейин:— Зиндонга ташланглар, ўша жойда чириб, ўлиб кетсин!— деб буюрибди. Ўзи отига миниб, болаларини ахтариб кетибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Уртанча укаси яшайдиган қишлоққа етиб борибди, бойникига тушибди. Гапни ўртанча акадан эшитинг.

У Ҳасан-Ҳусан маймунларга гап ўргатиб, ўз иши билан банд бўлиб юрган экан, «Қишлоққа бир бой ўғилларини ахтариб келибди», деган гапни эшитиб қолибди. Нима қилишини билмай, «кенжа укам келмапти-ку?»— деб укасини кутибди. Кенжа укадан гапни эшитинг. У зиндонда икки-уч кун ётибди: «Катта акам қишлоққа етиб боргандир,— дебди-да, қўйнидаги ойнани олиб, унинг юзини силабди-да: «Менга ўртанча акамни кўрсат», дебди. Ойнада акасининг қишлоғи кўринибди. Уртанча ака уёқ-буёққа қараб, безовталаниб турган эмиш.

Иккита маймун ирғишлаб, сакраб, чопқиллаб юришганмиш. Бошқа бир жой — бойникида катта акаси ўтирган эмиш. «Бормасам бўлмайди», деб кенжа ўғил тошларни қўлига олиб, уларни бир-бирига ишқаб: «Ё олху, лов-лув, лов-лув», дебди. Олов-дев пайдо бўлиб: «Хизмат», дебди. «Мени акамникига олиб бориб қўй», дебди кенжа бола. Дев бирпасда уни қишлоққа олиб бориб қўйибди. Ўртанча акаси хурсанд бўлиб кетибди.

— Катта акамиз келган. Қишлоқ бойникида зиёфат қилиб ўтирибди,— дебди.

— Ит-итни қоронғида топади-да, ака,— дебди кенжа ўғил. Шу пайт бойни етаклаб катта ака кириб келибди. Маймунлар уларнинг олдига боришиб:

— Дада, келинг, чой ичасизми? Чарчадингизми?— деб ўртанча ака ўргатган гапларни айтаверишибди. Катта ака дод солибди, вой боламлабди. Маймунларни қучоқлаб искабди, ўлибди. Кейин ўртанча укасига ёпиша кетибди. «Чопиб ташлайман», деб қўрқитмоқчи бўлибди. Шу пайт кенжа ука бекинган жойидан чиқиб келибди. Кийим-бошини, афт-ангорини ўзгартириб олганидан катта ака ўзининг хизматкори эканлигини билмай қолибди.

— Нима гап?— дебди чол бобо либосидаги кенжа ука. Шунда катта ака:

— Манави ноинсоф икки ўғлимни маймунга айлантириб қўйибди,— дебди. Ўртанча ака:

— Худодан бўлибми, бандасидан бўлибми, бу кишининг икки ўғли бир кечада маймунга айланиб қолса бўладими?— дебди.

— Ёлғон, туппа-тузук одам ҳам бир кечада маймунга айланиб қоларканми? Бу ёлғон гап,— дебди катта ака.

— Ҳақиқий олтин бир кечада сохтага айланиб қолганда, одамнинг маймунга айланиши ҳам ҳеч гап эмас,— деб кенжа ботир ўзини танитибди. Кейин, ҳозир, деб Ҳасан-Ҳусанни олиб келибди-да, оталарига рўпара қилибди. Катта ака қилмишларига иқрор бўлиб, укаларидан кечирим сўрабди. Кейин қишлоққа кўчиб келиб, ота-онасини ҳам кўчириб келиб, ака-укалари билан тинч яшаб, мурод-мақсадига етибди.

«Яхши етди муродга, ёмон қолди уятга», деб мана шуни айтадилар.

## ПОЭТИК ОРЗУЛАР ОЛАМИ

Фантазия ва дунёни илмий ўрганиш тушунчалари ҳамиша ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган ва бири биридан озиқланган. Сўнгги юз йиллик фаннинг гуркираб ривож топиши билан характерланса, унинг бадий адабиётдаги акси бўлмиш илмий фантастика жанрининг ривожига ҳам тахминан ана шу даврга тўғри келади. «Фан» деган тушунча ҳали дунёга келмасиданоқ амалда мумкин бўлмаган нарсалар ҳақида поэтик орзу мавжуд эди. Инсоният тараққиётининг дастлабки босқичларидаёқ одамзод фантазия қилишни, яъни ҳали қўлга киритилмаган, лекин ўзлари истаган нарсаларни тасаввурларида жонлантиришни билган. Башарият маданияти тараққиётида фантазия бениҳоя катта роль ўйнаган.

Фантазия даставвал халқ мифлари, фольклор асарлари, диний матнлар, алхимикларнинг илмий ишлари, магик суратларда ўз аксини топган бўлса, ўн тўққизинчи асрга келиб, у бадий адабиётда фан билан чоғишиб, янги жанр — илмий фантастикани бунёдга келтирган. Мазкур адабиёт жанри эса, ўз ўқувчисини эртактларнинг илмий ва техник нуқтаи-назардан асосланган янги оламига олиб кирди. Бу турдаги асарларга уларнинг муаллифлари фантастик элементлар олиб киришар экан, уларни илмий асосда шундай устомонлик билан талқин қилишганки, оқибатда ҳикоянинг чинданам ҳаётий эканлигига ўқувчида заррача шубҳа уйғонмаган.

Булардан шундай хулоса келиб чиқадики, фантазия — ғоятда универсал хусусиятларга эга тушунча. У аксарият ҳолларда фанни озиқлантирувчи манба сифатида хизмат қилса, айни пайтда, баъзан ўзи фандан озуқа олиб, аниқ фанлардагина эмас, балки инсон маъ-

навий маданиятининг турли соҳаларида ҳам янги йўналишларни юзага келтира олиши мумкин.

Фантазияни ўзига асосий қурол қилиб олган фольклор жанрларидан бири сеҳрли-фантастик эртаклардир. Ҳозирги кунда биз, фан-техника тараққиёти маҳсули бўлмиш жуда кўп кашфиётлар қадим замонлардаёқ халқимиз томонидан, гарчанд примитив шаклда бўлса ҳам башорат қилинганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Фикримизни исботлаш учун қуйидаги айрим мисолларга мурожаат қилайлик.

«Сирли ойнак» эртагидаги ойнакча бамисоли замонавий электрон ҳисоблаш машинасидай бир гап. У дунёнинг истаган томонидан ахборот етказиб бериши ва ҳатто эгасининг ҳар қандай хоҳишини бажо келтириши мумкин. Ҳозирги лазер нурларини олсак, уларни эртаклардаги аждарҳонинг кўзларидан чиқадиган ва ҳамма нарсани тошга айлантирувчи нурга ёки париларнинг олов-қиличларига таққосласа бўлади. Афсона ва достонлардаги ҳам ерда юра олувчи, ҳам осмонда учувчи отлар ёки ёғочдан ясалган одамлар («Тараша ойм» эртаги) замонавий-илмий фантастик асарлардаги роботлар, шунингдек, биологик одамлар — андрондларни беихтиёр ёдга солади. Қадимги мифлар, фольклор асарларида олам — Ер, Қуёш, Ой ва юлдузлардангина иборат, деган тасаввур илгари сурилган. Фан олам миллионлаб юлдуз буржлари, галактика ва метагалактикалардан иборатлигини аллақачон исбот этди. Илмий фантастика эса, фандан ҳам илгарилаб, олам фақат буларнигина эмас, балки аксоламларни ҳам ўз ичига олади, деган гипотезани олға сурди. Бу ўз навбатида астрофизик олимларнинг аксоламлар мавжудлиги юзасидан тадқиқотлар ўтказиб, жиддий ҳисоб-китоб ишларини бошлаб юборишларига туртки берди. Баъзан бунинг акси ҳам бўлиши, яъни илмий-фантастик адабиёт замонавий фандан озуқа олиб, кишилик жамияти келажагининг айрим аспектларини бадий тадқиқ этиши мумкин.

Самолёт, кино, телевидение, автомобиль, фотография, комбайн, пароход, сувости кемаси, телефон ва ҳоказоларнинг қадимий эртақ ва афсоналарда «прототиплари» бўлган, мазкур фан-техника тараққиёти маҳсулотларининг ҳар бирини одамлар бир вақтлар, амалга ошмайдиган хомхаёл нарсалар, деб ҳисоблаганлар.



Шу тариқа айтиш мумкинки, фантазия маҳсули бўлиши турли фантастик ғояларнинг аксарияти дастлаб примитив шаклларда мифлар, эртақ ва афсоналар заминида туғилган, уларнинг кўпчилиги кейинроқ бадиий фантастикага ўтиб, сўнгра олим ва инженерларнинг фикрини банд қилган, пировард натижада ҳаётга жорий этилган.

Космосни ўзлаштириш соҳасининг пионери Константин Эдуардович Циолковский: «Аввал сўзсиз фикр, фантазия, эртақ йўлга чиқади. Уларнинг ортидан аниқ ҳисоб-китоб эргашиб, ниҳоят, фикрни ижро яқунлайди», деб ёзганида, айти шу мулоҳазани назарда тутган эди.

Ўтмишда яшаб ўтган оддий халқ учун табиатнинг шафқатсиз унсурлари муҳитида ҳаёт кечириш оғир эди. Бу қийинчиликни қулдорлик ва феодал жамиятларига хос қусурлар ва номукамалликлар бешбаттар ёмонлаштирар эди. Шунинг учун ўтмиш аجدодларимизнинг кўпгина донишманд вакиллари ўша даврлардаёқ фантазия қилишга мажбур бўлишган. Яъни фантазия ёрдамида одамхўр девлар, сеҳргар ялмоғиз кампирлар, бир симиришда дарёларни сипқорувчи баҳайбат аждарҳоларга қарши курашишган. Фантазия ёрдамида ақл бовар қилмас турли-туман хавф-хатарларни бартараф этишган. Бунда аксарият ҳолларда магик, яъни сеҳрли сўз, исми аъзам муҳим роль ўйнаган. Сеҳрли сўз ғазабга кирган подшони қаҳрдан тушириши, ёмон ниятли парини шаштидан қайтариши, дев ёки ялмоғизни ёмонликдан тийиб, яхшилик йўлига бошлаши мумкин. Сеҳрли сўз хавф-хатарни қайтарибгина қолмай, далада ҳосил мўл бўлишига, овда ов бароридан келишига ва одамларнинг турли ҳасталикларни енгишларига омил яратган.

Шунинг учун ҳам халқимиз орасида қадим-қадимлардан сеҳрли сўз усталари, яъни эртақчи, дoston куйловчи бахши ва қўшиқчилар иззат-икромда бўлишган, давраларда эъозланган. Булар эртақчи, бахши ёки қўшиқчининг шахсиятларига эмас, балки улар эгаллаган ажиб санъатга, уларнинг сеҳрли сўзи ва фантазиясига нисбатан бўлган иззат-икромнинг тимсоли эди, албатта. Эртақчи ва бахшилар сўзининг эъозланишига сабаб уларнинг фантазиялари асосида гуманистик лейтмотивлар ётишидadir. Чинданам, ҳар бир сеҳрли-фантастик эртақда қаҳрамон фақат эзгу мақсад йўлида

олис ва хатарли сафарга отланади. У ўзининг сеҳрли тел-  
пак, сеҳрли ҳасса, калтак, гаврон, ойнаи жаҳоннома,  
сирли пичоқ, ёқут кўзли узук каби фантастик топилма-  
ларини ақсарият ҳолларда эзгу мақсад йўлида ишла-  
тади. Умуман эртақлардаги фантазия маҳсули бўлмиш  
ҳар қандай фантастик мотив ва элемент эзгу кучларнинг  
ёвуз кучлар устидан тантана қилиши йўлида хизмат  
этади. Баъзан юқорида санаб ўтилган фантастик дас-  
турлар вақтинча ёвузлик йўлида ҳам ишлатилиши мум-  
кин. Лекин фақат вақтинча! Пировардида у бари бир  
чин инсонга хос гуманистик мақсадлар ва олий идеал-  
ларнинг кўмакдоши ва ҳамроҳига айланади.

Ҳозирги кунда олимлар яратган фантастик кўламда-  
ги катта-кичик илмий кашфиётларга ана шу нуқтаи-  
назардан қарайдиган бўлсак, уларнинг ҳам худди эртақ-  
лардагидай икки мақсад, яъни эзгулик ва ёвузлик  
йўлида ишлатилаётганининг гувоҳи бўламиз. Бу ерда  
миш тарихида атом энергиясидан тинчлик ёки уруш  
мақсадларида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб  
ўтиш ўринли бўларди. Ёки космосдан фойдаланиш  
муаммосини олайлик. Совет халқи, бизнинг ҳукуратимиз  
космосдан тинч мақсадларда фойдаланиш, коинотни  
янада чуқурроқ билиш ва ўрганиш мақсадида ўзлашти-  
риш тарафдори. Фарбдаги баъзи бир миллиардер кор-  
чалонлар эса, космосдан ўзларининг дунёга мутлоқ  
ҳукмдор бўлишдек чиркин ва алмисоқдан қолган «орзу-  
лар»и йўлида фойдаланишмоқчи, фазони «самовий  
урушлар»дек даҳшатли ва ғайринисоний режалар амал-  
га ошириладиган полигонга айлантиришмоқчи. Бу —  
албатта, хомхаёл. Гап шундаки, инсоннинг ҳаётга жор-  
рий этилган ноёб фантазиясидан ёвуз мақсадларда  
фойдаланишга сайёрамиздаги барча тинчликсевар ва  
эзгу ниятли кишилар ҳеч қачон йўл қўймайдилар. Худ-  
ди эртақларда бўлгани каби ҳозирги шароитда ҳам  
яхшилик ва эзгулик қабоҳат ва зулумот устидан ғала-  
ба қозонаверади.

Кенгроқ маънода айтганда, миф ҳам, фантастика  
ҳам, сеҳрли эртақ ҳам ижодий ва яратувчан бадний  
фикр тимсоли сифатида одамзоднинг табиат устидан  
ҳукмронлик ўрнатишига бўлган асрий интилишларини  
акс эттиради. Кўп сонли китобхонлар оммасини табиат-  
нинг янгидан-янги сир-асрорлари ҳақида мушоҳада юри-

тиб, уларнинг тагига етишга, ўз билим ҳазиналарини янада бойитишга ундайди.

Биобарин қўлингиздаги «Ўзбек халқ фантастикаси» сериясидаги сеҳрли эртаклардан иборат навбатдаги тўп-ламимиз ҳам худди ана шу муҳим маънавий вазифани бажаришга хизмат қилади, деб умид қиламиз.

**Малик МУРОДОВ, Ҳожиакбар ШАЙХОВ.**

## МУНДАРИЖА\*

ГУЛБОЙ	5
ОЙЖАМОЛ	24
ХУМЧАДАГИ ДЕВ	46
ТАРАША ОЙИМ	59
«ЕР ҚАТТИҚ, ОСМОН ЙИРОҚ»	75
ДЕВ-КАМПИР	92
ҚУРБАҚА ПОЛВОН	114
ДОНО ХИДОЯТ	122
СИРЛИ ОЙНАК	137
ПОЭТИК ОРЗУЛАР ОЛАМИ	151

---

\* Тўпلامдаги айрим эртакларни ёзиб олишда Ҳаким Бозоров иштирок этган.

**Е 44** **Енар дарё:** Сехрли эртақлар. 4-китоб. (Редкол.: М.Қўшжонов ва бошқ.; Ёзиб олувчи: М. Муродов).— Т. «Ёш гвардия», 1986.—160 б.—(Ўзбек халқ фантастикаси).

«Енар дарё»—«Ўзбек халқ фантастикаси» сериясида чоп этилаётган эртақлар тўпламининг тўртинчиси. Аввалги мажмуаларда бўлганиден, бу китобга кирган эртақларда ҳам халқнинг өзгулик, адолат ҳақидаги минг йиллик орзу-армонлари, жаҳолат ва зукнолик, меҳнатсеварлик ва ялқовлик қиёсидан ҳаётий хулосалари ўзифодасини топган.

**Пылающая река. Узбекские народные сказки.**

**82.39з**

На узбекском языке

**ПЫЛАЮЩАЯ РЕКА**

Узбекские народные фантастические сказки (IV книга)

Ташкент, издательство «Еш гвардия», 1986 г.

Редактор **М. Раҳмонов**

Рассом **А. Фуломов**

Расмлар редактори **Р. Зуфаров**

Техн. редактор **У. Ким**

Корректорлар: **М. Набиева, Ш. Валиева**

ИБ № 1896.

Босмахонага берилди 24.02.86. Босишга рухсат этилди 9.06.86,  
P—14612. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. № 3 босма қоғозга «Литературная»  
гарнитурда юқори босма усулида босилди. Шартли босма листи  
8,4. Шартли кр.-отт. 8,82. Нашр листи 8,51. Тиражи 75000. Буюртма  
№ 3269. Баҳоси 80 т. Шартнома № 157—85.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти,  
Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил  
Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент, Ленин кўчаси, 41,

**«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ  
КИТОБЛАРНИ БОСМАДАН ЧИҚАРДИ:**

**Хемингуэй Э.  
ЧОЛ ВА ДЕНГИЗ.  
Қисса ва ҳикоялар.**

**Кун Н.  
ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОН АФСОНА ВА МИФЛАРИ.  
(Рус тилида).**

**Иванов А.  
АДОВАТ.  
Қисса.**

**Тоғаев О.  
ПРОМЕТЕЙ ОЛОВИ.  
Мақолалар.**

**Саидов А.  
ХОНЧОРБОҒЛИКЛАР.  
Қисса ва ҳикоялар.**

## МУҲТАРАМ КИТОБХОНЛАР!

*«Ўзбек халқ фантастикаси» сериясида  
чоп этилаётган китобларимиз сизга ман-  
зур бўляптими? Халқ оғзаки ижоди на-  
муналарини нашр этишни яхши йўлга  
қўйиш, бадиий безаклари сифатини оши-  
риш учун яна нималар қилмоқ керак?*

*Таклиф-истакларингизни қуйидаги ад-  
дресга ёзиб юборинг:*

*Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30.  
«Еш гвардия» нашриёти,*